


84/5коз

Л-99

Сабит Дүсапов

ҚАШКИР

УЛИГАН ТУН



Kitob shu yerda ko‘rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

УЎК 821.512.122-3

КБК 84(5Каз)

Д 99

Тўплаб, нашрга тайёрловчи
Мирпўлат Мирзо

Собит Оймухон ўғли Дўсанов (1940) – ҳозирги замон козок адабиётининг таникли намояндаси, адиб ва публицист, шоир ва драматург, атоқли жамоат арбоби, Қозогистон Республикаси Давлат мукофоти ва М.Шолохов номидаги Халкаро мукофот совиндори, Россия педагогика ва ижтимоий фанлар академиясининг академиги.

Собит Дўсановнинг «Йигирманчи аср» роман-эпопеяси, «Тоғ йўли», «Иккинчи хаёт» романлари, «Арвона» лиро-эпик киссаси аллакачон жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима килиниб, адиб номини чет залларга машҳур килган. Собит Дўсанов ўзбек ўқувчиларига илгаридан яхши таниш, ёзувчининг «Арвона», «Дилдаги оҳим менинг», «Ёвшан иси» каби кисса ва хикоялари ўзбек китобхонларининг кўнгил мулкига айланган.

ISBN 978-9943-28-762-4

© Собит Дўсанов, 2017

© «O'zbekiston» НМИУ, 2017

ЗАБАРДАСТ АДИБ

Қардош қозоқ халқи адабиёти, айникса, прозаси XX асрда мисли күрилмаган бадиият чўққиларини забт этди. Мен бу ерда Бейимбет Майлин, Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов, Ғабиден Мустафин, Анвар Олимжонов, Абдужамил Нурпейсов, Ўролхон Бўкеев сингари ўнлаб атоқли номларни келтириб, фикримни далиллашим мумкин. Қувонарлиси шундаки, бу адабиёт кейинги 20–30 йил давомида янада янги-янги номлар билан бойиб, кудратли истеъдодларни намоён қилиб келди. Қозоқ адабиётини сўнгги йилларда олам аро танитиб келаётган забардаст адиблардан бири – Собит Дўсановдир.

Собит Дўсанов олтмишинчи йиллар ўрталаридан бошлаб қозоқ матбуоти саҳифаларида мақола ва очерклари, ҳикоя ва қиссалари билан кўрина бошлади. Айникса, ёш адаб ўзининг ilk асари «Арвона» («Она тую») қиссаси биланоқ адабий жамоатчилик назарига тушди. Мазкур асарга қозоқ адабиётининг атоқли вакили, машҳур адаб Собит Муқонов жуда катта баҳо берди ва ёш адабнинг келажагига ёрқин ишонч билдириди. Ўшандан буён ўтган ўттиз-қирқ йил ичida Собит Дўсанов эълон килган романлари, қисса ва драмалари, публицистик асарлари билан устозлар билдириган ишончни тўла маънода оклади. Бугунги кунда Собит Дўсанов – қардош ва жаҳон халқлари тил-

ларига энг кўп таржима қилинаётган адиблардан бири. Колаверса, Собит қозок ва Марказий Осиё халқлари адабиётини чет элларда кенг тарғиб килиб келаётган йирик жамоат арбоби, илм-фан фидойиси ҳамдир.

Унинг «Тоғ йўли», «Иккинчи ҳаёт» романлари, «Йигирманчи аср» роман-эпопеясининг дастлабки икки китоби аллакачон рус тили орқали кўплаб тилларга таржима қилиниб, адиб номини чет элларга машҳур қилди.

Айнан мана шундай кенг қамровли, халқлар тақдири билан чамбарчас боғланиб кетган насрый асарлари Собит Дўсановни бугунги замонамизнинг забардаст адиблари қаторига олиб чиқди. Халқлар тақдири, мамлакат келажаги, келгусидағи турмуш ҳакида безовта ўйлар Собит Дўсанов насрига, публицистикасига, драма ва шеърларига кувват бағишлиб турган мангут мавзудир. Шунга кўра, унинг қаламига мансуб бўлган ҳар бир асарда – шеърми, ҳикоя ё драмами, кисса ёки романми – албатта, давлат тақдири, халқлар келажаги, инсониятнинг яшаб колиши билан боғлик бўлган муаммолар ўртага кўйилади, эртага нима бўлиши, халқаро ҳаётнинг энг долзарб масалалари, инсон маънавияти ҳакида бонг уриб битилган сатрлар адиб қаламининг, истеъдодининг инсоний кирраларини аниқ-оидин намоён қилиб туради.

*Одил Ёқубов,
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi.*

АРВОНА

Насрий достон

|

Мана бир ҳафтадирки, арвона¹ олис сафарни кўзлайди. Машъум тақдир уни бу ғаним юртига ўлжа килиб олиб келганига ҳам оз эмас, кўп эмас, етмиш кун бўлиб қолди. Шундан бери унга бир сеҳрли куч тинчлик бермайди: кўнгли олисда қолган она юртини қўмсайди, қандайдир бир илохий оҳанрабо уни ўша томонларга бетиним ундейди. Ўша машъум айрилиқдан бери унинг кўзлари қорачиғида киндик кони тўкилган юрт осмонининг парку булутлари акс этади. Ўзи туғилган юртнинг кўм-кўк кўлларию яшил ўт-ўланлари кўз олдидан нари кетмайди. Олабута билан янтокнинг, ёвшан билан изен²нинг хушбўй иси ҳамон димоғида. Шуларнинг барини соғинади, беихтиёр кўзларига ёш келади. «Эй Тангirim, кўм-кўк яйловларингда bemalol ўтлаб юрган кезларимда, текисликларингда эмин-эркин чопиб юрган пайтларимда нима учун қадрингни билмаган эканман-а?!» – деган каби сўзлар ётса ҳам, турса ҳам унинг ушалмас армонига айланган.

Тўғри, ёт элларда юрса-да, ахволи унчалик ёмон эмас. Жони тинч, егулик ўт-ўлан мўл. Лекин, барибир... Аслида қалмоқларнинг тужлари

¹ Она түя.

² Чўл гиёҳлари.

мўғулларнинг туялари билан қондош. Улар танаси юмур, юриши чаккон, жунлари ўsicк бўлгани билан, қозоқи туяларга нисбатан кўримсизроқ, унчамунча оғир юк ортсангиз, ётағон келади. Бегона юрт туялари кони аралашмаган қозоқ туяларининг эса ўркачлари баландлиги нақд ярим газ, худди тоғ чўққиларидаи тик, гўштдор, манглайлари дўнг, яғринлари кенг, тумшуқлари худди кўчкорникига ўхшайди. Ҳам улкан, ҳам сутли, бунинг устига, жундор ҳам. Мушаклари бақувват, бели узун, чидамли.

Тунов куни қалмоқ хонининг чорвачилик соҳасида ўнг қўли хисобланмиш чукур кўз, қулоғи чинок, мушукмўйлов хос ходими –чуваккина кора чол арвонанинг яғринларини, елкасию почаларидаги чувалиб турганчувда¹ ларини силаб туриб, қозоқи туяларнинг бошка туялардан афзалликларини қарамогидаги хизматкорларига обдан тушунтирган. Ўшанда у қозоқ туяларини қалмоқ туялари билан чатишириб, ўзгача зотли түя олмоқчи эканини ҳам яширмаган эди. Шу гапдан сўнг арвона ўзига бўлган эътибор сабабини англағандай бўлди. Англади-ю, аммо бу эътибор унинг кўнглидаги ўксикни, ғам билан андуҳни бирпасга бўлса-да, нари суролмади. Рости, арвонанинг бу ерда эмин-эркин ялаши учун ҳамма шароит бор. Аммо, биргина нарса етмайди. Бу – ўзи туғилиб ўсган юртнинг мусаффо ҳавоси. Тўғри, ҳаво бу ерларда ҳам бор. Бирок ўзи туғилган юртнинг мусаффо ва ши-

¹ Ипга ўхшаб эшилиб колган юнглар.

рин ҳавосига нима етсин! Она юрт ҳавосида эркин нафас оласан, у тананғта қувват беради. Ўзга юрт ҳавоси нафасингни кисади, қандайdir юк устингдан босиб турғандай, қоронғи тунакда юргандай хис қиласан ўзингни.

Арвона тағин бир нарсаны эсидан чиқармайди. Бу – туғилган юртнинг тупроғи. Ўша тупроқда ўсган ўт-ўлангина totли. Унинг таъми ҳамон танглайидан кетмайди, борингки жисмидаги барча фазилат ҳам ўша сертаъм гиёхлардан. Шунинг учун ҳам у кўпдан бери ўша сертаъм ўтларга етаклаб борувчи йўлга интизор. Бу армон ўз юргига етмай ушалмаслигини у аник-тиник ҳис этади.

Арвона ўзи туғилиб ўсган юртнинг қайси томонда эканини яхши билади. Шунинг учун ҳам ўша томонга энтикиб, соғиниб, термилиб, алоҳида бир меҳр билан боқади.

У энди бундай энтикишу хўрси нишлардан, колаверса, кўз ёшлардан ҳеч қандай наф йўқлигини, ўзида қандайdir бир журъат топиш лозимлигини тушунди, бир йўлини килиб, бу ердан жуфтакни ростлашга жазм этди. Тўрт оёғи омон бўлса, зимзиё тун уни бағрига олса, Тангри таоло йўлини берса, жуфтакни ростлаши аник.

Бундай қарорга келгунча арвона шўрликнинг бўладигани бўлди. Хаёли ҳар ёкка чарх уриб, роса кийналди. Яхши ўйлаб кўрмабди, ҳали унинг олдида яна бир муаммо турган экан. Йў-ўқ, бу муаммо олис йўлнинг азоби эмас, бу – тақдирнинг мазоги эди. Тан-жони сихат бўлиб турса, бу йўл азоблари

унинг учун ҳеч гап эмас. Толикса ҳам, азоб чекса ҳам чидаб, жонажон юрт меҳрини қанот қилиб учар эди-я! Аттанг, мана бу қўш кўзлари мўлтираб турган мурғаккина бўталоғини қаёқка ташлаб кетади?! Ёв кўлида коладими? Қандай килиб ўз жигарпорасини кўзи кийиб ташлаб кетади?! Мабодо ташлаб кетгудай бўлса, эртага уни соғиниб, қўмсаб онаизорнинг жигари хун бўлмайдими? Бугун ўзини асирикдан озод килиб кетгани билан, эртага бўталоғига бўлган соғинч дарди унинг ичэтини емайдими?

Ўзининг боши бўш бўлгани билан, бўталоғининг бошида нўхтаси бор, улкан харига боғлоғлик. Уни бир амалаб бўшатишнинг чораси бормикан? Арvonанинг юрагида тош бўлиб турган ҳадиги – мана шу. Мана шу муаммо уни ипсиз боғлаб турар, армонига етолмас, оқимга қарши сузолмас эди. Олти кундирки, у шу азобда қийналарди. Олти йилга татигулик олти кун!..

Туғилган юрт оҳанрабоси, туғилган юрт муҳабати унинг ўксик юрак-бағрини худди оч бўридай таталарди. Мана, еттинчи куннинг укубатли тонги ҳам ёришди. Бўзариб ёришган осмон ҳам, чулдурчулдур сайраётган бўзтўргайларнинг навоси ҳам, худди янги келинчаклардай ясаниб, ястаниб ётган далаю дашт ҳам, шу дала-даштда барча сепини кўзкўз қилган табиат ҳам арвонанинг ўксик кўнглини ёзолмасди. Унинг кўнглида факат биргина армони бор. У ҳам бўлса, қандай килиб бўлса-да, иложини қилиб ўз жонажон юртига, ўз ота маконига стиб

олиш эди. Шу армонга етса, майли, ўлиб кетишига ҳам рози. Ана шунда кўнглидаги армони ушалади.

Арвона шу каби оғир хаёллар билан осмонга қаради. Қуёш қоқ тепага кўтарилибди. Шу сонияда унинг бошига йилт этиб бир фикр келди: бўтасини боғлаб турган нўхта илларини ўткир тишлари билан ғажиб, узиб ташласа-чи! Бу фикрдан унинг хаёли ёришиб кетди. Ғоз кўтарган бўйнини пастга эгди. Шу заҳоти кўзлари ғаним ютида туғилган бегуноҳ, маъсум бўталоғига тушди. Жигаргўшаси, хеч нарса билан иши йўқ, кўзлари мўлтираб, оғзига олган хашакни курт-курт чайнаб, хотиржам ётар эди. Унинг учун ёруг дунёнинг ҳамма жихати яхши, ҳамма нарса чиройли, ҳаммаси унинг учун дўст. Унинг ўй-хаёли ҳам гўдакона, ташвишию барча ҳаракати ҳам гўдакона эди. Бу бир-бири билан уришган, чопишган юрт – ғанимлар юти эканини, бу ерда ортиқча яшаб бўлмаслигини, ҳатто бу ерда ўлиб ҳам бўлмаслигини у билмас эди...

Арвонанинг дийдаси бўшаб кетди, бўтагинасини исказ, эркалаб, боши билан силаб-сийпала-ди. Бўталок бир нарсани сезгандай гандираклаб ўрнидан турди. Арвона бўталоғининг нўхтасини, нўхтага боғланган ипини тумшуғи билан туртиб кўрди. Сўнг ипнинг козикқа боғланган томонини оғзига олиб ғажий бошлади. Шунака ғажидики, гўё ғанимнинг бирор аъзоси оғзига тушиб қолгандай, бамисоли ҳамма ўчини шу аркондан олаётгандай ғажиди. Сўнг бўталоғини гавдаси билан итариб юборди. Аркон ҳалиги ғажилиб омонат бўлиб

қолган жойидан чирс этиб узилди. Кувонганидан тужа бечоранинг кўзларидан ёш тиркираб кетди. Сўнг орқа-олдига қарамай йўлга тушди. Олдинига нима бўлганини англамай қолган бўталоги, маъсумона бакирди-ю, онасининг кетидан эргашди...

Арвона ҳавони кўкраги билан кесиб, елиб борарди. Ҳозирча орқасидан қувиб келаётган от дупури эшитилмасди. Арвонанинг танасидан кўпдан бери тер чиқмаган эди. Энди ўша тер чиқди, ўзини енгил ҳис қилиб, обдан қизиб чопа бошлади. У овул орасидаги кафтдайгина майдончада ўзининг қай даражада илдам чопишини синаб кўролмасди, албатта. Эмин-эркин чопиш учун текис дала керак, дашт керак. Мана энди шу имконият туғилди. Чўзилиб чопасанми, ёзилиб чопасанми – ихтиёр ўзингда. Хоҳлаганингча чопавер! Мабодо чопа олмасанг, юлдуз бўлиб оқолмасанг, ўз уволинг ўзингта! Журъатинг бўлса, қанотинг бўлса, ер танобини тортиб кўр, олисингни яқин қилиб кўр. Арвона ўпкаси тошиб кетса ҳам ўзи ўсган юрт худудига етмай тўхтамасликка қасд қилиб, чунонам чопдики, асти кўяверасиз.

Бамисоли отилган ўқдек учиб келаётган арвона анчагина ортда қолган бўталогининг заифгина инграганини эшитиб, тўхтаб қолди. Бу унинг жигарпораси-ку, ахир. Орқасида бўталоги борлиги, у ўзига етолмай келаётганини эндиғина ҳис килди. Шунда ҳам у ортига қайрилишга, боласи сари бир-икки қадам ташлашга журъат қилмади, тўхтаб бўталогининг келишини кутди. Онасининг

кетидан чопа-чопа ўпкаси тошиб кетган шўрлик бўталоқ онасига етди-ю, ётиб олди, гўё бирор ножўя иш қилиб кўйган боладай онасига мўлтираб каради. Жикқа терга тушиб кетибди, жонивор. У зўрга нафас оларди. Кўз ёшларими, ё терлаганми, кўз корачигидан томчилар сизилиб окарди. Арвона жигарпорасига ачиндими, узун бўйини пастга эгиб, тумшуғи билан силаб-сийпаламоқчи бўлди, шу пайт орқадан от туёкларининг дупури эшитирди. Ҳа, бу ўша туючи чол. Жаҳл устида қамчисини ҳавода ўйнатиб, бақир-чақир қилиб чопиб келарди. Шум тақдир унга тағин бир тузок қўйганини сезса ҳам, арвона парво қилмади. Чўкиб, бўталоғига меҳр кўрсата бошлади. Қалмоқ чол буларга етди-ю, отининг жиловини тортди. У жаҳл устида бўлсада, бир-бирини ялаб-юлқаб ётган она-болани, хали гўдаккина бўталоқнинг сабийларча ширин килиқларини кўриб шаштидан тушди. Арвона-нинг оналиқ меҳрини, хали ўпкасини босолмасада, онасига талпиниб ётган бўталоқнинг ярашиқли эркаланишларини кўриб маҳлиё бўлиб қолди.

Бир маҳал арвона оғир кўзғалиб ўрнидан турди. Терлаб кетган пешанасини шабадага каратиб бироз турди-да, сўнг она юрти томонга яна бир бор кўз ташлади. Кўз ташлади-ю, қандайдир бир мунгли товушда бўзлаб юборди. Унга бўталоғининг нозик зори жўр бўлди. Она-боланинг ўз юртини қўмсаб килаётган нолаларини эшитиб, қалмоқ чолнинг ҳам дийдаси бўшаб кетди. Бу ёруғ дунёда олтмиш йил яшаб, қирқ йил мол бокиб, тую жониворнинг

шунчалик эсли, шунчалик фаҳмли бўлишини энди англади. Чол уларни беаёв жазоламокчи эди. Энди бу фикридан қайтди, уларга юрак-юрагидан ачинди... Ҳатто, бу бечораларни озод қилишга ҳам рози эди. Бироқ унинг калласига бу хаёл қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тез кетди. Кўз олдига хоннинг қаҳри каттиқ хос хизматкори келди-ю, туя билан бўталоқ шўрликни беаёв савалаб, бақиртириб олдига солиб ҳайдаб кетди. Туяни тополмадим, деб қайтиб борса, ўша баджаҳл хос хизматкор унинг танасидан тасма тилиши, учига қўроғшин тугиб ўралган қамчиси билан оркасини тилим-тилим килиб савалаши аник... «Йў-ўқ, бунака азобдан Худонинг ўзи асрасин. Бусиз ҳам умрнинг менга атаган жабру жафолари тўлиб-тошиб ётибди!

Арвона овлуга эмас – азобга, азобагина эмас – дўзахга келаётгандай эди. У ҳозир ҳайдовда, ҳайдовдагина эмас, бойловда келарди. Бошида нўхта бўлмаса-да, хаёлида нўхта бор эди. Ташлаган қадами унмасди, ғаним юргига бир қадам ҳам ташлагиси йўқ. Бироқ... «Начора?! Вой бевафо дунё-я! Вой менинг ўз она юртимда ўйноклаб юрган давру давронларим-а! Тағин қайтиб келасанми, йўқми! Ё у кунлар бир умр орзу бўлиб колдими? Мен шўрлик эндики умримни ўкинч билан, ғам-андух билан ўтказаманми? Эй бевафо дунё, нега менинг дарду ҳасратларимга кулок осмайсан! Ҳой, одамлар! Аклу фаросатларингдан айланайин, одамлар! Виждонларинг олдида иккি-

ланмай жавоб беринглар! Нега урушлар бўлади? Нега ўтовларимизнинг чанғароклари чайқалиб, керагаю увуклари шарт-шурт синади? Нима учун бир-бирларинг билан ёвлашасизлар? Аямай қон тўкасизлар. Кимга керак бу жангут жадал! Нега бир-бирларингни ота макондан айирасизлар?! Туғилган ердан айро тушиш баҳтдан айро тушиш эмасми? Бусиз ҳам мана бу ёлғон дунёда ғам билан қайғу-ҳасрат тўлиб-тошиб ётибди-ку!»

Бечора арвонада забон йўқ-да. Агар унда тил-забон бўлганида, ўзи акли, фаросатли жонзот деб тушунадиган одамзодга мана шундай саволлар билан мурожаат қилган бўлар эди.

Арвонанинг эсига хўв бир гал кечқурун бўтасини ташлаб далага чиққани тушди. Ўшанда у ўз она юрти томонга қараб узок туриб қолган эди. Бир кетгиси келдики, бир кетгиси келдики, аммо боғлик турган бўталоғини ташлаб қаёкка ҳам борарди, жигаргўшасининг олдига қайтиб келди. «Бу гал ҳам ипсиз боғланиб қолдим. Сени чиркиратиб қаёкка ҳам борардим, болагинам. Бу ёт жойлардаги ёлғиз юпанчим ҳам, баҳтим ҳам сенсан-ку, ахир, юмшоққинам...»

У хозир қайғу булутининг ёпирилиб келганини ҳис этди. Ҳис этди-ю, барибир, бир кунмас бир кун тушовини улоқтириб ташлаб, ўша ота маконига, мовий осмонли серкуёш маконга, озодлик ўлкасига кетишини кўнглига туғиб қўйди...

||

Арвона сўнгти кунларда бирдан ўзгариб қолди. Илгариги юмшоқликдан, меҳрибонликдан асар ҳам йўқ, юрак-бағри тошга айланиб, дунёдаги барча ишларга бепарво қарайдиган бўлиб қолганди.

Бунинг ҳам ўзича сабаблари бор эди, албатта. Ҳов анови куни бўталоғининг оёғига қарайман деб, ёв қўлига тушиб қолгани арвона учун қаттиқ зарба бўлган эди. Ўша оғир зарбадан кейин энди ўзига кела бошлаганда, шум тақдир унга тағин бир мусибатни раво кўрди. Туячи чол она-болани қайтариб олиб келганидан ўн кун чамаси ўтгач, шўрлик арвона суюкли жигаргўшасидан айрилди. Қалмоқ хони уни қўшни овуллик жиянига тортиқ килиб юборди. Жияни деяётганимиз – ўн бир-ўн икки ёшлар чамасидаги мўғулбашара, беўхшов, ўнг қовоғида чандиги бор, тентакрок бола эди. Бўталоқ қўлига текканидан бошлаб у бор ҳунарини кўрсата бошлади: бир чўктиради, бир турғазади, хушига келмаса боши, кўзи демай камчи билан савалайди. Хуллас, бечора бўталоқни жудаям қийнаб ташлади.

Бу ёв боласининг бўталоқка кўрсатган азобими, мазоғими, арвона буни билмайди. Аммо тентак боланинг бўталоғига нисбатан қилаётган қиликларини, адолатсизликларини кўриб қаттиқ кийналди. Кўзларидан ёш окиб, теварак-атрофифда ўтирган одамларга қараб нажот кутди. «Ҳой, меҳрибон одамлар! Манави боланинг қилаёттан

қилиқларини кўрмаяпсизларми? Ажратсаларинг-чи уларни! Буadolатсизлик-ку. Нега қараб туриб-сизлар! Сизларнинг ҳам ёш болаларинг бор-ку, ахир!» – дегандай бўларди унинг ёш тўла кўзлари. Бироқ қимиз ичиб қизиб олиб, қисир ҳангомага тушиб кетган одамлар бу ҳолга парво ҳам қилиш-масди. «Аттанг, улар кўрмаяптилар-да!..» – деб овутарди арвона шўрлик ўзини. Шу орада тентак бола ўзининг навбатдаги совук қилғилигидан завқланиб, қах-қах отиб кулди. Тепаликда ўтирган бояги одамлар бола томонга ялт этиб қарашди. «Кўришди. Энди азобдан кутулди, бўтагинам!» – деб ўйлади арвона. Қаёқда, улар тентак болани тийиб кўйиш у ёқда турсин, қайтага уни рағбатлантиришди. «Бу қанақаси! Дунёдаadolат, диёнат деган нарсалар қолмаганми ўзи? Шу сизларга лойикми, хой одамлар! Биз сизларни дунёдаги энг ақлли жонзот, деб юрибмиз-ку, ахир. Бу нима қилганларинг!» – деб нола қиларди унинг дардга тўла юраги.

Бўталоқ кўзларидан ёш окиб, бўзлаб турган онасини кўрди. Кўрди-ю, гўё танасида қандайдир бир куч сезиб, бирдан шаталоқ отиб, ўйноклаб, устига оч канадай ёпишиб олган болани улоктириб ташлади-да, онасининг олдига чопиб борди.

Қалмокнинг қора, думалоқ, мўғулбашара тентак боласи ҳам ўжар экан, ўрнидан турди-ю, бўталоқнинг ортидан югурди. Бўталоқ эса ҳимоя истаб онасининг бағрига тиқилди. Бола жон-жаҳди билан бўталоқнинг пахмоқ жунларига ёпишмоқчи

бүлган эди, арвона уни улкан гавдаси билан туртиб юборди. Бола муккасидан йиқилиб тушди. Онасига талпинган бўталоқ бехосдан боланинг панжаларини босиб ўтганда у қўлининг оғриғига чидаёлмай, айюҳаннос солиб йиғлаб юборди. Тепада ўтирган катталар энди аҳамият беришиб, ҳойхойлаб товуш чиқаришди. Баъзилар бу ёкқа чопиб кела бошлишди. Сал ўтмай шўрлик арвона билан бўталоқ бамисоли пишқирган илондай қамчилар тагида колишди. Арвона бўталоғини бағрига олиб химоялашга уринди.

Ўша куни калмоклар арвонани сўйил билан обдан савалашиб, коронғи қўрага қамаб ташладилар. Бўталоқни эса бошқа томонга олиб кетдилар.

Ўшандан бери арвона яккаю ёлғиз. Ёт юртларда коронғу дарди-дунёсини чироқдай ёритиб турган биттагина овунчоғи бор эди, энди ундан ҳам айрилди.

III

Коронғи қўрадаги қамоқдан чиқкач, арвонани овулдан четроқдаги мол ёйиладиган ўтлокқа жўнатишиди. Барибир, бу ердаги туялар ҳам арвона учун бегона эди. Шунинг учун бўлса керак, арвона аста-секин улардан ўзини четга ола бошлади. Шу алпозда юрганида тўсатдан қулоқларига бир нидо чалингандай бўлди. Тўхтаб қулоқ солди. Ортига бурилиб, хўв нарида ўтлаб юрган туялар тўдасига каради. Қулоғига эшитилаётган нидо у томондан келмас эди. Кейин ўзи кўника олмаётган овул томонга разм солди. У томондан ҳам

хеч қандай товуш эшилмасди. Ортидан хеч ким қувиб келмаётганига амин бўлди. Туячи чол эса боя коронги туша бошлиши билан овулга кетган. Энди эртага чошгоҳда келади. Қамоқдан чиққач, у бир ҳафталаргача арвонани қаттиқ назорат қилиб юрди. Яйловдан сал узоклашса, тезда орқага кайтариб, ҳушёр бўлиб турди. Арвонанинг қайта қочмаслигига кўзи етдими, кейинги пайтларда туячи чол уни кўпам безовта қилмайдиган бўлиб қолди.

Бояги, арвона учун ғалати эшилган нидо кулогининг тагидан нари кетмасди. Арвона тағин атрофга аланглаб карай бошлади.

Бийдай дала. Далада оппоқ оқ селев¹ чайқалиб турибди. Бу атрофда ундан бошқа кўзга тушадиган нарса йўқ. Адирлар, қирлар, тикка жарлар ортда қолди. Улар хов узокдан элас-элас қорайиб кўринарди. «Унда бу қандай нидо бўлди? Қаердан келяпти? Ё Тангримнинг тағин менга атаган тузоғими бу?!» Арвона хайрон. Кун ойдин, теварак-атроф сутдек чароғон, майин эсиб турган дашт шабадаси арвонанинг пешанасини эркалаб силайди. Арвона эса кўzlари тўрт бўлиб тугилган юрти томонга карайди. Шу пайт осмондаги бир юлдуз пастга караб оқди, оқди-ю, орқасидан узун из қолдириб, бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Юрти томондан эсаётган эрка шаббодадан қониб-қониб нафас олган арвонанинг елинлари кўпчиб ийиб кетди...

¹ Чўлда ўсадиган оқ баргли гиёҳ. Уни бавзар чароғонни тағиб келишишади.

У бошини күтариб ҳалиги оққан юлдуз томонга қаради. Боя унча эътибор қилмаганими ё янгидан пайдо бўлдими, билолмади, унинг ўрнида бошка юлдузларга нисбатан каттароқ, ёрқинроқ бир юлдуз пайдо бўлиб қолибди. Гўё ўз юртига, жонажон ота маконига чорловчи баҳт юлдузи мисол. Худди шу маҳал бояги нидо тағин элас-элас қулоғига чалингандай бўлди. Нидо борган сари авжига чикиб, қандайдир бир гўзал куйга айланба шудади. «Бу қандай каромат бўлди?!» Арвона ҳайрон эди. Йўқ, сал вакт ўтгач, бу сирли нидонинг сири очилгандай бўлди. Бу нидо ўзининг юрагидан, қалбининг қаъридан отилиб чиқаётган юрт соғинчи нидоси экан. Буни у эндиғина тушунди.

Етти қарокчи аниқ кўриниб, бояги янги юлдуз чараклаганида, арвона ўша юлдузни мўлжалга олиб, йўлга тушди. У аста-аста қадамини тезлатиб, ёт юртдан олислайверди, олислайверди. Ела-ела, ахийри Ҳулкар кўздан ғойиб бўлгунча ота маконга олиб борадиган илонизи сўқмоққа чиқиб олди.

У ёт элда тақдирнинг бунга раво кўрган иккита машъум синовини бошидан кечирди. Бири ҳўв анов куни қочмоқчи бўлганида қўлга тушиб, ит азобини тортгани. Иккинчиси – жигар пораси, бўталоғидан тириклай айрилгани. Мана шу икки машъум синов уни эсанкиратиб қўйган эса-да, арвона тезда ўзига келди. Ўша қалмокларнинг ўз юртларига босқинидан бери у фактат бир нарсани ўйларди. Бу ҳам бўлса, қандай қилиб бўлсада, ўз киндик қони тўкилган ота маконига қайтиш

эди. Мана, у ўша армонига бошлаган тақдир сўқмоғидан йўртиб боряпти.

Бироздан сўнг арвона мўлжалга олиб келаётган юлдуз ҳам кўринмай қолди. Аммо у изсиз йўқолмади, арвона йўлдан адашмасин дедими, ўрнига Чўлпон юлдузи чараклаб чикди. Тонг шабадасидан арвонанинг танаси яйраб, юриши боягидан ҳам тезлашди. Бироздан сўнг кузнинг салқин тонги ёришди. Баркашдай қизариб чикқан куёш тафти ҳам арвонанинг баданидаги терларини куритолмади. Терлагани сайин эрталабки салқин ҳавода баданидан буғ кўтарилиб, гўё танасида илоҳий куч пайдо бўлгандай жадал елиб борарди.

Ҳа, арвона учган сайин учиб борарди, армонини қучиб борарди. Орқасини кунга куйдириб, дашт елига юзин сўйдириб... олға интиларди.

У йўл юриб, йўл юрса-да мўл юриб борарди. Ҳўв бирда кочганида ёв кўлига тушиб чеккан азобларини эслаб, яна қайта қўлга тушса нималар бўлишини ўйлаб, бор кучи билан елиб борарди. У чарчади-ю, толиқмади. Ота маконга етиш муроди унга мадад бўлиб, тинмай олға интилди. Фақат бир кун ўтгандан сўнггина, тонгга яқин катта бир сой бўйида тўхтади. У тўхтай деб тўхтагани йўқ, чорасиз қолганидан тўхтади: азбаройи қаттиқ терлаганидан бошидан оккан шўртак тер кўзларига тушиб ачиштириб, кўз олди хиралашиб қолганидан ноилож тўхташга мажбур бўлди. Юришлари ҳам унмай қолгани учун тўхтади. Энди бу ерда бироз дам олиб, терини куритиб олмоқчи. Шундай

килса, қайта кучга кириб, узоқ йўлнинг танобини тортиши аник.

Арвона сой бўйидаги тол тагига бориб чўкди. Бироз нафасини ростлади. Сўнг кўм-кўк сой сувидан қониб-қониб шимирди. Сув ўртасига бориб чўмилди-да, тағин йўлга тушди.

Бу маҳалда куёш ярим газча кўтарилиб қолган эди. Куз куёшининг заррин нурлари ер бетига ёйилиб, худди она меҳри мисоли силаб-сийпаб турибди. Арвонанинг биринчи куни босиб ўтган йўли – пастаккина тоғ, иккинчи куни юрган йўли – худди суви тортилиб қолган кўл ўрнидай ўйдим-чукур биёбон устидаги эгри-буғри сўкмоғ-у, ўт-ўлани мўл чакалакзор эди. Энди унинг олдida тағин бир ошиб ўтиши кийин тепалик, ундан сўнг чекипоёни йўқ ҳувиллаган дашт бор. Бир амаллаб шу ерлардан ҳам ўтиб олса, нарёғи адиру қирлари кўп, сувлари мўл, ўрмонлари шовуллаб ётган ота маконининг ҳудудига етган бўлади. Ундан нарёғи бир қадам деяверинг.

Арвона бирдан тез чопмади. Аста-секин бир маромда лўкиллаб борди-ю, кейин чўзилиб чопишга тушди. Қуёшнинг ўткир тиғлари атроф-теваракни қиздириб турса-да, ўз жонажон юрти ҳудудига қадами тегмай тўхтамасликка аҳд килди. У ўмрови билан ҳавони кесиб, отган ўқдай учиб борарди. У шу зайл бепоён даштни ҳам босиб ўтди. Бу маҳалда бутун борликни ўзининг оловли тафтида куйдириб турган қуёш ҳам ўз қўналғасига аста-секин ботаётган эди.

Кун бўйи бийдай далада чопа-чопа чарчаса-да, бир нарса унинг кучига куч кўшар, руҳини бардам қилиб борарди, бу унинг элига, юртига бўлган муҳаббатию Сариорқанинг танга даво қўнғир шабдаси эди.

Мана, бугун ҳам артилган шишадек кўм-кўк осмонда ой туғилди. Дала-туз ой ёруғида мавжланиб, худди сутранг ҳарир пардага ўралиб тургандай таассурот қолдиради. Ҳаммаёқ жимжит, гўё табиат пинакка кетгандай. Арвона тинмай елиб борар, кечаги ёруғ юлдуз худди ота макони сари чорлаётгандай пирпираб турар эди. Шу маҳал тўсатдан ой юзини булут қоплади, шекилли, теварак-атрофга коронгилик инди.

Жикка терга тушиб кетган арвона сўлигини босиб олиш учун бўлса керак, чопишдан аста-секин йўртишга ўтди. Йўлни мўлжалга олмокчи бўлиб, бундай бўйинни чўзиб олға разм солган эди, олдинда бир тўп майда юлдузнинг ўзи томон сузига келаётганига кўзи тушди.

Аввалига арвонанинг бу қандай юлдузлар эканлигига акли етмади-ю, негадир юраги увушиб, такқа тўхтаб қолди. Ҳалиги катталиги ангишвонадай келадиган юлдузлар ер бағирлаб тобора яқинлашиб келарди. Арвона бу юлдузларнинг нима эканлигини энди фаҳмлади: улар бир тўда бўрилар экан. Буни билди-ю, бечора кўрққанидан дир-дир титраб, оғзидан оқ кўпик сочди. Бу ёвузлардан қочмоқчи бўлиб, ўзини ўнгга оламан деганида нимагадир қокилиб, ўмбалоқ ошди, аммо жон

холатда ўрнидан сакраб турди. Тиззалари титраб, ён-атрофига қараган эди, ёвузлар уни аллақачон ўраб олишган экан. Жон таслим қилиш осонми? Арвона эсини йигиб, нима бўлса ҳам, улардан кутулиш чорасини ахтара бошлади. Бўрилар ҳам бирдан унга ташланмай, олди-орқасидан оёклари билан ер тирнаб, тупрок соча бошладилар. Арвонанинг терлаб кетган баданига тупрок ёғилиб, аслида унинг бадани қайси рангда экани ҳам билинмай қолди. Тўсатдан бўрилар икки гурухга бўлинниб, икки ёнбошидан ҳужумга ўтишди. Олд томони очилганини сезган арвона бирдан олдинга отилди. Улкан беўхшов гавдаси билан олдинга чунонам югурдики, буни бўрилар сезишмай ҳам колищди.

Олдинга отилганида бўриларнинг орлони бир чапдаст ҳаракат билан арвонага ташланиб, бир парча гўштни узиб олишга улгурган эди. Арвона этининг кизувида буни унча сезмаган эди. У шу кўйи олдинга отилиб, бўрилар тўдасини анчагина орқада колдириб кетди. Шундай бўлса-да, йиртқичлар уни тинмай таъкиб қилиб келар, арвона эса жон-жаҳди билан олдинга интиларди. Бир пайт орлон бўри бор кучи билан олдинга чопиб ўтиб, арвонанинг йўлига ғужанак бўлиб ётиб олди. Унинг кўзлари саксовул чўғидай ёниб турад, озиқ тишлари шақ-шак қиласар эди. Арвонага ҳамла қилмоқчи бўлиб, ер бағирлаб ўрмалаб келарди.

Арвонага яқинлашиб, энди ҳамла қилмоқчи бўлиб турган орлонга арвона оғзидағи оқ кўпигини чунонам зарб билан пуркадики, бўри олдинда

нима бор, нима йўқлигини кўролмай қолди. Арвона ҳам пайт пойлаб орлоннинг устига бор салмоғи билан чўкди, чўкди-ю, уни кўкси билан чунонам эзғиладики, бирпасда орлоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Шу пайт орқадан бўри ва бўриваччалар ҳам етиб келишди. Буни кўрган арвона тезда ўрнидан туриб, яна олдинга интилди. Бу маҳалда бўрилардан биттаси арвонанинг ўнг ёнбошини ўйиб улгурган эди. Боя у ярамас ёнбошдан чопиб ўтганида бадани жиз этган эди-я! Ҳозир ўша жойидан қип-қизил қон сизилиб оқа бошлади.

Арвона бунга ҳам аҳамият бермади, бу ажал кушандаларидан қандай қилсам кутуламан деб, тобора олдинга интилар эди. Мақсади ота маконга етиб олиш. Борди-ю, ўлса – ўз юртига етиб жон таслим килмоқчи. Арвона ўмрови билан ҳавони кесиб борар, бўрилар эса унинг ортидан қолмай югуради. Энди арвона баданининг қай ери йиртилди-ю, қай ери тирналди, билмасди. Аввалига баданининг уер-бу ери тирналгани-ю, жиз этиб ачишганини сезиб келарди. Энди буни ҳам сезмайдиган ахволга тушиб қолди. Ҳозир баданининг ҳамма жойи бараварига ачишарди. Шунга қараганда, танасида соғ жойи қолмаган бўлса керак. Чамаси бўрининг тиши тегмаган жой факат олдинги оёқлари билан кейинги оёқларининг тирсаклари эди. Бироқ, буларни кўришга вакт каёқда.

Тонг бўзариб қолди. Сал ўтмай атроф ёришиб, теваракдаги нарсалар аник-тиник кўрина бошлади. Бу маҳалда арвона ота макон худудига етиб

улгурган эди. Шундай килиб, у эл худудига етиб, унинг дастлабки қарич ерига қадам қўйиб, атрофи қалин қамишзор сой бўйига якинлашиб қолганида олдидан каттакон бир тарғил йўлбарс чиқиб қолса бўладими? У нима сабабданdir арвонани қўйиб, бирдан йўлни чангитганча бўрилар тўдасига ҳамла килди.

Ҳам орлонидан айрилиб, ҳам очиқиб қолган аламзада бўрилар жон-жаҳдлари билан йўлбарсга ташланишиди. Далаю тузнинг, бутун жон-жони-ворларнинг ёлғиз хукмдори – йўлбарс билан оч бўрилар галаси анча-мунча олишди.

Арвона бу пайтдан фойдаланиб ажал тузоғидан анча олислаб кетди.

Арвона киндик кони тўкилган муқаддас ерга товони текканини ҳис қилгач, бадан-баданини ачи-тиб турган жароҳатларини эламай яна бор кучини тўплаб олға интилди. Соғинчданми ё севинчданми, ким билади, унинг кўз қароклари жикқа ёшга тўлган эди.

Эҳтимол, арвона элу юрт дийдорини кўролмай, бийдай далада жон таслим қиласр. Бироқ у бундан сира ҳам ўқинмайди. Нега деганда, у кўзлаган максадига етди. Жасадини ёт ерларга раво кўрмади. У муштумдайгина юраги билан суягини ота маконига олиб келди.

Арвонанинг эндиғи армони – ўз эгасининг бўсағасига етиб йиқилиш эди.

Арвона энтиксада, толиксада, тўхтамай олдинга интилиб борарди. Қай ерга етиб йиқилишини ким билади, дейсиз?

IV

Арвона баданидаги жароҳатлари оғриғига аҳамият бермасликка ҳаракат қилса ҳам, барибир, бўлмади, аъзойи бадани ачиша бошлади. Аввал йиртқичлар билан олишиб, жон талvasасида келаётганида унчалик сезилмаган экан. Мана энди билиняпти. Вакт ўтган сайин бўриларнинг оғзи теккан, юлинган, тирналган жойлари, териси осилиб колган ерлари бирам зиркираб оғрирдики, асти чираб бўлмасди. Қуёш найза бўйи кўтарилиб қолган, унинг тиғли нурлари кечагидан кўра иссикроқ эди. Йўқ, иссикроқ эмас, худди олов пуркаётгандек эди. Арвонанинг жароҳатлари бу олов тафтида қизиб, тириша бошлади.

Жароҳатлари азоб бергани сайин унинг юриши ҳам унмасди. Шундай бўлса ҳам тинмай олдинга интилаверди, интилаверди. Максади, эсидан айрилмай, амаллаб юртига етиб олиш. Шу биргина максад билан жон талvasасида бир нафас ҳам ором олмай олдинга йўртарди.

Мана, куёш ҳам тикка кўтарилиб, унинг ўткир тиғлари арвонанинг жароҳатларини тобора куйдириб, бамисоли кескир пичоқдай тилкалар ёхуд бир бемеҳр қўл ўтда киздирилган темирни жароҳатларига жиз-жиз босаётгандай бўлар эди.

Шунда ҳам у эгасига етиб олиш учун жон талашиб йўртиб борарди.

Борган сайин арвонанинг куч-куввати камая борди. Гўё олдинга ташланган қадами орқага кетаётгандай. Кўзи бот-бот юмилаверди, юмила-

верди. Бир маҳал гандираклаб, йиқилиб қолаёзди. Ҳайтовур, зўр-базўр ўзини ўнглаб олди.

Шу алпозда у қанча юрганини билмади. Ҳаёли жойида эмас, боши лўқиллаб оғрирди. Бўғинлар бўшашган, суяклари қисир-қисир қиласарди. Гўё бутун бадани сочилиб кетадигандай оёқларини зўрга судраб босар, унинг суратигина келар эди.

Арвона шунда ҳам тўхтамади.

Куёш тиккадан оғиб, манзилига шошиларди. Арвона энди улкан гавдасини аранг кўтариб борарди. Гоҳ-гоҳ кўзларининг олди қоронғилашиб кетарди. У яна гандираклаб, йиқилиб тушаёзди. Бу гал ҳам кучини тўплаб, ўзини ўнглаб олди. Энди у гандиракламасликка, йиқилмасликка ҳаракат қилди. Чунки йиқилгудек бўлса, қайта туролмаслигини яхши биларди.

Арвона куёш ётоғига бош кўйган маҳалда ўз овулига етиб келди. Аклли жонивор ўз эгаси – марҳум Турлибекнинг бўсағасига етиб йиқилди. Йиқилди-ю, хушидан кетди.

Оқ ўтовда эри Турлибекка кора кийиб, аза тутиб ўтирган бойвучча эшиги олдида бир нима гурс этганини эшилди. Ниманидир юраги сезиб, хизматкорини чакирмай, ўзи эшик олдига чиқди. Оркама-орка хизматкори ҳам югурди. Не кўз билан кўрсинки, эшик олдида тўрт оёғи тўрт томонга тарвакайлаб бир тия йиқилиб ётарди. Югургилаб унинг олдига боришли. Бу холни кўриб, хизматкор лол бўлиб қолди. Бойвучча арвонани дарҳол таниди. Ўзининг арвонаси, ҳалолдан топган моли

кўзларига ўтдай босилди. Ҳаш-паш дегунча овул одамлари тўпланишди. Бу маҳалда тя жонивор ўзига келолмай ҳарсиллааб зўрға нафас олиб ётар эди.

Бир маҳал арвона оғир кўзғалиб, оёқларини базўр бағрига йиғиб, кўзларини очди. Одамлар нафасларини ичларига ютиб, арвонага тикилиб қолишган эди. Бойвучча арвонанинг бошига ёстиқ бўлиб турган қайроки ерда сизиб оқкан қон изларини кўриб, юраги алланечук бўлиб кетди...

V

Арвонанинг юрт тупроғига томаётган кўз ёшини кўриб, атрофда турганларнинг дийдалари бўшаб кетди. Бу кўз ёшлар не-не юраги тошларнинг ҳам кўнгилларини бузиб юборди. Турлибекнинг беваси, шу овулнинг кайвониси ўзини зўрға тутиб турарди. Бир маҳал у ўтира солиб арвонанинг бошини қучди. Буни кўриб турганлар ўзларини тутолмай, энди барака ҳўнграб юборишли.

Тақдирнинг кўрсатган азоб-уқубатидан қутулиб, юрт тупроғига келиб йиқилган арвонанинг кўз ёшларини кўрганда баъзи бир лоқайдларнинг юракларида ҳам душманга бўлган адоват жўш урди, қалбларида бу адovат исёнга айланди, эркаклар нафсониятлари тутғён уриб, ёвга нисбатан нафратлари минг чандон ошди. Аёллар ҳам чидаёлмай қолишди. Эмаклаган гўдакдан тортиб, то соқоли селкиллаган чолларгача бу ҳолатдан юраклари зиркиради. Овул кишилари, агар қўйиб бер-

санг, хозироқ отларига миниб, наъра тортиб ёв устига отланишга тайёр туришар эди. Улар шу вактгача нима учун ўчоқ бошидан айланиб, нарироқ чика олмаганларига ҳайрон бўлишарди. Эл ори, номуси учун қилич яланғочлаб, ёв билан олишмаганларига ачинишди. Ҳатто, энг қўрқоқлар, энг қуёнюраклар ҳам худди шу фикрда турар эдилар.

Арвона ҳали ҳам юм-юм йиглаб ётар эди.

У кўкси тўла ғам-андухни, ёвдан тортган азоб-укубатларини, ёв қўлида ҳимоясиз етим қолган бўталоғининг аҳволи зорини, ажали олдидаги ҳасратга тўла мунгли қўшиғини ва ниҳоят, ушалган армонининг кувончини кўз ёшлари билан тўкиб солаётган эди.

Қуёш ботганига анча маҳал бўлиб колди. Овул одамлари уй-уйларига тарқалишган, арвонанинг атрофида эса уч-тўртгина бообрў кишилар колишганди. Бойвучча боягина ҳув наридаги супа устига кўчкормугуз нақш туширилган кигиз ёздириб, устига тўшак солдирган эди. Одамлар бир амаллаб арвонани ўрнидан турғизишида, аста суяганча олиб бориб, ўша тўшак устига чўктиришди. Ҳозир арвона ўша жойда.

У ҳамон юм-юм йиглаб ётарди. «Майли, менга деса осмонда Ой тутилиб, Куёш сўнсин! Аммо юртимиз устига ёв чопиб, мен кўрган-кечирган қайғу-ҳасратлар такрорланмасин!» – дегандай оқарди унинг кўз ёшлари...

Арвона ётган жойдан сал нарида тўбилғиу саксовулдан уйилган гулхан ловуллаб ёнди. «Ажал-

га қарши бориб, ёв қўлида азобу уқубатларга дош бериб, туғилган юрт бағрига етиб йикилган қаҳрамонимиздан иссиғимизни аямаймиз» дегандай қирсиллаб, чирсиллаб ёнарди саксовулу тўбилғи шох-шаббалари. Гулхан ловуллаб ёниб, арvonанинг музлаган баданини иситар, алангаси эса унинг сўниб бораётган кўз қорачикларида йилт-йилт акс этар эди.

Овулдаги чоллар арвонанинг жароҳатларини эмладилар, йиртилган терларини тикдилар, ҳар хил гиёҳлардан тайёрланган малҳамларни суркадилар. Шундан сўнг унинг жони бироз ором олгандай бўлди. Буни кўрган овул одамлари ич-ичларидан кувонишиди. Афсус, уларнинг кувончлари узокка бормади. Тонгга яқин арвона брезовталаниб инграна бошлади. Овул кишилари хавотирланиб, тун бўйи унинг бошида ўтириб чиқдилар. Тонг отиши билан улар арвонанинг жароҳатларига қайтадан малҳам қўйишиди. Бироқ, буларнинг ҳаммаси кор килмади. Куёш чиқиши билан у кўзларини юмди...

Тўгри, унинг ўлимига ҳеч ким кўз ёш килмади, йўқлов ҳам айтишгани йўқ. Аммо чанковуздан, сибизғадан мунгли қўйлар тарапалди. Овул одамлари гўё қаҳрамонидан айрилгандай аза тутишиди. Айниқса, бойвучча қаттиқ қайғурди. Унга гўё ўша куни кўл хўрсиниб, тоғ нидо бергандай, ер силкиниб, осмон чайқалгандай, жон-жониворлар маърашиб, кушлар мунгли нола қилишгандай туюлди. Бойвучча қалбидаги шунча оғрикларга, ҳозир босидан кечираётган аламларга мардларча бардош

берди. Унинг маслахати билан овул одамлари арвонани сўнгги сафарга кузатиб қўйиш тараддудини кўра бошладилар. Намози аср пайтида барча овул кишилари хув наридаги тепаликка тўпланишди.

Одамлар арвонанинг иззат-хурматини жойига қўйиб дафн этишди...

ДИЛДАГИ ОҲИМ МЕНИНГ

Қисса

Кимларда йўқ мўл бойлигинг, ботирлигинг,
Мұхаббатнинг йўл-йўриғи бошқа лекин...

|

Она юрт, сенсан иссик баридан ҳам,
Сабаби – Ватан бўлдинг туғилган дам.

Қачонлардир, қайсиdir бир китобдан ўқиган шу сатрлар ёдимда сакланиб қолган экан. Йўлга тушсам бўлди, шу сатрлар хаёлимни эгаллаб, ўз-ўзимдан куйлай бошлайман. Бу қўшиқ менинг чарчаган пайтларда айтадиган эрмагимгина эмас, бутун умримнинг маъно-мазмуни ҳам. Сабаби, мен бу фоний дунёда одам боласи учун туғилиб-ўсган ютидан ортиқ жаннат йўқ бўлса кераг-ов, деб ўйлайман. Мени, аспирантурада ўқиб юрган бир йигитни, пойтахтдан туғилган ютига бошлаб келган ҳам шу ўй, шу туйғу.

Шундай қилиб, мен ўзимизнинг совхозда кичик бир бўлим зоотехниги бўлиб ишга жойлашдим. Ундан бериям орадан бироз йиллар ўтди. Ҳозир ўша бепоён Тўрғай далаларидаги совхозларнинг бирида директорман. Мана, тонг саҳардан йўлга чикиб, «вилоят маркази, қайдасан?» деб машинада юриб келяпмиз. Соат тўккизга яқинлашиб, одамлар шоша-пиша хизматга жўнай бошлаган бир пайтда янги ташкил қилинган ёш вилоят маркази – Орқалиқ шахрига кириб келдик.

Ёз фасли. Эндиғина кад ростлаётган ёш шаҳарнинг кўчалари бўйлаб экилган дараҳтлар ҳам айни яшил рангга бурканиб, барг ёзган бир давр. Орқалиқ шахридаги кўп қаватли уйлар олисдан оқариб кўринса-да, яқинлаб келсанг, бошқача бир ранг касб этиб, нигоҳингни ўзига тортади. Бу, албатта, иссиқ ёз кунининг оловли тафтидан ёки шу тафтни ўзига шимаётган ям яшил япроқларнинг жимир-жимир эркаланишидан бўлса, ажаб эмас. Машинамиз юришини се-кинлатиб, марказий кўчаларнинг биридаги баланд иморат олдида тўхтади. Бу – вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг биноси. Совхозлардаги кўп тармоқли ишлар ҳеч тутаганми ўзи, биттасини битди деб ҳисоб берсанг, иккинчиси тайин туради. Яна денг, бари шошилинч ишлар. Мен ҳам бугун шундай шошилинч ишларнинг бирини битказиш максадида келган эдим, асли. Машинамдан тушаётиб, йўл бўйлаб ўтиб бораётган котма юзли, окчиройдан келган, гўзал бир аёлга

күзим тушди. Устида ёқаси очик, енги қисқа, янги-ча модада тикилган оқ ипак күйлак, оёкларида оқ-сарик шиппак, күлида худди күйлагига мос рангда чет эл сумкаси. Сочларини енгил турмаклаб олган. Юзлари, қовоклари кенг пешанасига яраша ажыб бир уйғунылықта порлаб турғандай. Қомати расо. Рафторлари хиромон. Ўзи ҳам хиёл қулимсираб, устидаги оқ ипак күйлакдан колишмай порлаб, нур сочиб келаётир. Мен бу аёлдан күз узолмай, турған еримда қокқан қозықдай қотиб қолдим. «Ё күдратингдан!.. Манов аёл ростдан ҳам... ўшами? Ҳа, ўша, худди ўзи! Худойим-ай, кимни ким билан, қай тарзда рўбарў қилишни ўзинг яхши биласан. Бу каттол тақдир бизларга худди шу кун, шу соатларда учрашишни насиб қилган экан-да?!» Юрагим нак қармокка илинган балиқдай ўйноклай кетди. Қалбим ажыб бир ҳисларга чўмиб, тўлқинланиб кетдим. У ҳам мени таниди. Яқинлашгани сайин қадамларини жадаллаштириди. Мен ҳам унга тал-пинаёттандайман. Бу – тасвирига тил ожиз фараҳли лаҳзалар эди. Кўз олдимдан бутун ҳаётим кинотас-маси янглиғ ўтаётир. Бу қанақа тасвир, унда ни-малар акс этган, дерсиз. Буниси энди узок бир та-рих, ўкувчим, менинг то шу кунгача бирор кимсага тиш ёриб айтмаган сирим, куйламаган кўшиғим, азизлар. Олов нафасли ёшлиқ хотираларини, ўша бебаҳо дамларни унутиб бўлар эканми? Ахир, у пайтларда биз икковимиз... Йўқ, сабр қил, юрак, сабр қил. «Яххисини оширмай, ёмонини яширмай» дегандай, ҳозир ҳаммасини бир чеккадан айтаман. Ҳукм чиқариш сизга ҳавола, азизлар...

II

Бу – тасодифан юз берган бир учрашув туфайли бўлди. Шу йили мен институтнинг учинчи босқичини тамомлаган эдим. Дўстим Олимжон, синглим Марварид учаламиз ёзги таътилга келаёттандик. Йўл-йўлакай Туркистонга тушиб, Равшанойни кўриб кетишга келишиб олганимиз. Равшаной – Олимжоннинг аҳдлашиб юрган қайлиғи. Қайлиғи бўлгандаям «бешиккери» қилиб қўйган ё сеп йиғиб, қалин ўтказиб қўйган эмас, Олимжоннинг ўзи севиб, жон-тани ила интилиб юрган киз. Ўзи-ку, Олимжон таърифлаганчалик гўзал ҳам эмас, аммо истарали, ўрта бўйли, корачадан келган киз. Чимкентдаги Технология институтининг учинчи босқичида ўқийди. Хуллас, шу куни поездимиз жадвалдаги вактидан сал кечикиб, тунги иккиларда Туркистон шаҳрига кириб келди. Учаламиз перронга чиқишимиз билан қучоқлари гулга тўлган бир тўп қиз-йигитларга дуч келдик. Ҳаммамиз ҳолаҳвол сўрашиб, шовқин-сурон билан вокзал томон юрдик. Вокзал олдида кутиб турган иккита енгил машинага бўлиниб миндик-да, Равшанойларнинг уйига келдик. Бу – Равшанойнинг ўз уйи эмас, амалиёт ўтаб юрган тўртта қизнинг шу шаҳарда топган ижара уйи. Ўртада ихчамгина, кичик дахлиз, икки томонда хужралар. Ҳужраларнинг бирига кизлар ўзлари жойлашибди-да, қаршидаги каттароқ бир хонани бизга қўйишибди. Ўнг томонда

икки кишилик кенг каравот, чап томонда эскирган бир неча курси, тўрда диван, ўртада узун стол турибди – бор-йўқ жиҳозлар мана шуларгина. Ўртадаги узун стол талабаларнинг юпун хонасига оз-моз кўрк бағишлаб тургандай.

Кизлар бизнинг келишимизни анчадан бери кутиб, ҳозирланиб қўйишган шекилли, стол усти турли хил таомларга тўла эди. Ўртада кирдаги кизғалдоқлардан териб дасталанган кип-кизил гулдаста турибди. Дераза олдидаги радиолада бастакор Муҳаммаджоновнинг «Шодлик ватани» куйи янграяпти. Худди никоҳ тўйида ўтиргандаймиз. Ҳаммамизнинг кайфиятимиз кўтаринки. Юрагим аллақандай ҳаприкиб, қандайдир нотаниш ҳислар билан тўлгандаидай яйраб-яшнаб ўтирибман. Боя, поезддан тушган пайтимида бизларни кутиб олган шўх-шодон ёшлар орасида кизғалдоқдай қизариб, икки юзи лов-лов ёниб турган бир қизнинг оҳудай хуркак кўзларига кўзим тушган эди. Ўшанда баданим худди ток ургандай жимиirlаб, ғалати бўлиб кетган эдим. Ҳозир ўша киз, мана, ёнгинамда ўтирибди, тиззаларимиз бир-бирига тегиб кетганда олов теккандаидай сесканаман, тинчим йўколади. Коним қайнаб, томирларим гуп-гуп уриб турибди. Кўзга кўринмайдиган аллақандай бир қудрат менинг шоён дикқат-эътиборимни шу қизга боғлаб кўйгандай, тез-тез қиз томонга қарайвераман. Бизларни перрондаёқ таништириб қўйишган эди. Исми Ойнур экан. Ўзиям хушодоб қиз экан, ипакдай эшилиб, юз-кўзидан ҳаё уфуриб турибди. Узун-

узун киприкларига, уятчан, ўт-олов чақнаб турган оху кўзларига кўзим тушгани сайин юрак-бағрим эриб кетаётгандай, кўзларим қувонади: ажабо, дейман ўзимга-ўзим, одам боласи ҳам бунчалик гўзал, бунчалик мафтункор бўладими ахир?! Кўзининг корачиклари шунчалар қора! Қимтинибгина турган лаблари худди икки олча каби кирмизи. Оппоқ юзларида, кирра бурнида, ойдай ёноқларида қизлик ибоси, таровати товланади. Узун, қуюқ қора сочлари ўрилган. Нозик-нихол қадди-қоматидан ажиб бир латофат ёғилади. Чиройли оёкларию тўладан келган болдирлари ҳар қандай йигитни ўзига ром этади. Одатда, қиз боланинг икки хусусияти йигитни асир қилиб олади, бири – ҳусни-чиройи бўлса, иккинчиси – ҳаё-ибоси. Ҳасис табиат кўпинча қиз болага шуларнинг бирини берса, иккинчинини бермайди. Яратган эгам шу икки фазилатни бирдай қилиб бериб кўйган аёл зоти – анқонинг уруғи.

Ёнимда ўтирган Ойнур ана шундай камёб кизлардан бири бўлса керак, деган хаёл фикру зикримни эгаллаб олди. Бошқаларни билмадим-у, мен ўзим Ойнурдан кўзимни узолмай қолдим. Бегона муҳит, эндиғина танишган йигит-қизлар даврасида ҳар қанча иймансан ҳам, гоҳ ошкор, гоҳ ўғринча унга кўз ташлаб ўтирибман...

Мехмондорчиликдан кейин бирпас кўчага чиқиб сайр қилдик. Зулмат пардаси сидирилиб, кунчиқар томонда Чўлпон юлдузи чараклай бошлабди. Йўлакчанинг торлигими ёки кўнгиллар

азми шуни ихтиёр килганми, ишқилиб, тунги сайрга чиққанлар икков-икков бўлиб, жуфтлашиб қолишиди. Фақат менгина ёлғиз эдим. Мехмондорчилик бўлгандан кейин, камтаргина дастурхон устида бир-икки шиша ичимликнинг оғзи очилган эди, шундан озгина-озгина татинган бўлувдик. Бунинг устига, бўзариб келаётган манов тонг олдидаги соф хаво, гўзал табиат кўнгилларга қанот бағишлаб юборганди. Дилкаш сухбату ширин хотиралар, беғубор кулгиларга ғарқ бўлган ёш кўнгиллар жуфт-жуфт бўлишиб мулоқотга киришган, якка ўзим келаётганимни пайқамаган шекили, бирортаси мен томонга кўз ташламасди. Мен изимга қайтдим. Уйга яқинлашиб қолганимда, ўнг томондаги тор кўчадан... Ойнур чиқиб келди!

– Равшанойга кўмаклашаман деб уйда қолган эдим, Олимжон «ўзимиз йиғиширамиз» деб, биронтаям ишга қўлимни урдирмади, – деди у ёнимга келиб. – Ёлғиз қолибсиз-ку, зериккандирсиз?

У жавобимни кутмасданоқ, олисдаги дугоналарини койиган бўлди:

– Бу қанакаси, қизлар тушмагурлар, меҳмонни ёлғиз ташлаб кетганларинг нимаси?!

Кизлар шарт бурилиб, шивирлашиб-кулишиб олишиди, сўнг ўзларининг бепарволикларидан уялгандай, яна жуфт-жуфт бўлишиб, орқага қайта бошладилар. Сутдай оқара бошлаган тонг-сахарда кизлар орасида кимдир овозини кўтариб:

– Биз сенга ишонган эдик, Ойнур! – деб юборди. Дув кулги бўлди. Назаримда, Ойнур қизариб

кетгандай эди, уялганини билдирмаслик учун күча бүйлаб олға юриб кетди. Мен беихтиёр унга эргашдим. Нима деб гап қотишимни билмайман. Чор атроф жимжит, сукутда. Ёзниңг ёқимли шабадаси юзларни мулойимгина силаб үтади.

Оlam ёриша бошлади. Бу – бизда «Бўз бола тонг» деб аталадиган манзил. Ёнимда ёшгина бўйсара киз. Эгиз кўзилар каби ёнма-ён юриб боряпмиз. Гапни мен бошлашим керак, албатта, бироқ бунака пайтда нима дейиш ўринли бўлади – шуни билмайман.

Тонгда шаҳар чиройли кўринар экан, – дедим мен нихоят. Тўсатдан оғзимга келган сўз шу бўлди.

– Рост айтасиз. Тонг-саҳар, ҳаво тоза... – деди-ю, Ойнур жимиб қолди. Мен ҳам унсизман. Энди нима десам экан? Оббо, менга нима бўлди ўзи, аввалги сўзамоллигим қайда қолди, ахир?! Аллақандай бир куч тилимни танглайимга боғлаб ташлагандай эди. Сўз бошлашга ийманаман. Юриб бораётиб Ойнурнинг бармоғига бармоғим тегиб кетган эди, баданим жимиirlаб, юрагим дук-дук ура кетди. Ойнур қай аҳволга тушди экан деб, унга кўз ташлаган эдим, қизнинг кўзлари вужудимни тешиб юборгандай бўлди. Анчагача индамай бордик. Охири, чидамадим:

– Бу ерда... амалиётда қачонгача бўласизлар? – дедим сўз бошлаш ниятида.

– Кейинги ойнинг ўнинчи санасигача...

– Мен нимани ўйлаб келаётганимни биласизми?

– Бу гапингиз худди... – Ойнур жимиб қолди. Сўнг топкирлик билан гап ташлади: – Мен ўйлаган нарсани ўйлаб келяпсиз, – деди-да, ҳазилга олиб кулиб юборди.

Мен-ку, нима дейишимни билмасдим, оғзимга келган гапни айтвортган эдим, энди нима бўлсаям, орани совитмай, гапга гап улаш керак эди, шунинг учун ҳам энди муғамбирликка ўтдим:

– Тополмадингиз, – дедим кулиб. – Ўзим айтиқолайми?

– Айтинг!

– Сизни аввал каерда кўрганимни ўйлаб келаётган эдим.

– Аввал учрашганмизми?

– Учрашганмиз.

– Қўйсангиз-чи. Қачон? Қаерда?

– Ўтган иили, худди шу вактда, Олма-отада.

– Ўтган иили мен...

– Йўқ, ўзингизни эмас, суратингизни кўрган эканман, – яйраб кулдим мен.

– Бу ёлғонингизга ишонса бўлади, – кулди Ойнур ҳам.

– Нега ёлғон бўлар экан? Рост айтилман. Боя поезддан тушиб, сизни учратганимдан бери ўйланаман, қайда кўрган эканман? – деб. Энди эсимга тушди. Олимжоннинг альбомида Равшаной икковингиз тушган сурат бор... Айтгандай, сиз каерликсиз?

– Шу, жануб вилоятдан, Сариоғоч туманидан.

– У ёқларгаям борганман, яхши жойлар, табар-
рук қадамжолар бор... Туман марказининг ўзи сал
кичикроқ... шаҳарча эди, шекилли.

– Қачон боргансиз?

– Уч йиллар бурун.

– Ҳозир анча кенгайиб, гўзаллашиб кетди.

– Ўзингиз қаерликсиз?

– Тўрғайдан.

– Энди уйга қайтамиз, – деди Ойнур бурилиб.

Биз уйга кириб келганда тонг отган эди.

Чарчокни босиш учун бироз мизғиб, ухлаб олиш керак эди. Аммо ҳеч ухлагим келмайди, кўз олдимда Ойнурнинг кулиб турган сурати. Кулғимда Ойнурнинг ипакдай майин овози, кумуш жарангли кулгиси. Кўзимни очсан ҳам, юмсан ҳам – шу гўзал сиймони кўраман. «Ажабо, менга нима бўлди ўзи? Авваллари ҳеч кимни бунчалик ўйламасдим, соғинмасдим. Қизларга, ҳатто парво ҳам килмасдим. Бу нима, муҳаббат деганлари шуми? Одам ҳам бир кўргандаёқ ошиқ бўлиши мумкинми? Яқиндагина «Бир кўрганда ошиқ бўлиш» деган кино томоша қилган эдим, бирок комедия эди. Буни-чи, буни нима деймиз энди? Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да...»

Уйқум, барибир, келавермади.

Нима қилсан экан-а?

III

Ойнур билан танишганимизга ҳам анча вакт бўлди. Ёзги таътилда икковимиз узлуксиз хат ёзишиб турдик. Овулдан ёзган сўнгги хатимда, энди

Олма-отага ёз, деган эдим. Мен бу ёкка келиб, ўкишга киришиб кетганимга ҳам бир ойдан ошди. Ҳозиргина Марказий почтага бориб келдим. Ойнурдан ҳалиям хат-хабар йўқ. Жоним орзишиб, ҳорғин юриб, ётоқхонага қайтдим.

Зооветеринария институтининг ётоқхонасида, бир хужрада (учинчи қаватда) етти нафар йигит бирга яшаймиз. Етти йигитда етти хил орзу-армон, етти турли хулк-атвор, етти хил тақдир бор. Етти йигитнинг бири – Олимжон. Унинг қиликлари ўзгаларга ўхшамайди. Масалан, Олимжон фалсафий фикрлашга, ҳар бир нарсадан ҳикмат излашга мойил, яна ўз фикрини бошқаларга ўтказишда кучини аямайди. Бизнинг хонамизга қадам босган одамнинг кўзи, аввало, чап томонда, бўсаға ёнидаги катта, эски шифонъерга кўзи тушади. Ярми ўша шифонъер билан девор орасида қолиб, ярми чикиб турадиган кўк каравот – Олимжоннинг тўшаги. Баъзан яrim тунгача масала талашиб, ухламай баҳслашиб чиқадиган одатимиз бор. Шундай пайтларда Олимжон кизишиб, чунонам сўзга тушиб кетадики, асти кўяверасиз, айтганлари ростми-йўқми, майли, ўзининг гапини бошқаларга ўтказмагунча тинмайди. Баъзан тўшагига ястаниб олиб, ўзи ўйлаб топган фалсафани сўкиб ётади. Мана, ҳозир ҳам Олимжон сўзга тушиб, ўз фикрини бошқалар олдида ўлибтирилиб ҳимоя кила бошлаган пайт экан. «Боши оғримаганнинг фалсафа сўкишига боқ» деб шуни айтадилар-да, Олимжон гап бошлаб қолди:

— Менимча, хозирги пайтда одамлар тақдирдан икки нарсани сўрашлари керак, шулардан бири – тинчлик, иккинчиси – сихат-саломатлик. Шу икки нарса бор экан, биз барчамиз баҳтлимиз. Шундай яхши замонда шу икки шарт мавжуд бўлиб, каторингдан кам бўлсанг, бунинг учун ўзгалар эмас, аввало, ўзинг айбдорсан. Ҳозир истеъдолингни намоён қиласман десанг, ҳамма имкониятлар бор. Тўғри, истеъдолинг бирдан кўзга тушиб, ҳаммадан олдинга ўтиб олсанг, сени пастга – тирик чиқмас ўпконга итариб ташлашга интиладиган ҳасадчилар ҳам топилади. Бунинг сабаби шуки, одамнинг вужудидан жой топган ҳаром безлар бор, буларнинг бири – ҳасад бўлса, иккинчиси – қизғанчиқлик. Ҳасад ҳам, қизғанчиқлик ҳам осон маҳв бўладиган иллатлар эмас. Эвоҳ, шу ҳаром безларни ўроқдай ўриб ташлайдиган жасур ва эпчил жарроҳ топилса экан-а! Балки шунда инсон боласи янада яйраб-яшнаб, қайғу-ҳасратдан фориғ бўларми? Балки шунда қиронқуш билан карға осмонга баробар кўтарилиб, олқишига сазовор бўлмас эдими? Эҳ, бу дунё шундай ҳасратли-армонли дунё... Йўқ, балки булар гуруч орасидаги курмакдай оз учрайдиган ходиса, бизнинг турмуш тарзимизга ёт жаҳолат, дерсиз? Аслида-ку, маънавий-рухий ғалабага, ютукларга истеъдолди одамлар, меҳнатсевар одамлар эга бўлмоғи жоиз. Бизнинг ижтимоий тузум мана шунга кўмак бериши лозим. Шундагина биз юртимизни «Баҳтлар макони» деб айта оламиз...

Олимжоннинг бу фикрини хато деб айтолмайман. Шунга қарамай, барибир, одам боласининг қалбида ўз ҳасрати, ўз қайғуси бўлмайдими? Ҳали ҳаётда кўрганидан – кўрмагани, олганидан – олмагани, берганидан – бермагани кўп навниҳол ўсмир ёшлар баъзан ноҳақликларга тез-тез дуч келиши мумкин. Менинг ҳам қалбимда ширин орзулару totli хаёллар, тарқалмай ётган ҳасратлар бор, булар – менинг ҳали ҳеч кимга айтмаган сирим. Бу сирнинг бир учи Римкешдан бошланади-да, Ойнурга келиб тақалади...

Ойнур билан учрашгунга қадар мен йигитликдан кўра – болалиги, онгдан кўра – анқовлиги устун келиб юрган гўдак эканман. Мана, эндиғина аклим кириб, эсимни таний бошладим шекилли. Ёруғ дунёга келиб, босиб ўтган қисқагина ҳаёт йўлимни тафаккур қилиб, ўзимга ўзим ҳисоб бера бошлаган кунни яхши эслайман – бу Ойнур билан танишганимдан бу ёғи.

Ҳар кимнинг ҳам ҳаётда ўзгача бир соғинч билан, орзиқиб-орзиқиб эслайдиган баҳтли лаҳзалари бўлар экан. Бироқ ўқинчли бир томони шуки, одам ортда қолган кунларнинг қадрини, чинакам баҳосини ўша лаҳзаларнинг ўзида билавермас экан. Орадан анча-мунча вакт ўтиб кетгандан сўнгтина, ортда қолган бебаҳо дамларнинг, қайта топилмас азиз лаҳзаларнинг қадрини англаб, соғинар экансан, армон билан ёдга олар экансан. Туркистонда Ойнурлар ёнида ўтказган бир ҳафталик дийдор лаҳзалари мен учун ана шундай бир бебаҳо баҳт, соғиниб кутадиган ноёб туш бўлди.

Шу озгина вакт ичидә мен Ойнурнинг юриштуриши-ю, гапирган гап-сўзини ўй-хаёлимдан куруқ ўтказиб юбормай, тафаккур элагида саралаб, мухокама қилиб оладиган бўлдим. Кечки сайр соатларида икковимиз доимо бирга юрадиган бўлдик. Турли хил масалалар юзасидан фикрлашамиз. Кўпинча, икковимизнинг ўйимиз бир ердан чиқарди. Бир куни биз Туркистондаги Хожа Ахмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиш учун бордик. Шайх бобомизнинг қадимий маҳобатли даҳмаси, дунёда ягона меъморий ечим-манзарага эга бўлган гўзал иншоот ўша пайтда кўздан четда, кўнгилдан йироқ, абгор ва ташландик ҳолатда, қаровсиз колган экан. Муфассал таъмир ва парваришга эҳтиёжманд эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Мен тегишли маҳкамаларга айтиб, бу хақда маълум қилиб қўйиш керак экан деб ўйладим. Хуллас, ўша лаҳзаларда хаёлимга келган фикрни хеч кимга билдирганим йўқ. Ўйлаганларимни ичимга яширдим-у, кейинроқ буни газетага мақола қилиб ёзиб, таклиф киритарман деб қўйдим. Ойнур эса уйга келишимиз билан бугунги кўрганларимиз ҳакида тегишли жойларга хат ёзиб, унга ҳамманинг имзо чекишини таклиф килди. Шундай хат ёзилди ҳам. Ўшанда мен Ойнурнинг яна бир фазилатини кашф этдим – у битта дафтар тутиб, Туркистон шаҳридаги ер ости йўллари, эски шажара битиклари, кум тагида колиб кетган қадимий қалъалар ҳаробалари ҳакида ёзиб, одамлардан эшитган маълумотларни, ривоят ва наклларни тўплаб юрар экан.

Шулар ичидан ўзимиз зарур деб топғанларни хам хатта күшиб ёзиб юбордик.

Туркистандан отланар өфкемиздан олдинги ке-ча ҳали-хануз ёдимда. Равшаной, Олимжон, Ой-нур, мен – түртвимиз «Чангда қолган гул» деган хинд фильмини томоша қилиб, уйга кеч қайтдик. Ҳовлига етиб қолган ерда Олимжон: «Равшаной икковимиз пича айланиб келмоқчи эдик. Сиз-лар уйга кирмаёқ, шу ерда кутиб туринглар, биз-лар ярим соатда келамиз», деб қолди. «Маъкул», дедик-да, колавердик. Менинг Ойнурни ёқтириб қолганимни улар сезганми ёки ўзларининг би-рор гаплари бормиди – буёги менга номаълум, ҳайтовур, улар нақ икки соатлардан сўнг қайтишди. Ажабо, Ойнур икковимизнинг гапимиз шунда-ям тугамаган эди. Боя кўрган киномиз ҳакидаги мулоҳазалар, баҳслардан бошланган сухбат ҳаёт ҳакидаги, баҳт ҳакидаги, келажак борасидаги ши-рин ҳаёлларга туташиб кетди. Ёз мавсуми бўлгани билан, Туркистон туни негадир салкин эди. Ойнур совқотдим дейиши билан, устимдаги пиджагимни ечдим-да, унинг елкасига ташлаб, ўраган бўлдим, секин ўзимга тортдим. У каршилик килмади. Қулоғига бирон гап шивирламокчи бўлгандай эн-кайиб, лабимни унинг юзларига яқинлаштирган эдим, қиз бир силтанди-ю, кучоғимдан чикиб кет-ди. Кейин менга чала бурилиб каради-да:

– Енгилтак бўлманг! Бу килиқ сиздай яхши йи-гитга ярашмайди, – деди бўғрикиб.

Ойнурнинг шу сўзлари сира ёдимдан чикмайди. Фақат шу сўзигина эмас, унинг ҳар бир хатти-харакати, мулоҳазаси, ҳар бир ишини ақл тарозусига солиб тортганим сайин, менинг унга бўлган муҳаббатим, интиклигим орта бошларди. У шу пайтгача бирон-бир ортиқча сўз айтмабди, бирон беўхшов қилиқ килмабди-я! Овози мулойим, иши ярашимли. Ойнурнинг чехрасида ёшига ярашган хаё, ибо, хижолатли бир чироқ порлаб турар, чиройига чирой қўшиб турган фазилатлари эса, бу бебаҳо вужудни кўз олдимда янада юксакларга кўтарган эди. Ўша соҳир лаҳзаларда мен муҳаббат майдан маст эдим, чин ошиклар ёр теварагида канчалар гирдикапалак бўлса, мен ҳам Ойнурнинг атрофида парвона мисоли чарх урадим.

«Чин ошиқ бўлган йигит севган қизидан ҳеч канака нуқсон топмайди», дерди «файласуф» Олимжон. Шу гап ростми ёки табиатнинг ўзи Ойнурни яккаю ягона, фариштамонанд қилиб яратганми, ҳайтовур, шу қизнинг юриш-туришида, бўй-бастида, қилиқ-хосиятида бирон-бир нуқсон кўрган эмасман. Тўғрисини айта колай, мен ҳамиша унинг ёнида сабрли бўлишга, ўзимни одоб доирасида тутишга уринардим.

Бунга бир неча сабаблар бор эди.

Шулардан биринчиси – Римкеш.

Кўнглимга қўл сололмаган одамга мен ўзимнинг туйғуларимни, қалбимни тўла тушунтира олармидим? Журъатим етиб, қизга кўнгил туйғуларимни ошкор қилсам-у, қиз бола буни тўғри

тушуниб, мұхаббатингта яраша чин дилдан жа-
воб топиб бера олса – яхши, йўқса, тескари қараб,
бепарво қолаверса-чи? Ойнурга тирмашаверма-
ганимга яна бир сабаб, мен бу маъсума вужудни
бегона кўзлар, гийбат сўзлардан саклашга уринар-
дим. Хуллас, кўнглимдаги мұхаббатли туйғуларни
мен ўшанда Ойнурга айтмадим, айтолмадим...

Айтолмасдан овулга кетдим.

Шундан бериям бир йил ўтди. Бу мен учун бир-
бирига коришиб кетган зилдай ўй-хаёлга, турли
хил ҳадик ва тахликага тўла кийин бир давр бўлди.
Олди-ортимни ўйлаб, Ойнурни кўрганда уйғонган
асов, шаддод, пок туйғуларимни асраб-авайлаб
сакладим. Аммо иложи не, бор вужудингни олов
қоплаб олса, бу оловнинг ховрини бошқалардан
пинҳон тутиш осон эмас экан. Аввалига бу ота-
шин хиссиётлар ёз ёмғири сингари ўткинчи бир
ҳавас бўлиб чиқмасайди, деб шубҳаландим. Шу-
нинг учун ҳам мен шу йўли ўзимни ўзим узок си-
надим. Барибир, йигитнинг ақл-идроқини ўзига
бўйсундириб оладиган кучли хиссиётлар ҳам бўлар
екан. Бу мұхаббат ҳам менинг инон-ихтиёrimни,
эркимни ўзига бўйсундирган олов – ишқ бўлиб
чиқди. Шунинг учун ҳам мен Ойнурни ҳеч унута
олмадим. Унга бўлган мұхаббатимни, соғинчимни
пинҳон тутиш, менинг ихтиёrimдан ташқаридаги
хатти-ҳаракат эди. Бунинг устига, Ойнурдан ҳат
келмаётгани ўлганнинг устига тепгандай мени ха-
вотирга солиб қўйганди. Ҳатто, бир якшанба қуни

Ойнур ўкиётган шаҳарга қараб отландим. Йўл бўйи хаёлга ботиб бордим. Эртага мана шу «Қозоғистон» поезди мени Чимкент шаҳрига етказади. Ойнурни кўриб келиш учун атайлаб йўлга чикқанман, юзмайоз ўтириб, оғизма-оғиз гаплашиб, ҳаммасини очик-ойдин тўкиб ташламоқчиман. Йўқса, кўнглим тинчимайди. Юрагим учиб келяпти, учиб. Сўнгги бир хатимда «бораман» деб ёзган эдим, Ойнур «келинг» деган. Телеграмма ҳам жўнатганман. Кутиб олишга чиқармикан? Бу бепарво тақдир ёш бoshимга яна қандай савдоларни солар экан?

IV

Тўққизинчи синфни тамомлаб, ўнинчига ўтган йилим эди. Август ойининг ўрталари. Ўттиз нафарча ўкувчи бир синф бўлиб колхозга ёрдамга келиб, пичан ўраётган эдик. Саритол деб аталмиш айланаси от чоптирим дала ям-яшил ўт-ўлан билан қопланган. Бу ерларнинг чўп-ўти тикка, яна жуда қалин. Бепоён Тўрғай далаларида бундай ўтлари ўскин ўнгир ерлар кўп. Бирок бир нокулай жойи – овулдан овлоқда, серқатнов йўлдан йироқдамиз. Саритолнинг кунгай томонида тўртта ўтов тикилган. Олти қанот кора уйни – қизлар, керага, увоклари эскирган кўш ҳовлини эса биз – ўғил болалар эгаллаганмиз. Бир синф ўкувчиларидан бошқа яна уч нафар катта ёшдаги одамлар ҳам бор, булар – синф раҳбаримиз, ошпазлик киладиган иккита аёл. Марказга жуда узок, атайлаб излаб келган бирон-бир одам бўлмаса, бу ерга бошқа би-

ровнинг йўли тушавермайди. Шунинг учун ҳам кимдир иш билан келиб қолса, ҳаммамиз худди ноёб меҳмон ташриф буюргандай югуришамиз. Пичани тонгда, кечки салқинда чопиб, кундузги иссиқда ухлайдиган одатимиз бор. Шундай дам олиш соатларининг бири эди. Кўзим илинганд экан. Уй сиртига келиб тўхтаган машина шовкинидан уйғониб кетдим.

Сиртга чиқсам, ҳув анови ерда бензовоз машина турибди. Машина атрофига бироз одам ҳам йигилган эди. Ўртада турган ҳайдовчини танигандай бўлдим. Бу – менинг акам билан бирга ўқиган чиноккулок йигит эди. Омон-эсонлик сўрашиб, янгиликларни сўраб-сuriштира бошлаган пайтда синф раҳбаримиз:

– Ие, йигитлар-ов, бу қанакаси, қани, меҳмонни ичкарига бошланглар! – деди. Ичкари кириб, бироз салқинлагандан сўнг шоффёр йигит шошилинч бир иш билан келганини, ҳозир колхоз марказига ўтиб келишини, акамнинг илтимосини ерда қолдирмай бу ёкка бош суқканини айтиб, қўлтиғидан тўрт буклоғлик қоғоз олиб, ўқитувчимизга узатди. Синф раҳбаримиз хатта тез кўз югуртириб чиқдида, «хўп, рухсат бераман», деди. Шоффёр йигит менга кўз қисди:

– Тез отлан, Эрғали, кетамиз! – деди.

Юрагим шув этди. «Нега менга отлан деди? Каерга боришимиз керак? Уйимдагилар омон-микан, ишқилиб? Бу нима жумбок ўзи?» Бирок чиноккулок йигит ноxуш хабар олиб келган одамга

ўхшамасди. Икки гапнинг бирида кулиб-илжайиб турибди. Менинг юзимдаги ташвиш аломатларини сезди, шекилли, елкамга уриб:

– Ваҳимага тушаверма, қувончли хабар олиб келдим. Йўлда айтаман. Суюнчини ўзимга берасан, кани, тез бўл, кетамиз! – деб қўйди.

Апил-тапил кийиндим. Шофёр машинасини ўт олдирди. Ўнкир-чўнкир йўлдан юриб боряпмиз. Кабина ичида бошимни эгиб-эгиб ўтирибман. Қани энди ҳайдовчи гап бошлай қолса. Акамнинг нима учун шошилинч чақиртирганини билгим келади. Чиноккулоқ ҳали-бери сир очадиганга ўхшамайди. Охири сабрим чидамай, ўзим гап бошладим.

– Оға, акам мени нега чақиртирди, тинчликми?

– Тинчлик, тинчлик. Ҳозир катта йўлга чикиб олайлик, ҳаммасини эшитасан, – деди у. – Йўқса, гап бўлиб, йўл четидаги манавиндай... хандакка тушиб кетишимиш хеч гап эмас!

У машинани чапдастлик билан бошқариб борар, ҳайтовур сал вакт ичида катта йўлга етиб олдик. Яна шофёрнинг оғзини пойлайман.

– Уйингдагилар нега чақираётганини билгинг келяпти-да, а? – деб гап бошлади у ниҳоят.

– Албатта.

– Унда айтаколай, муғамбир отанг катта тўй бошлаёттир.

– Қанақа тўй?

– Қанақа бўларди, аканг уйланяпти!

– Акам?

– Ҳа-да, аканг – менинг дўстим, сенинг аканг Нурғали уйланаёттир!

– Кимга?

– Эх, Эргалижон, катта одамлар билан қуда бўляпмиз!

– Ким экан у?

– Колхоз раиси билан қуда тушяпмиз, раис билан!

– Қайси раис?

– Қайси, қайси... шу, ўзимизнинг раис, «Олға бос!»нинг раиси билан.

– Яхши-ку, – дедим сал тикланиб.

– Яхши деб секин айтасанми, бизгаям энди тенглик тегадиган бўлди...

Сўнг ковоғини уйиб:

– Сеними ҳали, шошмай тур! – деб сўкиниб қўйди. – Ҳали сенга кўрсатиб қўяман...

– Кимни айтиб келяпсиз?

– Анави, бизнинг завгарни айтяпман-да. Қари хўроздга ўхшаб кеккайверади, кеккайгани-кецкайган. Раис билан қуда бўлиб, апоқ-чапок бўлиб олайн, кейин мен унга кўрсатаман!

Мен сўздан тийилиб, бўлажак келинойим ҳакида ўйлай бошладим. Раиснинг қизини яхши биламан. Мактабни бу йил битирди. Уятчангина киз... Синф хоналаримиз ёнма-ён эди, бир-биримизни кўриб юрадик.

Ота-онасининг бир айтганини икки қилмайди, жуда тарбияли оила, дейишарди уйдагилар. Келинойим ҳам акамга ўхшаган мулойим, хулк-атвори ҳалимдеккина. Акам ундан етти-саккиз ёш катта. Саккизинчи синфда ўқиб юриб, ўқи-

түвчисига нимадир деганми, хуллас, шундан сўнг мактабга бормай қўйди. Бироқ, ўзи жуда тиришқоқ. Ҳозир ҳам ўзи қатори йигитлардан кам ери йўқ, топармон-тутармон. Ўзи билан бирга ўқиган, ўнинчини битирган манов дўсти машина ҳайдайди. Акам эса ферма мудири. Отам уни «яхши топади» деб мақтаб ўтиради. Бошка жойларни билмадим-у, бизнинг «Олға бос!» колхозимизда раисдан кейинги одам – мана шу, менинг акам. Овулимиздаги одамлар: «Нурғалидан раис ҳам чўчиб туради, сабаби, у ижрокўм билан жўра», деб айтишганини ўзим ҳам бир неча бор эшитганман. Манави чиноқкулок шофёр ҳам доимо оғамни пана қилиб юргани-юрган. Бу ҳам ўзининг ҳолига боқмай, завгар билан жанжаллашиб юради. Бир гал жанжалнинг устидан чиқиб колганимда, шофёр қўлини пахса қилиб: «Сени Нурғалига айтаб думингни тугдирмасамми!» – деб ўдағайлагани эсимда. Раиснинг қизиям тузуккина. Бизнинг «Олға бос!»даги манаман деган йигитларнинг кўпчилиги унга сўз отиб кўришди. Ҳаммасининг попуги пасайиб қолаверди. Шу қиз «Олма-отага бориб, Фармацевтика институтига кириб ўқисам», деб орзу қиларди. Ўзлаштириши яхши эди, аълочилар сафида тилга олинарди. Энди, ҳамманинг ҳам ўзига яраша сири бор... Римкеш ўн иккига чиққанида онасидан айрилиб қолди, онаси туғаётиб дунёдан кўз юмиб кетди. У пайтлар отаси хали раис эмас, фермада (акамнинг ўрнида) мудир эди. Римкешларнинг оиласи узоқдаги яйловга кетиб яшарди. У пайтлар манавиндақа ма-

шиналар қайда дейсиз. Онаси раҳматлиниң ҳар гал түлғоғи оғир кечар экан. Ўтовнинг босқурига¹ осилиб олиб, тун-кун чинқириб, ёнидагилар билан рози-ризолик тилашиб, васиятини айтиб, кўзининг оку қораси – Римкешини қўшниларга топшириб, ҳайтовор, охири ана кетди-мана кетди билан омон қолар экан. Сўнгги гал, қаторасига уч кун тўлғоқ тутибди, тўртинчи кун тонгда жони узилибди, бечоранинг. «Онам илмли-билимли доялардан ёрдам ололмай, ўқимаган хотинларнинг кўлида колиб қайтиш бўлди», – дерди Римкеш. Шундан сўнг у яхши ўкишга, шифокор-фармацевт бўлишга аҳд қилди. Буни мактабдаги бир байрам йиғилишида ўзи менга айтган эди. Шундай эзгу мақсадлар билан яшаётган қизнинг... нега энди тўйи бўлиши керак?! Ёки раис отасининг гапини икки қилолмай, унинг амрига бўйсундимикан? Бу нима, ҳаётга энди қадам кўяётган ёш қалбнинг умидлари пайҳон бўлганими? Ахир акам билан Римкеш бир-бирларини тузук билмайдиям-ку! Икки ўргада муҳаббат бўлиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас! Қиз билан йигит ота-она ҳавасининг курбони бўлиб, бир умр ҳасратда ўтадими энди? Йўқ, бунака бўлиши мумкин эмас! Эски замонлар аллақачон ўтиб кетган. Агар ростдан ҳам шунақа тўй бошланаётган бўлса, мен Римкешни химоя қилиб чиқишим керак! Бироқ менинг қўлимдан бирор иш келармикан? Қинғир қиликли бизнинг

¹ Босқур — ўтовнинг синч (ковурға)ларини бир-бирига боғлаб-маҳкамлашда ишлатиладиган ипак тўқима, ип.

чол кўнармикан? Отамнинг феъли маълум, ки-йик миназли киши. Бизнинг овулда кийиклар кўп. Шамолдай учадиган бу жониворнинг одатини жуда яхши биламиз. Ҳеч қачон, ҳеч ким уларнинг йўлини кесолмайди. Олдида олов ёниб турса ҳам чопаётган йўлидан ортга қайтмайди. Отам худди шундай киши. Айтгани – айтган, дегани – деган. Бир гапни айтдими, тамом, шу иш битиши керак. Отамга мен тугул Нурғали акам ҳам ботиниб бир сўз айта олмайди.

Энди нима қиљиш керак?

Шуларни ўйлай-ўйлай қанча бош қотирмайин, раиснинг қизига ёрдам бериш қўлимдан келмаслигини англаб етдим. «Ўзимга тенгдош бир қиз мушкул ахволда қолган бўлса-ю, мен унга ёрдам беролмасам, уни куткариб ололмасам-а», деб кийналардим. Римкеш гўё йўл чеккасида қўл кўтариб, чанг орасида қолиб кетаётган қиздай аянчли бир ахволда. Йўқ, қиз ҳам эмас, у – унсиз йиғлаб-ёлвораётган бир гул. Гулни ўсиб турган заминидан узиб олсанг, сўлиб қолади-ку. Шундай экан, нега манави ёши катталар, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган катта ёшлилар қиз боланинг ҳунар ўрганишга бўлган ҳавасини оёқ ости қилиб, муддатидан илгари турмуш қуришга мажбур қилишаёттир?! Ҳар нарсанинг ҳам ўз вақти бор эмасми, ахир?! Мен мана шундай саволлар куршовида кийналмокдаман...

Юрагимнинг туб-тубида раиснинг қизига нисбатан чиндан ачиниш ҳисси уйғонди. Баҳтсизлик

ўпкони ёнига бориб қолган навниҳол қизнинг на-
жот сўраб қилган фарёди қулоғим остида янгра-
гандай бўлади, ўзимнинг унга ёрдам беролмасли-
гимни, ожизлигимни тан олиб баттар эзиламан.
Кўзларимга иссиқ ёш келади.

Ўшанда уйга қандай етиб борганим эсимдаям
йўқ. Оғир ўйлар остида эдим. Мен келгандан сўнг
уч кун ўтиб, акам оксоқолларнинг ок фотиҳаси би-
лан никоҳланган ёшгина қизни келин қилиб кел-
тирди. «Умрда бир марта бўладиган тўй гуриллаб
ўтиши керак!» деган отам топган-тутганини ўртага
чиқарди. Шундай қилиб, тунов куни менга ўзининг
ширин орзуларини ишониб, кўнглимга ғулу таш-
лаган қиз бир-икки куннинг ичидаги менга келинойи
бўлиб бўсағадан ҳатлади. Шу Римкеш, шу.

V

Раиснинг қизи уйимизга келин, менга кели-
нойи бўлиб келгач, энди мен унинг исмини айтиб
чакира олмасдим. Буни менга ман қилиб ташлаган
хам, қаттол отам бўлди. Римкеш уйимизга келин
бўлиб тушган йилнинг қиши эди. У пайтда мен
ўнинчидаги ўқийман. Икковимиз бир куни эшик ол-
дидаги қорга кўрпа-тўшакларни чиқариб коқдик-
да, ҳазиллашиб бир-биrimизга кор ота бошладик.
Икковимиз хам ҳали боламиз, кўнгилда ҳеч бошқа
ўй йўқ. Мен-ку, ҳали ғирт бўзболаман. Шу кор оти-
шиб ўйнаётганимизни отам узоқдан кўриб қолган
экан, хайқириб юборди: «Эргали! Бу ёқка кел!»

Нима гап экан деб, югуриб бордим. Отам эса кош-қовоғига тош ёпишгандай ўқрайиб, мени сўка кетди. Мен ҳайрон эдим.

– Нима килдим ўзи? – деб сўрадим мўлтираб.

Отам индамай колди. Қовок-тумшуғи сал ёзилгандай бўлди-ю, кўлимдан тутиб, мени қўра томонга етаклаб кетди. Икковимиз қўрага кириб, коп-коп сули устига жойлашиб ўтирдик. Отам мендан кўзини узмай ўтирди-да, тилга кирди:

– Сендан бир нарсани сўрамоқчиман, фақат тўғрисини гапир! – Бу гал отамнинг овози сал титраб, юмшокроқ оҳангда эшитилди.

– Сўранг, – дедим мен ҳамон ҳайроним чиқиб.

– Тўғрисини айт, болам, келин мактабда ўқиб юрганида, икковинг бир-бировга сўз берганинг ростми?

– Буни сизга ким айтди?

– Буёғи билан ишинг бўлмасин, фақат тўғрисини гапир!

– Йўқ! – дедим мен ҳам титраб. Оғзимга бошка сўз келмади. Уятдан лов-лов ёнардим.

– Унда, келин келадиган кунда кувонишинг керак бўлганда, нега хафа бўлиб юрдинг?

– Ўзим...

– Менга қара, – деди отам овозига буйруғона тус бериб. – Хотинлар оғзига келган гапни айтаверади. Бироқ сен тек юр, бола. У – тукқан акангнинг хотини. Киши ўзининг келинойиси билан ўйнашмайди. Бу – бир. Иккинчиси – бундан кейин унинг исмини айтиб чақирмайсан. Тушундингми?

– Тушундим.

– Тушунган бўлсанг, энди уволинг ўз бўйнингда.

Отам илгариям бир-икки марта «исмини айтма, келинойи деб чакир», деб айтган эди. Эътибор килмаган эканман. Ўрганиб қолган оғиз «келинойи» дейишга кўнмай, эскичасига айланиб, яна исмини айтаверардим. Римкешнинг ўзи эса келин бўлиб тушганининг эртаси куниёқ менга «Сол» деб от қўйиб олган эди. «Нима бўпти шундай десам? Уйдаги ёши улуғларни ранжитмайлик дейман-да. Сен ҳам «келинойи» десанг, бирон ниманг кетармиди?» – деб танбех берган ҳам шу Римкешнинг ўзи. Энди отамнинг айтганини килиб «келинойи» дейишга ўрганмасам бўлмас, килиғи маълум, сал жойда ҳамма нарсага ўт қўйиб юбориши ҳеч гап эмас. Хуллас қалом, ота-боболар одатига кўра ўша кундан бошлаб «келинойи» деган сўзга ҳам ўргандим.

Ўнинчи синфи битирдим-у, Олма-отага караб йўл олдим. Максадим – ўкиш. Яратганга шукур, бу максадимга етдим. Политехника институтининг физика-математика факультетига қабул килиндим. Ўшанда овулдан кетишида келинойим самолётта кузатиб қўйган эди. Кўзлари ёшланиб, овозлари титраб-титраб айтган шу сўzlари то ҳануз юрагимда ёзилиб қолди:

– Эргали, – деганди у энди номимни тутиб эркалаб. – Ёши катталарни сийлайман, шуларнинг айтганларини бажараман деб, мен баҳтим баҳоридан, ўкиш имконларимдан айрилдим. Ота-

оналарни айтмаёқ кўяйлик, оғанг ҳам ёшлиқдаги бебаҳо мутолаа дамларидан, илм чанқоғидан маҳрум бўлди. Мана энди, яшаяпмиз, олдимизда улкан мақсадларимиз йўқ. Ҳаммамиз ҳам бугунги кун учунгина яшаймиз, мол-дунёнинг қулимиз. Энди, ҳеч бўлмаса сен ўқи. Биз томонлардан ҳам бир азамат чиқсин гуриллаб. Ҳалқ корига ярайдиган мутахассис бўлиб етиш. Мени, бизларни унутма. Тез-тез хат ёзиб тур...

— Айтганинг келсин, Римкеш! Тирик юрсам, албатта, сўзларингни унутмайман! — деган эдим шунда.

Шулар сабаб бўлдими ё билимга ўзим жуда ихлослимани, ҳайтовур, ўқишларим яхши. Мутолаани яхши кўраман. Маъруза тугаганидан сўнг ўкув залидан чиқмайман. Мактабни қозоқча битириб, рус тилига нўноқ бўлсан ҳам, имтихон-синовларнинг ҳеч биридан қоқилганим йўқ.

Қишки таътилга келганимда мусибатли во-кеанинг устидан чиқдим. Акам автомобиль ҳалокатида вафот этибди. Менинг келишимдан бир кун аввал дафн килинган экан. Онам билан келинойим товуш кўтариб йиғлаб ўтиришар, зорли-зорли йўкловлар айтишарди. Овул оқинлари ёзган зорли-ҳасратли ўланни фарёд ила товуш кўтариб айтганда, ҳар қандай тошбағир одамнинг қўнгли эриб, суяқ-суяги сўкилиб-зиркираб кетиши сўзсиз.

Айникса, Римкешнинг товуши жуда мунгли, аччиқ эди.

Тинч-осойиши элингга
Совуқ хабар сочилади.
Лов-лов ёнган юрагим
Сув сепгандай босилди.
Армонда кетдинг, Нурғали,
Хасратга құмиб бошимни.
Халқинг келди үйгештиб.
Дүстіларинг юрап куйиниб.
Қалбларга ҳасрат үрнашди,
Қирчин ёш эрта қийшлиб.
Айттар сұзим күп эди,
Шундоқ бұлар, демади.
Сафарда юриб йүл олдинг,
Тақдирнинг бұлды дегани.
Биздай ғариб жон борми
Қатордан қолиб зорлаган?
Кайгуниң қалып булуты
Бошдан кетмасдай тұрлаган.
Тайгоқ бұлған тақдирнинг
Вафотига чалиндим.
Шұрликкина бошим бор,
Жон ёримдан айрылдым.
Йигирма ёшга чиқмаёқ,
Ортингда қолиб, Нурғали,
Кайгуниң түрин ёпиндим.
Күёшим сұнди қайнаган,
Қизил тилим сайраган,
Не чора қылсам босилар
Кайгули юрак қийнаган...

Римкеш шу йўқловларни айтганда вужуд-вужудимни титрок босди.

Акам ота-онамнинг тўнғич фарзанди эди, бемаҳал, аянчли қазо топиб кетди. Ёши олтмишдан ошса-да, кўзининг нури, белининг қуввати кетмаган отам шу икки куннинг ичида қартайиб, сочсоқоли дув оқариб кетибди. Римкеш келин бўлиб тушган куни тўйига сўйилган қисирни йилқи ичидан бирга олиб келган эдик. Ўшанда отам бакувват қўллари билан қисирнинг кўш қулоғидан тутиб босган, юган-нўхтасизоқ қимирлатмасдан қўйган эди. Тепса темирни узадиган, тўрт-беш йигитга бўй бермай судраб кетадиган асов тулпорни ҳам отамнинг ёлғиз ўзиёқ оппа-осон бўйсундиради. Асов йилқини кўрганда отамнинг бир ғайратига ўн ғайрат кўшилиб, рухланиб кетадиган одати бор эди. Ёзда мен ўқишига кетгандаям ҳали ғайрати кайтмаган эди. Энди-чи? Аввалгидай тик юрадиган, бутун вужудидан салобат ёғилиб турадиган отам йўқ, унинг ўрнида чўкиб-кичрайиб қолган миттигина бир чол турарди. Авваллари худди ёш йигитдай чақкон, шиддатли эди, икки юзида кон ўйнаб, ёноклари порлаб турарди, кўзларида учқун сочгандай чақин бор эди. Энди-чи? Қани ўша шахду шиддат, бургут карашлар? Отам бечора сувга тушган мушукдай аянчли ҳолга тушибди, сўздан ҳам қолибди. Бирорлар фотиҳа қилса, бошини куйи солиб унсиз ўтиради-да, уйда ҳеч ким бўлмаса, мук тушиб ётиб олади.

Айтмасам ҳам аён, бу мусибат менинг ҳам жон-жаҳонимни ўртаб, дарду дунёмни қоронги қилиб ташлади. Аммо қазойи муаллаққа қарши чора йўқ экан. «Бирга туғилмок бор, бирга ўлмок

йўқ» деб овутдим ўзимни ўзим. «Нелар келиб, нелар кетмас эр йигитнинг бошига?» – деб юпатдим. «Бўладиган иш экан, тақдирни темир бўлиб ёнг», дейди якинларим атрофимни ўраб. «Ёмоннинг бошига иш тушса – ўйлайверади, яхшининг бошига иш тушса – бўйлай билади» деган сўзларни эшитиб, сал ўзимга келгандай бўлдим.

Маърака-маросимлар ўтиб бўлгач, Олма-отага жўнаб кетдим.

VI

Ёзги таътил вактида овулга келганимда кутилмаган воқеага дуч келдим. Римкеш оғироёқ экан, мен келгандан сўнг бир ҳафта ўтиб, қўчкордай ўғил туғди. Акамнинг бурнидан тушгандай, худди ўзи. Икки юзи тўрсикдай, лўппи, жуда ёқимтой чақалоқ. Исмини Тўловхон деб кўйдик.

Янаги сафар келганимда отам овулдаги қариндош-уруғларни уйга йиғиб олди. Римкешнинг ота-онаси ҳам шу ерда. Хаёлимда ҳеч нарса йўқ, балониям тушунмай, ота амрига кўра кўй сўйиб, кўлга сув куйиб дегандай, қўнокларга хизмат қилиб юрган эдим. Бир пайт, овқат ейилиб, чой ичилиб бўлган пайт отам Римкеш иккимизни меҳмонлар ўтирган хонага чақириб олди. Мен Римкешдан бирор дақиқа олдин кириб, бўсағадаги бўш ўринга чўккан эканман, Римкеш иймана-иймана хонага кирди-ю, ўтиришга ўрин топмай эшик ёнида туриб қолди. Мен «Келинойи, ўтиринг!» деб ўрнимдан учиб турдим. Отам бир муҳим гап ай-

тишга чоғлангандай йұталиб олди-да, мени энди күраётгандай икки күзини қаттық тикди:

– Сен бундан буён «келинойи» дейишиңгни күй!

Отамга хайрон бўлиб қарадим.

– Энди нима дейишим керак?

– Исмини айтиб чакир.

– Отини айтма, келинойи деб чақир деган ўзингиз эмасмисиз, ахир! – дедим тихирлик қилиб. Манави йиғиннинг шунчаки машварат эмаслигини шунда сезиб қолдим. Сездим-у, отам бир шумликни бошлаётганидан ичим шув этиб кетди.

– Бўлди, баҳслашма! – дея қаттол товуши билан тийиб ташлади отам.

Мехмонларнинг кўзи отам икковимизда. У бирпас менга тикилиб индамай турди-да, мени олдига чақириб, ўтиргизиб кўйди. Кейин яна менга тикилганича, айтадиган гапларини саралаб олгандай жим қолди. Кейин, бошлади:

– Во болам-а, манави йиғилган эл-юрг олдида айтадиган оталик насиҳатим бор сенга. Шуни айтиш учун чақирдим. – Ҳар бир сўзини чертиб-чертиб, вазмин оҳангда гапирди отам. – Манави муштипар онанг билан икковимиз сени қанотлига қоқдирмай, тумшуклига чўқтирмай ўстирдик. Ҳудойга минг шукур, мана, эр етдинг. Яхши-ёмонни, ўнг-сўлни ажратадиган йигит бўлдинг. Раҳматли оғанг элим деган азамат эди. Оллоҳ ишига нимаям чора бор? Ғафлатда айрилдик-қолдик. Тўнғич боламнинг қазоси ярим жонимни юлган бўлса, кели-

нимнинг кўз ёшлари кўкрагимни қарс айиради. У менга келин бўлса, сенга келинойи. Шунинг учун унинг оху воҳ қайғуси, увол-савоби икковимизнинг ўртамиизда. «Оға ўлса – ини мерос» деган гап бор оталарда. Шу одатга кўра икковингни бошингизни қовуштиrmоқчиман. Келинойим есири бўлмасин, иним етим бўлмасин десанг, шу тилагимга рози бўл. У ҳам сенга ўхшаб ҳали ёш. Ўзингдан катта бўлса-ю, шунга уйланасан деб буйруқ қилсан, мен итлик иш қилган бўлардим. Келиннинг ўзидан розилик олганман. Кудалар билан ҳам келишдик. Манави овул оқсоқоллари билан кенгашган эдим, улар ҳам маъкуллашиб, оқ фотиҳаларини беришиди. Қай қозок ўз уйидаги есирини қанғиртириб ташлаган? Кулан ўз ахлатидан ўзи жирканмайди. Бегона эмас, ўз бовурингнинг узган гули бу. Ақлинг бўлса, акангдан қолган оила тўзғиб кетмасин. Қайтанга, тутунини тутатиб, туғини тик. Улуғнинг гапини сийлаб ўсган элнинг фарзанди эканинг рост бўлса, бизларнинг юзимизни ерга қаратмассан деб ишонаман. Ўқишиングни ташла демайман. Олма-отага олиб кетиб, бирга турман десанг ҳам, ихтиёр сенда. Келиннинг сен билан кетишига онанг ҳам кўнди. Ўқишиングнинг бундан кейинги харажатига ҳам биз розимиз. Шу ўйлаганларим ўринсиз бўлса, униям айт. Ўринли бўлса, қартайганимда сўраган шу тилагимни бажар, ўғлим. Айтган гапимни олиб, маслаҳатимга кўнсанг – манглайимга босган ёлғизимсан. Сен тентакни шу йўлга со-лолмасам, унда ўлганим ортиқ менинг. Сен ҳам

мен учун палағда тухумдан бошқа нарса эмассан. Айёми замондан буён Худой таоло фотиха бузган бузукларни аёвсиз жазолаб келади. Қайси ота ўз боласига ёмонлик раво кўрарди? Тўримдан кўра гўрим яқин турган бир пайтда қудрати улут Худойимнинг қарғишига учрамасин деяпман, сени. Менинг айтадиган гапим шу. Энди нима дейишни ўзинг биласан, болам...

Сўзини тугатган бўлсаям, отам мендан кўзини узмади. Дунёқараши кенг, нигоҳи теран, тил хазинаси бой киши-ку, отам, ҳалиги айтганлари менга қандай таъсир қилганини синаётган эди. Нима дейишими билмай эсим кетди. Отам гапира бошлаган вактдаёқ пешанамни совуқ тер босиб кетган эди.

Бошимни кўтариб қараган эдим, уй тўла дўстёр менинг оғзимга қараб, маҳтал бўлиб ўтирганини кўрдим. Кўнгилларнинг кўзгуси – кўзларига карасам, ҳаммасиям отамнинг сўзини маъқуллаб ўтиргандай.

Факат қаршимда ўтирган ўрта яшар, узун бўйли, узунчок юзли, қоп-кора кишининг чехрасида бу карорга кўнма, деган қайсар бир маънони уқдим. Унинг қаҳрланаётгандай юзи, тез-тез учайдиган ковоғи менга «ғайратингни йиғ, кўна кўрма» деб тургандай эди. Бирок ичидан мени ҳимоя қилиб, кўзи билан ҳар қанча қамчиламасин, у ҳам журъат қилиб, қарши сўз айта олмади. Аччик-аччик ўй-хаёллар вужудимни кемиради... Отам мендан кўзини олди-да, ёнида ўтирган онамга ола қараб,

унга кош коккандай бўлди. У киши шуни кутиб тургандай, укки каби сергакланди-да, гуноҳ иш килиб кўйгандай отамга қараб-қараб, менга бўйин бурди:

– Болам, менинг ҳам оналик тилагим шу. Отанг-нинг галини икки қилма, – деди ялинчок паст овозда.

– Ҳа-да, оладиган фарзанд бўлса, қанча фойдали сўзлар айтildи!

– Худойим-ай, бугуннинг ёшлари фойдали сўз қадрини билармиди?!

– Аввалги замонларда эди, эрнинг хуни икки-уч оғиз гап билан битарди-кетарди.

– Үнака дема-е, ота-она гапини оладиган бола, мана шу-да.

– «Оталар сўзини орсизлар олмайди» деган гап бор, оқсоқолларнинг оқ фотиҳаси бузилмасин!

– Ота-онанинг оқ сутини ҳатлаб бўларканми?

– Ҳа, ўйлан, қароғим, ўйлан!

Ўй тўла эркагу аёл ҳаммаси баҳслаша сўзлаб, акл-насиҳат айтса ҳам, мен меров одамдай киприк кокмай, индамай ўтиравердим. Бошим гангиб колаёзди, миямда минг бир хаёл-ўй чаппар уради. Тўксон томонга тортқилаётган ўй бир-биридан устунлик килиб, бирорта акллироқ чора-тадбирни мана деб ушлашга имкон бермасди.

«Шунча одам менинг учун жавоб берәётир. Нима дейиш мумкин ўзи буларга? Отамнинг истак-хоҳишини ноўрин деб айта оламанми? «Нўхтали бошга – бир ўлим» деганларидай, охири, барибир,

кимгадир уйланишим керак экан, нимасига бош котираман энди? Римкеш кимдан кам? Шундай экан, отамнинг айтганлари түгри.

Йўқ, асло! Юрак нима дейди ўзи? Мен Римкешни севаманми? Ахир, бир пайтлар мен мана шу вужудни орзу килмаганмидим? Бироқ уни энди муҳаббат деб айтиш мумкинми? Йўқ, бу туйғу муҳаббат эмас, муҳаббатга ўхшамайди.

Хўш, унда муҳаббат деганлари нима? Ҳаётда борми ўзи муҳаббат? Ёки фақат китобларда, киноларда кўз-кўз қилинадиган мавҳум суратми у? Билмайман. Тушунмайман. Мен, ахир ҳаётда бировни севиб кўрдимми? Йўқ. Ўтган йили Олма-отада танишган оқ-сариқ қиз-чи? Тўғри, уни ёқтириб қолган эдим... Лекин тезда унутиб юбордим-ку. Демак, бу ҳам чин севги эмас экан-да. Чин севгини унутолмайсан дейишади-ку. Ё... муҳаббат деганлари бу ёлғон гапмикан? Ёлғон бўлмаса, нега энди Лайлию Мажнун, Ромео ва Жульєтталар, қабрга бирга кирган Кўзи Кўрпеш билан Баянсулувлар хозир йўқ? Марҳум акам аклсиз эмасди, лекин у ҳам Римкешни севиб, ўлиб-ўчиб олгани йўқ, уларни ҳам отам кўшди бир-бирига. Кўкламда, мана шу қизга уйланасан, деган. Ёзда тасир-тусур тўй килган...

Тўхта-тўхта... Отамнинг менга сездирмасдан, оёқ остидан бу гапларни бошлаганини қандай тушунмок керак? Дап-дурустдан, шунча меҳмонни чакириб олиб... шу тўғрими? Ўйланишга ҳам вақт колдирмай, ўнғайгина кўндираман деб бошли-

ган қувлигими бу? Отам олисни кўрадиган ақли одам эди-ку. Айтса, бир нимани билиб айтарди-ку. Менга жони ачимайдими унинг? Қани-қани, айтганларини бир мулоҳаза қилиб кўрайин-чи, қайси сўзи хато экан... Йўқ! Айтган-ўйлаганининг бари ўринли. Шу отамнинг гапини олиб юрган акам кимдан кам бўлди? Ҳеч кимдан! Қайтанга, қаторлари бари акамга ҳавас қилишарди. Шундай экан, мен ҳам акамнинг йўлидан юриб, отамнинг дуосини олиб яшаганим дуруст эмасми? Ёши улуғларни тингламай, эл ичидар окпадар бўлиб яшасам, нима обрў топган бўламан?

Бунинг бари ўз олдига алоҳида бир масала. Аввало, отамни ўйлашим керак. Шунча одам, уй тўла эл-юртнинг олдида айтган гапини олмай, номардлик киладиган бўлсан, ўзи куйиб юрган одам баттар букчайиб қолмайдими? Мени дуойи бад қилиб, юзкўрмас бўлиб кетса-чи? Ўзини ўзи бир бало қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Боя шу томонларини ҳам эслатиб ўтгандай бўлди. Ҳар ҳолда, мен томондан бирон ишкал чикадиган бўлса, ёмон бир кор-холнинг юз бериши аник. Отамнинг атворини биламан. Айтганидан тоймайди у. Шундай экан, соғ бошимга йўқ жойдаги ғалвани сотиб оламанми? Яхиси, айтганига кўниб, деганини маъқуллаб юрганим афзал. Ҳа, ҳа, шуниси тўғри...»

Ачитадиган қилиб оғир-оғир гапларни айтган отам ҳам, бошка келган меҳмонлар ҳам «гапингни айт, қани, тез айт!» деб кистовга олаётганлари йўқ.

Үйлансин деб, ҳаммасиям унсиз котиб ўтирибди. Орадан анча вакт ўтгач, отам:

– Тамоми юртни оғзингга термилтириб ўтирма, айтадиганингни тезрок айт! – дея амр килди.

– Сизнинг айтганингиз бўлақолсин, – деганимни биламан, отамнинг юзи ёришиб, кўзлари порлаб кетди.

– Розиман сендан, болам. Армоним кўп бўлсада, ўқинчим йўқ энди. Бахтли бўл, илоё! – деб дуо килди отам. Уйдагилар ҳам унга қўшилди:

– Ўв, баракалла, ақлингдан айланайин, азаматим!

– Кўп яша!

– Бахтли бўл, бахтли!

– Кўшганинг билан қўша қариб юр.

– Икковингнинг ҳам умрингиз узок бўлсин.

– Ширин-ширин умр кўринглар.

– Ота-онага меҳрибон бўлинглар! – Оксоколлар қўл очиб, дуо қилишди. Бизларга қўшни турадиган бир яқин келинойимиз бор эди. Шу аёл одамлар тарқаши билан Римкеш икковимизни айланиб ўргилиб: «Юринглар, тўшакларингни ўзим солиб қўйдим. Оқ тўшакка оқ ният билан ўзимгина сизларни обориб ётқизайин», деб ўтов томон бошлиди.

Ўн кунлардан бери Тўловхон онамнинг бағрида экан. Шундан бери Римкеш ҳам отимни айтиб юрди. Анков бошим энди англаб етди, бу харакатларнинг бари ота амри билан амалга ошаётган ҳозирлик экан. Буларни менга Римкеш айтиб берди.

Үнсизгина ётибман. Хаёлларим тарам-тарам бўлиб, даладаги пилдир-пилдир сўқмоқдай ҳар томонга торткилайди. Қанчалик тиришмай, ўй-хаёлларимни йиғиб ололмайман. Ўзгани эмас, ҳозир ўзимни ўзим тушунолмай колдим. Сон минг хаёлдан бошим ғовлаб кетган. Бир қарасам – қилаётган ишимнинг даҳшат-ваҳимаси вужудимни музлатиб, қалтиратиб ташлаётгандай, бир қарасам – баданимга иссиқ кон югуриб, ловуллаб ёнаётгандайман. Ҳозиргина қўшни аёл бизларни тўшакка ётқизиб кетди. Ўз аҳволим ўзимга тан, ётибман. Римкеш икковимизнинг таналаримиз бир-бирига якинлашиб, тегиб кетганида қон томирларим тўлиб, юрагим гуп-гуп ура бошлади. Ўша лахзаларда биз ўт-олов, оташин хиссиётлар ичидагутун дунёни унутаётган эдик...

Энг аввал Римкеш ўзига келиб, эсини йиғиб олди. У тўшакдан суғурилиб чиқди-да, шивирлаб гапира бошлади:

– Мен дармонсизман... чарчадим... Аёл йўли – ингичка. Шунинг учун ёши улуғларга ботиниб гап айттолмадим. Нима қилсаям эркак-ку, деб, сенга ишонган эдим...

– Нега? Нега бунақа деяпсан? – оғзидан гапини юлиб олдим мен. – Нима, мендан норозимисан?

– Йўқ, ундей эмас. Сенинг хаётинг энди бошланаёттир, келажагинг олдинда. Бахтингни бойлагим келмайди.

– Менга энди, барибир.

– Унака дема. Ўйланиб кўр. Ҳалиям бўлса кеч эмас...

– Бу нима деганинг, Римкеш. Агар ўзинг рози экансан, бас, менга бундай дема...

Римкеш унсиз ётди-да, гавдамга бошини кўйиб, йиглаб юборди.

– Бекор қиляпмиз, барини бекор қиляпмиз, – деди у ҳиқиллаб.

– Кўйсанг-чи, жоним, йиғлама энди... – дедим мен ҳам кўнглим бузилаётганини сезиб.

– Майли, энди йиғламайин. Ёр қучоғида ётганда ёмон ирим бошлагандай бўларман, – деди у ҳиқиллаши босилиб.

– Бироқ ўткинчи ёмғирга ўхшаш вактинчалик кувончга юпанмайман ҳам, ишонмайман ҳам.

– Кўйсанг-чи, энди. Мен сени ҳеч қачон ранжитмайман, – дедим уни бағримга тортиб.

– Кўй десанг, ана, қўйдим, – деди у йиғидан ўзини тийиб.

– Тақдирдан қисқа баҳт тиламайин.

Икковимиз бироз вакт жим колдик.

– Агар ўз ихтиёrim ўзимда бўлса эди... – деди Римкеш бир пайт тилга кириб, – мен ҳам ўз тенгими ни топармидим, топмасмидим...

– Бунақа гапларингни қўй.

VII

«Козогистон» поездига шубҳадан дилим хуфтон бўлиб минган эдим, кулиб тушдим вагондан. Изма-из келаётган вагонлар тизими юришини се-кинлатганда, перронга шошиб кўз ташлаган эдим, бир тўп ҳамроҳлари фрасида Ойнурни кўрдим.

Күлида гулдаста. Күнгилдаги хижилни ювиб юборган кулгига сабаб, мана шу дийдор эди.

Ойнурни ташлаб кетаверишга кўзим қиймасди, албатта. Шунга қарамай Чимкентда узок вақт ҳаяллашга вақт йўқ эди. Ўқишига кечикиб бораётган эдим. «Эртага жўнаб кетаман» деган куни кечкурун дўстлар билан театрга бордик. Ўша кунги воқеалар худди кечагидай ёдимда. Абай номидаги академик опера ва балет театри жамоаси жанубий туманларда гастролда юрган экан. Бастакор Астафьевнинг «Боғчасарой фаввораси» балетини намойиш килишди. Театрдан чиққач, Тинчлик бульвари бўйлаб юриб келдик. Ёруғ ва кенг кўча ҳозир биз ёшларнинг ярашикли ҳазилларимизга кулок solaётгандай сукутда эди.

Равон кўча бўйлаб шодмон қадам ташлар эканмиз, мен ҳам хаёлга толдим: «Мұхаббатта маст бўлган талай-талай ошикларнинг вужудидаги, қалбидағи қанча-қанча мўъжизакор туйғуларига ўзинг гувоҳсан, эй кўча! Мана, энди мен ҳам келдим сенинг бағрингга. Пок юракда туғилган покиза туйғуларимни айтсам дейман ёримга, ягона Моҳимга. Кейин, майли, такдир нени муносиб кўрса, розиман...

«Айт, айт мұхаббатингни деяётгандай бўлади осмондаги тўлин ой, ҳеч қандай айби йўқ бунинг. Ўз туйғуларингни ўзинг қачонгача пинҳон тутиб яширасан? Мұхаббат деган туйғуни, барибир, пинҳон тутиб бўлмайди...»

«Мен ҳам шуни маслаҳат бераман, ҳеч тортина, айт» дегандай шитирлайди киз қоматли оқ қайин. Ям-яшил япроқлар ҳам чапак чалиб: «Талай-талай ошикларни күрганмиз, бирок сендей инжик, уятчан ошикни ҳеч күрмаган, учратмаган эдик, жасур бўл, йигит» деб, дадилликка чақираётгандай. Осмон тўла чароғон юлдузлар ҳам мени изҳори дил қилишга ундан жимирилаётгандай: «Қанча узоқ яшасак ҳам, йигитга ўзи келиб сўз ташлаган қозоқ кизини күрган эмасмиз. Қиз боланинг табиати, тарбияси ўзи шунака, муҳаббатини биринчи бўлиб изҳор қилмайди. Шунинг учун биринчи қадамни йигит киши кўймоғи керак. Қиз ўзи тунов кунги учрашувдан буён шуни кутиб юрибди. Очик чехраси – бунинг гувоҳи. Бундан ортиқ яна қандай фурсат керак сен учун? Бундай қулай лаҳзалар, изҳори дил қилишга ўнгай фурсат қайта айланиб келавермайди. Эртага ОлмаОтага йўл тортасан. Бугун айтадиганингни айтиб кол! Қиз олдида қисинчоқ бўлмасанг-чи. Дадил бўл, сенга омад тилаймиз ҳаммамиз!..»

Ётоқхонанинг тўртинчи қаватидаги 412-хонага кириб келдик. Бўсағадан ҳатлаган Равшаной чироқни ёқиб юборди-да, радиолани қўйди. Енгил шабадада, салкин ҳавода завқланиб ичкари кирган ёшлар, энди Штрауснинг ўйноқи вальси янграгач, куйдан таъсиrlаниб рақсга тушиб кетдик. Кичкинагина хона талabalар қувончу шўхликларига торлик қилиб қолди.

Яна бир-биrimизга яхши тилаклар айтдик, тунни яхши ўтказиш борасида ҳазил-хузуллар

қилиб тарқалдик. Ойнур икковимиз эса ётоқхона залиниң бир чеккасидаги диванга келиб ўтиридик. Ўртасидаги электр чироғининг ёруғи бу ерга базур етиб келиб, заифгина милтираб нур сочарди. Қора кўланка ер. Вакт ҳам тун ўртаси бўлиб қолган. Ҳамма ухлаган. Мабодо кимдир шамоллашга чикиб, адашиб-улоқиб келиб колса-да, ҳеч ким бизни шу ердадир деб ўйламайди. Кимнинг ҳам хаёлига келарди дейсиз, кимлардир ўтиргандир деб. Хуллас, Ойнур икковимиз шу бурчакни ўнгай кўрдик, шошилмай сир айтишадиган, изҳори дил киладиган пана жой эди назаримизда.

Бундан аввалроқ бўлган бир дийдор лаҳзалида мен Ойнурга ўз дилрозимни маҳфий ишоралар ила билдирган эдим. Шунда у мени тўлик тушунди. Бироқ мени узил-кесил рад қилиб ташламаган эди. Ҳар бир сўзимни шоёни дикқат билан тинглаган, менинг гапларимни ичидан маъкул кўрган-кўрмаганини билдиrmай ёки ёш юракни яраламайин, кўнглига кўланка туширмайин, дегандай, ўз қалбининг сирларини очмаган эди. Қизнинг ақли етган бу хил нозикликни мен тушундим, шунинг учун ҳам шу кунлари на кулолмай, на бошқа қилолмай туну кунни хўрсиши билан ўтказардим. Ўша тунги дилрози айтишган соатлардан кейин ҳам узоқ вакт ухлаёлмаганман, ағанаб чикканман, хўрсинганман, бу ёғи нима бўлишини ўйлаб, эзилиб ётганман. «Ота-онанинг гапини икки қилмаслик» деган яхши тарбия мени шу кўйларга солганини, каттани сийлаш, хурмат-

эъзозлаш оқибати мени боши берк күчага тикиб күйганини шу кеча аник тушуниб етдим. Ўша гал тонг окара бошлаган лаҳзалардагина кўзим илинган, уйқуга кетган эдим. Шоирлар ҳам юриб-юриб, шеър ёзолмай, илҳом парисини қўлга ўргатолмай, узок пайт ижоддан йироклашиб, сўнг бирданига қатор-қатор шеърларни тўкиб ташлайдилар, деб эшигтан эдим. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди – залнинг киши кўрмас бурчагида ўтириб, Ойнурга узок гапирдим, кўнгил изҳорларимни тўкиб ташладим. У бу гал ҳам мени сабр билан тинглади. Барча гапларни ипидан-игнасигача айтиб бўлгач, кизга тик бокдим:

– Сен ҳам севасан-ку, шундай эмасми, Ойнур? Нима десанг ҳам, чинингни гапир. Менинг шунча саъй-ҳаракатларим, ўйлаган ўйларим бари хатоми?

– Рост, рост... Мен ҳам сени...

– Унда нега гапингни ичга ютасан, нега қийналасан? Ҳамма нарсани рўй-рост гаплашиб олишимизга нималар монеълик килади? Дастрекки пайтларда эл-юрт айтадиган маломат гаплардан кўркасанми? Юракларимиз, тилакларимиз бир бўлса, ҳар қандай маломатни, ҳар қандай ғовтўсикни енгиб ўтамиш-ку, ахир. Ўйлаб қарасанг хаёт мана шу сўкмоклар, ўнкир-чўнкирлар билан кизик эмасми? Ахир қийинчиликлар, машакқатлар билан эришилган баҳт ҳақиқий саналади-ку. Инсонлар мана шундагина ҳақиқий баҳтни қадрлаб-эъзозлай оладилар-ку. Шуни тушунишга уриниб

күр, Ойнур. Агар кийинчилик, машақкат деганимиз бир қайрок тош бўлса, биз бу тош олдида бўр бўлиб уваланиб кетмасдан, пичоқ каби, шамшир каби, болта каби мустаҳкам туриб қайралмоғимиз керак. «Умр деганлари курашдан иборат» деб айтиб кетган-ку, улуғлар. Курашлар, машақкатлар, кийинчилик билан топилган баҳтдан азизроқ нима бор дунёда? Агар шуни тушунмайман десанг, мен сенга ишонмасдим, Ойнур...

– Тушунаман, Эргали, тушунаман...

– Тушунсанг, нега биттагина тилагимга муносабат билдиrmайсан, Ойнур? Нима сенга халақит килади?

«Мен ўнг-сўлни танимай туриб хатога йўл кўйган бўлсам, наҳотки энди бутун умр бунинг азобини чекиб ўтишим керак? – титраб ўйлардим ичимда. – Йўқ! Қайтанга, бу хато қадам бизларни узоклатмасдан, якинлаштириши керак-ку. Ахир, баъзан килинган хато ҳам инсонга бир умрлик сабок бўлади, одамнинг аклини киритиб кўяди. Ҳаётинг бошланиши олдида кўйган хато қадам, олддаги хаётда бошқа хато килмаслигинг учун балки кафолат бўлар? Бошимдан ўтган савдоларни, мудҳиш кўргиликлар олдида ожиз қолган пайтларимни чин дилдан айтяпман, хато килганимни тан оляпман, наҳотки мени шунинг учун айблаш мумкин бўлса? Йўқ, бунда факат битта ўзим айбдор эмасман. Анковлигим, ғофиллигим, гўдаклигим панд бериб уйландим, аммо мен ҳаром иш килган эмасман-ку. Ўйлан, Ойнур. Одамларнинг ғийбату

маломатларидан күркиб, кейинчалик икковимиз хам ўкиниб юрмайлик-да...

Менинг тил билан айтолмаган мана шу дил фарёдларимни хам Ойнур батафсил тушуниб етди, шекилли, ўзига-ўзи гапиргандай паст овозда шивирлади:

– Бирорнинг бахтини увол килиб, бахтли яшаш мумкин эмас, Эрғали.

– Ўз бахтингни, мухаббатингни бирорлар учун курбон қилиш-чи, бу осон эканми?

– Тушунсанг-чи, Эрғали, икковимизга хам оғир бўлади.

– Икки одам бир-бирини сева туриб, бирга яшай олмаса бундан оғир нима бор, Ойнур?

– Сен хам ўйлан, бахтга элтадиган сўқир сўқмоқ хам йўқ-ку, олдимиизда.

– Шуям галми, бахт йўлини ўзимиз яратишимиз керак-ку.

– Йўқ, биз учун бу ерда ҳеч қанақа йўл йўқ. Бирорнинг ишончини поймол қилиш, ўз лаззатинг учун ўзгаларнинг бахтига оёқ артиш нима эканини мен жуда яхши биламан...

– Нималар деяпсан, Ойнур?!

– Ҳа, энди бундан буён мени қийнайверма, Эрғали. Эски яраларимни тирнама, ўтинаман.

– Нима демокчисан? Сен хам менга ўхшаган адашганмисан, Ойнур, алданганмисан?..

Менинг жон талвасада айтган гапларим жавобсиз қолди. Ойнур юзларини кафтига босиб,

йиғлаб юборди. Ҳозиргина, бир соат-бир ярим соат мүкаддам шодмон хисларга беланиб, театрда гулдай очилиб-яйраб ўтирган гүзал чехрани кўз ёш тўфони босди. Ойнурнинг эзилиб кетган ранг-рўйини кўриб, мен шалвираб колдим. Кўз ёши йиғлаётгангагина эмас, кўриб турганга ҳам оқар... Яна, бунинг устига, кўзларидан шашқатор ёш тўкаётган одам, жондан азиз кўрган севгилинг бўлса-чи? Бундай пайтда қийналмаслик мумкинми, чидаб туриш, сабр қилиш мумкинми ўзи? Ўзимни тутиб олишга ҳар қанча уринмай, Ойнурнинг кўз ёшларини артиб, юпатишга ҳозир кодир эмасдим. Бу яна қандай жумбок бўлди? Такдир бошимга яна қандай синовларни солмоқчи?

– Бошингни кўтар, Эрғали. Ёмғир булутдан пайдо бўлгани каби, кўз ёшлари ҳам юрак тубидаги қайғудан, ҳасратдан туғилади. Мен энди сенга бир сиримни очик-ошкор айтиб берайин. Балки шуни тинглаб, бироз тиним топарсан. Факат юрагинг, сабр-тоқатинг дош берса бўлди, Эрғали...

– Айтавер, Ойнур, қулоғим сенда.

– Мен ҳам сенга ўхшаб бир овул одамнинг эркаси, ота-онамнинг кўрар кўзи бўлиб ўсдим. Оила-да ёлғиз киз эдим. Онам мендан аввал ҳам олти ўғил, икки киз тукқан экан. Лекин барини қора ер ўз бағрига тортиб кетибди. Урушнинг сўнгги йили эди; курок папка кўтариб, илк бор мактаб эшигини очдим. Болаликнинг беғам-беташвиш, тараалабедод кунлари ўтиб, олтин уя – она бўсағадан учирма бўладиган кунлар ҳам етиб келди. Юрак тўла

тўлқин, ҳаяжон, орзулар... Мактабни битириб, ўкишни қаерда давом эттираман, қайси ҳунарнинг бошини тутаман деган эзгу ниятлар ҳамма ўсмирик киз-йигитнинг хаёлида бўлади-ку, ахир. Ҳар ким ўз орзуси томон қанот қокишга шайланиб турган чоғлар.

Ҳали-ҳали эсимда. Эртага сўнгги кўнғироқ чалинади деган куни синфдошлар билан қирга чикиб, қизғалдок тердик. Ёз бошланаман деб турган пайтлар. Ҳамманинг кўнглида ўтаёттан баҳорнинг кайфияти-ю, келаётган ёзнинг қизғин тафти. Дала яшил-қизил бўлиб гуллаб ётибди. Мен ҳам ям-яшил япрокли кўйлак кийиб олганман. Кун очик, иссик, заминга нур қуиилиб, меҳр тўшалиб тургандай. Нафақат дунё гўзал, тириклик гўзал, одамнинг жону дилини, бутун вужудини гўзал, бокира ҳис-туйғулар эгаллаб олган. Чиннидай тиник осмонда оқча булат ёприлиб кезинади. Мен ҳам бошимга шу нозик булат рангига ўхашаш оқ ҳарир рўмол танғиб олганман. Йигирма олти йигит-қиз эдик. Беш-олти қирдан ошиб ўтгач, яна олти қирдан ошириб ашула бошладик. Ашулага маст бўлиб, қизғалдок узаверибмиз, қизғалдок узаверибмиз – қучоғимиз гулга тўлса ҳам, кўнглимиз сира тўймасди. Бол йикқан боларидай қизғалдок кувиб юраверибмиз, сира қайтгимиз келмайди ортга. Гўё ортга қайтсак бир-биrimиздан ҳам, кўзнинг ёғини олган манов гуллардан ҳам, манов даладан, ўрмондан, тоғдан, булоқдан, булоқ сувларидан, қучоғини кенг очиб чорлаётган уфқдан айрилиб қоладигандаймиз.

Одамга бўйсунмайдиган, аксинча, унга ўз амрини ўтказадиган куч-кудратнинг бири – вақт-ку. Бизни хам йироқ-йирокларга ошиктираётган, янги янги довонлардан ошиб ўтишга чорлаётган нарса мана шу югурик вақт эди. Биз кирдан-кирга ошиб кетганда қоқ тепамизда, кунботар томондаги уфқ ҳудди кип-кизил олов ичидаги канотини ёйган оккуш каби керилиб, конталаш тусга кирган эди. Уфкнинг қушдан фарки шу эдики, уфқ ёнаётгани йўқ, сеҳрли бир сурат каби ёйилиб олдимизда бизни ўзига чорламоқда.

Ғоздай тизилишиб овулга қайтдик.

Дуйсен икковимиз терган гуллар ҳамманикидан кўп эди. Икковимиз синфдош, икки қўшни, мактабни бирга битираётган икки ёш кўнгил... гап факат шулардагина эмас, икковимизнинг дунёкарашимизда, феъл-авторимизда ҳам якинликлар бор эди. Кизлар Дуйсен ҳақда гап кетса, «оқкўнгил, яхши йигит-у, аттанг, сал кизларга ўхшашрок феъли бор-да», деб кўйишарди. Аммо у менинг ёнимда жуда сило, уятчан кўринади. Ўзи озгин, узун бўйли, гавдали йигит. Шунга яраша, анковлиги ҳам бор. Анковланиб юргани учун кизишиб кетса керак-да. Сўзга йўқ, камгап. Синчиклаб қарасанг, бошқалардан ортиқ-ками йўқ, йигитмисан йигит. Шуни ёқтирадим, шекилли. У мени яхши кўришини бир неча бор сездирган. Бирок шу қунгача ўртамизда изхори дил бўлган эмас, муҳаббатдан гап очган эмасмиз. Нима бўлганда ҳам, икковимиз кейинги пайтларда мактабда, йўлда, уй томонларда якинлашиб қолиб,

бирга күзга ташланиб қолаверардик. Шу сафар хам икковимиз синфдошларнинг энг охирида юриб келдик. Кўп йиллардан бери йигилиб ётган сой суви бир тиркиш топиб, ўзанга тушиб ўрмаласа, кучли оқим, кудратли бир наҳрга айланмайдими? Кўпдан бери Дуйсенга тинчлик бермаётган ўт-олов хислар, тентак туйғулар, илк муҳаббат деб аталмиш кудрат шу куни унинг оғзини очиб, тилини ечиб юборди, бирам чечан бўлиб кетди сўзга, бирам чечан бўлиб кетди. Отиб келаётган тонг нуридай ловуллаб айтган гаплари, оловдай гуриллаган овози ҳали-ҳануз кулогим остида турибди.

Не дейин, ҳамма гапини унсиз тинглаб келдим. Шу бўзболага бўлган туйғуларим, уни кўрганда бир ҳаприқиб оладиган юрагим шу пайтгача на ёниб-ёнмай, на ўчиб-ўчмай келарди. Қувраб қолган қамишзорга ўт кетганда қандоклар ёнади? Шу куни менинг ҳам бокира туйғуларимга олов тегди, вужудим ўтга ўранди. Бироқ муҳаббат дегани қуриб қолган қамиш эмас-ку, бирпасда ёниб кулга айланса? У қандай олов олиб ёнса, шундай жизғанак бўлиб куйдиради ҳам. Қиёмат койим эди бу муҳаббат, ёндираман-куйдираман дерди.

Эртаси куни сўнгги қўнғироқ чалинган кезда терган гулларимизни ўқитувчиларга тутқазиб, уй-уйга таркалдик. Дуйсен икковимиз мактабдан чикиб, тўппа-тўғри кинога боришга келишган эдик. Бироқ, улгурмадик. Келсак кино бошланиб кетган экан. Уйга кайтгимиз келмади. «Бугун шанба-ку, кино тугагач, ракс кечаси бўлар экан. Шунга келамиз», деб далада юравердик.

Очик осмон. Ойдин тун. Овул сирти. Кенг дала. Атроф-айлана ям-яшил. Юлдузларга бой осмон худди марварид сочилгандай ялт-юлт нур сочади. Нафас олган сайин, топ-тоза ҳавони исказ түймайсан одам. Икковимиз күл ушлаша юриб, анхор бўйига келиб қолдик. Чўлпиллаб оқиб ётган манов бир оқим йўлининг елкасида иккита қайнин қиз боланинг болдири каби товланиб турибди. Бизлар ҳам икковимиз. Икковимиз жуфт қайнинг суяндик. Ҳайкириб оқаётган мўл-мўл сув оқимининг овози бир гўзал бўлса, сув ичида салчиб-сакраётган баликларнинг чўлп-чўлп товушлари бир гўзал. Анхор бўйида қуриб қолган ўтларнинг енгил шилдираши бир гўзал бўлса, нариги соҳил томонидан эшитилаётган оқкуш ашуласи бир гўзал. Анхорда сурати порлаб қўринаётган Сомон йўли нафақат сувга, бутун ер юзига мулојим бир салқинлик уфураётгандай. Қўш қайнининг оқ-яшил инжа япроқлари «бемаҳалда юрган бу саёклар ким ўзи?» деб шивирлашиб, чапак чалаётгандай.

Шу куни биз рақсга ҳам бора олмадик. Вақтнинг кандоқ тез ўтиб кетганини билмабмиз. Мен умримда илк бор шу куни уйга кеч қайтдим.

Шундан сўнг ҳам биз бисёр марта сирлашдик. Аввалги юришлар юришми, энди сира бир-биримиздан ажрамайдиган бўлдик. Ҳали эсимда, балоғат аттестатини олган қунимиз мактабда катта байрам кечаси бўлиб ўтди. Ўқитувчиларимиз ҳам иштирок этди. Тун ярмида тарқалишдик. Шу куни,

хәётимиздаги энг мұхим довондан ошган тунни бирга ўтказамиз деган ўй пайдо бўлди-да, уйга кайтмадик.

Бояги анҳор бўйида қўш қайнин, икковимиз учун севимли паноҳ бўлиб қолган эди. Шу ерда туриб, ўқишга ҳам бирга борамиз, бирга бўламиз, хәётимизни бирга кечирамиз деб аҳдлашдик. Икки вужуд, икки покиза қалб энди асло ажралмайди, деб ишондик. Бироқ такдир деб аталмиш кўзга кўринмайдиган машъум бир қудратнинг тилсимли, ёвуз қиликлари борлиги бизнинг ёдимииздан кўтарилигандан экан. Бизлар эртага ўқишга кетамиз деб турган пайтда тўсатдан Дуйсеннинг онаси вафот этиб қолди-да, Дуйсен ўқишга боролмади.

Менинг омадим чопиб, ўқишга кирдим. Дуйсен овулда эди. Қишида мол бокди, кўкламда трактор ҳайдади, ёзда экин суғорди, кузда комбайн ҳайдаб, буғдой ўрди. Хат ёзишардик, хафта ўтмай хатлар изма-из келиб турар, ёзги таътилда икковимиз деярли бирга вақт ўтказардик. Ўша-уша, анҳор ёқасидаги оқ қайнинлар бизларнинг паноҳимиз эди. Улар ҳам биз каби ўсиб, бўй чўзиб бораёттир. Сулув, узун, кўшалок. Ҳар борган сайнин, ёшлигимизни ёдга солиб, чапак чалиб турдиган япроқлар: «Сенлармисанлар? Омонмисанлар? Яхши келдингларми? Нима янгиликлар бор?» деб сўраёттандай. Сўнгти пайтларда ёзган хатларида Дуйсен «турмуш курайлик» деган гапини кўп тақрорларди. Мен то ўқишни тамомламагунча бунинг иложи йўклигини тушунтирганман,

айтганман. У эса мендан ранжиб, бир куни «Сен ўқишда ўқийман деб, мени менсимайсан. Шаҳарда бир олифта, қувоёқ йигитни топгандирсан. Майли, нимаям дердим, баҳтли бўл» деб, оғир гапларни айтиб юборди. Шундан сўнг хат келиши ҳам якун топди.

Мен ўша кезларда иккинчи курсда ўқиб юргандим. Бир гурух дугоналарим билан Янги йил байрамини нишонлаш учун театр биносига бордик. Ҳамма ёшлар ракс тушиб, кулиб-яйраб юрибди. Ҳаммада байрам кайфияти. Ичимизда, айникса, Равшаной жуда очилиб, гўзаллашиб кетган. Бўлмасам-чи, Янги йилни бирга кутиб олиш учун Олма-отадан атайлаб келган Олимжон ёнида! Севимли ёринг ёнингда бўлса, ҳар қандай қиз ҳам чирой очиб, гул-гул яшнаб кетади-да.

Мен шу ерда учрашиб қолган бир юртдош йигит билан ракс тушиб турган эдим. Гап олишиб, овулда бўлган, бўлаётган тўйлар хақида кетди. Шунда ҳалиги йигит яқинда бўлган Дуйсеннинг тўйи хақида гапириб қолди. Ишонай десам, Дуйсен билан мен қанча аҳд-паймонлар қилган эдик... Ишонмайман десам, манов йигит сира ёлғончи одамга ўхшамайди...

«Бу нимаси, дейман ўзимга ўзим, кил ўтмасдай тотув эдик-ку, сал араз гапга муносабатларимиз шунчалик остин-устун бўлиб кетганими энди? Севаман, деган ўт-оловли ваъдалар қани, йигит? Аҳдинг қани, паймонинг қайда қолди?.. Шу лаҳзаларда бутун дунё коронғи тортиб, тўнкарилиб

колгандай бўлди. Ҳайтовур, ўша пайт чалиниб турган куй ҳам тўхтаб, ракс тушаётганлар тарқалиб кетишиди. Равшанойга «мазам қочиб қолди, кетаман» дедим-да, зални ташлаб чиқиб, таксига ми-ниб ётоқхонага бир амаллаб етиб келдим. Ҳонамга кирган заҳоти тўшакка ўзимни ташлабман. Сўнг қизлар кириб келгунча роса кўзимнинг ёши кўл бўлиб йиғладим...

Равшаной эртаси куниёқ сўраб-суриштириб, ҳамма гапни билиб олди. Олимжон билан икковлашиб, сабр қилишимни, ҳали бу гапнинг тагига етиш лозимлигини айтиб ўтишди. Учовимиз бориб, овулга сим қоқдик. Тўй бўлгани рост экан. Дуйсеннинг хиёнати, менинг муҳаббатимни оёғости қилгани, ваъдадан қайтгани рост экан.

Ўнгми-туш эканлиги билинмай кўп кунлар ўтди. Дўст дегани мана шундай оғир кунларда, айниқса, керак экан. Равшаной мен учун ниҳоятда азобли-уқубатли кунларда ёнимдан силжимай, кош-қовоғимга қараб, менга керакли гапларни топиб гапириб, кўнглимга малҳам қўйиб турди: «Хафа бўлишга арзимайдиган, тутуриксиз, юзи кора йигит экан-ку. Унинг нимасига куйинасан? Қайтанга, эртарок кутулганингга қувонмайсанми? Умр йўли – узоқ йўл. Шу билан келажагинг кесилиб қолдими? Йўқ! Ҳали олдингда очилмаган ўн гулинг турибди, куйинма! Ҳали ўз баҳтингни топасан, Дуйсен деган бевафо ичи ёниб, пушаймонлар килади...»

«Севмас экан-да, – деб ич-ичимни ер эдим мен, – севса кутмасмиди? Ўткинчи хисга ишонган одам, барибир, баҳт тополмайди. Икковимиз қўшилганда ҳам, юлдузимиз, юлдузимизга тўғри келмас экан. Шундай экан, нимасига қайғураман алдоқчининг? Унутиш керак!..»

Дуйсенни унутиш шу лаҳзалардан бошланди. Аммо унутишни қанча хохламайин, бу осон иш эмас эди. Биринчи муҳаббатни унутиш мушқул иш экан. Вакт деган ҳакамнинг амри ҳамма нарсани бўйсундиради-ку, ахир. Ҳозир у воқеалар унутилди энди.

Шундан бери биронта йигитни ёнимга якин йўлатган эмасман. Эркак зотининг бари вафосиздай кўринар, ҳеч бири билан сир айтишгим келмасди.

Ўтган йили сени кўрганда юрак тубидаги муз эрий бошлаган, янги орзулар, ҳаётга янги кизикишлар пайдо бўла бошлаган эди. Ўша учрашувимиздаёқ бир пайлар йўқотган илк муҳаббат ғалаёнлари қайта уйғонди. Сени ўйлайдиган бўлдим. Перронда илк бор кўл бериб кўришганимизда, мен бир ширин туш кўраётгандай ахволда эдим. Бу муҳаббатни нимага ўхшатиш мумкин? Ўхласа, бу муҳаббат – Тўғжондан кейин Ойкаримни топган Абайнинг муҳаббатига ўхшар, балки? Ўша кунлари юрагимга аланга ташлаган инсон сен эдинг. Такдирнинг қаттоллигини караки, сени мана шундай нокулай лаҳзаларда дуч келтирди. Ҳаётда иккимиз сал эртароқ учрашма-

ганимиз учун ўкинаман. Ҳозир ўзга тугул, ўзимни ўзим тушунмайдиган бир жумбок кўйдаман. Илож не, такдирда шу бўлгач, барига қўниавераркан одам...»

Ойнур шуларни айтиб чукур хўрсинди. Мен унсиз қолдим. Бир маҳал наргис кўзларини кўтариб менга қиё бокди. Боя театрга борганда икковимиз балконда, Равшанойлар эса партерда ўтирган эди. Севган одаминг билан ёнма-ён ўтириш накадар саодатли лаҳзалар эканини дилдан ҳис қилган эдим. Ойнур бутун гўзаллиги билан мени ўзига мафтун килиб, авраб олган эди. «Сиртга чиқайлик», деди Ойнур. Мен ўтираверайлик дедим. «Равшанойлардан уят-ку, чиқайлик», деди яна у. Бу гал индамадим. Шунда Ойнур ўша наргис кўзларини ўйнатиб, бир қаради. Юракларим эзилиб кетгандай бўлди. Шу тахлит наргис кўзларнинг салобати босиб, икковимиз театр фойесига чиқдик. Танаффус пайти Ойнур саҳнадаги кўринишларни ёдга олар экан: «Эвоҳ, анави раккосаларга ўхшаб бор фикр-ўйимни ҳаракатларим орқали баён килиб беролсан экан...» деди.

Шу гаплари мана ҳозир ётокхона залида ўтириб ёдимга тушиб кетди. «Қиз бола дегани ўта хиссиётли, зийрак, нозик имо-ишорага бой халқ бўлади экан-да. Фикрини очик айтмай, ишора орқали, рамзлар орқали ифодалайди экан-да. Ойнур сўзларида ҳам, кўз қарашларида ҳам кўп маъно бор...» деб ўйладим мен.

Бир қанча вакт унсиз колдик. Охири Ойнур гап котди:

- Мени энди кўриб турибсанми, намунча қадалиб тикилмасанг?..
- Сенинг кўзларингда сехрли бир шуъла бор. Мана шу шуълага мангу исингим келади, Ойнур...

Шундай дедим-да, мен Ойнурни енгил кўтариб тиззамга ўтиргиздим. Қаршилик килмади. Факат, «бу нима қилганинг, қўйсанг-чи» деган илтижо тўла сўзлар элас-элас, узилиб-узилиб эшитилди. Кўзларимиз тўқнашиб, бетўхтов тикилишди. Салдан кейин Ойнурнинг кўзлари юмила бошлади, у бошини кўкрагимга ташлади. Мен унинг сочларини силадим, кўзларидан ўпдим. Кейин унинг чиройли бағбақаларини узок исказ ўтирдим. Бир пайт унинг ой нурлари янглиғ оппоқ билаклари бўйнимга ўралди. Шу лаҳзаларда мен унинг тўлин лабларидан бўса олишга шайланиб, энди интилаётган эдим, у бир тўлғонди-ю, кучоғимдан чикиб кетди.

Ўртага сукунат чўкди. Икковимиз ҳам ўринларимиздан туриб кетдик. Эндиғина пайқадим, теварак-атроф ёриша бошлаган экан. Кунчиқар томонда дунёни нурга белаб тонг отиб келмокда. Дераза олдидан теракда тунаган тўрғайлар уйқудан уйғониб, уясидан уча бошлабди. Ойнурнинг кичкинагина, нозик кўлларини кафтларим орасига олдим. Йўқ бўлиб кетди. Анча вакт бир-биримизга караб, юзма-юз турдик. Қизнинг кўллари кичкина бўлгани билан, иссик эди, унинг кўлларидан тарал-

ган ҳарорат менинг қўлларимга, ундан бутун вужудимга тарқалди. Юрагим тезлашиб, яна тинчимни йўқота бошладим. Ойнур синик илжайди. Эвоҳ, қизгина ҳозир қўнғироқдай овоз билан қикир-қикир кулганидами, бутун дунёйи дун, борлик хавасда жим бўлиб қолар эди-я. Кўрмайсизми, шу биргина оғир табассумида дунёга татигулик нур бор! Мен Ойнурдан кўз узмай тикилиб турибман. Унинг дийдорига тўймайман, ундан бир кадам аж-ралгим келмайди. Киз эса дунё бўйлаб тараляётган нурларни ўзига йиғиб олгандай, аввалгиданда минг бор сулув кўринади. Оlamda бундан-да гўзалрок, бундан-да ноёброк нима бор экан ўзи? Менинг қараб тўймаган кўзларим Ойнурнинг юзларидан тараляётган нурларга сирғана-сирғана мунгли мўлтирайди. Яна отиб келаётган тонгга қарадим, оппоқ тонг билан Ойнурнинг покиза чехрасида ўхашалик бор эди, иккови ҳам оппоқ-оппоқ нур таратади, иккови ҳам қизил-қизғишиш харакатта кўммоқда дунёни...

Шу пайт ўзим туғилиб ўсган Тўрғай далала-рининг бир чети – Сарталда ишлаган дамлар хаёлимда жонланди. Ёз тунида кўкимтир-мовий кўл устида қанот ёйган оккушни кўриб қолган эдим. Сув қанча мовий бўлса, қанот ёйган оккуш шунчалар оппоқ эди! У худди тонг-саҳарда кунчиқар томоннинг оқариб келишига ўхшарди. Мана, энди хаёлимдаги нурли, покиза нарсалар ёнига яна бир пок сиймо келиб қўшилди: Ойнур! Отиб келаётган тонг, қанот ёйган оккуш, синик табассумли

киз... «Булар мен умр бўйи тинимсиз интила-интила етолмаётган умид тонгларимикан? Балки келажакда бўй тиклайдиган баҳтим кошонасини шу шуълалар ёритар? Олдинда машаққатларнинг ўчар вакти, ҳасратларнинг сўнар вакти якиндирил балки? Қийналиб адо бўлган жоним мана шу тонг нурларидан муҳаббат шамчироғини ёқиб олар? Хўрсиниб ботаётган куннинг кулиб отадиган вакти келар, ахир. Манов окиб ётган нурлар шу нурафшон тонгнинг илк муждалари бўлса, не ажаб?! Ҳа, ха, худди шундай! «Ишон, ишон, шодлик олдадир!» Ундей бўлса, манов гуп-гуп қилиб ураётган юракдан суюнчи сўраш керак эмасми? Суюнчи! Суюнчи бер, юрак! «Хоҳлаган нарсангни ол суюнчисига. Айтганинг рост келсин фақат, эй чопар! Боримни ёйдим мен, мана, олдингга...»

Олддаги умр менинг тор гавдамга сиғмай коришаётган туйгуларимнинг кай бирини бўғиб, қайси бирига ҳаёт бағишлишини ким билсин?! Бироқ менинг бир англаб етганим шу бўлдики, орзу каби покиза, кўз ёш сингари шаффоф, табиатнинг ўзи каби ноёб, бебаҳо бўлган мана шу кизга бутун вужудим ила интилар эдим мен, интилар эдим...

VIII

Кўпдан бери кулиб турган осмон ковоғини уйиб олди. Кўк юзини қўрғошин булут қоплади. Чакмоклар оловли қамчисини ўйнатди. Тентак табиат ковоғини қарс ёпиб олиб, қаҳрига минди. Чап

тарафдан босиб келган қора булут бизнинг овул устида кўп хаялламади. Кун кўзининг кизий бошлаганига чидаёлмаган булутлар уюм-уюм бўлиб сўкилиб, кунботар томонларга жўнади. Осмон тўла булутлардан кафтдайгина ола булут бўлинаб колган эди, озгина вақт шундан ёмғир шигалаб турди...

Менинг кайфиятим ҳам шу тахлит эди. Овулда ёзги таътилни кўнгилли ўтказяпман. Икковимиз сир айтишган уйкусиз тундан сўнг эртаси куни Ойнур ўзи мени поездга кузатиб кўйди. Хайларашгимиз келмай, бир-биримиздан кўз узолмай, охири хўшлашганмиз. Узилмаган умидимни олиб келдим овулга. Айтган муддатимдан бироз кечикиб кайрилганман уйга, бироқ уй ичидагилар қовок уймай, илтифот билан кутиб олишди. Мен, айникса, Римкеш бирор-бир гап топиб жанжал чикарадими деб ҳадиксираган эдим. Йўқ, ҳамма қучоқ очиб кутаётган, ҳатто овулдаги соғинишиб қолган дўстлар ҳам кафтларида олиб юргудай хурсанд. Шуларнинг бари кўнглимни кўкка ўрлатиб юборди.

Овулда кундалик зиёфат, чақириклар, йигинлар сал озайиб, ўз ўйларим билан ўзим яккама-якка қолган бир фурсат эди. Ойнурни тушларимда учратиб, хаёлимда сирлашиб юрибман. Шундай кунларнинг бирида сиртида «Ўз қўлига тегсин» деган ёзуви бор хат келди. Апил-тапил очиб, ошиғич кўз югуртирдим. Чакмок дафтарнинг ўртасидан олинган кўш варакнинг тўрт бетини тугал тўлдириб ёзилган мактуб. Хатни ёзиб ўтириб, мижжаларига

маржон ёшлар ҳам тизилган шекилли, варакнинг тўрт-беш ерида томчи излари муҳрланиб қолибди. Ҳеч нарсани тушунмадим, югуриб анҳор ёқасига бордим. Қирғокда битта бўш қайиқ чайқалиб турган экан. Шу билан нариги томонга ўтдим-да, соя жойда ястаниб, шошилмай ўкий бошладим.

«Салом дўст!.. Қимматли Римкеш, Эрғали! Соғ-саломатмисизлар? Уй ичи, овул-аймоқлар омон-эсонми? Тўловхон катта бўлиб қолдими?

Эрғали, овулга яхши етиб олдингларми? Олимжон, Марварид-чи? Таътиллар қалай, яхши ўтятпими? Овулда об-ҳаво қалай? Қандай янгиликлар бор?

Сени кузатиб қўйгандан кейин мен ҳам шошилинч равишда овулга жўнаб кетдим. Эртаси куни кечки саккизларда уйга кириб бордим. Отам, онам уйда мени энди келмаса керак деб, ўзларича бичиб-тўкиб ўтирган эканлар. Кувонишиб қолишиди, бошлари кўкка етгандай, бири қўйса, иккинчиси кучоқлайди. Она меҳри, ота согинчи шундай бўлар экан-да. Айникса, онам бечора қаттиқ согинибди, шекилли, кучоғидан қўйиб юборгиси келмайди. Дарров мени ўтиргизиб қўйиб, ўзи жиз-бизга киришиб кетди. Она меҳрига teng келадиган туйғу борми дунёда?

Эрғали, «ширин ёлғондан аччик ҳакиқат яхши» деб айтардинг-ку. Ушбу хатда ҳам мен юрагимдаги чин ҳакиқатларни тўкиб солишга аҳд килдим. Бунинг учун айб қилмассан. Сезишимга қараганда, бу йилги ёзги таътил ҳар йилдагига қараганда

анча оғир ўтса керак. Авваллари уйга келганды, уй юмушлари билан бўлиб, вактнинг қандай ўтганини билмай қолардим. Бу йил эса бундай бўлмади. Келганимдан кейин икки-уч куннинг ичида мазам кочиб қолди. «Синикиб кетибсан, тобинг йўқми? Шифокор чақирайликми?» деган онам бечоранинг хайхайлашига: «Йўқ, ўзим шунака, имтиҳонлар оғир бўлди», деб қўя колдим. Менимча, бунинг бари кайфият билан боғлиқ бўлса керак. Бир галати фикр жонимни азоблаб, ҳаловатимни сўриб олаётгандай. Кўзимни тарс юмиб, «бор-э» деб ёта-версам дейман. Мана бугун овулга келганимга ҳам бир ой бўлди. Кўзга кўрингудай иш килганим йўқ.

Анов куни ётокхонамиизда айтган гапларинг жонимни ўргади, юрагимни эзди. Икковимиз бирга ўтказган уйқусиз тун кўз олдимдан кетмайди сира. Айниқса, унинг... тонг олдида айтган сўzlари...

Одамнинг табиати қизиқ экан. Ҳозир қовок очиб, атрофга қарагим келмайди. Ёнимда сен йўқсан, «ковоғингни кўтариб юр» дейдиган... Ишонасанми, Эрғали, ўша воқеадан кейин яна йиғлоқи бўлиб қолдим. Ёлғиз қолсам, шуларни ўйлайманда, йиғлайвераман. Манов хатни ёзаётиб ҳам кўзларимга ёш тўлиб бораётир. Билмайман, Эрғали, мен учун ҳаммаси оғир, ўта оғир... Тушун мени, Эрғали! Ўйлар, ўйлар...

Эрғали, ҳали ҳеч қаёқка чиққаним йўқ. Бир гал овулдаги қизлар ҳол-жонимга кўймай мени кинога олиб тушишди. Нима кўрдик-у, нима кўйдик – ҳеч бири эсимда қолмабди. Ўнгимда кўрган кинодан

кўра тушимда кўрганларимни яхширок эслайман. Рост бу. Кулма. Шу куни кинодан чиқиб, қўшни кизнинг уйида меҳмонда бўлдик. Жуда кеч ётдик. Сўнгги кунларда уйкум ҳам қочиб юрганди. Шу куни негадир тез ухлаб қолдим. Туни бўйи сени тушимда кўриб чиқдим. Айтиб берайми? Йўқ, ҳозир буни сўрама. Барибир, ҳаммасини айтиб тутуриксиз бўлса, бу ҳам шунчалик увол. Мени бир ҳайрон колдирган ери, шундай бир оғир ҷоғларда кўз олдингдаги ҳаётдан ҳам кўра ширинрок, тотлироқ тушлар бўлар экан. Ажойиб-а?!

Эрғали, мен сендан ҳеч нарса яширган эмасман. Манов Ойнур тўрт сахифа хатни ҳам дууст ёзолмабди, сув-сув бўлиб кетибди деган ўй келмасин хаёлингга. Баъзан одам ўз эркидан ташқари ишларни ҳам амалга оширадиган пайтлар бўлади. Бундай пайтда одам ақлга эмас, ҳиссиётга таяниб иш кўради. Бу гал ҳам шундай бўлди, азизим! Мен сенга бу хатни тўлқинланиб ёза туриб, беихтиёр кўнглимда мунг, кўзларимда ёш пайдо бўлди, пайқамабман ҳам...

Узр, дўст, кечир...

Вакting бўлса, хат ёзарсан.

Салом билан: ОЙНУР».

Хатни ўкиб, ўйланиб қолдим. Мунгли мухаббат, ҳасратли севги одамни тез улғайтирас экан. Ойнурнинг хати мазмунида ҳам бирданига англаб

олиш қиин бўлган маънолар кўп эди. Қизнинг хар бир сўзида турли талкин, турли маъно. Нозик-кина кўнглини, юрак тўлкинларини англаб етиш осон эмас. Хатни «Римкеш, Эргали» деб бошлаб, Тўловхонни сўраганида ҳам теран маъно бор эди. «Овулда об-ҳаво қалай?» – дебди. Бу, уйингдаги об-ҳаво қалай, жиддий воқеалар йўқми? – дегани-да. Онасига «Имтиҳонлар оғир бўлди» – деган жавобида, ҳаётдаги синов-имтиҳонларни кўзда тутаётган бўлса, не ажаб? Хўш, энди манови сўзи-чи, «Унинг... тонг олдида айтган сўzlари...» дебди. «Унинг...» дегани ким? Юракка ишора килмаяптими, сенинг юрагинг айтган сўzlар, демокчи эмасми?

Дарҳол Ойнурга жавоб ёзишга тутиндим. Кўнгил зор-зор ҳасратда эди. Ўзим энг бебаҳо хазинамни олдириб кўйгандай эдим. Овулда тургим келмай колди. Таътил тугамаган эди, уйдагиларга унибуни баҳона қилдим-да, Олма-отага жўнаб кетдим.

IX

Пойтахтга келган кунимоқ, марказий почтага бош суқдим. Ойнурдан хат бор экан. Шу хатни ўкиб, кўнглимда жавоб ёзиш истаги аланса олди. Эртаси куни хеч нарсага алаҳсимасдан марказий кутубхонага келдим. Ёз куни бўлгани учунми, одам кундагидан оз эди. Тўрдаги столга ўрнашиб ўтирдим-да, Ойнурга узундан-узоқ хат ёздим.

«Азизим Ойнур!

Хатингни ўкиб, араз охангларини пайқадим.
Хар ҳолда, омон-эсон экансан, шунга кувондим.
Тезда жавоб ёзишга ўтиридим.

Сен хатингда менга «бир қатор талаблар қўяман» деган экансан. Бу ҳам мен учун кувончли, албатта. Аммо сен хат охирини «Ўзимизни ўзимиз кийнаб юрмайлик» деган гап билан якунлабсан. Сабр қил, азизам, сабр қил. Чиндан ҳам, ўзимизни ўзимиз кийнаяпмизми? Йўқ! Ўзгага ўтрик бўлгани билан, ўзимга чин, мен то сен билан учрашгунга қадар одамнинг эрк-ихтиёридан ҳам кучли бир кудрат – муҳаббат деган туйғу бор деса, ишонмас эдим. Муҳаббат учун жонини курбон қилиб юборган инсонлар бўлади деса, мен кулиб, бундай одамларни калака килишга ҳам тайёр эдим. Мана, энди кўрмайсанми, тақдир менинг ўзимни кала-ка қилгандай мажнунсифат холга ташлади. Ўзинг ҳам тан олиб ёзибсан-ку, «хатингни ўқиш мен учун осон бўлмади» деб. Хатни ўқиш, мазмунини чакиш шунчалик мушкул экан, уни ёзиш, юракда-ги хиссиётларимни оқ қоғозга тўкиш менга осон тушди деб ўйлайсанми? Ҳалиям мен қалбимни ўртаётган изтиробларни тўлиқ етказа олганим йўқ. Шу сабабли сен менинг гапларимни тўла тушуниб етмаётгандирсан? Балки сен ранжигандирсан, «шу бир баҳтсиз капалак қаёқдан келиб қолди, оловда куйиб-ёниб, жизғанак бўлишдан ўзга не иш би-тиради?» деб. Шунда, нима, мен ўзимни ўзим кийнаш учунгина мана шуларнинг барини ўйлаб топган бўламанми? Мен «сен учун бу ёруғ дунё-

дан кечишига тайёрман, менинг борим ҳам, баҳтим ҳам – факатгина ўзингсан» деб ёzsам, сен, эшитган кулокқа уят, эл-юрт нима дейди? – деб ёзибсан.

Ўзинг кўп айтадиган «эл-юрт нима дейди?» деган сўзнинг маъно-мазмунини биз ўзимиз яхши англаб етганмизми? Ўзинг айт-чи, ўтиб бўлмас ўзан, енгиб бўлмас тўсиқ борми инсон учун? Рост, эл-юртнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Унинг оғзидан ёлғон ҳам чикади, чин ҳам. Кўпнинг оғзига тушиб, гап-сўзга дуч келиб қолганда тентак одамларгина ҳовлиқиб кетиши мумкин. Кўпинча эса, одамлар «Элнинг кулоғи эллик» деган гапга ёпишиб, кўрганини эмас, фақат эшитганинигина ноғора қиласди. Ҳақиқатни таниб улгурмасданоқ, буриб сўзлайди, бузиб етказади. Албатта, бундай фисқу фужур гапларни эл ичидаги боши бузук, ғийбатчи фосиклар тарқатади. Ўт бошида, ўчок кошида ивирсиб юрадиган хотин-халаж эса бундай гапни ошириб-тошириб, икки оғиз сўзга эллик оғиз кўшиб, кўшниларга етказади. Шундай пайларда бурнининг остидан нарини кўрмайдиган баъзи бировлар ўйланиб ўтирмасданоқ сиртдан тўн бичиб қўя коладилар. Сен «эл-юрт нима дейди» деганда, мана шундай ёвуз ниятли, оқсок келбатли гапларни назарда тутасанми? Қўрқасанми шундай гаплардан?

Умр деганлари, бепоён денгиз бўйида ўжар тўлқинлар билан олиша-олиша борар жойи, қўнар қўналғаси бўлмаган эшкаксиз қайиқ эмасми? Инсон, ахир яхши кунлардан, кувончли воқеалардан

умид қилиб яшамоғи керак эмасми? Ўз баҳтига элтадиган йўлдаги машаққатларни англаб етиш учун, қайғуларнинг олдини олиш учун инсонга ақл-тафаккур берилмаганми?

Кун бор ерда – кўланка, нур бор ерда – соя бор. Шундай экан, хаёт борки – кураш бўлади. Сен шундай курашдан, машаққатлардан чўчийсанми? Орзуларимга етаман, умидларимни кутаман деган одамга шулар тўсик бўла оладими?

Оловланган ўт ёшида ёр севмасанг, муҳаббатнинг аёзини кўрмасанг, иссиқ қуёшини кўрмасанг, ҳар куни бир хилда кечадиган хаётнинг не қизиги, не маъниси бор?

Фаранг файласуф-адиби П. Кальдероннинг хаётдан олиб айтган бир гапи ёдингдадир? «Сен менга тақдирга тан бериб, курашсиз баҳтли бўлган бирортаям ошиқни айтиб беролмайсан. Мен эса сенга тақдирига тан бермай курашган, тўсиклардан ўтиш учун жонларини қурбон килган мингларча муҳаббат гадоларини айтиб бера оламан». Мен бу хаётнинг аччикларини тотишга, азобларини сабру токат ила енгиб ўтишга розиман. Ёруғ дунёда фақатгина битта тилагим бор – тақдир икковимизни иккига бўлинган дарё сингари ажратиб юбормаса бўлди эди. Бу хаётда ҳозир менинг қалбимни пора-пора килиб турган битта ўқинчим бор, бу – ўзинг айтгандай, тақдирнинг иккимизни сал эртароқ учраштиргани. Бунгаям, майли, розиман. Факат

энди «сени нега учратдим экан?» деб, иккинчи ма-
ротаба ўксиб колмасам бўлди эди. Худди шу ёлғиз
тилагимга эришсам, жонимни яйратиб, яккаю яго-
на бахтим бўлиб ёнимда юрсанг экан деб, сенга
кўнглимни очган эдим. Сен эса буни «коғоздаги
орзу, холос» дебсан. Ҳамма гапингга чидарман-у,
лекин бу гапингга асло рози эмасман.

Сен «бунчалик ўлиб-куйиб ошиқ бўлгудай чи-
ройли эмасман, ақлли эмасман» дебсан. Бу ерда
бошқа гапларни нари сидириб ташлайман-да, бир
гапни айтаман: Лайлининг гўзаллигини англаш
учун унга Мажнун кўзи билан караш керак...

Ўйлан, Ойнур. Сен бўлмасанг, мен қаноти
йўқ қиронман. Мени ҳалокатдан асраб қолгувчи
куч – бу сенсан. Менинг ҳаётимга сен қай бирини
бағишлиар экансан – муҳаббатними ё азобларними?
Менинг эгам ҳам, паноҳим ҳам – бу сен, Ойнурим!
Қай бирини раво кўрсанг, розиман. Ўз қўлинг би-
лан заҳар берсанг ҳам мен ҳеч иккиланмай ича-
ман...

Сени бир умр севиб қолувчи Эргали».

X

Шундай қилиб, кафтдайгина қоғозга юрагимни
эзиб ётган бутун изтиробларни тўкиб солдим. Шун-
дан кейин, шусиз ҳам ўзи безовталаниб, хижронда
ўртаниб, алғов-далғов бўлаётган қалбим оромини
буткул йўқотди. Худди энг азиз кимсасини серха-
тар сафарга отлантириб, сўнг унинг қайтишини

бетокат кутаётган одамга ўхшаб қолдим ўзим ҳам. Ўртокларимнинг айтишича, хулк-авторим ҳам ўзгариб, бошқача одам бўлиб қолибман. Бу гапнинг тўғри эканини ўзим ҳам биламан. Авваллари давраларда бир гапириб, ўн кулиб юрадиган кувнок йигит эдим, ҳозир-чи, юрганинг кўзидан қочаман, ҳеч ким кўрмаса дейман, ёлғизликни ёқтираман. Ерга урса кўкка сапчийдиган йигит, мана энди на бирор билан гаплашгим келади, на ўкиш-чишишга рағбат бор. Ҳижрон азобида эзилиб, адойи тамом бўлган юракни тошбағир бир кимса худди бигиз санчиб ўйнаётгандай. Овда чопаман деб бели лат еб, энди шикастланганидан юролмай колган арслонга ўхшайман. Олазарак кўзларим излаган нарса, ёлғизгина юпанчим, ой дийдорли Ойнурумнинг сиймоси.

Хонамдан чиққим келмайди. Якка ўзим ётиб олиб, хаёл сурсам, ўтган кунларни эслаб ётаверсам дейман. Туркистонда ўтказган ойли тунлар, Ойнурумнинг ёнида ўтган бебаҳо лаҳзалар кўз олдимдан элас-элас ўтаверади. Шу лаҳзалардагина Ойнурумнинг сиймоси худди нур мисоли порлаб-чараклаб яккол кўринади. Мана, у узун киприкларини пирпиратиб, унсиз жилмайиб турибди. Мана, у қопкора кўзларини юмган эди, оппоқ кор каби порлоқ юзларига эндингина отиб келаётган тонгнинг нозик ложувард ранги шафак каби ёйилди. Чарос янглиғ ранг талашган лаблари худди ёзги ўйноки ел лаҳзалаҳза силкитган қизғалдок каби титранади. Шу

холатда Ойнур худди кийикнинг хуркак улоғи каби эркаланиб, мени ёнига чорлаб тургандай. Ўша бир нурли сиймога тезрок етақолай деган теран истак, шошилинч хаёл билан бошимни ёстиқдан юлиб олиб, тўшакдан сакраб турганимда, талай марта бояги ширин туш каби азиз манзарадан ажралиб колганман. Баъзан Ойнур билан икковимиз қўл ушлашиб дунёнинг энг чекка-чеккаларидағи хиёбону саҳроларни кезиб чиқсак экан, деб хаёл сурман. Шундай лаҳзаларда Ойнурни шунчалар яхши кўриб кетаман, унга шунчалар интиламанки!..

Софинч ортмокда-ю, сабр қани, сабр? Мен буни ўша ҳижронда эзилиб, мунгланиб юрган кунларимда аниқ сездим. Шундай ёниб-куйиб юрган кунларимда Ойнурдан жавоб хати келди.

«Азизим Эрғали!

Хатингни олдим. Хат эмас, ичинг тўла олов экан-ку. Қайта-қайта ўқидим. Ўзим ҳам ёндим, шу ўт ичида куйдим. Ҳозир ҳам бу ўт тафтини сўнган деб айттолмайман. Жонимнинг ҳужайра-хужайрасида сакланмоқда ўша олов тафтлари. Мен барчасини акл-идрок элагидан ўтказиб кўрдим. Аввалги хаётимнинг бари бугунги умримдан ортикроқ бўлган топилмас туш экан. Ўз ихтиёrimdan айри ҳолда уйғонгандайман, эсимни йигиб олдим энди...

Жонинг сенинг – олов, туйғуларинг – чақмоқ экан-ку. Шунинг учунмикан, мактубингда ҳам ёндирувчи, кул қилувчи ҳарорат бор. Баъзан бошқаларни бекордан-бекор айблайсан. Бунинг

учун сенинг битта ўзингни гунохкор қилиш кийин, албатта. Сабаби шуки, шу дамгача ўзим ҳам сендей олов ичиде эдим. Энди шу оловларни ноиложликдан аста-аста ўчирипман. Сендан ҳам шуни ўтинаман. Бир-биirimизни унутмайлик энди. Ҳар қалай, сенга жуда кийин эканини тушуман. Хўш, менга-чи, менга осон деб ўйлайсанми? Бироқ, иложи йўқ. Кўнамиз, кўнишимиз керак. Бу мاشаққатлардан чўчиш, тақдирга тан бериш эмас, одамгарчилик йўли бу! Мана, мен аёл бўлсам ҳам, энг афзал йўл – ўтганларни унутиш эканини англаб етдим-ку, Эргали. Сен ҳам чида. Бошқа йўл йўқ: унут ва чида. Чида ва унут. Ахир сен олти туюнинг юкини ортса кўтаришга қодир азamatсан-ку. Олдда эса отлар ўта олмас йўллар бор. Энди ўзингни ҳам, мени ҳам ўринсиз қийнайверма. Қартайиб қолган ста-онангни, Тўловхондай ёш гўдакни, айбиз Римкешнинг тақдирини, ўзингнинг келажагингни ўйла. Шошилинч қилинган иш – адаштиради. Туйғуларимизни акл билан одамгарчиликка чархлаб олганимиз афзал. Сендан энг сўнгги тилагим шуки, менга энди хат ёзма, илтимос. Бироқ, менга битта суратингни юбор.

Келажакни башорат килиб бўлмайди. Эртага нима бўлиб, нималар қўйишини олдиндан айтиб бера оловчи сехгарни кўрмаганман. Гафлатда колиб, зулматда ошиб бўлмас ғовларга дуч келсам, сенинг хотиранг йўлчи юлдуз бўлиб порлайди деган умидим бор. Қийналсам ҳам, кувонсам ҳам сени эсга олажакман. Алвидо энди, азизим!

Хаётингни шодон яша, жоним! Алвидо, азиз армонлар, алвидо, чин муҳаббатим!..»

«Келмайдиган бахтни кутма» деган хикмат бор халқда. Манов хатдан кейин вужудимдаги оловни буткул сўндиришга аҳд қилдим. Аммо бу ўнгай эмас. Даладами, кальадами – табиатда лов этган гулхани ўчириш мумкин бўлар экан-у, аммо одам боласи вужудидаги оловни ўчириш мумкин эмас экан. Наинки ўчириш, балки бу ўт билан ўйнашиб ҳам бўлмас экан... Мен бенаво ошиқ, шу кунлари нима қилишимни билмай кўп қийналдим. Шундай кунларнинг бирида овулдан «Онанг оғир аҳволда ётибди, тез етиб кел» деган телеграмма олдим.

Жондан азиз онажоним-а! Ёлғиз ўғлимни кўрмагунча ўлмайман деган каби, ажал билан аёвсиз кураша-кураша сўнгги лаҳзаларини яшаётган экан-а. Мен боргандан кейин бирор соатда ўзига келди. Оналик меҳрини сўнгги бора намоён қила туриб, кўлларимни кўйиб юбормай: «Мени тинч ётсин десанг, Римкешни ранжитма...» деган охирги тилагини айтди кўпнинг олдида. Шундан сўнг кўп ўтмай мангуга кўз юмди... Онамнинг еттисини ўтказиб, ўкишга кетарман деб йиғиштиринган эдим, отам: «Ошиқма, кирки ўтсин», деди. «Сўнгги курс-ку, бир ой маъruzалардан қолганда кийналмасман, қувиб старман» деб ўйладим-да, қаршилик килмадим. Онамнинг кирки ўтгандан кейин ҳам отам ана-мана деб икки-уч кун ҳаяллади.

Бир куни кечаси отам мени хузурига чакириб олиб, шундай дегани эсимда:

– Одамлардан уялмасанг, Худодан қүрк, ўғлим! Нималар қилиб юрганингдан бизни бехабар дедингми? Кўзим тириклигига мени сийламасанг, онангнинг ўлаётуб айтган васиятини адо қил. Олма-отага бормайсан! Аризангни хат оркали юбор-да, ўкишингни сирткига алмаштири. Кўзим тирик экан, энди сени ҳеч каерга юбормайман. Кетмоқчи экансан, аввало, анови йўлда илашган пилдирикни йўқот. Айтганимга кўнмасанг, ўлигимнинг устидан ҳатлаб ўтасан бу уйда, бола!..

Бу гапларнинг сирини кейинчалик билдим: ҳув бир гал уйга келганимда шошилиб юриб, Ойнурнинг хатини кора босиб уйда унутиб қолдирган эканман. Шу хат Римкешнинг қўлига тушибди. Римкеш хатни онамга ўкиб берибди. Шундай қилиб, отам хабар топибди. «Бола бузилиб кетибди, кимдир унга илашиб, йўлдан урибди, энди нима қилдик?» деб ташвишга тушиб юрган пайларда онам оғриб ётиб қолибди. Воеа айланиб-айланиб, мана шундай тезоб кўриниш олган.

Онам қайтиш бўлганидан бери одам келиб-кетиб, келиб-кетиб, отам иккаламиз қўшниларникида ётиб юрган эдик. Отам олдимга шарт қўйиб, аччик-тиззик гапларини айтган куни Римкеш икковимиз бирга ётдик.

– Онангнинг қирки ўтгунча жанжал чикмай турсин деб ҳеч нима демаган эдим. Энди гаплашайликчи. Бу нима масхарабозлик?! – деб захрини соча бошлади Римкеш. – Боягига икковимиз илк бора бир тўшакка кирган тундаги гаплар ёдингдами?

Мен шунда сенга кўнглимдаги барча ҳакиқатни тўкиб-солмаганмидим?! Шундай бир юзиқоралик рўй беришини ўшандаёқ сезган эдим. Факат сен онт ичганингдан кейин, эркак-ку, деб ишона қолган эдим. Шуларни унутдингми? Мени қўявер, овулдаги бир тасқара хотинман, бирок чин эркак бўлсанг, туғишган оғангнинг покиза тўшагига ҳаром илаштирмасанг бўларди... Энди гапга кулоқ сол. Оғамнинг арвоҳини чирқиратавераман десанг, ихтиёр ўзингда. Сени ҳам бир куни Худо топар. Йўқ, ҳалол бўлиб умр кўраман десанг, кечирдим хаммасини. Бирок, энди сенга ялиниб турмайман. Бузук бўлсанг – кетавер, эл ичида бетлари қора, ўзлари ялтироқ байталлар билан бўлавер! Эркак бўлсанг икки гапирма!

Римкеш бу гал отамдан ҳам ошиб тушди. «Дўст одам ачитиб гапиради». Унинг ҳар бир сўзи суюксуягимдан ўтиб кетди. Гаплари милтиқ ўки каби мўлжалини топиб борди.

Жонимга арра тушиб арралангандай, барига чидадим. Ойнурни унтишга ваъда бердим-да, ОлмаОтага отландим. Келаси йили тўнғич қизимиз дунёга келди. Шу билан бари тинчib кетди. Бирок, бир неча йиллар қаторасига Ойнур тушимга кириб юрди...

Ундан бериям орадан ўн йилча вакт ўтди. Бугун тўрт фарзанднинг отасиман. Қартайдик, аклимиз кирди деймиз-у, бироқ юрак тубидаги бир пайтлар ёнган ўт ўрнида чандиклар ҳалиям бор.

Үзим туғилиб ўсган совхозда яшайман. Рахбарман. Римкеш дўкон очган. Тўловхон олтинчи синфда ўқийди. Акамнинг айни ўзи, худди бурнидан тушгандай. Отам тирик, ҳали бақувват, Худо умрини берсин. Кичкинтайимиз уч яшар.

Ойнур ўзи билан ўқиган бир йигитга турмушга чиқкан экан. Кўктовда туради, дейишади биладиганлар. Бир ўғли, бир қизи бор эмиш. Ўғлининг исмини Эргали кўйибди деб эшилдим. Ҳув бир йили Олма-отага борганимда Равшаной билан Олимжонни учратган эдим. Ойнур мени сўрабди. Демак, унутмаган-да, мен ҳам уни унуганим йўқ. Бир марта кўрсам эди, дейман. У ҳам шуни тиласа керак деб ишонаман.

Биз бир-биримизни севиб туриб қўшила олмадик. Бирок, бир-биримизни ҳеч қачон унуга олмадик. «Мухаббат картаймайди» дейишади. Юрак уриб турар экан, унтиш мумкинми сира?! Ойнур – мен учун осмондаги ой каби ягона ва қўл етмас орзу эди-ку, одам ҳам ўзи орзу қилган инсонни унугадими?

Ҳа, Оркалик кўчасида менга дуч келган оқ ипак қўйлакли аёл – ўша Ойнур эди. Янги ташкил топган вилоятимиз марказига оиласи билан кўчиб келган экан. Тайғок тақдир бизнинг бошимизга солган савдоларнинг батафсил баёни – мана шу.

Мухтарам ўқувчилар, ўзгаларнинг баҳти учун ўз муҳаббатидан воз кечган Ойнурдаги шу бир инсонийликни, менинг умрбокий, унутилмас, баҳтиқаро севгимни оқлайсизми, коралайсизми – ихтиёр сизларда.

ЁВШАН ИСИ

Ҳикоя

Үрмонга кириб адашиб, кўп сарсон-саргар-донликлардан, азоб-укубатлардан сўнг ўз овулини топган бир ўспирин нафакат онасини, жонажон овулинини ҳам жуда-жуда соғиниб қолган экан. Унинг кўрган-кечирганларини тинглаб, онаизорининг юраклари эзилиб кетгудай бўлди.

– Ойижон, – деди Қосим бироздан сўнг тилга кириб.

– Нима дейсан, чироғим?

– Олтиной қаерда?

– Мен қаердан билай. Ҳалиям уни унутмабсанку, болам.

– Йўқ, унуганим йўқ, ойи.

– Унуганинг маъқул, болам. Онангни, туғилиб ўсан овулингни ҳеч қачон унутма. Унга ҳамиша содик бўл, болажоним. Шундагина сен эл ардоғида бўласан, шундагина сен мард, меҳроқибатли, бақувват бўлиб ўсасан, – деди онаси Ойғанша ўғлини бағрига босиб. – Энди бироз ором ол, болам, ухла.

– Ухлагим келмаяпти, – деди Қосим шивирлаб. – Ундан кўра биронта ҳикоя айтиб беринг.

– Майли, болам, айтсам айткақолай.

Қосим хушёр тортди. Ойғанша бироз хаёлинини жамлаб, ҳикоясини бошлади:

– Қадим-қадим замонларда ер юзида ягона хонлик ҳукм сурган экан. Хонликдаги фуқаролар касб-корларию хунарлари бошқа-бошқа бўлгани билан, фақат битта тилда сўзлашар, факат битта мақсад билан яшар эканлар.

– У қандай мақсад экан? – деди Қосим қизиқсиниб.

– Уларнинг ягона тилаги – одамларнинг тинчтотув яшашилари экан, уларнинг оқ ёки коралигига, диний эътиқодларига аҳамият беришмас экан. Улар учун Ой Ўртоқ, Кун Ўртоқ, Ер Ўртоқ экан. Улар учун чегара деган тушунчанинг ўзи йўқ экан. Уруш нималигини тасаввур ҳам қилишолмас экан. Шунинг учун курол-яроғ ясамасдан, бир-бирлари билан дўст-тотув яшашган экан. Шундай қилиб...

– Хўш, кейин-чи?! Кейин нима бўлибди?

– Кунларнинг бирида ҳалиги ягона хонлик иккига, иккитаси тўрттага бўлинниб, хуллас калом, улар парча-парча бўлиб кетибди. Вакт ўта боргани сари уларнинг оралари совий бошлабди, бири қилган иш иккинчисига унамабди. Шундай қилиб оралари совиб, бирлари иккинчиларига кўз олайтирадиган одат чикаришибди. Охир-окибат улар бир-бирларининг ғашига тегадиган, урушадиган ахволга етибдилар.

Ойганша оғир тин олиб, сукутга ботди. Ўғли хикоянинг охирини тезроқ билиш илинжида онасиини қистай бошлади.

– Ўша уруш сабабларидан биттасини айтиб беринг, ойи.

– Бўпти. Бу гал уруш бўлишини хеч ким кутмаган экан. Чилланинг охирларию сумбуланинг бошларида далаю дашт тинч уйқуда, тепага келиб колган тўлин ой губорланиб, атрофни аранг ёритиб турган пайт экан. Душманлар худди камондай эгилиб оқаётган сой бўйлаб писиб келишиб, тепалар билан дўнгликлар ортида хеч нарсадан бехабар, қаттиқ уйқу оғушида ётган тинч аҳолига қўқкисдан ҳужум килади. Ана шундан сўнг элнинг манаман деган хос баҳодирлари қилич яланғочлаб, ўз юртларини ҳимоя қила бошлайдилар. Улар душман билан худди арслондай олишадилар-у, аммо ёв томони кучлилик қилиб, ўзларини ожиз сезиб қоладилар. Не-не баҳодирлар, гўзал қиз-жувонлар ўз юртларини ҳимоя қиласман деб, ёв кўлида курбон бўладилар. Шунга қарамасдан, бу элни тамоман таслим этишга кўзлари етмаган ёғийлар орқага чекинадилар. Улар чекинган жойларда вайроналар колади, жигаргўшаларидан жудо бўлган мотамсаро эл колади... Дала-даштда кон хиди анкийди, она боласидан, бола эса отасидан айрилади.

– Нега?! – деди Қосим ҳайрон бўлиб. – Улар нега одамларни ўлдиришади?!

– Ёвуз бўлганларидан кейин ўлдиришади-да. Улар ёмон одамлар-да!

– Ундай бўлса, Отабекка ўхшаган одамлар экан-да, а?

– Ҳа, худди шундай. Улар ўзгаларнинг баҳтли бўлишларини хоҳлашмайди. Факат ўзларигина фаровон яшасалар бўлди, бу дунёда. Энди бу ёғини

эшилт, ўғлим. Душманлар бу гал бир тўп бўй етган кизлар билан мўйловлари энди сабза ура бошлаган бўз йигитларни асир олишиб, ҳайдаб кетишибди. Ўшаларнинг орасида новчадан келган, буғдойранг, коракўз, соҳт-сумбати келишган бир йигитча ҳам бор экан. Ана ўшанга хон қизининг ишқи тушиб колибди. Асиrlарни ҳайдаб кетишаётганида тузукроқ қаршилик кўрсатмаган бу йигитчага душман томон унчалик аҳамият ҳам бермабди. «Бу бола таги пастрокқа ўхшайди. Унинг кўлидан нима ҳам келарди!» – деб ўйлабдилар-у, у ҳакда хонга хабар қилибдилар. Хон ҳазратлари бу гапни эшилгач, дарҳол: «Унака бўлса, оёқ-кўлларидағи кишанларни ечиб, озод қилинглар!» – деб буйрук берибди.

Шундан сўнг йигит хон қизининг меҳмони бўлибди. Охир-окибат йигит қанчадан-қанча сайрибоғлар, зиёфату сирлашувлардан сўнг хон қизининг жазманига айланибди.

– Мен сизни севаман, – дебди йигит шўрлик кунларнинг бирида.

– Мен ҳам... – дебди хон қизи юzlари лов-лов ёниб. Бу гапдан сўнг йигитнинг боши осмонга етибди. Унинг кўзига туғилган юрти ҳам, оқ сут берган онаизори ҳам кўринмай қолибди. Ҳамма нарсани эсдан чиқарибди.

– Мен энди сизникиман. Аммо бир шартим бор, – дебди қиз нозланиб.

– Қанака шарт экан? – дебди йигит.

– Агарда ўзингиз туғилиб ўсган юртни унутсангиз... мен сизники бўлишга тайёрман.

– Айтганингиз бўла қолсин, – дебди йигит кизни кўп илҳақ қилмай. У ширин ҳаяжон оғушида ўзини идора килолмай қолган экан-да. Шу биттагина сўз унга қанчалар кулфат олиб келишини хис этолмабди, бу нобакор йигит. Фаҳмлаш, ўйлаб кўриш қобилятидан маҳрум бўлиб қолибди-да.

Эртасига лашкарбоши йигитни хон ўрдасига бошлаб кирибди.

– Ассалому алайкум, хон ҳазратлари, – дебди йигит ўнг кўлинини кўксига кўйиб таъзим билан.

– Ваалайкум ассалом, ўғлим, – дебди хон тавозе билан. Улар худди синашаётган қари арслон билан ёш йўлбарсдай бир-бирларига тикилишиб, бир сония жим қолишибди.

– Ўғлим, – дебди хон бир пайт сукунатни бузиб. – Мулозимларим кизгинамнинг тилагини менга етказишди. Юлдузларинг юлдузларингга тўғри келган экан, мен нима ҳам дердим. Монелик қилмайман. Ўзинг биласан, ўғлим, менинг дўстимдан душманим кўп. Агар тақдир буюриб қўшилсаларинг, сен менинг севимли қуёвимгина эмас, меросхўрим ҳам бўласан. Факат биттагина шартим бор, агар хўп десанг... айтаман. Борди-ю, йўқ десанг, эркинг ўзингда. Ана, тўрг томонинг қибла.

– Шартингизни эшитай-чи.

– Бу масалада кизим иккаламиз ҳамфикрмиз. Шартимиз шуки, бизга куёв бўлишни истасанг, туғилган тупроғингни унутасан. Шу юртнинг

баходир ўғлони, ёвга чопар кирони бўл! Агар шунга рози бўлсанг, иккаламиз анави олмос қилични ўпиб, қасам ичамиз.

– Қасам ичаман! – дебди йигит ўйлаб хам ўтирмай, кўзлари ёниб.

– Онт ичаман! – дебди кекса хон азбаройи хурсанд бўлганидан кўзлари намланиб.

Шундан кейин улар кескир олмос қиличнинг тиғларини ўпиб, куролларини алмашибдилар.

Эртасигаёқ икки ёшнинг тўйлари вадаванг бўлиб ўтибди...

Орадан роппа-роса олти ой ўтгач, кекса хон бандаликни бажо келтирибди. Меросхўр эса тахтга ўтирибди.

Шундай қилиб ёш хон билан ёш хонбеканинг умри ўйин-кулги, майшату сайр-саёҳат билан ўта бошлабди. Кўнглидагига уйланган ёш йигит ўзини баҳтиёр хис этиб, юртини тезда эсидан чиқарибди. Тез орада улар яна бир хурсандчиликка етишибдилар: фарзанд кўрибдилар! Қувончдан боши осмонга етган хон тўй қилиб, элу юртга ош берибди...

Туғилиб ўсган юртини йигит эсдан чиқарган эса-да, у ёқдагилар эсларидан чиқармаган эканлар. Кунлардан бирида ўз юртидан келган элчи ёш хонга юртининг кекса хонидан олиб келган мактубини топширибди. Унда: «Туғилиб ўсган юртингдан жийранма, ўғлим. Тез кайтиб кел. Агар хатойингни тушуниб, кайтиб келсанг, кечираман. Элу юртинг хам кечиради. Адашганинг айби йўқ, агар сен ўз юртингни топсанг!» деб ёзилган экан.

Шунда ёш хон ўйлаб кўриб: «Йўқ, – дебди. У шу ерга обдан меҳр кўйиб қолган экан-да. – Ўтган ишга салавот. Мен энди хеч қаёққа бормайман».

Орадан анча вакт ўтгач, элчи яна ташриф буюрибди. Бу гал у ёш хонга оқ сут берган онаизорининг илтижосини олиб келибди. Унда:

«Ўз туғилиб ўсган тупроғингни унутма, болам, – деб ёзибди онаизор. – Муқаддас тупроғингнинг уволидан кўрқ. Унинг қадри онангнинг оқ сутидан ҳам мўътабардир. Дунёда тузатиб бўлмайдиган хатонинг ўзи йўқ. Ҳамма айбни кечирса бўлади. Аммо тузатиб бўлмайдиган биргина хато бор. Бу ҳам бўлса, ўз киндик конинг тўкилган тупрокни унутишdir, болам. Ҳали ҳам бўлса кеч эмас, жон болам, раъйингдан қайт! Мен сенга ачинаман, болагинам, ўйлаб кўр! Ўйлаб кўр!»

Ёт юртнинг ўткинчи ҳавасларига ўрганиб қолган гўр болага онаизорининг бу нолалари ҳам кор қилмабди. Ўғилгинасининг олдидан қуруқ кўл кайтган элчининг совук жавобларини эшишиб, шундоққина одамларнинг кўз олдида бечора онаизорнинг соchlари кордай оқариб кетибди. Боласининг ташвишини уч кечаю уч кундуз ўйлай-ўйлай, қуруқ суратигина қолган муштипар она оёқларини зўрға судраб босиб, хон ҳузурига кириб келибди.

– Вой дод! – дебди онаизор бўғин-бўғинлари бўшашиб.

– Додинг бўлса сўйла! – дебди хон қовоғини уйиб.

– Бу менинг сўнгти тилагим, хон ҳазратлари! Илтимос, анави адашган бадбаҳт болага яна бир марта элчи юборсангиз.

– Хон номидан борди, она номидан борди... Барчасига парво килмади у нобакоринг. Тағин нима дейсан?!

– Эр навбати учта-ку, хон ҳазратлари! Яна бир марта юборинг, илтимос, хон ҳазратлари. Кўнглим сезиб турибди. Шу гал келади.

– Гапингни кара-ю... «Шу гал келармиш». Адашганинг олди жўн-у, орти сўқмок. Сенинг шўрпешана боланг буни тушунармиди!

– Йўқ, хон ҳазратлари, унака деманг.

– Қайсарлик қилма, хотин. Тентак ўғлинг тағин ўғитимизни ерда колдирса-чи!

– Ноумид шайтон дейдилар, хон ҳазратлари. Ахир мен унинг онасиман-ку, кўнглим сезиб турибди, бу гал, албатта, келади! Начора, борди-ю, қайтиб келмаса, уволи ўзига. Бориб ўз кўлим билан бўғиб ўлдираман.

– Қўймадинг-қўймадинг-да, хотин, – дебди хон хўрсиниб. – Майли, айтганинг бўлақолсин.

Онаизор элчини ўзи кузатиб қолибди.

– Ўғлингизга нима дей? – дебди элчи отига минаётиб.

– Ҳеч нарса дема! – дебди онаизор.– Факат «онагинангнинг саломи» деб мана бу сандикчани қўлига бер-у, оркангга қайт.

– Бу сандикчанинг ичидаги нима бор?!

— Унда адашганинг эсини киргизиб қўядиган асил дори бор. — Элчи худди шундай қилибди: сандикчани йигитнинг кўлига берибди-ю, бошқа ҳеч нарса демай ортига қайтиби.

Элчи қайтиб кетгач, ёт юртларга аллақачон бағир босиб қолган ёш хон онаси бериб юборган мўъжазгина сандикчани авайлабгина очибди-ю, уни юзларига босиб, ҳидлаб, анча маҳалгача жим ўтирибди. Кейин бирдан ўзини тутолмай болаларча хўнграб йиғлабди. Сўнг тезда отига миниб, сафарга отланибди. Уни на хон қизининг меҳру муҳаббати, на ёт элнинг бойликлари, на хонликнинг ҳою ҳаваслари тўхтата олибди. Энди унинг қалбида ҳеч вақо қолмаган экан. Ёт элнинг бунга келтирган обрў-эътиборлари, ўйин-кулгилари ҳам унинг қалбини тарк этган, ҳатто, ордан булардан жирканадиган бир ахволга тушиб қолган экан. Кечагина кўзига қиммат, қизик бўлиб кўринган нарса борки, барчаси ёт, барчаси совуқ кўриниб, ўз юргига етишга ошиқибди. Аллақачон кун оғиб колганига қарамасдан йўлга тушиб, сабрсизлик балан отига қамчи босибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир кечаю бир кундуз деганда ўз элининг худудига яқинлашибди. Буни карангки, юргига энди етай деб колганида шўрликни оч бўрилар ўраб олиб, отининг қорнини ёриб ташлабди. Яраланиб, бўладигани бўлиб, бечора бола ўз элининг тупроғига судралиб кириб борибди. Шу ахволда ҳам онаизори бериб юборган мўъжазгина сандикчани кўлидан ташламабди. У каддини

базўр тутиб, одимламокчи бўлганида, қўккисдан коқилиб кетиб қўлидаги сандикча ерга учиб тушибди. Йигит бор кучини жамлаб, сўнгги бор туришга ҳаракат қилибди-ю, аммо туролмабди. Бор-йўғи қўлидан учиб тушган сандикчани бир амаллаб олиб, бағрига босишгагина чоғи келибди, холос.

У ўзи туғилиб ўсган тупрокнинг сўз билан тарьифу тавсиф қилиб бўлмайдиган ажойиб исини туйиб, бадан-баданида қандайдир бир роҳатбахш ором сезиб жим ётар, оч бўриларнинг ўткир тишлари ботган аъзоларида ҳеч қандай оғриқ сезмас, кўнглида бу сафаридан ҳеч қандай ўкинч ёки афсус-надомат аломатлари йўқ экан. Қайтанга: «Ўз киндик конинг тўкилган тупроқка етиб ўлиш – юпанчгина эмас, балки қувончдир!» – деган гап кўнглидан ўтибди. «Эй мукаддас тупрок! Эй менинг муштипар онам, эй менинг жонажон элу юртим! Адашган фарзандингнинг гуноҳидан ўтинглар!» – деган афсус-надомат бор экан унинг ўксик қалбида. Куёш уфқка ёнбошлаб ботаётган ғира-шира пайтда йигит шўрлик она тупроқка бош кўйганча жон таслим қилибди.

Эртасига бир тўп навкарлари билан овга чиқкан кекса хон бийдай далада ўлиб ётган йигитни кўриб қолибди. Шунда улар йигитнинг қўлидаги мўъжазгина сандикчани олиб, очиб қарашса, унинг ичидан бир туп ёвшан-у, илдизларига илашган бир сиким тупроқ чикибди.

* * *

Ойғанша ҳикоясини тугатиб, чукур хүрсинди. Осуда тунда Қосим жимгина ётар, онаси сўзлаб берган ҳикоят унга шунчалик таъсир этган эдик, бирор сўз қўшишга мажоли келмас, ҳозиргина эшитгани – даҳшатли воқеалар кўз олдидан бир-бир ўтар эди...

ОҚБОШ БУРГУТ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бу воқеа бундан бир неча аср муқаддам содир бўлган. Ўшанда қаймоғи бузилмаган қозоқ эндиғина миллат бўлиб уюшаётган замонлар эди... Оқбош бургут ҳар гал ёлғизликдан озор чекканида жондоши Кўқдовул билан хаёлан сирлашиб, ўша воқеани эсларди. У бугун ҳам қизқушдай севиб, ардоклайдиган Буюк даштнинг у бошидан-бу бошигача бўйлаб учиб, олис сафардан қайтди. Шу пайтгача у қанча узок учмасин, қанча тўсикларга дуч келмасин, вужудида янгича кувват, янгича куч ҳис килар, чарчаш нималигини билмасди. Лекин, бугун у илк бор ўзини хорғин сезди. Аммо бу хорғинлик узок учишдан эмас, ёлғизликдан эди...

Куёш ботиши олдидан ўзгача гўзал манзара кашф этувчи Кизбел тогининг Қизил деб номланувчи эгизак қояларнинг бирига Оқбош бургут келиб қўнди. Яратганинг кудрати, мухаббатнинг мўъжизаси ила Оқюлдуз исмли қиз Кўқдовул номли бургутга айланиб, унга қанотдош-жондош

бўлди! Окбош ҳар гал Кўқдовулни эслаганида, уни учратган ўша сархуш дамлар худди ипга тизилган маржондай кўз ўнгидан бирма-бир ўта бошлайди.

Окбош бургут оламни алвон нурлар билан мунааввар этган тонг куёшини Қизбелнинг Қизил коясида карши олди. Чакмоқдай ёник кўзларини катта очиб, борликни кузатди. Пастда ям-яшил пичанзор тонг елларида эркаланиб, мавжлана-ди. Тоғ бағридан яркираб, қайнаб чиқаётган кумушранг булоқ сувлари йўлига ғов бўлган майда-йирик тошлар устидан ошиб, пастга қараб югуради. Тўнкарилган гумбаздай мовий осмон бегубор. Бургут азалий одатига кўра уфқлар ортидан охиста кўтарила бошлаган заррин куёшни шодон қичкирик ила қаршилади. Кушнинг ўқтам қичкириги тоғ-тошларда акс садо берди. Окбош каттиқ силкинди-да, улкан қанотларини ёйиб, кўкка кўтарилди. У даштдаги жонзотлар, тоғ йиртқичлари, тирикчилик дардида тонгдан сарсон кезган одамзод, ҳатто булутларга туташ асқар тоғлар-у, кўкни тўлдириб учаётган ўзга қушлардан ҳам юксакка кўтарилгандагина ўзини ўзгача, енгил сезди.

Қизбел тоғининг Қизилдаги уясидан кўтарилиган бургут кадрдон даштнинг ўр-кирини чорлаб учди. Омонтўқайни қиялаб, Кушуяга қок тушда етди. Ёллама ўзани узра учиб борар экан, соҳилда сувдаги аксига маҳлиё бўлиб ўтирган соҳибжамол кизга кўзи тушди. Қизнинг оппок ҳарир кўйлаги

нозик қоматига ярашган. Оккуш мисол оппок бўйнини эгиб, кўзларини сувдан узмай ўтирган кизнинг пастта осилган тим кора соchlарини дарё суви силаб ўйнарди. Нихоят, киз сувдан бошини кўтариб, Омонтўқай сари юзланди. Тўқай четидаги сандиктошга келиб ўтиргач, ўйга чўмди: «Кўкда чарх уриб парвоз этадиган күшнинг хам армони бормикан? – Кейин Омонтўқайнин янгратиб сайраётган күшларга ҳавас ила тикилди. – Ерда ивирсиб кун кечиргандан кўкда парвоз этган афзал эмасми? Күшга битган қанот менгаям битса эди, ўшанда ҳар тонг қуёшни юксак чўкки тепасида қаршилар эдим. Табиатнинг ажиб чиройини юксакдан туриб томоша қиласдим. Завқим юракка сиғмасдан чаҳ-чаҳлаб сайрадим. Эххе, нега менга ушалмас орзулар баҳшида этдинг, ёлғон дунё?!»

Шундай маъюс хаёлларга чўмиб ўтирган бу кўнгли нолали, қалби ярали малакнинг исми Окюлдуз бўлиб, у ёлғиз отли камбағалнинг тилаб олган ёлғизгина нуридийдаси эди. Киз мана шу кимсасиз овюқ тўқайдаги ёлғиз ҳужрада дунёга келган. Уч ёшлигида онаси вафот этган. Онасининг дафн этилганини кўрмаган гўдак уни доим излаб йиғлайди. Ана шунда бувиси уни бағрига босиб, эртак айтиб юпатади.

- Буви, онам қайда? – деб сўрайди Окюлдуз.
- Онанг осмонда, – дейди бувиси.
- Осмонда нима қиласди?
- Учиб юради.
- Одам күшга ўхшаб уча оладими?

- Учади, албатта!
- Онам қайтиб келадими?
- Келади, бўтам, келади.
- Қачон келади?
- Бу бир Худогагина аён, бўтам.
- Келмаса нетамиз?
- Сабр килиб кут, болам. Сабр таги – соф олтин..
- Онажонимни жудаям соғиндим.
- Унда унинг ёнига ўзинг учиб борасан, чироғим.
- Қачон бораман?
- Бўй етганингда борасан.
- Яна эртак айт-чи, буви.
- Қадим-қадим замонда, эчки юрган томонда, қозоқнинг жаннат элида, Еруюқ деган ерида, акли ғоят ошган, ғайрати ундан тошган бир бой яшаган экан. Бу ёлғон дунёда, армонсиз ким бор дейсан. Ана шу доңғи оламга тараалган бой бир тирнокқа зор экан. Ул бечора кун ҳам, тун ҳам Худога ёлвориб, бир фарзанд бер, деб йиғларкан. Ўша боёқиши тунларнинг бирида туш кўрибди. Тушида оппок салла, оқ тўн, оппок соколли Хизр бобо кириб, шундай дебди: «Вахм таги – тубсиз жар, ботасанда, кетасан, таваккал таги елканли қайик – арманингта етасан. Бунинг учун Яратганга нола кил, ундан мадад сўра. Парвардигор бандаларига шафоатли. Чин кўнгилдан йиғласанг, сўкир кўздан ёш чиқар. Оллоҳнинг хидоят йўлидан бориб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) илмини ўргансанг, адашмайсан. Кўшкумайкўк деган тулпорингта мин-

да, аёлинг билан йўлга чиқ. Кўкчатовни кўклаб, Чингизтовни оралаб, узок юрганингдан кейин Улитовга етасан. Тулпорингни тоғ этагида қолдириб, Улитовнинг тепасига чиқ. Тоғ тепасида уларкуш бор, унинг бирини отиб олиб, этини хотининг билан бўлишиб ейсан. Шундан кейин тоғни ошиб, нариги тарафига ўтасан. Қаршингдан ойнадай яркираган кўм-кўк кўл чикади. У тубсиз кўл. Ундан от ҳам сакраб, одам ҳам сузиб ўтолмайди. Сен кўзларингни юмиб, хаёлингда қуш бўлиб уч. Қушга битган қўшқанот менгаям битса экан, деб тилак кил. Ана шу тилак билан бир ухлаб тургунингча сен қушга, оддий қушга эмас, семурғ қушга айланасан. Ана шунда аёлингни елкангга ўтказиб, олти кулоч қанотингни керагадай ёйиб, кўлнинг нариги сохилига қараб уч. У ерда Одам Ато билан Момо Ҳавонинг қабри бор. Ана шу муқаддас қабрни тавоф қилиб, Яратгандан фарзанд ато қилишини тилаб, бир кеча қабр ёнида тунаисан. Субҳисодиқда килқўбизини чалиб Қўрқит бобо тепангга келади. Сен унинг этагини ўп. Шундан кейин элингга қайт. Орадан тўккиз ой, тўккиз кун ўтгач, армонинг ушалади. Дўмбок юзли ўғил, ой юзли қиз кўрасан».

Хизр бобонинг айтганларини бекам-кўст адo этган бой айтилган муддатда Фотима-Ҳусан эгизак фарзанд кўриб, мурод-мақсадига етибди, бу дунёдан армонсиз ўтибди.

Бувисининг эртаклари таъсирида Оқюлдуз тасаввурга бой қиз бўлиб улғайди. Лекин бир мудхиш кунда Оқюлдузга меҳрини баҳшида эт-

ган ёлғиз йўлдоши, суянган тоги – бувиси вафот этди. Оқюлдуз ёлғизликнинг чинакам жафоларини бувиси фонийдан бақога кетганидан кейин тўлиқ ҳис килди. Отаси бир маҳаллар Эсимхон билан Қосимхон етакчилигидаги уруғга кўшилиб, кўчишни эп кўрмасдан, оиласи билан мана шу овлоқ тўқайда хужра қуриб, яшашни афзал кўрган эди. Ота хар тонг дарёга балиқ овлагани кетиб, коронғи тушгандагина хужрага қайтади. Кун бўйи тутган баликларни тозалаб, уларни ҳовлига осади-да, қизи билан гаплашишга ҳам ҳоли келмай, тўшагига йиқилади. Оқюлдуз бўлса, унга сут берган ёлғиз эчкини соғиб, куни бўйи унинг улоғи билан ўйнайди, урчук йигириб, кора улокқа бувисидан эшишган эртакларни айтади.

Баъзан хужра ташқарисида ўтириб, Оқбош бургутнинг келишини кутади. Мана шу, ўзга бургутлардан гавдаси анча йирик қиронқушни отаси отиб келган қуён гўшти билан сийлайди. Бургут эса, баднафслик килмасдан, гўштни жиндай чўкиб, тотинган бўлади. Кўпинча у Оқюлдузга узок мунғайиб тикилиб ўтиради, кейин «хозирча хайр» дегандай бир қийкириб, оловли кўзларини чакнатиб, учиб кетади-да, кўп ўтмай яна хужра ёнига қайтиб келади. Оқюлдуз кора улокқа айтган эртакларини Оқбошга ҳам айтарди. Бургут уни худди ихлос билан тинглаётгандай бошини эгиб ўтиради.

«Худо бир айлантирганни – чир айлантиради» деганлари рост экан. Оқюлдуз, бўй етиб, ўн ети-

га түлганида бу дунёдаги ёлғиз сұяңчи – отасидан хам жудо бўлди. Ўқ-дориси тугаб, охирида қуён у ёқда турсин, ташлаган тўрига балиқ ҳам тушмай, чорасиз қолган отани қайғу ичдан емириб, адо қилди. Қора улок ҳам, фалокат босиб, ит-қушларга ем бўлди. Отасининг ёлғиз отини йўлбарс ёриб кетди. Овлоқдаги ёлғиз хужрада бир амаллаб кун кечираётган Оқюлдузга қариликдан ҳолсизланган, сутдан чиккан ёлғиз қора эчкигина ҳамроҳ эди.

«Хуарга ит, сиқарга бит йўқ» деганлари шу экан-да, – деб ўйларди Оқюлдуз. Қасд қилгандай ўқда-текта учиб келадиган, ичимдаги ўйимни биладиган Оқбош бургут ҳам бедарак кетди. Бир эрмагим, эчкининг жунини қайта-қайта титиб, урчук йигирув. Ҳозирча ёз, Омонтўқайнинг мева-чеваси билан куним ўтиб турибди. Қир ортида қаҳратон қиши пойлаб турибди. Кунлар совигандан кейин ҳолим нима кечаркин? Манов жар ёқасида товукнинг куркасидай, кунимни қандай кўраман? Кузнинг қора совуклари бошланмасидан одамлар яшайдиган бирорта манзилга етиб олсаммикан? Тезрок кетиш керак! Лекин, кетганда қайга борардим? Минарга на отим, на кўлигим бўлмаса. Пойи-пиёда йўлга чиқай десам, эл қай томонда яшашини билмайман. Унда нима килиш керак? Ўлсаммикан? Бу дунёда мен қиймайдиган нима колди? Ҳа, ўлмок керак! Лекин қандай ўламан? Осилиб ўлсаммикан? Энг осони – дарёга чўкиб ўлиш. Отам боёкиш: «Ўз жонига қасд килиш – гуноҳи азим» деганлари-чи? Нима килай? Аклдан

озяпман, шекилли? Ўлиш ҳеч қаёкка қочмас. Қиши келгунича сабр қиласин. Ноумид шайтон, дейдилар. Умид ҳам бирданига узилмайди. Манов дарахтларнинг барглари сингари одам вужудини аста-секин тарқ этади. Умид узилгунича яшаш мумкин. Шунда мен бадбахт нимадан умид киламан, кимдан нажот кутаман. Ёлғизнинг ёри – Худо. Унинг қудрати чексиз, меҳр-шафоати тугалмас, ўзи яратган бандасига наҳотки нажот қўлини чўзмаса?! Бирорларга зарарим тегмаган – оқман, ел этагим елпимаган – покман. Покни Худо асрайди. Раҳматли бувим айтгувчи эди: «Кунига тўксон турли бало кўрганингда ҳам, Оллоҳдан умидингни узма. Сабр кил, Оқюлдуз, бардошли бўл. Ўлмаганга ўлик балиқ учрайди. Ўлсам ҳам армон қилмайман. Тупроқдан бунёд бўлдим, тупроқ бўлиб аслимга қайтарман...»

Оқюлдуз сандиктошда ана шундай хаёлларга гарк бўлиб ўтирганида Оқбош бургут Омонтўқай чеккасидаги оқ кайнин шохига кўниб, унга тикилиб колганди. Бир пайт Оқбош бургут ила унинг нитоҳлари тўкнашиб, юрагини кувонч қамради. Бургутнинг ҳам юраги дукиллаб ура бошлади. «Ёпирай, – ўйлади Оқбош бургут, – у киррасидан-бу киррасига етгунича кироннинг қанотини, тулпорнинг туёғини толдирувчи козокнинг Буюк Дашиби узра учганимда, не-не хушқад қизларни кўргандим-у, лекин бу қиздай сохибжамолни учратмагандим. Бу қизда чиройдан ўзга, вужудингни сехрлаб, ўзига тобе килувчи яна қандайдир хосият

бор. У нима экан? Юракнинг нозик пардаларини чертувчи зийраклиг-у, қалбининг бойлигимикан?»

Окбош бургут кизга сукланиб тикилгани сайн бўғинлари бўшашиб, юраги сув бўлиб оқаёттандай туюлди. Ҳаяжони жунбишга келди, забон битиб:

– О, парируҳсор! – дея хитоб қилди у. – Мана шу кенг оламда тонг нуридан йўғрилган, табиатнинг гўзаллигидан ранг олган сенингдек яна бир сулув бормикан?! Куёшда яркираган ойсимон манглайингдан, шундай гўзални дунёга келтирган онанинг садағаси кетайин, мени танлаб, кироним, десанг, мен сени, жоним, деб эркалайин.

– Худойимнинг яна бундай ҳам мўъжизаси бормиди?! Яратган парвардигор, оддий қушни ҳам одам каби сўзлатасанми?! – деди ҳайратдан лол колган қиз.

– Исминг нима, гўзал қиз? – сўради Окбош бургут.

– Оқюлдуз! – деди қиз ҳамон ҳайратдан ўзига келолмасдан.

– Исминг жисмингта монанд гўзал экан! Мен Окбош бургутман. Сен айттандай қушман, лекин оддий қушмас – қиронман! Тоғни қулаттудай шиддатим, қушларнинг кироли – бургут номим бор! Яратганинг инояти, муҳаббатнинг қудрати билан сенинг тилингда сўзлаяпман. Тўлин ой мисол чеҳрангни, қалб туғёнларинг акс этган мунгли кўзларингни кўрдим-у, бир умрга шайдойинг бўлдим!

– Ё Раббий, бу яна қандай синоат бўлди?! Эс билиб, этак ёпгали эсли-хушли йигитни кутганим

рост, лекин менга йигит эмас, қирон ошиқ бўлиши етти ухлаб тушимга кирмаганди.

– Бунга ажабланмасанг ҳам бўлади, Окюлдуз! Бу дунёда муҳаббат деб аталмиш сеҳрли туйғуга юраги ошуфта бўлмаган мавжудот йўқ. Шу боисдан мафтунинг бўлмиш ошиқ юрак розига қулок туттил-да, менга жондош бўл, суюкли ёр бўл!

– Сенга суюкли ёр бўлсам, одамлар нима дейди? Ерда йигит зоти қуриб, осмондаги кушга кўнгил қўйибди, акли-хуши жойидами бунинг, демайдими??

– Одамлар нима деса дер. Ерда сохта хаёт кечиргандан, самода чарх уриб яшаш афзал эмасми?! Ахир бу кўхна заминда қанчадан-канча адолатсизликлар, ёвузликлар содир бўлмади дейсан. Қанотли куш бўлсанг, ложувард осмон қўйнида вужудинг яйраб-яшнайди, юксакларда эмин-эркин парвоз этасан. Мен мана шу она табиатнинг эрка ҳамда эркин қушиман! Мана шу ёруғ оламни, борликни жонимдан ортиқ кўраман. Инсон оёғи етмаган, тирик мавжудотнинг товони тегмаган чўккилар измимда. Манов бепоён даштнинг ҳар бир кариҷери ни, унинг ўр-кирларини кўз қорачиғимдай асрайман. Ҳув анов гўзал, яшилликка бурканган ўрмон, манов аскар тоғлар тепасидан учиб ўтаётганингда гўзал манзаралардан юрак завққа тўлади. Оламда бундан ортиқ роҳат бўлмаса керак?! Бошимиз узра сузаётган парку булатларнинг нарёғида эртаклар, афсоналар салтанати бошланади. Уни кўрмокнинг ўзи чексиз баҳт эмасми?!

– Уни менам кўроламанми?! – ҳаяжонланиб сўради Оқюлдуз.

– Бунинг учун ердан воз кечиб, куш бўлиб учмоғинг керак. Ердагиларнинг севгиси мувакқат, канотлиларнинг севгиси – абадий. Шу боисдан ҳам одамлар орасида оккуш севгиси афсонага, кўшикқа айланган. Одамлар висолга етгунларича бир-бирларини қадрлашади, висолга етганларидан кейин эса, ўзгача хунар кўрсатишади.

– Оқбош, сен одамларнинг хақиқий севгиси қандайлигини билмас экансан. Айриликдан кўра, ўлимни афзал билган Киз Жибек билан Тўлаганнинг севгисини кўрганингда, бир қабрда ёнма-ён ётган Баян сулув ва Кўзи Кўрпеш хақида эшиганингда, бу гапларни айтмасдинг. Билмаганинг боисдан шундай деяпсан.

– Нега билмас эканман, биламан. Қозокнинг Буюк Даشتida мен кўрмаган воқеа, мен билмаган тарих йўқ.

– Билсанг нега нотўғри гапирдинг?

– Нотўғри гапирмадим. Ўша, сен айтган севишигандар ҳали ёш, ғур бўлишган. Шу боисдан ҳам улар муҳаббат тафтидан тез тутаб, тез ёнишган. Олов қанчалик ловуллаб тез ёнса, шунча тез сўнади. Улар бир-бирларининг висолига этишолмади. Етишганларида уларнинг юракларини кудирган севги чўғи сўнган бўларди. Ажралишлар, бир-бирларининг кўзларига чўп солишлар ана шундан кейин бошланарди. Тўғри, одамлар ораси-

да ҳам севгилари оккуш мисол абадийлари учраб туради. Лекин, афсуски, улар мингдан ёки миллиондан бир бўлиши мумкин. Асл муҳаббат ерда эмас – самода! Самода парвоз этувчилар орасида канотлари толмасдан, барча қушлардан йироққа учиб, барчадан юксакка кўтарилиб, Оллоҳга яқини – мен! Бу мактаниш эмас – ҳакиқат.

– Кўкда парвоз этишнинг завқи ўзгача бўлса керак? Шундайми, Оқбош?

– Ола булутлардан ҳам юксакка кўтарилган лаҳзалардаги кенгликлардан юракка инган завқшавқни ифодалашга тил ожизлик қиласди. Ундаи завқни бошдан кечиргандагина ҳис килиш мумкин. Самоларда чарх урганингда вужудингда ўзгача бир лаззат сезасан. Мусаффо осмоннинг соғ ҳавосидан яйраб симирасан, заминга яқинлашганингда димонингта урилган гул-чечакларнинг анвойи хидидан маст бўласан. Парвоз чоғи сахар еллари юзингдан силаб, эркалайди. Қайнзор, теракзорлар, эманзор, жийдазорларнинг ям-яшил япроқлари қарсак чалиб, сенга оқ йўл тилашади. Юксак тоғлар кўксидан отилиб чикаётган шалолаларнинг шовуллаши, ойдин булоқларнинг шилдираши соҳибжамол кизнинг хандасидай вужудингга ҳузур бағишлайди. Қозоңнинг Буюк Даشتни узра тонгдан шомгачайин чорлаб, парвоз этсанг-да, унинг гўзаллигига кўзинг тўймайди. Пастда, бир водийдан кейин яна бир водий, бир тепаликдан кейин яна бир тепалик, тоғдан сўнг тоғ алмашиб ўтаверади. Мовий денгиз сингари чайқалган ўрмондан сўнг ўйноки тойдай

яйраган, сонсиз күшлар сайраган, юзида ой акси чалкиган күллар билан дарёлар, шамолда эркалаб, мавж урган соф олтин буғдойзорлар, тоғу даштнинг кўрки – оқ сайғоқларни кўриб кўзинг яйрайди. Шунда бу ажиб ўлкани менингдек биладиган, менингдек севадиган жонзот бормикан дунёда, деб ўйлаб кетаман.

– Мен борман, Оқбош бургут! Қозоғимнинг Буюк Даштига, унинг бетакрор ҳусну тароватига мен ҳам ошиқман. Даشت ҳакидаги қўшиқ мисол таърифингни яна давом эт, Оқбош бургут.

– Қизбелнинг Қизил қоясида олтинранг қуёшнинг Буюк Даشتни сўнгги бор нурларга чулғаб, уфқ ортига чўкаётган дамларини кузатар экансан, унинг чексизлиги-ю, маҳзун гўзаллигидан бошинг айланиб, тотли уйқуга кетасан. Яна эрта тонгда уйғониб, заррин нурлари ила оламни ёритиб, жилмайиб кўтарилаётган қуёшни ердагиларнинг барчасидан олдин қарши оласан. Паға-паға булатлар сузаётган осмон, сулув заминга тикилиб, буларни кўриб турганингдан шукроналик қўшиғини айтасан. Кейин кўкка парвоз этиб, қуёш нурларига чўмилган олам манзарасидан чексиз лаззат оласан. Ердагиларга бу завқ бегона. Улар кўзларини очиб, кундалик ташвишларга ўралашиб кун кечиришади, корин, кийим, дунё, мансаб ғамида елиб-югуришади, урчуқдай эшилиб, чир айланишади. Тирикчилик ғамида тирмashiб юриб, ҳорибтолиб, оқшом тушиши билан ёнидаги ёрини ҳам суюб-эркалашни унутиб, тўшакка мук тушиб ух-

лашади. Шундай куйманиб юриб, беш кунлик дунёниг ўтиб кетганини ҳам сезишмайди. Лекин қанотлиларнинг йўли ҳам, ҳаёти ҳам ўзгача! Осмон остида кийқириб учадиган киронларнинг муҳаббати абадий.

– Шу айтганларинг ростми, Оқбош бургут?

– Айланайин, Оқюлдуз! Мен ердагилар каби ёлғон гапиришни билмайман. Сенга юракдаги дардимни айтдим. Сенга нисбатан қалбимдаги тонг шудрингидай соф туйғумни қабул этсанг, умр бўйи сени эъзозлаб, авайлаб асраган бўлардим. Агар гапларимга инонсанг, мен-ла бирга парвоз эт!

– Юракдан чиккан гапларингга инондим. Ёлкин бўлиб ёнган кўзларинг юрагимни ёндириди. Сенга эргашардим, афсуски учолмайман...

– Учолмайман, демагил, муҳаббатнинг кудрати чексиз, у ҳамма нарсага қодир. Ахир сен аёлсан, асил аёлсан! Донони – бола, болани доно этувчи ҳам аёл. Агар аёл жазм килса, қўлтиқларидан қанот чикариб уча олади. Севган аёл мўъжизалар яратишга қодир. Сенинг ҳам юрагингга муҳаббат кўнди. Шу боисдан ҳам ана шу муҳаббатингдан мадад олиб сенга қанот тортиқ киламан, жоним Оқюлдуз.

– Бунга қандай эришасан?

– Кўзларингни юмиб, орзуларинг оламига ғарк бўл, хаёлан қанот силкиб уч. Куш бўлиб учишингга бутун вужудинг билан ўзингни ишонтир. Кўз олдингда Кўктубитни тасаввур кил.

– Кўктубит деганинг нимаси?

- Нима эмас, ким дегин?
- Ҳа, ким у?
- Күктубит олти ёшли бургут. Мен уч, Күктубит, деганимда кўкка кўтариласан.
- Шунда менинг исмим Кўктубит бўладими?
- Қанотларинг каттиклашиб, Қорадовулни қоқ ёриб ўтиб, Кўковулга айланасан. Сени «Кўковул» деб атайман. Ана энди кўзларингни юм-да, ҳалиги мен айтганларимни айнан такрорла.
- Ана, юмдим, Оқбош бургут.
- Энди чурқ этма, Кўковул.

Шундан кейин иккови унсиз колишди, ўз ўйлари билан банд бўлишди. «Учсан эди. Мен кушман, учаман», деб ўйлади кўзларини юмган Оқюлдуз хаёлида. «Парвардигор Эгам, ўзинг кўлла. Оқюлдузни кушга айлантириб, унга қанот бағишила. Токайгача ёлғиз бўламан? Ёлғизлик факат Худогагина ярашади. Мен Худо эмасман, ота-боболар руҳидан бунёд бўлган арвоҳ – қиронман! О, Тангрим! Омад бер!»

Иккови хаёлларга кўмилиб, узок ўтиришди. Бир пайт кўкда момакалдирок гулдираб, чакмок чақди. Ана шунда Оқбош бургут:

- Кўковул, уч! Изимдан эргаш! – деб кичкириб юборди.

Кўковул қанотини силкиб, ердан кўтарила бошлаганида Оқбош кучли қанотлари билан уни сяб, окиш булутлардан юксакларга кўтарилишига кўмаклашди.

Үша куни оқшом түшганида Оқбош бургут билан Күкдовул Қизбел тоғдаги ёнма-ён турган Қизил кояга келиб қўнишди...

Ширин туш шу ерга келганида Оқбош бургут қандайдир каттиқ гумбирлашдан чўчиб уйғонди. Уни ҳавонинг каттиқ гулдираши чўчитган экан. Момақалдиrokдан кейин борлик чакмоқдан ёришиб кетди. Кўқдан олов бўлиб оккан яшин тоғ этагида минг йиллар мобайнида довуллару бўронларга кўксини қалқон килиб, мағрур турган кекса эманинг танасига найза бўлиб санчилиб, teng иккига ажратиб юборди. Ёз бўйи бир томчи ёмғирсиз ковжираб ётган барглар ловуллаб ёна бошлади. Бир зумда тоғ этагидаги яшил ўрмон олов ичидаголди...

УЧРАШУВ

Ҳикоя

Ойнадай яркираган бепоён кўлда чағалай янглиғ оппоқ кема ортида Сомон йўлига ўхшаш кўпикли йўлак колдириб, оҳиста сузиб бормоқда. Ботаётган куёшнинг қизғиши нурлари кўлнинг шабнамдай шаффоф сатҳида товланиб, турфа рангларда мавжланади. Тик тепада, тўнкарилган қозондай мовий гумбаз тоқида қалқиб бораётган бир парча окиш булат малак кўлида хилпираётган дуррача каби хаёлни олисларга олиб қочади. Кема

кўқси ила ёриб бораётган сувнинг шовури-ю, моторнинг бир маромдаги гувири тоғ кучоғидан кайнаб чиқаётган ойдин булоқ шалоласининг шодон шарқирашини эсга солади. Бу канорада бундан ўзга сас эшитилмайди. Нарёғи Тарбағатой тоғларига бориб туташган мовий сароб ва зангор осмон сутдай оппок шуълаларга чўмган уфқ ила уйғунлашиб, ҳайратланарли соҳир бир манзара кашф этган. Уйқудаги санамдай табиатнинг мана шу гўзал тароватидан сархушланган Ўлжас устоз-шоир Абдилда оғанинг:

Шунчалар гўзал дунёда

Ёвзлик қандай яралар? – сатрларини эслади.

«Ҳа, – деди у ичдан тўлқинланиб, – «ёруғ олам» дегувчи манов ёлғонда сулувлигу улуғликда табиатга тенг келадиган нима бор? Лекин биз мана шу сулувлигу улуғликни қадрлаяпмизми? Ибтидода Яратган эгам одамга «Ер юзидағи бутун тирикликни ихтиёрингга топширдим. Чексиз кенгликлару юксак тоғлар, кўм-кўк уммонлару зилол кўллар, зангор ўрмонлар – ҳамма-ҳаммаси сеники! Унинг гуллаб-яшнашию заволи ўзингга боғлиқ. Ҳаммаси учун Менинг олдимда ўзинг жавобгарсан!» – деган экан. Бизга Яратгандан ато этилган она заминни кўз қорачиғидек асраш ўрнига бири-биридан қудратли, бири-биридан даҳшатли бомба, ракеталар ўйлаб топиб, кулинни кўкка совуришга киришгандаймиз. Биргина Семей атом полигони –

қозоқ даштининг битмас жароҳати, кулфатига айланди. Полигоннинг касофатидан қозоқ даштида ҳар кирк сонияда битта мажрух гўдак дунёга келмоқда!.. Шундай танг вазиятда мамлакат миллий даромадининг йигирма фоизи ҳарбий саноат равнақига, ҳалқ соғлиғини саклаш учун эса унинг уч фоизигина ажратилаётганини қандай изоҳлаш мумкин?! Маданият ва маориф соҳалари эса садақа эвазига кун кечираётган тиланчига ўхшайди. Оқибат нима бўлади?! Оқибатда – Шекс-пир туғилмаган юртда Ньютон ҳам туғилмайди!

Ғарбдаги таҳлилчиларнинг ҳисоб-китоблариға кўра, синов учун портлатилаётган ҳар бир атом бомба учун ўттиз миллион доллар маблағ сарфланар экан. Бинобарин, йилига йигирмата бомба портлатиладиган Семей атом полигонида ҳар йили олти юз миллион долларлик маблағ ҳавога учиб кетар экан. Бу маблағнинг бир бўлаги сув ўрнига заҳар ютаётган, на йўли, на электр чироғи бўлмаган чекка туманларга ажратилса, даштдаги ҳалқ ҳам рўшнолик кўриб, қадларини аллақачон тиклаб олмасмиди?! Афсуски, ҳалқининг манфаатини ўйламайдиган, унинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашмайдиган жамиятда бунга эришиб бўлмайди чоғи.

Бу кўхна даштнинг шўришлари бунча кўп бўлмаса?! Кўриқни ўзлаштириш шиори остида азалий тинч ерлар тилка-пора қилиниб, минг йиллар мобайнида аждодларимизни боқиб келган саховат-

ли буюк даланинг ҳосилдор катлами чўл шамолла-рида қора қуюн бўлиб, ўт-ўлансиз такир саҳрого айланди. Халқ бошига тушган бу кўргиликларни шоир айтмаса, ким айтади? Аччик бўлса-да, ҳақ гапни очик айтиш учун туз кўз, муз юрак юзлаган генераллари, минглаган зобитлари бўлган «ҳарбий саноат» монополиясига қарши туриш учун майдонга тушадиган вакт келди. Аслида бу кураш маъмурий бошқарувнинг бошида турган «марказ» деб аталувчи аждаҳо билан олишиш дегани. Бошни гаровга қўйиб, «Аз и Я»ни ёзганимдай яна бир бор майдонга тушсан, халқ мени қўллармикан? Ёки «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, ёлғиз йигитнинг донғи чиқмас» деганларидай, майдонда ёлғиз коламанми? Алалокибат, кимдир ҳакиқатни айтиши керак-ку! Нозим Ҳикмат айтганидай:

*Мен ёнмасам ловуллаб,
Сен ёнмасанг ловуллаб,
У ёнмаса ловуллаб,
Осмон қандоқ ёришсин?!*

Бомбаларнинг тинимсиз портлашларидан кўкси тилкаланган қозок даштининг ҳасратларини ўйлаганда юрагим шеърга, кўзим ёшга тўлади. Буюк Мағжон айтганидай:

*Тугилмас оқин ҳалқни йиглатай деб,
Тугилар оқин ҳалқни юпатай деб,
Шеърларин рўмолчадай ёяди у
Кўз ёшин одамзоднинг йўқотай деб.*

Одамзоднинг кўз ёшини йўқотиш қўлимдан келмаса-да, лоақал ўз халқим кўз ёшини жиндай аритишга ярасам армоним қолмас эди. Шоирлик ва фуқаролик – эгизак, дейишади. Фуқаролик туйғуси йўқолса, шоирлик ҳам ўлади... Халқ учун бошни гаровга тикиб, аччик ҳақиқатни очиқ айтадиган пайт келди.

– Хайрли оқшом, Ўлжас Ўмарович! – деди пастдан палубага кўтарилиган вилоят партия қўмитасининг котиби Сергей Петрович Сорокин.

– Хайрли кеч, Сергей Петрович!

Ўрта бўй, оқ-сариқдан келган Сергей исмли йигит билан Ўлжас ўтган йили вилоятга, учрашувга келганида танишган эди.

– Кайфиятингиз йўқроқ кўринади, Ўлжас Ўмарович? – кулумсираб сўради Сорокин.

– *Қайгу-мунг кимларни сўрмади?*

Ўйнашдик ўт билан ҳам, ўқ билан ҳам.

Умидсиз кунларим бўлмади,

Шул сабаб мукамилдай баҳтим ҳам, – деб Ўлжас Сергейнинг елкасига қўлинни ташлади.

– Ўхў, бу ўйлантирувчи сатрлар ўзингизни кими, Ўлжас Ўмарович?

– Йўқ, меникимас, булар аллақачон бошқирд халқининг тимсолига айланган улкан шоир Мустай Каримники.

– Камина адабиёт оламидан олис бўлсам-да, бадиий адабиётни кўп ўқиганимданми, ижодкорлар ҳакида айрим шахсий фикрларим йўқ эмас,

дэйишим мумкин. Мустай Карим «Ташлама оловни, Прометей» драмасида, тарихий воеалар замираиды бугунги күн муаммоларини айтиб, истеъдод йўлига ғов бўлувчи цензурани доғда колдирган, деб ўйлайман.

– Сизнингча, цензура истеъдод йўлига ғов бўла оладими?

– Ғов бўлиш у ёқда турсин, уни куртаклигига ёк бўғиб, йўқ килади!

– Бу фикрга қўшилолмайман, – деди Ўлжас. – Пушкин цензура катагони шароитида ижод килди. Толстой, Достоевский, Тургенев, Чернишевский хам цензуранинг ҳушёр назари остида қалам тебратишган. Сталин давридаги цензурани эса баҳорда энди ниш ураётган майсани пўлат тасмаси билан эзғилаган танкка ўхшатиш мумкин эди. Лекин Бондарев, Распутин, Астафьев, Айтматов, Биков, Кугульгинов, Ҳамзатов – шўровий цензуранинг қаҳрли нигоҳи остида мумтоз асарлар яратадилар. Хрушчёв шўролар иттифокида факат битта тил – рус тили бўлади, миллий тиллар ўлади, деб айюҳаннос солган дамларда Ҳамзатов «Авар тили эртага ўлса – мен бугун ўлишга розиман!» деб хитоб килди. Менимча, ҳакиқий адабиёт цензураси, давлат сиёсатининг тазикида, қайтанга тобланиб, юксалади.

– Тўғриси, бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман, – деди Сорокин.

– Асли касбим геолог, – деди Ўлжас. – Тузли чўкиндилар мавзусида диплом иши ёзганимда ернинг пастки туз қатламлари тепадаги босимни енгиб, юзага кўтарилишини ўқигандим. Бу жараён геология фанида – ер ости қатламларининг тектоник ҳаракатланиши, дейилади. Тадқиқотларимга асосланган ҳолда айтишим мумкинки, ана шу тузли қатламларга тепадан бўладиган босим қанчалик кучли бўлса, улар ер юзасига шунчалик тез кўтаришади. Аксинча, тепадан бўладиган босим йўқолса, пастдан бўладиган қаршилик ҳам сусайиб, тепага интилиш ҳам тўхтайди. Адабиётдаги ривожланиш, юксалиш ҳам худди шунга ўхшайди.

– Беш бармок баробар эмас, деганларидай, бу турфа оламнинг одамлари ҳам турфа хил: бири – саёз, бири – теран, бири – пакана, бири – дароз! Хуллас, одам кўп-у, шахс кам. Сизнингча, бунинг сабаби нимада?

– Ҳар бир тирик организм ўз муҳитининг маҳсули. Ҳатто, гул ҳам серхосил, унумдор ерда ўсади, нобоп ерда қурийди. Одам ҳам гулга ўхшайди. Ёруғ дунё эшигини ингаси билан очиб келган гўдакларнинг ёмони, нокобили бўлмайди. Уларнинг ким бўлиб улғайиши ўсган муҳити-ю, олган тарбиясига боғлик. Доно Абайнинг «Кимдаким ёмон бўлса, бунга замондошлари айбдор», деган гапида теран маъно бор. Туғилганинг жўни бўлак, йўли бошка. Одамнинг шахс даражасига

етиши учун, юкоридагиларга құшимча қилиб айтганда – билим, мәхнат, үзига талабчанлик, иктидор ва теран фикрлаш салохияти, шунингдек, хур фикрли, илғор мухит бўлиши шарт. Буларсиз шахс бўлиб етилиб, юксакка кўтарилиш кийин. Американинг атоқли иқтисодчиси, Нобель мукофотининг соҳиби, асли россиялик Леонтьев: «Шўролар тузумининг энг катта нуқсони – шахсга етарлича эътибор бермаслигида», – деб бекор айтмаган.

– Ўлжас Ўмарович, сиз билан мана шундай яқиндан сухбатлашишни орзу қиласдим, ортиқча саволлар билан бошингизни котирганим учун узр сўрайман...

– Хечкиси йўқ, Сергей Петрович, бемалол... Сиз билан фикрлашиш менга ҳам ёқади.

– Бугунги кунда Солженицин ҳакида турли гаплар айланиб юрибди. У ҳакда қандай фикрдасиз? – деди Сорокин Ўлжасга қисиқ кўзларини синовчан тикиб.

– Александр Исаевични ёмон ёзувчи десак – виждонсизлик, яхши сиёсатдон десак – ҳақиқатга хиёнат қилган бўламиз. Солженицин океанинг нарёғидан ҳаётимизга қора кўзойнак такиб қарагани боис, уни факат қора рангда кўраётгандай...

– Яқинда Семей вилоятидаги Абай, Абирали, Шубартов, Аксувот, Кўкбетти туманларида ўтказган учрашувларингиз ҳакидаги ахборотларни маҳаллий рўзномаларда ўқигандим. Сафар-

дан қайтибок республиканинг биринчи раҳбари кабулида бўлиб, вилоятда зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган бир қанча муаммоларни кўйибсиз.

– Семей вилоятида зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган учта муаммога тўхтадим. Бунинг биринчиси, яъни ўта мушкули Семейдаги атом синов полигонини ёпиш. Иккинчиси – чекка туманлардаги халкнинг юрагида армон бўлиб котган муаммоларни, яъни, сув, йўл, электр таъминоти пайсалга солинмасдан, тезда ҳал этилиши керак. Учинчиси – юртимиздаги экологик вазиятнинг танглиги. Бу танглик фактат Семей вилоятигагина эмас, балки бутун Қозоғистонга дахлдор.

– Бу гапларингиз тўғри-ю, лекин уларнинг ечимини топиб бўлармикан? Айникса, Семей полигони муаммосини ҳал этиш кийин бўлса керак...

– Тўғри, кийинликка-қийин, – деди Ўлжас ўйчанлик билан. – Аммо қийин деб қўл ковуштириб ўтириб бўлмайди. «Пессимист – ҳар қандай имкониятда қийинчиликларни кўради, оптимист – ҳар қандай қийинчиликлардан имконият ахтаради», – деган экан Уинстон Черчилль. Кези келганда, мазкур муаммоларни Москванинг эски майдонидаги Кремлга ҳам, иттифоқдош ўн беш республика ҳалқига ҳам етказармиз.

Куёш уфқ ортига беркиниб, окшом коронғилиги куюқлаша бошлади. Энди сув сатхини шалоплатиб сакраган улкан ва майда баликлар ҳам, чағалайларнинг тинимсиз чийиллаши ҳам тиниб, қўл узра сокинлик чўка бошлади.

– Ёруғроқда пастга туша қолайлик, – деди Сорокин.

Улар зинадан пастга тушаётгандарыда кема оёғига ем тушган оттадай юришини секинлата бориб, такқа түхтади. Сорокин билан Үлжас бирбирларыга урилиб, зинадан пастга йиқилишларыга оз колди.

- Эх, жин урсун! – деди Сорокин.
- Нима гап? – ажабланиб сүради Үлжас.
- Кема лойқага тиқилди.
- Энди нима қиласы?
- Тонг отгунча кутишдан бошқа иложимиз йўқ.
- Шуниси етмай турувди! – деди Үлжас асабийлашиб.

Лекин ялпоқбет, каттаоғиз кема капитани Жўлим бамайлихотирлик билан:

– Ҳечкиси йўқ, – деди у устарада киртишланган ялтир бошини кафти билан силар экан. – Ҳозир кўлда сув пасайди, лекин тун ярмида қайта кўтарилади. Тонг отиши билан зувиллатиб, сизларни нариги соҳилга етказиб бораман. Сергей Петрович тонггача зериктирмайди, вақтнинг қандай ўтганини сезмайсизлар.

– Вактни-ку, бир амаллаб ўтказишга ўтказармиз, лекин соҳилда йўлимизга кўз тикиб ўтирган халқ нима дейди? Шундок ҳам тайинланган вақтдан кечикдик. Улар бизни эртагача кутишмайди, – деди Үлжас ҳафсаласи пир бўлиб.

– Балки кутишар? – деди Жўлим илжайиб.

– Нима бўлсаям, борганда кўрармиз, – деди Сергей Петрович.

Жўлимнинг айтгани бўлди. Сергей Петровичнинг бир ўзи бир театрга татийдиган хунари бор экан. Палубага ёзилган дастурхон тепасида ҳангома, латифагўйлик қилиб, ҳаммани кулдирди, баянни кулочлаб чўзиб, лапарлар айтди:

*Ўрион кезиб Ванюша,
Кўриб қолди Маняни.
Маня ҳам тинч юрмасдан,
Севиб қопти Саняни.*

...Тонғги ширин уйкуда ётган Ўлжасни Сорокин уйғотди.

– Ўлжас Ўмарович, туринг, учрашув жойига яқинлашиб қолдик.

– Соат неча бўлди? – деди Ўлжас ўриндиқдан турар экан.

– Тонғги беш.

Ўлжас дарров кийиниб, ювинди-да, Сорокин изидан палубага кўтарилиди. Улар ёнма-ён туриб, сохилга тикилишди.

– Ана, учрашув жойига етиб ҳам қолдик, – деди Сорокин қўли билан сохилни кўрсатиб. – Соҳилда турганларни кўряпсизми?

– Кўряпман, улар жуда кўпчилик-ку? – деди Ўлжас ажабланиб.

– Камида икки юзтacha. Булар кеча окшом сиз билан учрашувга келишган.

– Бундан чиқди, улар бизни мана шу очиқ осмон тагида, күл ёқасида туни билан ухламай кутишганми?

– Албатта, Ўлжас Ўмарович...

– Ёпира-ай! Халқни куттириб қўйганимиз нокулай бўлди-да! Бу гуноҳни энди қандай ювамиз?

– Бунга сиз айбормассиз. Манов Зайсан кўлида сувнинг сатҳи оқшомлари пасайиб, тун ярмида яна кўтарилишидан кемалар баъзан лойқага тиқилиб колишини маҳаллий халқ яхши билади.

Икковлари сўзлашиб, пастга тушишди. Кема юришини секинлатиб, соҳилга келиб тўхтади. Шундан сўнг кўл ёқасидаги кенг майдонда оломон кемадан тушаётганлар истиқболига юрди. Олдинги тўпда келаётган миллий либосдаги баланд бўйли қиз тўдадагилардан бир қадам олдинга чиқди. Унинг чиройли бўта кўзлари мўлтираб, оппоқ чехараси тонг куёшининг қизғиш нурларидан товланиб, шоирга нон-туз тутди. Ноннинг бир чеккасидан ушатаётган шоирнинг нигоҳи қизнинг нигоҳи билан тўкнашди. Шу лаҳзада нон тутган малакнинг ёноклари аввалгидан-да ловуллаб қизарди, юраги гупиллаб урди.

– Хуш келибсиз, Ўлжас оға! Сизни қарши олаётганимдан баҳтлиман! – деди қиз ҳаяжонини яшиrolмай, овози тўлкинланиб.

– Раҳмат, қароғим!

– Бутун халқ сиз билан тилакдош, оға!

– Исминг нима, бўтам?

– Оқморол!

– Исмингни топиб қўйишган экан, Оқморол деса оқморол экансан, қайда юрсанг ҳам омон бўл! – деди шоир кизга меҳр билан тикилганича.
Шу пайт майдон узра:

– Ўлжас!

– Ўлжас!

– Ўлжас! – деган хитоблар янгради.

– Ўлжас!

– Ўлжас!

Шоир кўлинин кўксига қўйиб, ҳалқка таъзим килиб:

– Куттириб қўйганимиз учун узр сўрайман! – деди.

– Ҳечқиси йўқ, бир тун – минг кун эмас! – деди ўртада турган миқти гавдали йигит. – Биз сизни канча кутиш керак бўлса, шунча кутишга розимиз!

– Ўртоклар, – деди Сорокин. – Вактни ўтказмасдан ишга киришайлик, учрашувни қаерда ўтказамиз? Клубдами, очик майдондами? Ҳалқ театрининг режиссёри кани?

– Шу ердаман, Сергей Петрович, – баланд бўйли ок-сариқдан келган йигит оломон ичидан чиқиб, Ўлжаснинг кархисига келиб тиз чўкди-да: – Исли тилларда достон бўлган буюк шоирни кўриб турганимдан бағоят баҳтлиман! Сиз билан замондошлигимдан фахрланаман, Ўлжас Ўмарович! – деди хаяжон билан.

– Ўрнингиздан туриң! Бу нима қилганингиз? – деди норғул йигитнинг тиз чўкиб туришидан ўнғайсизланиб, кулоғигача қизариб кетган Ўлжас, сўнг уни қўлтиғидан қўтариб, ўрнидан турғазди. – Исмингни билсак бўладими, йигит?

– Исмим – Анатолий, фамилиям – Иванов.

– Нима дейсан, режиссёр, учрашувни қаерда ўтказсак бўлади? – сўради Ўлжас.

– Клубимиз кичик, тўпланганлар сиғмайди. Карши бўлмасангиз, шу очиқ майдонда ўтказсак, дегандим.

– Маъкул, сен айтганча бўла қолсин, – рози бўлди Ўлжас. – Унда учрашувни бошла, режиссёр.

Режиссёрнинг ишораси билан Зайсан соҳилидаги майдонда, шаҳар театрларидағи спектаклларга ўхшамайдиган, ўзгача бир томоша бошланиб кетди. Томошабинлар нигоҳи олдидан Маҳамбетдан Ўлжастгача ўтган ботирлару шоирлар бир-бир ўта бошладилар. Улар шунчаки ўтмасдан, санъатларини Ўлжаснинг шеърлари жўрлигида намоийиш этиб ўтишарди. Майдон узра шоирнинг ақиқ сатрлари кирк дақиқа давомида барада янграб турди. Ундан кейин Ўлжасга нон-туз туттан Оқморол гўзал қўшиқ айтиб, раксга тушди. Учрашув сўнгига Ўлжас муҳтасар кириш сўзи айтиб, сўнг:

Сен деб оздим,

Сени деб қалтирадим.

Сен бўлмасанг,

Менинг ҳам йўқ юраги, –

деб мұхлислар олдида ҳаяжон ва завқ билан шеърларини үкій бошлади.

«Ёпирай, садағанг кетайин, Үлжас оғам-эй, манов шеърни сиз әмас, мен ёзғандайман, – дерди Оқморол үзіча пицирлаб. – Ушбу сатрлар менинг сизга умр бүйі айта олмаган түйғуларим, бу ёлғон дунёдаги қалбимни ўртаган армонларим, чин дунёга үзим билан бирга олиб кетадиган сирларим-ку. Қосым окин айттанидай, «Ошиқ әдім, нетайин, уни билар жон қайда, армон билан ўтайин, армон сиздан не фойда?» Мана шу Үлжаснинг «Севмаса гар мени тоғлар, мени қандай кадрларди одамлар» деган шеъри бор әмасмиди? Шуни ўзгача килиб, «Севмаса мени Үлжас агар, мени қандай кадрларди одамлар!» – десам манов халойик нима деркин? «Худо бўлиб бирорни бир хатардан қутқазсанг, бундан ортиқ баҳт йўқдир агар билсанг!» – деб ёзғандингиз-ку, Үлжас оға! Худо бўлмаёқ, Үлжас бўлиб, сен деб ёнган юрагимнинг оловини ўчирсанг, мен учун «бундан ортиқ баҳт йўқдир агар билсанг», арслоним, донишмандим, жон оғам, қайда юрсанг омон бўл, йўлингга жонимни садаға килайин!»

*Ғарб ҳам йўқдир,
Шарқ ҳам йўқ.
Ҳазиллашманг, бўзарманг.
Барча улуғ тилларда
Битта сўз бор – бу Замин.*

«Бу Гагарин фазога учган кечадаёқ бургутдайин парвоз қилган истеъдоднинг теран тебранишидан куйма олтин бўлиб коғозга қуилган «Инсонга таъзим кил, Замин!» достони-ку, – ўйлади Оқморол. – Ёкut сўзлардан тўкилган гавҳар сатрлар сиёхи қуримасданоқ, республиканинг энг мўътабар газетасида эълон қилиниб, варака ҳолида Олма-ота осмонидан аэропландан сочилганини матбуотда ўқигандим. Бу юлдузли достон шоирнинг ҳам юлдузини юксакдан порлатган эди. «Инсонга таъзим кил, Замин»ни Ўлжас бадавлат АҚШ билан калондимоғ Англияда, башанг Францияда ўқиб, ҳаммани лол қолдирди. Ўшанда шоир атиги йигирма беш ёшда эди. Ўттизга етмасдан ўрда бузган олтин оғам-эй, ўшандан бери сен жаҳоннинг қай гўшаларида бўлмадинг. Жаҳонни бошдан-оёқ неча бор кезиб чиқдинг. Кўхна Африкани ҳам оловли шеърларинг билан мудрок уйқудан уйғотиб, «қозоқ» деган номни оламга машхур қилдинг. Айланайин, олмосдай асил оғам-эй, бу сенинг биринчи жасоратинг эди. Ундан кейинги яна бир мардлигингни эл унугтанича йўқ. Илмда янгилик яратиб, тўнтариш ясаган «Аз и Я» китобинг республиканини эмас, бутун шўролар Иттифокини ларзага солмадими?! Миллионлаган одамлар онгини ўзгартирган ўша китобингнинг бир донасини одамлар битта «Волга» автомашинасига айирбошлаган пайтларда, такаббур шовинистларнинг сенга ёппа хужуми бошланиб кетди. Ўшанда

сенга ит ҳам, кит ҳам ташланган эди. Бу ҳужумга икки юз эллик миллионлик халқи бор « СССР» деб аталмиш улкан империянинг сур кардинали Сусловнинг ўзи бош бўлган эди. Шунда ҳам сен эгилмадинг, синмадинг...

Куёшнинг Шарқдан чикиши қанчалик ҳакикат бўлса, юксалиш ҳам Шарқдан бошлангани аксиома эканлигини қўрқмасдан айтиб, бошингни кундага қўйиб, халкининг қадрини юксалтиришни мардлик демай, не дейин?! Ёлғиз менгина эмас, оламдаги жами гўзал қизларнинг орзусига айланган Ўлжас оғамга табиат сахийлик кўрсатиб, ўйдан ҳам, бўйдан ҳам қисмаган. Яраттанинг назари тушиб, бўйи билан ўйи, чиройи билан буюклиги мос тушган бундай йигит яна қайда бор? Овози ҳам бунча ёқимли бўлмаса, бундай ажойиб талаффуз оддий артист у ёқда турсин, жаҳон ҳалқ артистида ҳам йўқ! «Инсонни инсон этувчи бир улуғ фазилат бор, унинг номи – хаё!» деган экан донишманд адибимиз Мустафин. Агар қозоқ кизига хос бўлган хаё билан уят тушов бўлмаганида, ўзим сени излаб бориб, бўйнингга қўриқ ташлаган бўлардим! Энди сенга гойибдан ошиқ бўлиб, олисдан туриб сенга омонлик тилашдан ўзга чорам йўқ, жоним оғам!..»

Тўлқинланиб, шиддат билан шеър ўқиётган кизил қўйлакли шоирга тикилган Оқморолнинг қўнглида ана шу ўйлар туғён уради.

Шоир шеър ўқишдан тўхташи билан майдон узра гулдурос қарсаклар ила:

– Ўлжас!
– Ўлжас!
– Ўлжас!!! –

деган овозлар янграй бошлади.

– Қойилман! Бу унutilmas учрашув бўлди! – деб ҳаяжон ила Ўлжаснинг қўлини сикди Сорокин.

– Энди нима қиласиз? – сўради Ўлжас.

– Энди Зайсан туманидаги Куршим совхозига борамиз.

– Совхозга бормасак бўлмайдими? – деди Ўлжас эртанги чет эл сафари ёдига тушиб. – Олма-отага эрта тонггача етиб боришим керак.

– Совхозга бормасангиз бўлмайди! – деди бу пайт унинг ёнига етиб келган Оқморол.

– Нега, бўтам? – кулумсираб сўради Ўлжас.

– Биринчидан – у менинг овулим, иккинчидан – халкка айтиб қўйганмиз. Эл йўлингизга интизор бўлиб кутиб ўтирибди, оға!

– Иккала сабаб ҳам салмоқли экан, начора, борсак борайлик, – деди Ўлжас. Шу тобда майдон узра яна:

– Ўлжас!
– Ўлжас!
– Ўлжас! –

деган хитоблар такрор янгради. Тўпдан ажralиб чиккан рус, қозоқ йигитлар келиб, Ўлжасни ердан даст кўтариб олишди.

– Ўлжас!
– Шоир Ўлжас яшасин!

– Ботир Ўлжас яшасин!
деган хитоблар тақрор-тақрор янгради.

– Йигитлар, шоирни толиқтирманглар, қани
энди отларга! – деди Сорокин.

Йигитлар Ўлжасни күттарганча, машина ёнига
олиб келишди. Шу пайт Оқморол қандайдыр но-
маълум бир куч ила Ўлжасни күтариб бораётган
йигитлар тўдаси ортидан югуриб бориб, машина-
нинг олд эшигини очаётган шоирга:

– Ўлжас оға, сизнинг ёнингизда кетсам майли-
ми? – деди ҳаяжонини босишга интилиб. Қизнинг
мўлтираган кўзларидан унинг қалбида жунбишга
келаётган ҳаяжонни уккан шоир:

– Ўтирақол, бўтам, ўтири, – деди машинанинг
орка эшигини очиб, унга Оқморолни чиқазди-да,
ўзи ёнига жойлашди.

Қайтган ғозлардай катор тизилган машина-
лар карвони совхоз маркази томон елиб борар-
ди. Кутимаган баҳтдан боши айланган Оқморол
узун киприкларини ерга тикканича, ўйлаб бо-
ради: «Бу ўнгимми ё тушимми?! Худойим-эй,
наҳотки Ўлжас оғанинг ёнида ўтирган бўлсам? –
У кўзларини оҳиста очиб, ўнг томонда ўтирган
Ўлжасга чўчибгина кўз кирини ташлади. Тушим
эмас, ўнгим-ку, бу! Кўдан тилаганингни Худойим
ердан беради, деганлари шу бўлса керак-да! Пеша-
нам бунча яркираган бўлмаса!

Шу пайт Оқморолнинг дилидан кечачётган ўйла-
рини уқсандай, Ўлжас сўз бошлади:

- Қай тоғнинг кийигисан, бўтам?
- Баяновул тоғининг кийигиман, оға.
- Ўхў, унда иккаламиз ҳамюрт, туғишган эканмиз-да...
- Қандай қилиб? Сиз Олма-отада туғилмаганмидингиз?
- Ҳа, Олма-отада туғилганман, лекин Сулеймон бобом ҳам, отам Умар ҳам Баяновулда туғилганлар. Бошини гаровга тикиб, Аблайхонни асирикдан қутқазган бобокалоним Ўлжабойнинг мақбараси ҳам Баяновулда. Киндик қоним Олма-отага тўкилган бўлса-да, туб томирим Баян тоғи этагида. Аблайхон лашкарининг ўнг қанот сардори бўлган Ўлжабой ботир қозоқ ерига бостириб келган жунғорларга қарши жангларда мислсиз жасорат кўрсатган экан. Жунғорлар билан бўладиган ҳал қилувчи жанг олдидан бўлиб ўтган машваратда айрим уруғ сардорларининг қўрқоклигидан газабланган Ўлжабой бобом аждаҳо илоннинг бошини қўлтиғида қисиб, оғзидағи тилини суғириб, кейин илоннинг бошини тиши билан юлиб олиб, ерга туфлаб, лабидаги конни артмасдан, муштини тукканича: «Агар биз эл бўлиб, бир муштга жипслалишиб, жасорат кўрсатсак, аждаҳонинг бошини худди мана шундай чопиб ташлаймиз. Бошимиз бирикмасдан, мана бундай сафсата сотиб ўтирсак, аждаҳо бизни ютиб юборади!» – деб наъра тортган экан.
- Жунғорларнинг туғида аждаҳо тасвирланганда!

– Топдинг, бўтам!

– Шу йўл билан кўпнинг ғуурини уйғотган Ўлжабой бобомиз қанчалар доно экан. Сизнинг шажарангизни яхши билмасам-да, Ўлжас оға оддий эмас, асил бўлиши керак, деб ўйлардим. Бекорга шункордан – шункор, тулпордан – тулпор бунёд бўлади, дейилмаган! Янглишмаган эканман. Билсангиз, сизда юксаклардан юксалтирувчи қўш қанот бор...

– Бу нима деганинг, бўтам?

– Бу – шоирлик билан ботирлигингиз деганим. Бу икки фазилатни Аллоҳ суюкли бандасигагина ато этар экан.

– Офарин, бўтам, гапларингни тинглаб, табиятингга шоирлик хосми дейман-да...

– Яширмайман, унча-мунча шеърлар машқ килиб тураман. Лекин шоирликнинг манзили биз учун ғоят олис, оға...

– Битта шеърингни ўки-чи, бўтам.

– Сизнинг олдингизда шеър ўқишга уяламан.

– Уялма. Ўки, бўтам, ўки.

– Майли, ўқисам ўкийин, лекин жиндай кутасиз.

– Нега?

– Юрагим жиндай тинчиб, ўзимга келиб олайин. Майлими... – деди Оқморол. Сўнг хаёлинни бир жойга жамлаб, кўзларини бир нуқтага тикканча, Ўлжасга аталган шеърини ўқишга тутинди:

Эр йигитнинг сўзи бир, тупроги чин,

Элимнинг баланд учган қирони – сен.

*«Аз и Я»-ла дүнёни титратгандинг,
Козоқнинг ифтихори, ишончи сен!*

*Минг йиларда бир түгилар сендай инсон,
Номинг – донгинг келаётир ҳув олисдан,
Азиз номинг шарафлансин яна минг йил,
Шунқор довинг келиб турсин
Аршдан.*

*Шеърларингда замон руҳи, жони бор,
Миллатимиз имони бор, қони бор!
Ўлжас каби улуг шоир, ботирни,
Ҳей асрлар! Ётсирмай таниб ол!
Кўкда Алоҳ,
Ерда Ҳалқ,
Тилагимни қабул ол,
Қабул ол! –*

деб шеърини якунлади Оқморол.

– Шоир онамиз Мариям Ҳакимжонова ибораси билан айтганда, «Истебодинг томири теран, кўк тол экан, сездим, юрагингда ўт бор экан», – деди Ўлжас.

– Менга сизнинг фикрингиз қадрли, жон... оға, – наргис кўзларини ерга тикканича деди Оқморол юзи лов-лов ёниб.

– Сен – шоирсан, бўтам.

– Ростданми, жон оға?

– Рост, бўтам, рост! Яхши оқиннинг истебоди битта шеърданоқ кўринади. Сен адабиётимизнинг

эртасисан. Чикар тоғинг юксак бўлсин, кўксинг гумбирлаган куйга тўлсин!

Шу пайт Ўлжаснинг хаёлига Пушкиннинг Анна Кернга бағишилган шеърий сатрлари келди:

– Эсимдадир сеҳри дам ҳали,
Кўз олдимда бўлдинг намоён –
Сен – севгининг олов-машъали,
Соф гўзаллик қўзгусисимон!

«Бу лаҳзалар сира хаёлдан кетарми? Ўзга бир шодлик, қувонч бу бахтга етарми? Бундан кейин эртага ўлиб кетсан-да, армоним йўқ, жон оға! Чивин жоним сизга садага бўлсин!» – дерди Оқморолнинг ёниқ нигоҳи.

– Мен шундайман ҳар қачон, ҳар лаҳзада,
Яширмасман жоним ёниб-куйса-да.
Кўп нарсага етмади куч, бироқ мен
Алдамадим,
Алдаш қўлдан келса-да, –

деди Ўлжас қизга меҳр ила тикилиб.

Шу тобда машиналар овул чеккасидаги кўркам бино қаршисига келиб тўхтади.

– Бу бизнинг маданият уйимиз, – деди Оқморол.
– Чиройли экан, – деди Ўлжас бинони кўздан кечираб экан.

Улар ўзаро сұхбатлашиб Маданият саройиннинг ичкарисига кириб боришиди. Меҳмонлар остонаян киришлари билан томоша залини тўлдириб

ўтирган халқ оёкка қалқиб, уларни карсаклар билан қарши олди.

– Ўлжас!

– Ўлжас! –

деган хитоблар янгради.

Учрашувни мухатасар кириш сўзи билан очган Сорокин:

– Шоир Ўлжас Сулаймонов шеърияти ҳакида сўз Оқморол Аскаровага! – деди. Минбарга чаккон кўтарилигган Оқморол ҳаяжонини босиб, пешанасига тушган бир тола сочини кафти билан орқага қайириб, сўз бошлади. У кўлидаги кафтдай қоғозга онда-сонда кўз ташлаб, шоир ижоди ҳакида тўлқинланиб, жўшиб гапиради. Кизнинг овози ҳам ҳуснига мос, ёқимли, ойдин булоқ сувидай шаркираб, куйилиб келарди.

– Марҳамати чексиз Аллоҳ таолонинг иродаси ила ўйдан ҳам, бўйдан ҳам мукаммал қилиб яралган сирти нурли, қалби сирли, барчага бирдай суюкли шоиримиз ҳакида ўйлаганда қадимдан колган бир эски ривоят ёдимга тушади. Ўтмишда ўз элининг ҳазинаси ила ерига кўзи тўймасдан қўшни мамлакат ери билан ҳазинасига кўз олайтирган бир подшо ўша элнинг сирлари-ю, ожиз ерларини ўрганиб қайтган айғокчиси билан шундай сұхбат қилган экан.

– Сўзла, арслоним, қўшни шохнинг қанча лашкари бор экан?

– Лашкари юз минг экан, шоҳим!

– Юз минг?! Менинг етти юз минг лашкарим олдида бу бир урвокча ҳам бўлмас экан! Юз минг лашкарни нари борса, бир соатта қолмай кириб ташлаймиз! Унда эртаданоқ юриш бошлаймиз!

– Эй, подшоҳи олам! – дебди жосус, – аммо у юртнинг оташнафас, тили тифдан ўткир шоирлари кўп экан.

– Менга шоирларининг сонини эмас, салмоғини айт! Халки шеърларини ёддан айтадиган, қўшиқ килиб куйладиган шоирлари нечта экан?

– Халқи шеърларини ёддан биладиган, оғзи билан қуш овлайдиган шоири етти нафар экан.

– Эл суйган шоири етти нафар дедингми? – дебди подшо ўйга толиб.

– Ҳа, онҳазрат, етти нафар!

– Унда фикримдан қайтдим, урушга бормаймиз, – дебди шоҳ. – Ундай юрт билан қасдлашиб бўлмайди!

– Олампаноҳ, нега фикрингиз бунчалик тез ўзгарди? – ажабланиб сўрабди жосус.

– Халқ суйган етти нафар шоир – ошиб ўтиб бўлмайдиган етти тоғ, сузиб ўтиб бўлмайдиган етти денгиз! Етти денгиздан кечиб, етти тоғдан ошиб ўтиб бўларми? Етти шоир етти томондан наъра тортиб, отга минганда халқ денгиздай тўқинланиб, алп токка айланмайдими? Денгизни – довул, халқни – шоир кўтаради. Менинг етти юз минг аскарим бўлгани билан, халкнинг рухини кўтарадиган, дилига қувват бўладиган битта ҳам шоирим йўқ. Давлатимиз кудратли. Элимизда

хамма нарса бисёр. Лекин, энг кераклиси – сұянса бўладиган шоири йўқ. Қирқ вазирим билан минг асҳобимни оғзи дуоли бир шоирга алмашмас эдим. Афсуски, бу менинг армоним! – деганича подшо бармоғини тишлаб, боши хам бўлганича ўтириб қолибди. Биз бугун мана шу ривоятни ҳакиқатга айлантира оладиган атоқли шоир – Ўлжас Ўмар ўғли Сулаймонов билан учрашиш баҳтига мұяссар бўлиб турибмиз, – деб бошлади Оқморол сўзини.

Сўнг у «Биз Ўлжасни нима учун севамиз, нега уни жаҳоннинг жами зиёли қавми ҳурмат килади? – деган саволга ўринли жавоб берди. Гапларини шоирнинг шеърларидан ихтибослар келтириб, далиллади.

«Ўлжасга ўхшайдиган рус шоири М. Ю. Лермонтов «Шуҳрат учун шоир азобдан хирож тўлайди, у шуҳратни текин олмайди» деган сатрлари хаёлимга келади. Мен шу ўринда шоирнинг «Аз и Я» китобини назарда тутмоқдаман», – дея сўзини давом эттириди қиз.

Ўлжас минбардаги қизга ҳайратланиб тикилди. «Манов қиз бу гапни чекка овулда эмас, шаҳарда айтганида боши балоларга қолган бўларди...» – ўйлади шоир.

Оқморол сўзини Ўлжаснинг «Маҳамбетга» шеърининг:

Қандай баҳт бу – оқин бўлиб тугилдим!

Йўқса сени танирмидим оқин деб?! –

сатрлари билан якунлади.

Окморолдан кейин Сорокин гулдурос қарсаклар остида навбатни Ўлжасга берди. Шоир сўзининг бошида чекка овулларда ҳам замон талабига мос мактаблар қуриш ҳақида галирди. Шу пайт, зал ўртасидан ўтмиш баҳодирларига ўхшаш алп комат, бургут карашли қария ўрнидан туриб:

– Айланайин, Ўлжас! Сўзингни бўлганим учун кечир, овулларимиздаги кам-кўстларни ўзимиз бутлармиз. Сенга халқ номидан айтадиган иккита омонатим бор. Рухсат бўлса, шуларни айтсам, – деди.

– Айтинг, – деди Ўлжас.

– Айтсам, биринчи омонат – Семей полигонини ёпишга ёрдамлаш, иккинчиси – «Аз и Я»нинг давоми – «Бир минг сўз»ни ёзиб тугат.

– Исмингиз нимайди, оқсоқол?

– Исмим Абзал, отамнинг исми Муҳаммаджон.

– Халқ айтса – хон туясини сўйипти, деган отам қозоқ. Мен хон ҳам эмасман, халқдан буюк ҳам эмасман. Халқ номидан айтган омонатингизни кабул қилдим. Уларнинг уддасидан чиқишга ваъда бераман, Абзал оға!

Зални яна қарсаклар тутиб кетди.

Шоир сал тин олиб, сўнг шеърларини ўкишга тутинди. Шоирнинг ўқтам овози, унинг ўтли сатрлари вужуди кулок бўлиб ўтирганларнинг қалбини жунбишга келтиради.

Учрашув сўнгтида халқ шоирнинг елкасига хонлар киядиган зар тўн ёпди, тагига ок арғумок миндирди, қўлига тилла соат такди.

— Козокда «Ғоз еганига эмас, сакраганига семиради» деган гап бор, — деди Ўлжас, — сизларнинг менга кўрсатган илтифотинглардан бошим осмонга етди. Менга кўрсатган бу хурматни козоқ адабиётига кўрсатилган ҳурмат, деб биламан. Уч хил совғангиздан ғуурланиб кетдим. Совғангизнинг бири — манов оқ аргумоқни овулингизнинг оксоқоли — Абзал оғага, манов тилла соатни ижодимни ўринли ва ўйли таҳлил қила олган олтин кизинглар — Оқморол Аскarovага тақдим этишга ижозат бергайсиз! — деди у қарсаклар остида. — Энди, бу елкамга ташлаган тўнни Олма-отага олиб кетаман. Бу тўн менинг танамтагина эмас, юрагимга ҳам илиқлик бағишлаб, сизларни эслатиб туради, садағанг кетайин, халким. Сизларга соғлик, баҳт тилайман. Ойларимиз — ёруғ, йилларимиз — юлдузли бўлсин!

Шундан сўнг меҳмонлар шарафига зиёфат берилди. Зиёфат сўнгтида Абзал оға томоқ кириб, сўз бошлади:

— Айланайин, Ўлжас! Сен тарихни биздан яхши биласан. Козокда не-не сўзга чечан шоирлару оқинлар ўтган. Шулардан бири — Кўр Коракерей. Уни кўрган-билган донишмандлар ўз замонасинг забони бўлган бу оқинга:

— *Хон олдига борганда,*
Қалтираб ёлгон айтмасди.
Халқ олдига борганда,
Халқи ҳам шу сўздан қайтмасди.

*Ясоқни ёвга салгана,
Юраги құрқұвдан қотмасди, –
деб таъриф берганлар.*

Бугунги даврнинг ана шундай марди үзингсан, Үлжас! Эл учун қилған ишларинг олти алашга маълум, номинг эса оламга машхур. Сен ўтмишдаги алпларнинг кўзисан, Маҳамбет билан Магжоннинг үзисан! Халқ сени мана шу қўш алпнинг кўшилмаси деб тан олди, мудрок босса ўтли сатрларингдан уйғонди. Буюк мансаб – юксак коя, унга канот қоқиб кирон ҳам чикади, судралиб илон ҳам чикади. Сен оддий эмас, асилсан. Үлжабой сингари ботирнинг еттинчи авлодисан. Сенга Ҳудо ато этган олмос сўз билан қозоқ деган элни оламга танитдинг. Олатоғдай юксак номинг билан халқингга кўрғон бўлдинг. Шоирликка, фарзандликка муносиб эрсан! Шундан сен ёшу кари, эркагу аёл, қозоғу ўрисга қадрлисан. Қайга борсанг-да, халқ йўлингга пешвоз чикиб, кучоқ очиб кутиб олади, бошига кўтариб, иззат килади. Ҳалқим, деган ўйингдан, элим, деган сўзингдан чекинма! Ана энди, қўлингни оч, халқ номидан дуойимни бера-йин:

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!
Ҳудо ўзи қўлласин!
Хизр бўлсин йўлдошинг!
Қасд айласа ким сенга,
Икки дунёда ўнгмасин!
Сўзинг – шамир,*

*Хаёлларинг – құрғошин!
 Осмонда – Аллоҳ,
 Ерда – Халқ,
 Ўлжас каби арслонни,
 Ақылди донишмонни,
 Ҳар қачон ҳам құлласин!
 Жон бовурим, Ўлжасим,
 Бахт бўлсин йўлдошинг!
 Омин!
 Омин!*

Дуо айтилиб, кафтлар юзларга силангач, одамлар мөхмонарни кузатгани ташқарига гуриллаб чиқди. Ўлжас кўкка қаради. Осмон беғубор эди. Овулга келганларида тик тепада турган қуёш уфқ ортига оҳиста чўка бошлабди. Унинг кирмизи нурлари Тарбағатой тоғининг олабош чўққиларида товланарди. «Қанча жигарларимиз мана шу тоғнинг нарёғида, мусоғир юртда умргузаронлик килишмоқда. Ана шу уч миллион қозоқ бовурларимизни Хитойдан Қозоғистонга кўчириб келсак эди! Бунинг учун юрт мустақилликка эришмоғи керак. Ота-боболарнинг ана шу асрий орзуларига бизнинг авлод етишармикан? Истиқлолга элтувчи ана шу саодатли йўл қайда экан? Билиб-билмай қилган гуноҳларимизни кечириб, бизни ана шу йўлга бошлагайсан, Парвардигор!» деган хаёллар бир зум шоир кўнглидан ўтди, кейин у хушёр тортиб, кузатиб чиққанларга қараб:

– Азизларим! – деди Ўлжас ҳаяжонланиб, – биз юрдик энди. Кўришгунча – кун яхши, йўликкунча – йўл яхши бўлсин!

Халқ ила шоир бир-бирларини қиймасдан хўшлашди.

Ўлжас минган машина жойидан қўзғалганида Оқморолнинг қўзлари ёшга тўлди...

«Айланайин халқим, қанчалар меҳрибон, доносан! Шоирини сенингдек суюб, сенингдек ардоқлайдиган олтин халқ яна қайда бор?! Кафтида солиб – бола, олдига солиб – доно қилган халкни севмай бўладими?! Менам сени жон-дилимдан севаман, айланайин олтин халқим!» – Ўлжаснинг кўнглида ана шу гаплар ўтар экан Маҳатма Гандининг ўлими олдидан айтган «Мен сени севардим, халқим, сен ҳам мени ардоқлаб севардинг», деган сўзлари ёдига тушиб кетди.

Тасмадай тортилган асфальт йўлда енгил машинанинг тезлиги тобора ошиб борарди.

Куёш эса, эртанги тонгда оламни яна мунааввар килиш учун тоғлар ортига яширинди...

Шоир орзу қилган нурафшон истиклол тонгига эса хали яна бир неча йиллар бор эди..



ҚАШҚИР УЛИГАН ТУН

Роман

*Собит Дўсанов ўғли Дониёр ҳақида, унинг
фараҳбахш йиллари ҳақида китоб ёзди.*

*Фикримча, бу адабий қоидаларга
сигмайдиган, сири ҳам, мунги ҳам ўзгача
китоб бўлганига аминман.*

Ўлжас Сулаймонов

Чақиб оладиган романларнигина ўқиш көрак.

Кафка

БИРИНЧИ БЎЛИМ

|

Хобхонада ухлаб ётган эди. Хонага баҳайбат, кўркинчли кимса (девмиди?) бостириб кириб, устидаги чойшабни юлкиб олди, сўнг маймунсимон жундор, кепчик юзидағи ботик кўзлари кўкиш оловланиб, унга тешиб юборгудай тикилди. Даҳшатдан танаси караҳтланган аёл:

- Кет, кет! – деб қичқирди (ёки хаёлида шундай дедими, ўзи ҳам билмай қолди).
- Кўйнингдаги болани бер! – деди кимса гулдурак овозда.

– Нега берар эканман?! – деди аёл болани бағрига қаттиқроқ босиб.

– Унинг бул фанодаги умри тугади!

– Нега?! Ҳали у норасида-ку??!

– Бу саволни менга эмас, Яратган эгамга бер. Оллоҳ таоло бу болага умр берганида унинг манов бевафо ёлғон дунёдан чин дунёга қай куни, қандай кетишини ҳам манглайига битиб қўйган.

– Сен кимсан?

– Мен Оллоҳ таолонинг буйругини адо этувчиман. – Кимса шундай деди-да, она кучогида бегамгина ухлаётган сабийга қўл чўзди.

– Йўқ, бермайман! Бермайман! Боламни эмас, менинг жонимни ол! – кимса боласини бағриға каттиқ босган аёлни чинкиртириб, гўдакни юлқиб олди-да, кўздан ғойиб бўлди.

– Йў-ў-ўқ, йўқ! Бермайман! Ўлсам ҳам болами бермайман! – аёл додлаганча каравотдан иргиб турди...

Тушидан кўркиб уйғонган Ойгул юраги бўғзига тикилиб, бутун вужуди анчагача дир-дир титраб ётди. Окшом силласи куриб тўшакка аранг етгани боис, қаттиқ ухлаб колган экан. Уйқуси конганиданми ёки ёмон туш таъсириданми, хайтовур, кўнгли ҳувиллаб, ухлай олмагач, ўриндан туриб чироқни ёқди. Каравот қаршисидаги девор соат тунги тўртни кўрсатиб туриди. Ҳар куни қанча кеч ётмасин, у тонгги олтида уйғонарди.

Сўнгги пайтларда уй юмушларига иштиёки колмади. Сиқилса, газета ўқиб овунган бўлади.

Шу боис анча-мунча газета-журналларга обуна бўлган. Улардан ташқари, уйнинг қаршисидаги, пастдаги дўкончадан ҳам кунда бир даста газета сотиб олади. Уларни ҳам илгариgidай қунт билан ўқимайди: айримларини шунчаки вараклаб чиқади, бошқаларидағи битта-яримта мақолага кўз югуртирган бўлади. Бугун ҳам, одатдагидай, ноңушта қилмасдан, пастдаги дўкончадан бир даста газета сотиб олди. Ошхонада ўтириб, уларни бир-бир кўздан кечириб, сарлавхаси дикқатни тортган мақолаларга кўз югуртириди. Кейин ювениб, бир кесим нон еб, бир финжон чой ичди: азалдан шунака, ноңуштага иштаҳаси йўқ. Тушлик билан кечга тайёрлаган овқатларини ҳам чукалаб ўтириб тотинган бўлади. Шу боисданми, кундан-кун озиб, сўниб бораётир. Авваллари ҳам дуркун эмасди, энди эса бутунлай қок суяги шиқирлаб, аранг юрадиган ҳолатга келган...

Ишга бориш учун эшикка яқинлашганида дахлиздаги қора телефон жиринглаб колди. Истамайгина гўшакни кўтарди.

- Хайрли тонг, Ойгул. Қалайсан? – гўшакдан таниш овоз эшишилди.
- Яхши. Ўзинг қалайсан, Кулаш?
- Бир нави...
- Яхши ухладингми?
- Бугун ҳар кунгидан эрта уйғондим.
- Нега?
- Ёмон туш кўриб, тунги соат тўртда чўчиб уйғониб кетдим. Шундан кейин, қани кўзим илинса...

- Толиккандан-ку, бу...
- Ҳа, толикишни айтма...
- Дам олишинг керак. Дам олгани бирор ёкқа борайлик, десам күнмайсан.
- Ҳеч нарсага иштиёқ йўқ.
- Театрни яхши кўрадинг. Авезов театрида янги спектакль бўляпти. Жуда бўлмаса ўшанга борайлик.
- Ҳозир мени ҳеч нарса кизиқтирмайди.
- Ишдан кейин уйда бўласанми?
- Қайгаям борардим, ишга бораман, уйга келаман. Бошка ҳеч ерга бормайман. Менинг қолган умрим мана шу тўрт девор ичида ўтса керак-ов.
- Мен бугун кечқурун сени кўргани ўтаман.
- Майли, кел, кутаман...

Ойгул учун кунлар бир алпозда ўтаётгандай. Кунига кеч ётиб, сахар турди. Тунлари алокчалоқ тушлар кўриб, қўрқиб уйғонади. Тушларида кўпинча бадбашара, қўркинчли бир кимса каравотининг тепасига келиб унга тикилиб турди-да, кейин қўйнида ётган боласини тортиб олмоқчи бўлади. У бўлса жон ҳолатда чинқирганча, чўчиб уйғониб кетади...

Бугун у ишдан кеч кайтди. Кулаш ҳовлида, эшик олдида кутиб турган экан. Ойгулни ғуссадан чалғитиш учун анчагача гурунг бериб, оқшом тушиши билан кетишга чоғланди.

Дугонаси кетгач, Ойгулнинг ҳувиллаган кўнглини яна зулмат пардаси коплади, яна тобутдай зил ўйлардан силласи қуриб, тун ярмидан ошгандагина ўриндикка бехол чўзилди...

||

Бир-бирига ўхшаш кунлар аста-секинлик билан ўтиб борарди. Ана шундай дилгир кунларнинг бир оқшомида эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Ойгул эшикни очиб, остоңада университетда бирга ўқиган курсдошини қўриб, қувониб кетди:

- Улжон!
- Ойгул!

Курсдошлар бир-бирларининг кучоғига отилишди.

- Хуш келдинг!
- Хуш кўрдик!
- Олма-отага қачон келувдинг?
- Бугун, кечки рейсда келдим. Мехмонхонадан жой олдим-у, хузурингга учдим.
- Яхши, жуда яхши.

Кўпдан бери учрашмаган дугоналар дастурхон устида талабалик йилларини эслашиб, анчагача гурунглашиб ўтиришди.

- Кеч бўлиб қолди, энди мен борай, – дея Улжон ўрнидан қўзғалиб қолди.
- Ҳеч қаёқка бормайсан, бугун шу ерда қоласан, – деди Ойгул буйрук оҳангидা.
- Амрингиз вожиб жаноби олиялари! – деб кулди Улжон.
- Жаноби олияларинг нимаси?
- Талабалик пайтингда университет ёшларига йўлбошчи бўлиб, ҳаммамизни ётқизиб-турғазгандаринг ёдимга тушиб кетди! – қулди Улжон.

– Ха, у даврлар ҳам шириң түшдай ўтди-кетди! – хұрсанди Ойгул, сүңг талабаликдаги машхур күшикни эслади. – «Аста-аста олислаб, ўтиб кетди бол йиллар».

– Майли, бугун сен билан қолиб, талабалиқдаги альбомларингни вәрақлаб, ёшлигимизнинг мұнаввар онларини эслайлик... Опке, альбомингни!

Улжон билан Ойгул алламағалгача мәхмон-хонадаги диванда тиззалашиб ўтириб, альбомлардаги суратларни күра бошлашды.

– Манов Эрасил икковингни никох түйларингдаги суратлар-ку. Қиз дугона – Кулаш, күёвжүра – Султон бўлувди. Манавинда Бойбўта билан раксга тушаётган эканман. Ҳаммамиз ёш эканмиз! Ёздай ёниб-қайнаб турган пайтларимиз! «Бирингдан биринг сулувсанлар! Қай бирингга ошиқ бўларимни билмасдан бошим айланиб, кўзларим тиниб кетди-ку!» – деб Бойбўта ҳазил қилувди-я, эсингдами? Энди эса мен кўзгуга қарашдан қўрқадиган бўлиб қолдим.

– Мен ҳам, – деб кулди Ойгул.

– Эсиз ёшлиқ, яна қайтиб келармиди ўша даврлар!

– Бойбўта Кулашни бир кўришдаёқ севиб колганди, – деди Ойгул. – Бу гапларни у Кулашни рашк қилдириш учунгина ҳазиллашиб айтарди.

– Оғир карвон Кулаш бўлса парво қилмасди, – деб кулди Улжон.

– Оғир карвонлиги шунчалик, Бойбўта учрашувга таклиф килса, икки соат кечикиб борган!

— Қайга борса-да, кечикиб бориш Кулашга қўндоқда теккан одат эди-ку! ...Ўхў, тунги уч бўлти! –деди Улжон девордаги соатта кўзи тушиб. – Гап билан бўлиб тонг отиб қолганини сезмабмиз, сени толиктириб қўймадимми? Ётайлик энди.

– Ётсак ётайлик.

Бир-бирини соғинган дугоналар бир тўшакда ёнма-ён ётишди. Хонада чирок ўчиши билан, кўп ўтмасдан Улжон ухлаб колди.

Шу кунгача юраги эзилиб келган Ойгулнинг кўзига уйқу келмасдан, яна тонг ёришгунича бедор тўлғаниб ётди.

III

Худонинг куни ёниб, иссик авжига чиқди. Кўқдан бир томчи ёмғир томмаганига ҳам бир ойдан ошди. Августнинг ўртаси бўлса-да, дарахт барглари сарғая бошлади. Лоақал «уф» деган шамол ҳам эсмай қўйди. Дим ҳавода нафас олиб бўлмайди. Ойгул бугун ҳам туш кўриб, чўчиб уйғонди-ю, туни бўйи ухлай олмай, тонг отганда кўзи илинди. Уйғонгач, кўл етгудай ердаги уяли телефонини олиб, вактга қаради. Соат кундузги бир, таквимга қараб, бугун августнинг ўн еттинчи санаси эканини кўрди-ю, вужуди музлаб, юраги зиркираб кетди. Унинг учун мана шу август ойи, августнинг ўн еттинчи санаси энг мудхиш, энг ёмон кўрадиган заҳил сана эди...

Атроф тим-тирс. Оғир сукунат юракни сиқади. Ёлғизлик ҳам жонини куртдай кемиради. Даشت-

нинг донишманд каријлари: «Ёлғизлик Яратганга-гина ярашади», – деб бекор айтишмаган. «Шундай пайтда оёғингга суйкалиб, миёвлайдиган мушугим хам йўқ, – деб хаёлдан ўтказди Ойгул. – Мушук бўлганида миёвлаб, манов нохуш сукунатга сал-гина бўлса-да, жон киритармиди? Худойим-ай, бирорта жониворнинг бўлса-да, сасини юборсанг-чи! Ёлғизлик билан бу мудхиш сукунат қўш биқинга ханжардай санчилиб, ўладиган бўлдим-ку! «Ўлиб колсам майитимни тарғил мушугим еб кўяди. Ўлик-тиригимдан хабар оловчи бирорта хам яқиним йўқ», – деб йиғлайдиган қўшни кам-пирнинг аҳволи хам меникидан яхшироқдир-ов...»

Ўйлар, ўйлар... Қай бири яхши ўй дейсан? Гўрдай зимиston, тобутдай оғир, кўз ёшидай аччик ўйлар хобхонада ётган аёлнинг кон сизган юрагига игна санчарди...

«Эй Яраттан, заифгина бўлса-да, қулоғимга би-рор садо эшиттирсанг-чи! Манов ўлик сукунатдан бутунлай ўладиган бўлдим-ку», – дея зорланди баҳти қаро аёл.

Шунда хонадаги ўлик сукунат ичра қулокка заифгина сас эшитилгандай бўлди. «Чин кўнгилдан йиғласант, сўқир кўздан ёш чиқар. Худо бандаси-нинг сўраганини бераркан. Бу қандай сас, у қайдан келди?» – деб Ойгул ён-верига аланглади. Эшикка тикилди. Кўзига ҳеч нима кўринмади. «Мени сен сўраганмидинг? Унда, тингла!» – дегандай ҳалиги заиф сас яна такрорланди. Ён-верида ҳеч нима кўринмагач, у шифтга тикилди. Ё кудратингдан!

Битта чивин ётоқхона шифтида ғингиллаб учеб юарди. Ўшанинг ғингиллашидан юраги таскин топибди. «Оллоҳим кўз ёшларимни кўриб, зорларимни эшитди, – ўйлади у. – Ёлғизликдан кийналиб, сукунатдан сиқилганимда жонига оро кирсин, деб шу зигирдеккина чивинни юборибдими... Кемтик бўлса-да, тирик жон эмасми, юрагим таскин топгандай бўлди. Яратган эгам, ўзингга шукур...»

Аччик ичакдайчувалашган маҳзун ўйларини уяли телефоннинг заиф садоси бўлди.

- Ойгул, уйдамисан?
- Уйда бўлмай, қайда бўлардим?
- Билмасам, домофоннинг тугмасини қайтакайта боссам ҳам жавоб бермаяпсан.
- Эшитмабман. Ҳозир эшикни очаман.
- Қалайсан?! – энтикканча деди новча бўйли, нозик аёл эшикдан кира солиб.
- Шукур, Кулаш, шукур. Тонг-саҳарлаб намунча ўпкангни қўлтиқлаб юрибсан?
- Тонг дейсанми, пешин бўлди-ю.
- Шундайми?
- Соатингга қара, тушки бир-ку.
- Вой Худойим, ўлмаган қулга пешин вакти ҳам бўп қолдими?
- Самолётдан тушибок уйга бормасдан, тўғри бу ёқка шошилдим.
- Тинчликми? Шунча шошилиб... зарурмиди?
- Шошилмаганда-чи? Суюнчбека чет элда. Макпал шифохонада. Ёнингда ҳеч ким йўқ. Само-

лётнинг ғилдираги ерга тегиши билан күнғирок килсам, жавоб бермасанг. Сенга бир нима бўлдими, деб капалагим учди-кетди. Таксига ўтиридим-у, ҳайдовчига «Дўстлик қўчасига ҳайда, Қобонбой ботир муюлишида тўхтайсан!» – дедим.

– Сотканинг овозини ўчириб қўйгандим. Шаҳар телефони ишламаяпти.

– Нега?

– Бетобланиб, пулинни вактида тўламагандим.

Узиб ташлашган бўлса керак.

– Нонушта килдингми?

– Йўқ.

– Нега?

– Иштаҳам йўқ.

– Унданай бўлмайди. Ювениб, кийин. Унгача мен чой тайёрлаб, дастурхон тузайнин.

– Овора бўлма. Мен ўзим. Сен уйингга бор. Бойбўта келмади, деб хавотирланиб ўтиргандир?

– Бойбўта ишда. Тушликни ишхонасида килали. Шошиладиган юмуш йўқ. Сен тузалмагунча кувсанг ҳам кетмайман!

– Ахволим тузук.

– Тузуклигини кўриб турибман. Рангинг заъфарон. Тез ёрдам чакиртирмайсанми, шифохонага ётмайсанми? Энди сени нима қилсам экан?

– Менга ҳеч нима керак эмас. Ҳозир ўладиган турқим йўқ. Ўлсам шу уйда ўларман.

– Сўзни кўй. Ке, дастурхонга ўтири. Нонушта қил. Ўзингни қўлга ол. Бундай давом этаверса, ахволинг оғирлашаверади. Сени қайғу еб тамом

килади. Бунча қайгураверма! Чимкентдан хат йўл-
лаган шогирдинг Алия нима деганди?

*Умид, ишонч, тилак бор,
Кувончдан қувват олдирап.
Йиги деган азоб бор,
Қовурап, ўтда ёндирап!—*

демаганмиди? Кўзинг ёшини тий! Қайғуга берил-
ма! – деди Кулаш Ойгулга жони ачиб.

Кулашнинг гапи Ойгулнинг ёдига Эрасилнинг
сатрларини солди:

*Ойгулим сўниб борар,
Вужудин қиймалар ғам,
Мен шўрлини шўрлатмай,
Асрайқол уни, Эғам!*

Кулашнинг кистови билан иссиқ овқат егач,
Ойгулнинг танасига озрок қувват кириб, юзига
кон югургандай бўлди. Энди Кулаш ғуссага ботган
дугонасини чалғитиш учун турли хил ҳангома-ю,
Интернетдан ўқиган янги бир-икки латифани айт-
ди. Булар Ойгулнинг кўнглига сиғмагач, телеви-
зорни қўйиб, каналларнинг бирида берилаётган
кўп серияли чет эл фильмини биргаликда томоша
килган бўлиб, сўнг: «Давомини ўзинг кўр, анави
стим кизнинг тақдирини нима бўлганини менга ай-
тиб берарсан, эртага яна келаман», – деди-да, уйи-
га отланди.

Кўнгли ғуссали одамни ҳеч нарса кизиктир-
майди. Ҳаётга бўлган муҳаббати ўша карғиши
теккан кора кунда сўнган Ойгул кино у ёқда тур-

син, ундан афзалрок нарсани ҳам кўролмайдиган холатда эди. Шу боис, Кулаш кетиши биланоқ телевизорни ўчириб, ёткقا кириб ўриндикқа чўзилди. Ҳар кунги ухлаш вақти келса-да, кўзи илинмай, яна хаёлларга чўмди.

«Нега бундай ғуссага дучор бўлдим? – ўзини ўзи сўроққа тутди у. – Нега бошимга бунча мусибат тушди экан? Мен шўрпешана ёруғ кунларимнинг зулматга уланиб кетишини етти ухлаб тушимда ҳам кўрмагандим. Кечагина оламдаги омади кулгандардан бири эдим-ку! Нима сабабдан бошимга бунча азоб-укубат ёғилдийкан? Бадбахтлигим энг баҳтли кунимда бошланувди... Баҳт кучоғида елиб-юрган кундан бошланувди қора кунларим...»

IV

«Одамзод, табиат деб аталмиш буюк онанинг фарзанди. Табиатнинг ёзи билан қиши, куни билан туни бўлгани каби, одам умрининг ҳам қувонч ила қайғуси навбати билан келар экан-да, – деб ўйлади Ойгул. – «Инсон хаётга йиғлаб келиб, йиғлаб кетади», – дерди раҳматли Мақпал энам. Ёруғ дунёга барча норасидалар каби йиғлаб келсан-да, кечаги кунгача хаёт мени бунчалар ўкситмаганди. Илмиллар оиласида туғилиб, ота-онамдан ибрат олиб улгайдим. Факат бир жойда – Ал-Форобий номидаги миллий университетда ишладим. Мактабни олтин медаль билан битирдим. Мен таълим олаётган физика факультетида икки нафар, университет бўйича эса, атиги беш нафаргина талаба стипен-

диант эди. Ўшаларнинг бири – мен эдим. Университетни қизил диплом билан битиргач, Москвада уч йиллик аспирантурада ўқидим, Киевда фан номзодлигини олиш учун диссертация ёкладим. Мен учун масъулиятли ва омадли йиллар кўз очиб-юмгунча бўлмай зувиллаб ўтди-кетди. Шундан кейин ўзим ўқиган университетта кайтиб келдим. Мехнат фаолиятимни шу ерда дарс беришдан бошлаб, факультет декани, кафедра мудирлиги-гача кўтарилидим. Ўша йилларда мени аввалига ректорлик, кейин вазир лавозимларига таклиф килишганди. Лекин оиласам, турмуш ўртоғимнинг шароитини ўйлаганим туфайли бу таклифлардан бош торгдим. Оила деб, рўзғор ташвишлари билан бўлиб, докторлик диссертациямни анча кеч ёкладим. Профессор, академик унвонларига ҳам ўзим қаторгилардан кейин эришдим. Унда ҳам, бу унвонларни ўз интилишим билан эмас, «адолат» аталмиш йўлда собит бўлган ҳалол шахсларнинг тавсия, кўлловларидан кейин беришган. Университетда ҳам обрўйим баланд. Талабалару дом-лалардан тортиб, ректоргача хурмат килишади. Мана бир мисол: нафақа ёшига етиб, ўз хохишим билан кафедра мудирлигини топширганимда, бир овоздан мени фахрий мудир қилиб сайлашди. Ўрнимга шогирдим Гулнурнинг номзодини таклиф килганимда ҳам бошчиси бошлаб, қўшчиси кўллаб, барча маъқуллаб юборди.

Худога шукур, умр йўлдошим Эрасил яхши, инок уядан парвоз қилган ҳалол инсон бўлиб

чикди. У билан Ўрта денгиз бўйлаб саёҳат чоғида танишгандик. Навбатдаги мамлакатга етгач, кемадан тушиб, автобусда шаҳарни томоша килганмиз. Ана шундай томошалар чоғида Эрасил орқадаги ўриндикка ўтириб, менга севги мактубларини ёзарди. Бир гал у автобусдаги сайр чоғида қофоз топилмай, мактубни юз долларликка битибди. Ўша пайтда юз долларга чет элнинг учта яхши костюмини олса бўларди.

Тўнғичимиз Суюнчбека туғилганида, унинг кувончини кўрсангиз эди! Ёзувчи эмасми, масрурлиги ҳам ўзига хос. Ҳадеб: «Зўрсан, Ойгулим, зўрсан!» деб кулади. Диссертация ёклайман, олима бўламан деб илм йўлида юриб, турмушга кеч чикқанман. Суюнчбека ўнга тўлганидагина иккинчи фарзандим – Дониёрим туғилди. Данчигим бўйимдалигига соғлиғим ночорлашди. Буйрак оғриғига учраганимда шифокорлар: «Сиз учун туғиш ўта хавфли» дейишди. Эрасил: «Менга сен кераксан. Таваккал қилиб юрма, ўзингни аспа!» – деди. Лекин мен узил-кесил: «Боламдан воз кечмайман. Ўлсам-ўламан, аммо туғаман!» – деган катъий қарорга келдим. Неча йиллардан бери Эрасил иккаламиз ўғиллик бўлишни орзу килгандик. УЗИда курсоғимдаги гумона ўғиллиги маълум бўлгач, кувончим ичимга сиғмасдан, хаётимга хавф solaётган хатар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмадим. Боламнинг дунёга келиши жуда оғир кечди. Ҳомила уч ойлигидан бошлиб пойтахтдаги туғурукхоналарнинг биридан-иккинчига кўчиб

юрганман. Нихоят, ҳомила етти ойлик бўлганида шифокорлар уни «кесарча усул» билан ёриб олишиди. Шундан кейин шифохонада кирқ кун ётиб, чақалоқнинг қирки чиккан куни уйга келиб, уч кун бўлгач, соғлиғим ёмонлигидан яна шифохонага қайтишга мажбур бўлгандим.

Дониёrimнинг ўн ёшгача касалдан боши чикмади. Уни Қирғизистоннинг «Чўнгтуз» деган туз кони-ю, Олмониянинг Тюбинген шахридаги университет клиникасигача олиб бориб даволатдим. Ўша клиника машҳур «Мерседес» енгил автомашинаси ишлаб чиқариладиган Штутгарт шахрига якин экан. Данчигим машинага ишқибоз бўлгани боис, «Мерседес» чикадиган заводга олиб бордим. Заводда бўлганимизда боламнинг қувончини кўрсангиз эди!

Қайда бўлсак-да, қанча даволансак-да, Данчигим бутунлай соғайиб кетолмади. «Астма» деган бедаво дард умр бўйи уни тарк этмади. У курсоғимдалигида дори кўп истеъмол килганимданми, уч ёшгача баданидан бир хил кўтири тошма кетмай юрди. Кўтири бадани зувиллатиб қичитса керак, боланинг кўли бўш бўлса, терисидан қон чиккунча қашинаверарди. Шу боис, болам аравачада ўтирганида ҳам қўлларидан ушлаб туардим. Отаси уни тебратиб:

*Дониёр деган боласан,
Ақли етуқ доносан,
Айтган гапни оласан,
Президент ҳам бўласан,—*

деб алла айтарди.

Эрасил икковимизнинг қайнок севгимиз мөваси, Худодан тилаб олган Дониёrimiz бошқача бола бўлиб ўсди. Ўн ёшга ҳам тўлмаган ўйин боласининг ўйчан, мунгли кўзлари, жонини кийнаган дардга тўзимлилиги, атрофдаги янгилигу, турмушдаги ўзгаришларни сергаклик билан хис килишидан барчамиз ҳайратланардик.

Эрасил эрталаб ишга кетаётганида уч ёшли Дониёрнинг: «Папа дас, дас, айт, йўлинг бўлсин, тезроқ қайт!», – деб кузатарди. Худо юқтирган истеъоди, меҳнаткашлигию камсукумлиги билан тез орада халқка танилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган Эрасилнинг факат Олма-ота билан Остонадагина эмас, Бишкеку Москва, Парижда ҳам ижодий кечалари ўтказилди. У қачон, қаерга бормасин, ҳатто ҳукумат уйидаги давлат раҳбарлари билан бўладиган учрашувларга борганида ҳам Дониёрни уйда колдирмасдан, ўзи билан олиб юрарди...»

Телефон қўнғироғи Ойгулни хаёл оғушидан кайтарди.

- Тате¹, соғмисиз?
- Туморбекмисан?
- Ҳа.
- Қаердан гапиряпсан?
- Уйдан, Остонадан.
- Овозинг тиник эшитилганидан Олма-отага келибсанми дебман...
- Аҳволингиз яхшими, тате?
- Шукур. Яхши.

¹ Тате – хола, опа

- Сизни бетоб, дейишигач, уйда безовта бўлиб ўтирибмиз.
- Кўникиб кетган эски дард-ку, бу... Вахима киладиган эмас. Хавотирланманглар.
- Жумагул икковимиз Олма-отага бормокчимиз.
- Нега?
- Ёнингизда бўлиб, сизга қарасак дегандик...
- Ҳожати йўқ. Бекорга овора бўлманглар. Қўл-оёғим бутун. Ҳозирча ўзимни ўзим эплаб турибман.
- Яхши унда. Керак бўлсак айтарсиз, тезда етиб борамиз.
- Раҳмат.

Гўшакни жойига қўйгач, Ойгулнинг хаёли яна ўша, ўтган кунларга оғди...

V

...Бу воқеа Дониёр беш ёшлигига бўлганди. Ўша куни уйда тўнгичимиз Суюнчбеканинг туғилган кунини нишонлаётган эдик. У пайтларда барча оиласвий тантана, байрамлар ҳозиргидай ресторон, тўйхоналарда эмас, хонадонларда нишонланарди. Зиёфатнинг танаффус пайти хонадонимизнинг «зал» деб аталувчи кенг хонасида ёшлар минг муқомга буралиб, раксга тушишмоқда. Ҳаммаси ёш, ҳаммаси кўркам. Ёшлик деганлари ўзи гўзаллик-да! Ана шу гўзалларнинг энг гўзали – Жамиладан кўз узмай ўтирган Дониёр бир пайт дадилланиб, ўрнидан турди-да, қизнинг қаршисига келиб:

– Сизни раксга таклиф килсам бўладими? – деди катталарга таклидан енгил таъзим билан.

– Сен таклиф қиласан-у, мен йўқ дейманми? – деди Жамила кулумсираб ўрнидан турар экан, оққушникидай узун, чиройли бўйини эгиб.

Бўйдор, толмабел, қаламкош, учи эгик узун киприклари, киёқ баргидаги тонгги шабнамдай тип-тиник икки нарғис кўзлари-ю, икки ўрим тим кора соchlари болдирини ўпган, оқиш чехрасига кизил кўйлаги ярашган Жамила ҳар қандай йигитнинг юрагига лахча чўғ солгудай сулув эди. До ниёр ўзидан ўн беш ёш катта, бўйи икки баравар баланд Жамила билан ўзгача завқ, ўзгача туйғу или ракс тушар, чир айланишда кизнинг узун этагига ўралиб колса-да, ҳаракатлари жозибали, мусиқага мос келарди.

Ўша кундан бошлаб Жамила Дониёрнинг кундузлари хаёлидан, кечалари тушларидан кетмай кўйди.

Дониёр учун ана шундай ҳаяжонли кунларнинг бирида, Жамила ўқиши давом эттириш учун Хитойга жўнаб кетди.

Эрасил билан Ойгул кундузлари ишда, уйда эса икки нафар талаба қиз, бири Эрасилнинг туғишиган жияни Нозгул, иккинчиси, Дониёрнинг энагаси Ёнар қолишади. Бир куни кечкурун ишдан қайтган Эрасил ўғлини қайғули холатда кўриб, бошини силаб:

– Сенга нима бўлди, қовоғинг бунча солик бўлмаса? Ким сени хафа қилди? – деб сўради.

– Анаки Нозгул билан Ёнар, – деди Дониёр кўзларида ёш калкиб.

– Нима дейди улар?

– Жамиланг чет элга ўқишига кетмаган, хитойлик кисик кўз йигитга эрга тегиб кетган, энди у қайтиб келмайди, дейишди.

– Ҳозир таътил пайти, кизлар бекорчиликдан зерикиб, сен билан ҳазиллашишган. Ўксима. Жамила Хитойга ўқигани кетди. Таътилга чиқиши биланоқ келади. У сени яхши кўради, – деб Эрасил ўғлини юпатди.

– Менам шундай деб ўйлайман. Жамила мени яхши кўрмаса, Хитойга кетишдан олдин мени кўргани шифохонага келмасди, – деди чехрасига кон ютурган Дониёр кўзлари чакнаб.

Ўша сухбатдан бир хафта ўтгач, Дониёр кўчадан уйга ҳайқириб кириб келди:

– Ура, ура! – дерди у кувончи ичига сиғмасдан, сўнг цирк артистларидаи қўлларини полга тираб, оёкларини тепага кўтариб, бир неча бор чархпаплак бўлиб айланиб, умбалоқ ошди. Кейин ўрнидан тура солиб, келиб отасини кучоклаб олди.

– Бугун жуда хурсандсан, нима бўлди, қулум? – деди Эрасил ўғлининг бетидан суйиб.

– Жамила келди, Жамила! – деди Дониёр кувончи ичига сиғмасдан.

– Ана, демак, сени унутмабди-да?

– Унутмабди!.. «Мени унутмадингми?» – деб сўрасам, «Йўқ, унутмадим», – деди.

Ўша куни нима бўлганини Суюнчбека ота-онасиға батафсил гапириб берди.

– Нозгул билан Ёнар уйда бўлмагач, университетга Данчикни олиб кетувдим. Иккаламиз ёнма-ён ўтириб, лекция тинглаб, танаффусга чиқсан, эшик олдида Жамила кутиб турган экан. Учовлашиб кафега бордик. Жамила иккаламиз овқатланяпмиз, Данчик ҳеч нима емасдан, Жамиладан кўз узмай ўтирувди. Бир пайт, ўтирган ўриндикнинг устига чиқди-да, бошини силкиб, сочини орқага қайирди, кейин ўнг қўлинини олдинга чўзиб:

– Жамила, бу қўшиқни сенга бағишлайман! – деб қўшиқ бошлаб юборди:

*Я жил по старинной привычке
И свой ритуал не менял.
Но стал для меня целый мир безразличным,
Когда я тебя потерял.*

*Я жил не святой, не провидец,
Кутул и тебе изменил,
Всех женщин я до смерти возненавидел,
Когда я тебя потерял.*

*Позови меня в ночи, приду,
А прогонишь прочь с ума сойду,
Всех из памяти сотру друзей,
Лишь бы ты всегда была моей.*

*Шло время в игре бесполезной,
И кончился дьявольский бал.
И понял тогда, что стою я над бездной,
Когда я тебя потерял.*

Одам тўла кафедаги гала-ғовур бирданига сув куйгандай босилиб, ҳамма Данчикка ҳайрат билан тикилиб қолганди. Кўшиқ тугаши билан хўрандалар қарсак чалиб, Данчикни олқишлий кетишиди.

– Полапондай бўлиб, билган балосини қаранглар бу боланинг!

– Овози бирам ёкимли эканки!

– Келажакда машҳур қўшикчи бўлади бу бола!

– Айланайин сендан, болажон, баҳтли бўл!

– Оддий эмас, асил бола экан! – деган овозлар эшитиларди. Жамила ўрнидан туриб:

– Раҳмат! – деб Дониёрнинг юзидан ўпди.

Ўша куни Эрасил Ойгулга:

– Бугун яхшилаб ҳозирлик кўринглар, эртага Жамилани меҳмонга таклиф киламиз. Суюнчбекага айт, Куттибекни ҳам чақирын, – деди.

– Катта ёшдагиларга хизмат қилишим етмагандай, энди ёшларни меҳмонга чақириб, хизмат киламанми? – деб эътиroz билдириди Ойгул.

– Бошқаларга хизмат қилмасанг ҳам, Жамилани азиз меҳмондай кутиб олиб, тик туриб хизмат қилишимиз керак.

– Нега энди? – ажабланди Ойгул.

– Биз учун дунёда азиз инсон ким? – деб Ойгулнинг саволига савол билан жавоб берди Эрасил.

– Мен учун дунёда ҳеч ким Данчигимчалик азиз эмас!

– Худодан тилаб-тилаб эришган Данчик иккаламизнинг баҳтимизми?

- Албатта!
- Шундай экан, ўғлимизнинг қувончи учун Жамилани меҳмонга чакир.

– Бу гапинг тўғри, чакирсак чақирайлик.

«Жамила эртага кечкурун уйимизга меҳмонга келади», – деган хабарни эшигдан Дониёрнинг қувончи ичига сиғмай кетди. У хонаси ни ўзи саришта қилиб, столдаги расм чизилган коғозларни тартибга солди. Айниқса, «автомобиль хўжалиги»ни алоҳида кунт билан саришталаб, ҳар бир машинанинг макетини ялтирагунча артиб, аскарлардай қатор териб кўйди.

Ўша куни Дониёр учун вакт секин, имиллаб ўтди. Нихоят, соат кечки олти – Жамила келадиган вакт бўлди. Дониёр девордаги соатдан кўз узмайди. Меҳмон келадиган вақтдан ўн дақика ўтди, Жамила йўқ. Соат мили олтию ўн бешни кўрсатди – Жамила йўқ. Яна беш минут ўтди. Жамиладан хамон дарак йўқ эди. Шу оралиқда даҳлиздаги кўкиш телефон уч марта жиринглади. Дониёр кўзи кўкаргудай бўлиб, бир телефонга, бир эшикка жавдираб қарайди. Орадан яна беш дақика ўтгач, эшик кўнғироғи чалинди. Нихоят, остоңада Жамила кўринди. Унинг ҳурматига тузалган дастурхон атрофидан бир гуруҳ одамлар: Эрасил, Ойгул, Куттибек, Суюнчбека, Нозгул, Ёнар жой олишди. Дастурхон тўридаги ўриндикларга Эрасил Дониёр билан Жамилани ёнма-ён ўтқазди.

– Кечикканим учун узр сўрайман, – деди Жамила. – Данчикнинг моделли автомобилларни

яхши кўришини биламан. Унинг коллекциясида бўлмаган мана бу моделни топгунимча дўконмадўкон юравериб, ушланиб қолдим.

Шундай деб Жамила бежирим автомашина моделини Дониёрга тақдим этди:

- Янглишмасам, бу модель сенда йўқ эди?
- Ҳа, менда йўқ, бу «Мерседес-500»нинг худди ўзидаи ишланган нусхаси! Раҳмат, Жамила!

Дониёр шундай деди-да, «Мерседес-500»ни дераза рахига кўйди. Одатда, у автокўликнинг янги моделини кўрганида ҳамма нарсани унутиб, факат ўша билан банд бўларди. Шу куни унинг бутун фикру зикри, эътибори автокўлик моделига эмас, факат Жамилага қаратилди. Бу дастурхон атрофидагиларнинг, Куттибекдан ўзга барчани лол колдириди: бўлғуси куёвимиз Куттибек кизимиз Суюнчека билан яқиндагина танишган, ҳали Дониёрни яхши билмасди-да.

Ўша кунги даврада Дониёр ўзини беш ёшли бола эмас, худди йигирма-йигирма беш ёшли йигитдай тутиб, Жамиланинг тарелкасига егулик солар, бокалига шарбат тўлдириб, хушёр ўтиради.

Мехмонлар чигал ёзиш учун туришганида, Дониёр Жамилани ўз хонасига бошлаб бориб, автомобиль моделларини, ўзи чизган расмларини кўрсатди. Шундан сўнг боғчасида содир бўлган кизик воеаларни гапириб, иккалови кулишди, кейин худди бир нарса ёдига тушгандай жиддий тортиб, Жамиланинг кўзларига тикилганча:

- Сен етти хазинанинг нималигини биласанми? – деб сўради.

- Йўқ, билмас эканман.
- Сен қозоқ кизисан, буни билишинг керак, – деди Дониёр.
- Сен билсанг, айтақол.
- Айтаман, ёдлаб ол. Хўпми?
- Хўп.
- Етти хазинага кирадиганлар:
Эр йигит.
Сулув аёл.
Учкур от.
Асл милтиқ.
Югурик този.
Қирон бургут.
Ўткир ханжар. – Англадингми?
- Англадим.
- Англасанг, ёдингда тут, унутма.
- Яхши, унутмасликка ҳаракат киламан, – деди Жамила Дониёрнинг сочидан силаб.
- Етти авлодни биласанми? – деди яна Дониёр
Жамилага синовчан тикилиб.
- Уни ҳам билмас эканман.
- Етти авлод бундай:
Ота.
Бола.
Невара.
Чевара.
Эвара.
Дувара.
Бегона.

«Етти отасини билган – етти юртнинг ғамини ер, ўзинигина билган манман бўлиб, жағини ер», дейди отам.

Дониёр билан Жамиланинг қизғин сұхбатини Нозгулнинг дастурхонга таклиф килган овози бузди.

Шу кундан бошлаб Жамила Дониёрнинг тушига тез-тез кирадиган бўлди.

VI

Сабий борки, фариштадай ёқимтой бўлади. Ойгул билан Эрасилнинг кенжаси Дониёр ёқимтойлигидан ташқари ўта аклли, зийрак бўлиб ўсди. Ҳали тили тўлик чиқмаган икки ёшлигида ўзига керакли нарсаларни имо-ишоралар билан кўрсатарди. Айрим сўзларни бузиб айтса-да, фикрини тушунтиришга интиларди. Гўшт (эт)ни – «ек», келаётирманни – «кезалатирман», бораётирманни – «базалатирман» дерди. Ўзининг исмига тили келмасдан «Дан-дан» дерди. Бола тўрт ёшлигидаёк ҳарфларни қўшиб, сўз тузишни, янглишмай минггача санаши ўрганди. Ўшанда у:

*Мен тўргайман, тўргайман,
Совуқдан ҳам қўрқмайман.
Курт, қўмурсқа, чивиндан
Боғ-боғчани қўргайман, –*

деб қўшиқ айтарди.

Беш ёшидан бошлаб расм сола бошлади. Олти ёшидан бошлаб шеър ёзди. Ўн ёшида акли тўлиб, фаросатда, мулоҳазаликда тенгдошларидан анча

илгарилааб кетди. Тўртингчи синфдан бошлаб «Автомир» журналини қизиқиб ўқийдиган бўлди. Автомобилларга қизиқиши зўрлигидан, юзлаган автомобилларнинг айни ўзидаи қилиб ишланган моделларидан иборат бой коллекция тўплади. Дониёр уларнинг моторлари билан алоҳида қисмларигача бўлакларга ажратиб, қайтадан жой-жойига ўрната олар, кўчадан ўтаётган ҳар қандай автомобиль фараларининг жойлашишига қараб, уларнинг қайси маркага тегишлилигини, қайси мамлакатда, қачон ишлаб чиқарилгани-ю, қанча тезликда юра олишини айтар, уларнинг техник хусусиятларидан ҳам хабардорлиги катталарни хайратга соларди.

– Чет элнинг мақталган «Жип»лари ҳам мукаммал эмас, камчиликлари бор, улар такомилига етказилиши керак, – деди Дониёр бир гал отасига жиддий қараб.

– У қандай камчилик экан? – ажабланди Эрасил.

– Ўтган йили овулга борганда «Жип»имиз ўнкир-чўнкир йўлда дўкиллаб, юролмади-ку.

– Бунинг учун йўлни тузатиш керак, айб машинадами?

– Тўғри, йўлни тузатиш керак, лекин автомобиллар такомилига етказилса, бу – йўл тузатишдан кўра анча арzonга тушади. Бунинг учун автомобиллар йўлсиз ерда, энг ками эллик-юз метр ба-ландликка кўтариладиган бўлиши керак.

– Донишим-ов, бу мумкин эмас-ку.

– Жуда мумкин-да. Мен бу борада тажриба ўтказиб кўрдим. Юринг, кўрасиз, – деб Дониёр отасини ваннахонага бошлади.

Эрасил темирдан ишланган ажабтовур улкан ўйинчоқ машинанинг сув тўла ваннага ботмасдан турганини, узун симли пульт босилганида у олдинга-кетига сузиб юрганини кўриб, кўзларига ишонмади.

– Бу кизик-ку, буни қандай ясадинг? – деди Эрасил хайратини яширолмасдан.

– Тунов йили ўзингиз Президент билан Қатарга борганда пульт билан бошқарадиган, гуриллаб бориб, кейин ҳавога кўтариладиган ўйинчоқ самолёт олиб келгандингиз. Уни овулдан кўнокка келган бир туғишганимизнинг боласи синдириб кўювди. Ўшанинг моторидан фойдаланиб сувда сузиб, йўлсиз ерда учадиган автомобиль ясаш мумкинлигини синаб кўрдим. Бунинг учун, атиги машинага ёрдамчи механизмлар ўрнатилса бўлди экан. Мени бирорта автомобиль ишлаб чиқариладиган заводга юборинг, қисқа вақт ичида мана шундай, йўл танламайдиган автомобиль яратиш мумкинлигини исботлаб бераман.

– Қизик экан! – деди Эрасил унга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай, бошини қашиб. Ўшанда Дониёр атиги ўн бир ёшда эди.

VII

Кўпдан бери учрашмаган дугоналар – Ойгул билан Кулаш уйда сухбатлашиб ўтирганларида Дониёр кириб келди. У Кулаш билан саломлашиб, хонасига ўтиб кетгач:

– Дониёр, туф-туф, ишқилиб кўз тегмасин, жуда бошқача, ҳеч кимга ўхшамайдиган йигит бўлти, – деди Кулаш унинг ортидан меҳр билан тикилганча. – Кўзларидаги ўйчанлик – окилигу камсуқумлик аломати. Одамшавандалиги билан қўнгилчанлиги – сенга, айтганидан қайтмайдиган қайсарлиги отасига тортган. Сурати сийратига мослигидан юзидан нур ёғилиб турибди. Қандай олтин фарзандни улғайтирган бахтли онасан-а, Ойгул!

Яхши сўз – жон озиги. Боласини мақташса қайси она қувонмайди, дерсиз. Кулашнинг гаплари Ойгулга мойдай ёкиб, мурч қўшиб қайнатиб, қаймок қўшилган памилчойдай туюлди. Бунинг устига, Кулаш тили билан дили бир, нафратиниям, меҳриниям одамнинг юзига айтадиган дангалчи аёллардан. Шу боисдан ҳам, кўп йиллик синашта дутонасининг са-мимий сўзлари Ойгулни хушнуд этди.

– Шу гапга чечанлигинг билан сен хукуқшунос эмас, окин бўлишинг керак эди, – деб кулди Ойгул.

– Окин, демоқчи, ўзим ҳам кейинги йилларда халқ баҳшиларининг ижоди билан шуғулланяпман, гапларимда ўшаларнинг таъсири сезилса керак. ... Кўй энди, кеч бўп қолди, мен борай...

* * *

– Бугун ҳаяллаб қолдинг, қайда эдинг? – деди Бойбўта эшикни очар экан.

– Ишдан кейин Ойгулни кўргани борувдим, гапга тушиб кетиб, вақтнинг қандай ўтганини сезмаб-миз.

– Ўтга келган хотиннинг ўттиз оғиз гапи бор, деганлари шу-да. Ўзим ҳам Ойгулницида бўлса керак деб ўйловдим.

– Кечки овқатни менсиз емайди, деб ҳалиям шошилганим бу.

– Таксида келгандирсан?

– Йўқ, Дониёр машинасида ташлаб қўйди.

– Умрнинг ўтишини қара, – деб хўрсинди Бойбўта, – куни кечагина ўзимиз туғурууқхонадан олиб чикқан Дониёр ҳам катта йигит бўпти. Қариётганингни ортга қараб биласан, деганлари шу-да.

– Атиги олтмишга энди етганда қариллик ҳакида гапирмайлик.

– Олтмиш ҳам оз ёш эмас. «Олтмишга етдинг, пешиндан ўтдинг» демасмиди халқ.

– Бу гапинг ҳам тўғри.

– Сенга айтсам, Дониёр билан йўл-йўлакай сухбатлашиб, унинг ўзгача йигит бўлиб улғайганидан ниҳоятда фахрландим.

– Ўзгачагина эмас, гений у, гений!

– Дониёр оккўнгил, ақллилигидан ташқари хаётта нисбатан ўз дунёқараши, фикрига эгалиги билан келажаги баркамол бўлишига имоним комил, – деб Кулаш тўлкинланиб сўзлади.

– Бу фикрингта қўшиламан, – деди Бойбўта. – Дониёрнинг келажакда халкнинг корига ярайдиган буюк шахс бўлиб етишишига мустаҳкам асос бор.

– У қандай асос экан? – сўради Кулаш.

– У – Тангридан ато этилган ғайрат, күп қиррали истеъдод, меҳнатсеварлик, дунёқарашнинг кенглигию теранлиги, олган таълими билан билими. Таги-тахтининг асллиги. Тулпорнинг туёғи, қироннинг каноти у. Табаррук оилада, табаррук инсонлардан улгу олиб ўсди. Отаси ҳам дунёга танилган машхур арбоблар билан дўст-қадрдон. Она томондан яқинлари ҳам бирорнинг кўнглини қолдирмаган ҳалол инсонлар. Ҳар бир инсон ўз мухитининг маҳсули. Отанинг қони, онанинг сути билан сингган фазилат ила асл мухитда улғайган инсон юксак мавқега кўтарилишига шубҳа қиласа бўлади. До ниёр эндиғина йигирма бир ёшда, Оллоҳнинг нури, пайғамбарнинг шафоати билан унинг келажаги порлок эканлигига умид қилсак арзийди, – деган ишонч билан Бойбўта фикрини якунлади..

Кечки овқат устида Дониёр ҳақида Бойбўтанинг гапларини Кулаш ўша оқшомдаёқ телефонда Ойгулга етказди.

«Ҳаммасига вакт ҳакам. Ким бўлсаям боши омон бўлсин. Ёмон кўздан қулунимни Ўзинг асрар гайсан!» – деб Ойгул ўғлига Яратгандан омад тилаб уйкуга кетди.

Ўша кечаси у Дониёрни тушида кўрди. Жонидан ортиқ кўрадиган фарзанди аржуманди оқ аргумоқда қандайдир оломон пойгада иштирок этаётган эмиш. Аввал бошдан пойганинг олдида бораётган Дониёр марра чизигидан биринчи бўлиб ўтганмиш. Одамлар: «Яша Дониёр, яша!» – деб олкишлашармиш.

Шу пайт юлдуздай учиб келаёттган от қокилиб, До-ниёр аргумоқ устидан учиб кетганимиш...

VIII

Окшом пайти ижодхонасида ёзиш билан банд бўлган Эрасилнинг хаёлини хонага қўл ушлашиб кирган она-бола – Ойгул билан Дониёр бўлди.

– Дониёrimiz жуда зарур гапим бор деяпти, шунга ақллашсак, деб кирдик, – деди Ойгул кулумсираб.

– Хўш, нима гап экан? – деди Эрасил.

Дониёр кўзларини ерга тикканича, елкасини қашиди.

– Қашинмасдан гапир, – деди Ойгул ўғлига далда бериб.

– Ўйланмоқчи эдим... Карши бўлмасанглар, – деди Дониёр оёғига ем тушган аргумоқдай ланжланиб.

– Кимга? – деди Эрасил.

– Кимгалигини ичдан сезиб тургандирсизлар, – деди у онасининг ўзига мулоим тикилиб туришидан дадилланиб.

– Анжеликагами? – сўради Ойгул.

– Ҳа.

– У онасидан эрта етим қолиб, бир марта баҳтсиз бўлган экан, – деди Эрасил сўзи Дониёрга тегишли бўлса-да, «Сен нима дейсан?» дегандай Ойгулга кўз қирини ташлаб. – Ўйламай қадам ташлаб, уни иккинчи бор баҳтсиз қилсанг, буни

Худо кечирмайди. Ҳалиям бўлса, яхшилаб ўйлаб, хиссиётингни яна бир синаб кўрсанг бўлармиди?

– Уч йил оз муддат эмас, – деди Дониёр. – Ке-йинги уч йил мобайнида иккаламиз доим бирга-миз: ўқишда ҳам, чет элдаги амалиётда ҳам бирга бўлдик. Бир йилдан бери бир жойда ишлайпмиз. Ўзинглар уни икки йилдан бери яхши биласизлар.

– Ундей бўлса, гап йўқ. Онанг рози бўлса, мен рози.

– Энг муҳими, икки ёш баҳтли бўлиши, – деди юраги ҳаяжондан довулли қундаги денгиздай жун-бишга келган Ойгул. – Мен розиман. Баҳтли бўл, бўтам!

– Раҳмат! – деди Дониёр оқиш чехраси ҳаяжондан кизариб.

Ўша сұхбатнинг эртасигаёқ Эрасил билан Ой-гул туғишганларини уйга, маслаҳатга чорлашди.

* * *

– Аввало, бўлажак қуда, қудағайнинг розилиги-ни олиш керак, – деди Ҳамид.

– Тўғри, кудаликка бориш керак, – деди Эрғали.

– Улар бизни қай кун, қайси вактда қабул килишларини билишимиз керак, – деб гап қўшди Ойгул.

– Буни кандай биламиз? – деди Кулаш.

– Анжелика отаси билан гаплашсин. Уларга қайси кун кулай бўлса, ўша куни борамиз, – деди Куттибек.

Ушбу кенгашдан бир ой ўтгач, кўзини операция қилдириш учун Тумарбек Олма-отага келди.

– Хуш келибсан, – деди уни аэропортда кутиб олган Ҳамид.

– Раҳмат!

– Остонада об-ҳаво қалай?

– Об-ҳаво худди Олма-отадагидай, – деди Тумарбек. – Қудалик қалай ўтди?

– Қудаликка оғам билан Ойгул бошчилигида кудамиз Малик, қудағай Равшаной, Куттибек билан Суюнчбека, Абен билан Айман, Кулаш билан Бойбўта, Салима билан Сайилхон, Улжонлар билан ўттиз чокли бўлиб бордик, – деди Ҳамид машинага ўтирас экан. Сўнг ҳангомасини давом эттирди. – Олмаотанинг қоқ марказидаги «Бахт қуши» ресторанида куда томоннинг ўттиз чокли яқинлари бизни сурнайлатиб, ўланлатиб кутиб олишди.

Эрасил оғам бошлиган гуруҳ мезбонларга гулдасталарни тақдим этишгач, ичкарига кириб дастурхон атрофидан жой олдик. Биринчи сўзни Андрейнинг ҳамкасби Ўразбек олди:

– Манов сулув хоним Андрейнинг рафиқаси Елена, – деб таништирди келишган, нозик қомат, оқ-сариқдан келган аёлни. – Бўлажак қудангиз Андрей кирқ уч ёшда, қудағайингиз Елена – йигирма иккода. Эшитгандирсизлар, Андрейнинг биринчи аёли Элина бундан бироз йиллар аввал вафот этган. Ўшандан кейин орадан икки йил ўтиб, Елена га уйланган. Андрейнинг ўнг томонида ўтирган Тамара Григорьевна – Элинанинг онаси, Анжели-

кани шулар тарбиялаган. Уларнинг ёнида ўтирган Оксана Сергеевна – Элинанинг синглиси. Тўрда ўтирганлар – Раиса Анатольевна билан Галина Семёновна. Уларнинг ёнида...

Ўразбек келин томонни танишириб бўлгач, Эрасил оғам ҳам куёв томондан келганларни танишириб чиқди.

Кудачилик маросими бошдан-охиригача қозоқча таомилда ўтди. Дастурхонда ноз-неъмат бадастир, қуш сутидан бошқа ҳамма нарса бор: қўйнинг боши дейсанми, аъло сифатли конъяк, виски, арак, маркаси оқ, қизил шароблардан тортиб қимиз билан қимронгача қўйилган экан.

– Кани, энди қуйрук-жигарни келтиринглар, – деди Ўразбек хизматдагиларга ияқ қоқиб.

Официант йигит катта товоқда қуйрук-жигар келтирди. Эрасил оғам бошлигидаги куёв томон қудалар, яъни бизлар ҳам бўш келмаган эдик, қуйрук-жигардан навбати билан еб, биримиздан кейин биримиз лаганга янги, бели синмаган беш мингталик тенгелардан ташладик.

Ёши ўттизлардаги ўрта бўй, оқ-сариқдан келган, озғин, кисик кўз Ўразбек гапга чечан, хушчакчак йигит экан. Зиёфат охирлаган кезда куда билан қудағай «кудажонларим» деб юриб, қозоқ удумига кўра, Эрасилдан бошлаб барчамизга сарпо кийгизди, – дея ҳангомасини якунлади Ҳамид...

Дониёр қудаликка боришдан бир кун аввал футбол ўйнаб, оёғи жароҳатлангани боис,

күлтиктәёқда бўлса-да, харакатлари одатдагидай чакқон ва тетик эди. У бир чеккада ўтирганча, ёнидаги Анжеликага кулумсиб карайди, ота-онасига кўз кирини ташлаб, жилмаяди. Қалбини тўлдирган кувонч туйғуси, хис-ҳаяжон чехрасида, боши атрофига кизғиш шуъла гардишидай бўлиб товланади.

Бу Дониёрнинг ҳаётидаги энг баҳтли кун эди...

IX

– Мен Дониёрнинг уйланиш тўйига элимизнинг машхур хонандалари – Алибек Донишев билан Нурғали Нусипжоновни, Роза Римбаева билан Макпал Жунусовани таклиф қиласман, – деди Эрасил. – Улар тўйининг кўрки-да. Ойгул, айт-чи, тўйни қаерда ўтказишимизни хоҳлардинг? Шахар марказидаги «Қабул уйи»дами ёки Отакентдаги «Боғчасарой»дами?

– Қиммат демасанг, – деди Ойгул, – иккаласи хам ажойиб!

– Қиммат бўлса нима бўпти? Дониёр учун маблағниям, бошқасиниям топаман. Ўғлимнинг никоҳ тўйига дўст-ёронлар, қариндошлар билан бирга атоқли ёзувчи, олимлар ҳамда эл ҳурматлайдиган раҳбарлар, шунингдек, бошка таниқли арбобларни таклиф қиласиз.

Кувончдан кўнгли жўшиб, тўлқинланиб гапирган отасининг сўзлари қанчалик ёқимли бўлса-да, тўй хусусида Дониёрнинг ўз ўйи бор экан. У отасига боадаблик билан тушунтириди:

– Дада, менимча, сиз айтган машхур санъаткорларни таклиф килиш шарт эмас, – деди Дониёр.

– Нега? Уларни дүппингта сиғмайды деб ўйлайсанми?

– Уларнинг санъатига шак келтирмокчи эмасман. Уларни менам яхши кўраман, кўшикларини севиб тинглайман. Аммо...

– Нима аммо?

– Гапини бўлмай, нима демокчилигини охиригача эшитайлик-чи, – сухбатга аралашди Ойгул.

– Шундай бўлса-да, – гапини давом эттирди Дониёр, – сиз номларини айтиб ўтган, барча севадиган санъат юлдузлари ёшлар учун янгилик эмас-да. Мен тўй янгича бўлишини, аввал сахнага чиқмаган ёш истеъдодлар, бўлғуси юлдузларни таклиф килсак дегандим. Мен ана шундай умидли гурухни топганман. Ҳаммаси ёшлар, истиқлолимизнинг тенгдошлари. Уларни дўстларим билан тинглаб кўрганман. Репертуарининг асосий қисми козокча кўшиклардан иборат, унутилаёзган халқ ўланларини ижро этишади. Дада, ойи, уларни сизлар хам тинглаб кўринглар, ишончим комилки, бу гуруҳ сизларга ёқади. Козокча тўйларимизда бир ёмон камчилик бор, бизнинг тўйда ўшанинг такрорланишини истамасдим.

– У қандай камчилик экан? – деди Эрасил.

– Тўй ёзда баланд бинонинг фалончи қаватида эмас, очиқ осмон остида ўтиши керак. Одамлар тоза ҳавода маза килиб ўтириб, дам олиб кетиш-

лари учун кулай. Шунингдек, тўйга келганларнинг ҳаммасига сўз берилиши ҳам шарт эмас. Ҳозирги тўйларда келган меҳмоннинг ҳаммаси гапирмокчи бўлади. Бундай мажлисбозликдан одамлар зерикб, толиқиб кетишади. Бизнинг тўйни бир оксолол очиб, фотиҳа берса-да, меҳмонлардан тўртбеш нафаригина табрик сўзи айтса бўлди-да...

– Ахир, ҳаётингдаги энг баҳтли кунда яхши ниятлар билдирилмайдими?

– У ниятлар деворга тортилган матога, маҳсус столдаги альбомга, видео, аудио тасмаларга ёзиб колдирилади.

– Бу фикринг менга маъкул, – деди бироздан сўнг Ойгул.

– Тўйни Олма-ота санаторийси қаршисидаги яшил кайнзор, қарғайзор ўрмон қучоғидаги очик ресторанда ўтказсан дегандим. Ресторан атрофи керагалар билан ўралган, тепасига улкан чанғароқ ўрнатилган. Меҳмонлар ўзларини худди ўтовда ўтиргандай ҳис қилишади.

– Тўй куни ёмғир ёғиб қолса нима бўлади? – деди Эрасил.

– Қайнаб ётган августда қанақа ёмғир? – деди Ойгул.

– Олма-отанинг об-ҳавосига ишониб бўлмайди, – ғудранди Эрасил қовоғини уйиб. – Жizzаки хотиндай бир кунда кирк бор ўзгариб туради.

– Уёғи ҳам ҳисобга олинган, – деди Дониёр. – Об-ҳавони аниқловчи марказнинг маълумотига кўра, август ойининг иккинчи ярми ёғин-сочинсиз

бўларкан. Мабодо ёғиб қолса, унга ҳам чора кўриб қўйилади. Бир кун олдин брезент чодирлар келтириб қўямиз.

– Айланайин кулуним, ҳаммасини ипидан-иг-насигача пухта ўйлаб қўйибсан-ку! – деди Ойгул ўғлидан фахрланиб.

– Энди сизларга тўй сценарийсини қисқача баён қилсам, – деб Дониёр сўзини давом эттирди. – Тўй бошида ресторанга кираверишдаги қўш канот эшикнинг икки томонида қадимги сак кийимида, кўлда килич, найза, қалқон ушлаган, бошларига дубулға кийган икки нафар сарбоз турари. Бир томонда Қиз Жибек либосидаги қизғалдоклардай кизлар, иккинчи томонда Тўлагандай хушбичим, хушчирой йигитлар қаторлашиб туришади. Довуличи, чанқовузчилар меҳмонларни илиқ табассум, ёқимли куй билан қарши олишади. Улар киядиган либосларининг эскизини китоблардан ҳамда Интернетдан топдик. Шиғабой билан Алдаркўса, Хон билан Жиранша чечаннинг хотини Корасоч иштирокидаги бир актли спектакль, шунингдек, окинларнинг қиска айтишуви ҳам меҳмонларга манзур бўлса керак. Масхарабозлар мўл-мўл кулги улашишлари маълум. Беточар окин Серик Калиевга топширилса. Аммо ўргага товок қўйиб, унга одамлар туртиниб келиб, пул ташлашмаса дейман. Беточарнинг пули дадамнинг қалам ҳакидан бўлгани маъқул... Никоҳ кечасининг муҳтасар сценарийсида ана шулар кўзда тутилган. Хўш, розимисизлар?

– Рози бўлмасак-чи? – деб Эрасил Дониёрга синовчан тикилди.

– Унда таклифларингиз...

– Бизда таклиф йўқ. Бу – отангнинг сени сўзлатиш учун шунчаки айтаётгани-да. Бунаقا янгича, ажойиб лойихага ким ҳам қарши бўларди? Режанг дуруст. Тортинма, кулуним, – деб Ойгул ўғлининг пешанасидан ўпди.

– Сценарий менга ёқди, – деди Эрасил.

Ота-онасининг қўлловидан рухланган Дониёр ўша куниёқ тўй тадоригига киришиб кетди...

– Менинг Донишим ўзининг уйланиш тўйига ўта масъулият билан, шунингдек, фалсафий-тарбиявий нуктаи назардан туриб ҳозирлик кўраётган экан-да, – деди Ойгул Эрасилга ғуур билан.

– Мен ўғлимиз тузган бу режанинг теранлигига, фавқулодда мазмундорлигига қойил қолдим, – деди Эрасил ҳам тўлқинланиб.

X

Ерўчоқдаги катта қора дошқозонда қайнаётган гўштнинг ок кўпигидай олачипор осмонда учиб юрган Окбош бургут атроф-теваракни оловли кўзлари билан қамраб ўтди. Ғарбга караб оҳиста ботаётган қуёшнинг кечки нурлари балкиётган мисдай кўнғирлашиб борарди. Олатов бағридаги кўркам шахар – Олма-ота узатилаётган кизнинг сеп-сидирғасидай кизил-яшил рангларда жилваланади. Дарахтларнинг яшил барглари орасидан киялаб ёғилган қуёш нурлари тўқ жигарранг

намхуш тупрокни эркалаб силайди. Бу йилги ёз серёмғир келганидан шаҳардаги тол-тераклар у ёқда турсин, тоғ ёнбағридаги арчалар билан тошлок ердаги қарағай, ок қайнин, қайрағочларгача ям-яшил бўлиб, яшнаб турибди. Қумлок ерларни ҳам ипакдай майин майсалар буркаган. Тоғнинг ола-була тошларини кўкиш пўпанак босган.

Қозоқнинг Буюк Даشتни узра чарх уриб юрган Оқбош бургут шимолдан ернинг жаннати – Еттисувга оқшомга якин етиб келди. У юксакларда учиб юриб, осмон билан ер орасидаги табиат кўриннишлари-ю, тириклик ғамида ғимирлаган жами жониворларнинг ҳар бир ҳаракатини кўздан кочирмай кузатарди.

Тўргай даштида «Қизбел» номли тоғ бор. Кўндаланг ётган хипчабел қизга ўхшаш ана шу тоғнинг қок ўртасида дилбар келинчакнинг анорига ўхшаш, бир-бири билан жуфтлашиб турган эгизак чўкки қад кўтарган. Ҳалқ Қизил дейдиган бу эгизак чўккида тухумдан чикиб, юксакда қаноти чийратма бўлган Оқбош – бошка қиронларга ўхшамайдиган, ўзгача яратилган бургут. Колган бургутлар унинг ёнида энди пати чиккан товукнинг жўжасига ўхшаб колади. Ҳайбатини айтинг, ҳайбатини, нақ арслонмонанд дейсиз! Йўғон, семиз болдириларидан бўртиб чиккан кўкимтири тоғирлари худди пайдай таранг тортилган. Оёғи ҳам ўзга қиронларницидан анча узун. Унинг ана шу узун оёғи ўта кучли тўрт бармоқдан иборат. Тўрт бармоқнинг энг кучлиси, ичкиси – «ембос-

ди», ўртанчиси – «сиқим», сирткиси – «чангал», орқадагиси – «пих» дейилади. Тўртала бармок ханжардай кескир, кўкёл қашкирнинг панжасидай кудратли бўлади. Парвоз қиладиган маъвоси – козокнинг нозланиб ётган бепоён, кўркам даласи, осмон билан ернинг ораси. Таштулак дейдиган тўрт ёшни ортда колдириб, бу йил «музбалак» атадиган, яъни еттинчи ёшни каршилаган Оқбош бургут Кўктепани кўклаб ўтди-да, Толғар тоғининг юксак чўккисида кўноклаб, теварак-атрофга кўз ташлади. Тоғ этагидаги овул чироклари кўкиш туман орасида милтиллаб кўринади. Оқбош бургут кўкка тикилди. Кулранг осмонда от тақасидай ёйсимон ой ғарбга томон оҳиста сузиб бормоқда. Юлдузлар сўнаётган мойчироқдай bemажол милириайди. Анов бир йили уни ўлдирмокчи бўлиб жонталашган олачипор илоннинг вишиллашидай кутуриб эсаётган шамол баданга игнадай жазиллаб санчилади. Бир пайт қашкирнинг улиган овози эшитилди: «У-у-у...»

Қашкирнинг чўзиб, бор овозда улишига бойтеватнинг жон-жаҳди билан хуриши уланди. «У-у-у...» «аф-аф-аф...»

Бироздан сўнг қашкирнинг ҳам, итнинг ҳам уни ўчди. Тоғни қуршаган туман пардаси кўтарилиб, теварак-атроф аник кўрина бошлади. Кутуриб эсан шамол ҳам тинди. Борлик сукунат оғушида. Тоғ пойидаги овулга ҳам сукут чўккан. Ана шу сокинликда кўзи илинган Оқбош бургут

кашкирнинг каттиқ улишидан чўчиб уйғонди. «Уу-уу...» Оқбош овоз чиккан томонга қаради. Узокдаги қимиrlаган кумурсқагача кўрадиган кироннинг оловли кўзлари тоғ пойидаги чорвадор овулнинг қаршисида чўнқайиб, бўйнини кўкка чўзиб увлаётган Кўкбўрини кўрди. Бўри бу гал аввалгидан ҳам қаттиқ ва узок увлади. «У-у-уу... Уу-уу...» Танаси йўлбарсдан ҳам йирик қашкирнинг овози кучли ва аччик эди. Ғарбга томон оҳиста сузиб бораётган ойга қараб узок увлаган қашкирнинг мунг тўла ноласи чўккилардан акс садо бериб, Оқбош бургутнинг вужудини титратиб юборди...

Бургут Толғар тогининг юксак чўққисидан кўкка ўқдай кўтарилиб, Кўкбўрининг тепасида чарх уриб айлана бошлади. Сут пиширим лаҳзада ерга якинлашиб, кўкка қараб увлаётган Кўкбўрини аниқ кўриб олди. Қийғоч тушаётган ой нурида бўрининг яғринидан тортиб кўк елкасигача кирпининг тиканидек дикрайган кўкиш жунлари кўзига аниқ кўринди. Оқбош бургут оловли кўзларини Кўкбўрига қадади. Шу лаҳза иккисининг нигоҳлари тўқнашди. Кўкбўри бургутни кўрса-да, сесканмали. Қизғиш-яшил оловли кўзларини ой шуъласидан жилваланган булатли кўкимтири осмонга тикиб, увлашда давом этаверди. Оқбош ҳам бўрини кўрмагандай бўлиб, тоғ пойидаги овул тепасидан айланиб-айланиб, сўнг Олатов томонга учиб, энг юксак чўккига қўнди. Кўкбўри сингари Оқбошнинг юраги ҳам бугун нотинч эди. Бургутнинг шанғиллаган кескин кийкириғи билан

Кўкбўрининг узлуксиз аччик увлаши кўшилиб, еру кўк орасида акс садо берди. Бир ёмонлик юз беришини олдиндан хис қилган Кўкбўри билан Оқбош бургут тонггача бедор қолиб, сас чикариб юришди.

Кўкка қараб увлаган Кўкбўрининг мунгли товуши билан овул тепасида айланиб учган Оқбош бургутнинг кийкириғи ширин уйкуда ётган Сейилхонни ҳам уйғотиб юборди. У ташқарига чикиб, қўрадаги молларни кўздан кечирди. Ҳаммаси тугал. Думини ликиллатиб, оёғига ўралашган оқтўш бойтеват қашқир овози чиккан томонга қараб, ҳафсаласизгина хуриб қўя қолди. Ҳар галгидай вахимали вовуллаш кайда дейсан. Одатда, қашқирга ташланадиган баҳайбат бойтеват Кўкбўрининг тепа сочни тикка килиб, сұякни зиркиратувчи аччик ноласи билан Оқбош бургутнинг шанғиллаган кескин кийкириғидан кўрқдимикан?

Сейилхон уйга кириб, тўшакка чўзилганида Савле уйғониб кетди.

- Музлаб кетибсан-ку, сенга нима бўлди? – деди тўшакнинг ярмини эгаллаб ётган хотини.
- Ташқарига чикиб, молларга қараб келдим.
- Ит, қушдан омон эканми, ишқилиб?
- Омон... Аммо, уйга яқин жойда қашқир увляяпти. Увиллашидан чўчиган оқ аргумоқ қулокларини диккайтириб, олд туёғи билан ер тепиняпти, қашқа кулуннинг танаси ҳам дир-дир титрайди.
- Улар бир хатарни сезишган, милтиқ отиб, қашқирни чўчитмадингми?

- Кераги йўқ, – деди Сейилхон.
- Нега?
- Увлаган қашкир ҳеч нарсага – молгаям, одамгаям ҳужум қилмайди.
- Увлашадими, жуфтлашадими, қашқирнинг оти – қашқир! Ок арғумоқни қашкир тортиб кетса, Эрасил жигаримнинг олдида нима деган одам бўламиз?
- Бу қашкир йилқингни тортиб ҳам кетмайди, ёриб ҳам.
- Нима бало, қашкир билан келишиб, шартнома тузиб келдингми?
- Қариялардан эшитганман, увлаган қашкир молгаям, одамгаям ҳужум қилмайди.
- Ўзинг шу гапга ишонасанми?
- Ейдиган бўлса, шу пайтгача еб кетган бўларди.
- Барибир, сергак бўлган яхши-да.
- Э, еса есин-да. Йилқинигина эмас, қўрадаги кўй билан сиғирниям еб кетса майли. Қашкир яхшиликка увламайди. У бўладиган бир ёмонликни сезган. Қашкир сезган ёмонлик шулар билан кетса, рози эдим, қайтанга кувонардим ҳам. Қўшқизим – қўш қанотим. Нозгулим билан Ёзгулимнинг бошлари омон бўлсин. Ёмонлик жонга эмас, молга келиб тегса, армон не? Бола чоғимда Мингсари отам айтган бир ҳангома ёдимга тушди. Бу воеа бешинчи синфни битирган йилим юз берган эди. Ўшандада эл яйловда – Учқўнғирда бўлган. Савле, эшитиб ётибсанми? Ие, ухлаб қопсан-ку...

Сейилхоннинг гапларини тинглаб ётиб ухлаб қолган Савле тонгга якин туш кўрди. Туғишган оғаси Эрасил ўтган йили етмишга тўлганида Сейилхон иккалови совфага оқ аргумоқ миндиришган эди. Эгарланган отга миниб, бир тепаликдан ошиб, ортга қайтган Эрасил: «Бул аргумоқни Дониёrim минади», – деганди. Ўша оқ аргумоқ эгар-жабдуксиз, яйдок келиб, эшик олдида кишнаб турганмиш. Кумуш безакли, тилла суви югуртирилган юган ўртасидан қок узилганмиш. Ердачуваланиб ётган қил хивич аргумоқнинг олдинги оёкларига ўралиб қопти. Отнинг сағрисидан кипқизил қон оқяпти. Оппоқ танасидан тилим-тилим бўлиб илондай оқаётган қон от туёғидан тешиб чиқаётган эмиш.

Савле уйғониши билан тушини Сейилхонга айтиб берган эди, у:

- Кечаси ит ҳурди, қашкир увлади, уйкинг бўлинди. Шунинг таъсири бу. Бундайда, уч марта «кет фалокат, кет!» – дейиш керак.
- «Туш тулкининг тезаги», дейишади-ю... аммо юрагим ғаш. Кўкам бетобланиб қолмадимикан?
- Эроғани айтяпсанми?
- Ундан бошқа ким бўларди?
- Эроға билан кечагина сўзлашдим, соппа-соғ экан. Овози телефонда шанғиллаб туриди.

Сейилхон билан Савле гаплашганча ташқариға чиқишиди. Мол-кўрага қарашди: йилки ҳам, кўй ҳам, сигир ҳам омон, ҳаммаси бут экан. Ярим кечадан тонгтacha увлаган Кўкбўри ҳам йўқ. Яшайдиган маконига кетган бўлса керак.

– Айтдим-ку, – деди Сейилхон, увлаган қашкир молга ҳам, одамга ҳам тегинмайди деб.

– Ўша қашкиринг қўрадаги бор жонлиқни еб кеттанида яхши бўларди, – деди Савле.

– Нега ундан дейсан?

– Қашкир бекорга увламайди, бир ёмонлик бўлишини сезса, увлайди, деб ўзинг айтдинг-ку. Ўша ёмонлик молга тесса яхши бўларди, деяпманда...

– Э, сенинг ваҳиманг курсин! – деб кўл силтади Сейилхон.

– Ваҳима қилмай бўладими? – деди Савле Сейилхонга маъюс тикилиб. – Қашкир увласа, ёмонлик бўлишини мен ҳам биламан. Қарияларнинг айтишича, қашкирлар увлаган куннинг эртасига Иккинчи жаҳон уруши бошланган экан. Ашхобод, Спитак шаҳарларини ер билан яксон килган даҳшатли зилзила ҳам, Афғонистондаги ҳалигача давом этаётган уруш ҳам, Чернобиль атом станциясидаги офат ҳам қашкир увлаган кечадан бошланмаганимиди?

– Бу айтганинг рост. Шундай бўлса-да, тонг-сахардан ёмонликни чакириб, кўнгилни чўктирмайлик. Оллоҳнинг ўзи ёр бўлсин. Онда-сонда шундай бир қийинчилик бўладиган бўлса, кайга қочиб қутуласан. Кўпга келган тўй бу, деймизда. Ҷунончи, қашкир нафакат хавф-хатардан, балки яхшиликдан ҳам хабар беради, дейишади. Яхиси, эзгуликдан умид қиласлик. Айтгандай, қашкир – қозокнинг, қозокнинггина эмас, бутун туркий халқларнинг онаси ҳам.

– Кўй-э, сенам қайдаги куракда турмайдиган гапларни айтасан-да.

– Мен сенга қашқирни «она» деб бекорга айтмадим, – деди Сейилхон хотинига кулумсираб. – Шу гапимга нафақат илгак бўладиган, балки тиргак ҳам бўладиган ривоят бор.

– Қанака ривоят экан у?

– Бу воқеа одамзод Ер она билан Осмон ота орасида дастлаб умргузаронлик қилишни бошлаган ўша қадим замонларда бўлган экан. У тарих қаърида кўмилиб кетмасдан оғиздан-оғизга ўтиб, то шу бугунгача етиб келган ушбу ҳайратангиз ривоятнинг асл моҳиятини тўлик ифодалаш учун ёстиқдай китоб ёзиш керак бўлади. Бу сенинг оғанг, менинг қайноғам Эрасилнинггина кўлидан келадиган иш. Мен эса ёзувчи эмасман, шу боис мазкур ривоятнинг қисқача баёни билан чекланаман.

Кенг даштда умргузаронлик қилаётган қадим бир қабилага тун коронғисида қароқчилар хужум килиб, қаршилик кўрсатган-кўрсатмаган тирик жон борки, киличдан ўтказибди. Қирғинбарот уруш эртасига, қуёш ботиши олдида тугаб, ҳеч ким тирик қолмаганига ишонч ҳосил қилган босқинчилар ўз йўлларига кетишибди. Аммо икки қўли, икки оёғи киличда чопиб ташланган, мўйлови эндининг сабза урган ёлғиз бир бўз йигит жанг майдонида кундадай думалаб колаверибди.

Худонинг кудрати чексиз! Ўлмаган бандасига ўлик балиқ йўлиқипти, деганларидај, яйдок дашт-

да емиш илинжида изғиб юрган ёлғыз ҳайвон – урғочи қашкир оч бўлса-да, ўша ярадор жонни емалти, аксинча, унга ғамхўрлик кўрсатибди! Жароҳатини тили билан ялаб қонни тўхтатиб, ел-касидан тишлаб, кўл соҳилига олиб бориб чўмилтирибди. Кўлнинг суви жароҳатларига шифо бағишилаб, ярадор бўз йигит соғая бошлабди. Ул нотавон бечора ёмонликни одамдан, яхшиликни ҳайвондан кўрибди. Кунлар ўтиб, ўттизга чиқканда жароҳатлари тўлик битиб, соғайган ўғлон урғочи қашкирга уйланибди. Қашкир йигитдан юкли бўлган чоғда, қабилалар ўртасида яна кирғинбарот уруш бошланибди. Ўзининг жонини эмас, курсоғидаги урпогини ўйлаган урғочи қашкир горга кочиб кириб, жон саклабди. Қишининг кора совуғида очликдан силласи куриса-да, гордан чиқмабди. У шу ерда очлик ва дўзах азобларида ўнта бола туғибди. Тоқат қилиб бўлмайдиган очлик азобида ул маҳлукка сабот бағишилаган буюк туйғу – оналик туйғуси эди. Ўша нотавон банда билан урғочи қашкирдан дунёга келган ўн нафар боладан туркий халқлар таркалган экан. Биз, козоклар Кўкбўрига урпоқмиз, дейишимиз ҳам, аждодларимиз ўтмишда бўрини мұқаддас билиб, тугларида Кўкбўрини тасвирлашларида ҳам теран бир сир бор.

Ҳакикатга йўғрилган мазкур ривоятда аёл-онағагина хос бўлган чексиз меҳр ва аёлнинг буюклиги таърифланади. Аёл – ҳаёт таянчи. Умрнинг мазмуни ҳам, файзи ҳам, таровату таронаси ҳам –

аёл. Аёлсиз умр – ойсиз тун... Оламнинг калити аёлда! Аёлга Худо яратувчилик кудратини ато этган. Аёл шундай хосиятли, мукаддас, кудратли бўлгани боис ҳам сенга қарши гапирмайман, барча истакларингни бажараман.

– Вой, гапдоним-эй, – деб кулди Савле. – Гапни қадимги замоналардан айлантириб келиб, охирида менга тақадингми?

– Сенга бир хушомад килай дедим-да.

– Нимага энди?

– Остонага боришимга рози бўлишинг учун...

– Остонада нима бор экан?

– Ўтган гал айтувдим-ку, бошликлар бир ойлик семинарга юборишмоқчи деб.

– Дониёрнинг ташвишлари билан банд бўлиб, бу гап ёдимдан кўтарилибди. Аввал Дониёрнинг тўйини ўтказиб олайлик-чи, бу хақда кейин ўйлашармиз.

Эр-хотин нонуштадан кейин молларни яйловга чиқаргунларича пешин ҳам бўлди. Кундалик майда-чуйда ташвиш билан «ёруг дунё» деб аталувчи ёлғоннинг яна бир куни зувиллаб ўтди-кетди.

«Эй, Худойим-эй, ёлидан ушлатмай, ёлғонлигини сездирмай ўтиб бораётган умр-эй! Қайга бориб, қачон тўхтар экансан?!» – дея ўйлади Сейилхон. У ана шу хаёллар билан уйга кириб келганида, Савле кечки овқатга ҳозирлик кўраётган эди.

Оллоҳ таолонинг меҳри тушган икки бирдай тирик жон – мукаддас Оқбош бургут билан хосиятли Кўкбўри эса ўша кечаси бекорга безовта

бўлмаган эди. Олдинда қанотларини керагадай ке-
риб қайғули кун, ярали тун яқинлашиб келарди...

XI

Эрасил нихоят бугун тонгта яқин «Машакқатли мұхаббат» романини якунлаб, сүнгги нұктани қўйгач, елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзини енгил сезиб, «уфф» деб иш столидан турди-да, айвонга чикиб, теварак-атрофга кўз ташлади. Шаҳар ҳали уйқу оғушида, саҳар сукунатини аҳён-аҳёнда, пастдан, шоҳкўчадан ўтган машина гилдиракларининг асфалыт устида шувиллашигина бузади. У лоларанг тонг шафағида ёлқинланган Олатовнинг мошранг чўккисига тикилди. Чўкки бошидаги окиш булут «Улкан шахардаги танҳолик» романининг каҳрамони Кор-Онага жуда ўхшар экан. «Урушда ёлғиз ўғлидан жудо бўлган мотамсаро Кор-Она корли тоғлар орасида ҳамон саргардон кезиб юргандир?» деб ўйлади у. Ўша лаҳзада кўз ўнгидага каҳрамони – мотамсаро сулув Кор-Она гавдаланди. Кулоғига у айтиётган мунгли қўшиқ эшитилди:

*Фарзандим ўлиб, зам қучган,
Қайгулар ютиб, қон қусган.
Мотамсаро Кор-Онаман,
Бола ўрнига тош қучган.*

*Куйиб кетган жонимга
Маіҳам бормикин, айтинглар.
Дардларим айтсам, тушунган
Одам бормикин, айтинглар.*

Бирингга биринг ўқ отдинг,
Боламни шундан йўқотдим.
Кайғуриб, қанғиб юрарман,
Керакмас энди жаннатинг.

Ялмогиз уруши ўр-олов эди,
Юракка қайгу чертади.
Жонимни еган бу шеърим,
Мангу тузалмас дард энди.

Боламлаб она йўқлайди,
Шум уруши қачон тўхтайди?
Ёрилса яна бомбалар,
Оlam қайгудан бўзлайди.

Оқбошим кўкни қамрайди,
Урушни қуш ҳам қаргайди.
Бўлмаса уруши оламда,
Бахтсизлик ҳам бўлмайди..

Арвона бўлиб бўзлайман,
Олам дардини сўзлайман.
Йўқолгунча уруши оламда
Бўзлайвераман, тўзмайман.

У мана шу сатрларни ёзганида қаҳрамони – мотамсаро сулув Қор-Она билан бирга қайғуриб, бирга йиғлаган эди. Ўша куни кечаси тоғда паға-паға кор, шаҳарда челаклаб ёмғир ёкканини эслади. Фарзанд доғида тирик арвоҳга айланган Қор-Она билан қайғусини бўлишган Осмон-Ота Оллоҳ тао-

лонинг амри билан кўз ёшини кўл қилиб йиглади. Мотамсаро сулув Кор-Она билан Осмон-Отанинг кўз ёшлари оғир қайғуга аранг дош берган Ер-Онага сингаверди, сингаверди...

Уали телефони жиринглаб, уни хаёл оғушидан қайтарди.

– Эрасил оға, саломатмисиз? – Эрасил Ойкарамни овозидан таниди.

– Қалайсан, бўтам? Олма-отага қачон келдинг?

– Олма-отада эмас, Москвадаман.

– Э, шундайми? Овозинг нак ёнимда тургандай аниқ эшитилганидан Олма-отага келиб қолдими десам...

– Сизга суюнчи хабарни айтмоқчийдим.

– Эши таман, – деб хушёр тортди Эрасил.

– Сизни Россия Ёзувчилари уюшмаси Гумилёв номидаги олтин медаль билан тақдирлади. Биринчилардан бўлиб бу медаль ёзувчилардан Юрий Бондарёв билан Евгений Евтушенкога берилган эди, унга лойик топилган учинчи шахс сиз бўлдингиз.

– Хушхабар учун раҳмат, Ойкарам. Худо сени ёрлақасин.

Телефондаги сухбат тугаши билан гўзаллик салонига кетган Ойгул кириб келди.

– Ким билан гаплашдинг, овозинг йўлаккача эшитилиб турди.

– Москвадан Ойкарам қўнғироқ килди.

– Нима дейди у?

- Кувончли хабар айтди.
- Қандай хабар?
- Россия Ёзувчилари уюшмаси мени Гумилёв номидаги олтин медаль билан тақдирлабди.
- Табриклайман! Қутлуғ бўлсин! – деб Ойгул Эрасилнинг бетидан ўпиб қўйди.
- Сафдошларим яна шовқин соладиган бўлиши-да, – деди Эрасил маъюсланиб.
- Нима деб шовқин солишади, уларинг?
- Нима дейишлари маълум. «Чет давлат Эрасил Жақсибековга Букер мукофотини ҳам, орден, медални ҳам берди. Икки марта академикликка сайдади. Шулар етмагандай, бунисига бало бормиди?» – дейишмайдими?
- Дейишса дейишар, уларни тиланиб ёки сошиб олибсанми? Куруқ ҳasad килиб ётгандан кўра, сенга ўхшаб тинмай меҳнат қилишсин эди, – деб Ойгул хушхабардан қувониш ўрнига кўнгли гашланаётган эрига далда берган бўлди.
- «Эҳ, эсиз қозоғим-а! – ўйлади Эрасил. – Евтушенко «Россиянинг шоирлари эгиз туғилар Дан-теснинг ўки билан» – деганидай, «ҳasad» деб аталмиш қопонғич кўппак қозоқнинг ўзи билан бирга туғилиб, бирга ўсади. Ўша «ҳasad» деган серпушт ўлармон кўппак тишламаган кай яхшинг қолди, айт-чи, қани, қозоғим? Оз бўлдими ўшалардан тортган азобинг?! Энди бу касалдан қачон тузалар эканмиз? Ўзимиздан улуғимизни юқори қўя олмаган, худбинлигимиз боис ҳали-ҳамон туғишганлигу жузчилик тузоғи оёқларимизга тушов

бўлиб ўралиб юрибди. Кечаги Аvezov, Муқонов, Мусрепов, Мустафинлар қандай шахслар эди? Ўзлари ҳам, сўзлари ҳам, ишлари ҳам буюк эди уларнинг. Биз сизлардай бўлолмадик, кечиринглар, оғалар! Ортимизда бизга ишонган ҳалқ турибди. Ҳасадда куйгандан кўра ҳалқ учун ижод қилсак бўлмасмиди? Буюк оғаларимиздай бўлолмасак, улардан ўrnak олсак, улардай софдил бўлишга интилсак эди. Оғаларим, соғиндим сизларни! Ҳар гал сиз ҳакингизда ўйласам, юрак қурғур соғинчдан зиркирайди. Сизлар биздан олислаганингиз сайин тоғ каби юксалаверасиз. Сиз бизгагина эмас, комилликка эришган келгуси авлодларга ҳам кераксиз. Ҳа, ғоят соғиндим сизларни, буюк Оғаларим!..»

Ана шундай ўйлардан мутаассир бўлган Эрасил ўша кечаси анчагача ухлай олмади...

XII

Туяўркач чўккилари нозик белли кизларнинг дуррасидай оқ булутлар оғушидаги Олатов осмонга викор ила тикилади. Тоғ пойидаги чиройли Олма-ота оқ аргумокда келаётган йигитини кутаётган қайлиқдай гул-гул очилиб, ўзича ёқимли жилмаяди. Шаҳарнинг жанубий чеккасидаги Олатов билан Олма-ота оралиғидаги «Олма-ота» санаторийсининг кўркамлиги кўзни кувонтиради. Улкан отчопардай майдонни эгаллаган санаторийнинг муҳташам, кўп қаватли биносига қарама-карши томонда оқ қайин, тол-тераклар оғушидаги

ёзги түйхонанинг таровати бугун ўзгача эди. Ўтов каби доира шаклидаги ресторан түрининг тепасига чанғароқ ўрнатилган, атрофи керагалар билан ўралган. Икки томондаги столларга ёзилган ок дастурхонлар күёш нурида жилваланиб, кираверишдаги сакнинг кўш сарбозлари турган остона билан ажойиб уйғунлик юзага келган. Бу ердаги табиатнинг ороланиши, манзаранинг кўркидан кўнгил завқланади. Дониёр билан Анжеликанинг баҳт кечасига таклиф этилган икки юзга яқин меҳмонларнинг кайфиятлари кўтаринки. Оркестр Сиддик Мухаммаджоновнинг «Шодлик Ватани» куйига Курманғозининг «Олтин яйлов»ини улаб юборди.

– Бу жаннатни қандай топдингиз? – деди атрофга сукланиб қараётган «Қозок овози» газетасининг муҳаррири Жазилбек.

– Буни мен топмадим, – деди Эрасил.

– Ойгул янга топдими?

– Бу ерни Дониёр топган.

– Биз газетанинг бугунги сонида Дониёр билан Анжеликани никоҳ тўйлари билан қутладик. Иккенинг бир-бирларига караб, кулумсираб тушган турли ҳолатдаги суратлари ҳам чиройли чиқди. Газетанинг бугунги сонини кўролдингизми?

– Йўқ, кўролмадим.

– Икки юз донасини олиб келиб, тўйхонага кираверишдаги столга ёйиб қўйдик.

– Раҳмат, азизим. Сен муҳаррирлик килаётган «Қозок овози» халқ севиб ўқийдиган нашрлардан бири бўлди. Худога шукур, ҳокимият қўлламаса

хам, тендерда ютқазган бўлсаларинг ҳам адади йил сайин ортиб боряпти. Ҳаммаси яхши. Дарвоке, газетага берилиб кетиб, шоирлигинг эсдан чикмасин.

Икковларининг сұхбатини «Ёшлар келди, келин-куёв келди!» деган овоз бўлди. Овоз чиккан томонга ялт этиб қараган Эрасил тўй карвонига бошлилик қилиб келаётган оппок «Майбах» сарбонлигидаги автомобиллар санаторий қаршисидаги майдонга келиб тўхтаётганини кўрди.

– Ў, халойик, келин-куёвни тик туриб карши олайлик! – деди биринчи тўй бошловчи, куймай пишган тўқочдай қўнғир, думалоқ юз, қуюқ қош, жингалак сочли йигитча.

– Ў, ардокли оғайнилар, ёр-ёр айтишга шайланайлик! – деди иккинчи бошловчи, баланд бўй, хипча бел, озғин чехрали қиз.

Мехмонлар икки томонга ажралиб, ёр-ёр машкини бошлаб юборишди.

Тўпни ёриб икки ёш,

Келаётир, ёр-ёр!

– Қани, яна бир бор такрорлаймиз, – деди жингалак сочли бошловчи йигит.

Тўпни ёриб икки ёш,

Келаётир, ёр-ёр!

– Яхши, жуда яхши! Энди жиндай сабр қилиб, келин-куёвни кутамиз, – деди хипчабел бошловчи қиз.

Тўпланганлар келин-куёвни кутиб, жим туриб қолишли. Бошловчилар тўй машиналари келиб тўхтаган майдонга тез-тез қараб қўйишади.

Тўйга ташриф буюрган маргабали меҳмонларнинг ҳам нигоҳлари машиналар турган томонда. Ойгул: «Ёшлар нега келишмаяпти? Билайнин-чи», – деб «Майбах»га қараб югуриб кетган эди, негадир у ҳам ортига қайтмади. Яна бироз вақт ўтди. Аммо, келин-куёв кўринмади. Тўйхонадаги пашша ғинғилласа эшилгудек оғир сукунат яна бир неча дақиқага чўзилди. Келин-куёвдан эса ҳамон дарак йўқ эди. Бетокат бўлган иккала бошловчи «Майбах» автомашинаси томон югуриб кетишиди. Кўп ўтмай улар тўйхонага ранглари ўчган ҳолатда кайтиб келишиди.

– Кечирасизлар, никоҳ тўйи бугун эмас, кейин, кейин, – деди ҳалигина овози олтин косага тўкилган кумуш тангадай жаранглаб турган чумомлибел бошловчи қиз бўшашиб.

– Тўй қачон бўлиши ҳакида қўшимча равишда хабар қилинади, – деди боя кирондай шанғиллаб турган жингалак соч бошловчи йигитча журъатсизлик билан. Гўрдан чиққандай эшилган бу синик, бўғик овоз тўйга келганларнинг юрагини титратиб юборди...

Нима бўлганини билолмай гангиб қолган тўй қатнашчилари кора туннинг қора пардасига чулғаниб, тарқала бошладилар. Меҳмонлар уйларига етиб бормасидан табиат ўзининг асов феълини яна бир бор кўрсатди. Бодроқ юлдузлар чараклаган тип-тиник, зангор осмон бир зумда қозон куясидай тим кора тусга кирди. Шу аснода Жазилбек ўрдали илоннинг «у-у-у»лаб, вишиллаб, ҳуштак чалишга

ўхшаш, вахимали, тушунарсиз бир овозни эшилди. Кейин бу шовкин баҳайбат аждаҳо «ух»лагандай кучли овозга айланди. Юксак қоя атрофида айланниб учайтган тикучокнинг кучли вариллашидай номаълум шовқиндан қулоғи битиб, чакка томири лўқиллай бошлаган Жазилбек ҳайрат ва қўркинч аралаш теварак-атрофга қаради. Бир зумда атроф қалин, оқиш туманга бурканиб, ҳеч нимани қўриб бўлмай қолди. Товони тагида ер дириллаётгандай туюлди. «Ер силкинняпти чоғи?» – ўйлади Жазилбек.

Шунинг изича кўтарилган шиддатли довул ўйлида неки учрамасин хасдек учирив, ағдар-тўнтар кила бошлади. Довул тўйхона тўридаги келин-куёв учун ўрнатилган керагаларни кийратиб, тепадаги чанғароқни юлиб олиб кетди. Қора довул юлиб олган қора чанғарок думалаб бориб олдиндаги теракка карсиллаб урилиб, чилпарчин бўлди...

XIII

Дониёр билан Анжеликанинг тўйи бошланмасдан нега таркалгани ҳаммани ҳайратлантириб, турли тахмин, турлича гап-сўзларга сабаб бўлди. Олатов санаторийси қаршисидаги яшил ипакдай ялангликда тузалган тўй дастурхонидан туз татиб улгурмаган одамлар бир-бирларига сим қоқиб, нима бўлганини билишга ошиқишарди.

– Салима, тўй нега бўлмай тарқаганини билсанми?

– Билмайман, Ҳалима, билмайман. Сен мендан сўрагунча Ойгулга, Эрасилга қўнғироқ кил.

- Қилдим.
 - Улар нима дейишияпти?
 - Ҳеч қайсинаси гўшакни кўтартмаяпти.
 - Ҳамид, Суюнчбека, Куттибек билан хабарлашдингми?
 - Уларнинг ҳам соткаларига қўнғироқ қилдим. Телефонлари ишлаб турипти, аммо жавоб беришмаяпти.
 - Вой Худойим-эй, Худойим-эй... Нима бўлди экан? Ишқилиб, Дониёр билан Анжеликанинг бирорви бир фалокатга дучор бўлмаганмикан?
 - Улар омон, – деди Ҳалима.
 - Буни қайдан биласан?
 - Ўзим кўрдим.
 - Қайда кўрдинг?
 - Эҳ, Салима-ей, сенам... улар машинадан тушганларини ўз кўзим билан кўрдим. Кейин, негадир, машинага қайта ўтиришди.
 - Ойгул ҳам ўша машиналар томон кетганича ортига қайтмади. Юраги яхшимасди, ишқилиб Ойгул омон бўлсин-да, деб Худога илтижо қилиб ўтирибман.
 - Агар бирорта хабар эшитсанг, менга қўнғироқ киласан, Салима?
 - Бир нима билсанг сенам хабар қил, Ҳалима.
 - Албатта, Салима, албатта...
- Гўшакни жойига кўйгач, Ҳалимани хаёл ҳар томонга олиб кочди. «Салима Ойгулни ўйлаб, вахима қилиб ўтирибди. Эрасилнинг ҳам соғлиги яхши эмас. Ёши етмишдан ошди. Инчунин, ўтган асрда

авиаҳалокатга учраб, етмиш саккиз йўловчининг ичида ёлғиз ўзи омон колган. Ундан кейин, автомобиль авариясида тос суяги синди. Яна неча бор ажал билан юзма-юз келиб, Худо асраб, омон колганди. Ёши ўтган одам учун шунча зарбага бардош бериш осонми? Кунига бир ҳовучдан дори ютиб, қилтиллаб зўрға юрипти ўзи. Кон босими ҳам бот-бот кўтариларкан. Тўй ташвиши билан зир югуриш юрагига оғир келмадимикан? Ишқилиб, Эрасил омон бўлсин-да...»

Шу алпоздаги нохуш саволлар тўйга таклиф этилган барча меҳмонларнинг кўнглидан кечарди...

Тўйга Остонадан ташриф буюрган меҳмонлар орасида Эрасилнинг невара жияни Анварбек билан келини Маржон ҳам бор эди. Улар «Олма-ота» меҳмонхонасида эзилиб ўтира-ўтира, ниҳоят сабрлари тугагач, бир неча киши бўлиб Эрасилнинг уйига келишди. Эшикни Савле очди.

– Дониёрдан хабар борми? – деб сўради Анварбек.

– Йўқ, – деди Савле мунғайиб.

– Эрасил кўкам¹ билан Ойгул янгам қайда?

– Билмайман.

Буларнинг савол-жавобини даҳлиздаги кора телефоннинг жиринглаши бўлди.

– Тумарбекмисан? – деди гўшакни кўтарган Савле.

– Ҳа, мен, Тумарбекман.

– Қаердасан?

¹ Кўкам – оғам маъносида

- «Олма-ота» тўйхонасидаман.
- У ерда сендан бошка яна бирор-миров борми?
- Ҳеч ким йўқ, ҳамма кетиб қолди.
- Унда сен у ерда нима иш битириб юрибсан?
- Бирортасидан хабар бўлармикин деб...
- Уйга келмайсанми?
- Эрасил кўкам келдими?
- Келгани йўқ.
- Дониёрдан хабар борми?
- Хабар йўқ, таксига ўтири-да, уйга тез кел.

Савле телефон гўшагини қўйниши билан Жазилбек кириб келди. У ҳам «Дониёр қаерда, Эрасил келдими? Ойгул янгам-чи?» – деб бошқалар бераётган саволларни такрорлади.

– Бир-бирларининг кетидан югуриб чикиб кетишган оғамдан ҳам, Ойгул янгамдан ҳам, Ҳамид билан Куттибек, Равшаной, Малик, Улжон, Кулаш, Суюнчбека, менинг икки кизим Нозгул билан Ёзгуллардан ҳам хабар йўқ. Ҳеч бири телефонга жавоб бермаяпти, – деди Савле йиғламсираб.

«Ишқилиб омон бўлсин-да! Омон бўлсин. Худойим, бало-қазодан ўзинг асрагайсан!»

Ўша кечаси Дониёр билан Анжеликанинг баҳт кечасига таклиф этилган икки юз нафар меҳмоннинг ҳар бирининг кўнглидаги ягона тилак мана шу эди!..

Кўпчиликнинг қалбидаги бу яхши тилак Парвардигор даргоҳида қабул бўладими ёки бу хона-донда мусибат рўй бериб, чиркираб колишадими?..

Бу ҳали ҳеч кимга маълум эмасди. Ҳак таолонинг хукмисиз бирорта ҳас ҳам синмайди. Олдинда нима бўлиши Унгагина аён...

XIV

«Дониёр билан Анжеликанинг тўйи бошланмасдан нега тарқади? Оёқ остидан бирорта баҳтсизлик содир бўлдимилик?» – деган саволга жавоб ахтарган Жазилбек ҳам Эрасилнинг яқин кишиларидан бир нечтасига қўнғироқ қилди. Аммо улар ҳам бўлиб ўтган англашилмовчиликдан гангид ўтиришганини айтишди. Дунёда бундай мавхумликдан оғир, кутишдан машақкатли нима бор? Жазилбек қўнглидаги ғулғулани босиб, вактни ўтказиш учун телевизорни қўйди.

Зангори экраннинг миллий каналида атоқли академик билан сухбат берилаётган экан.

– Ўзингиз узоқ йиллар ишлаган тиббиёт университетидан нега кетганингизни билсак бўладими? – деб сўради манглайида карчиғайнинг кўзидаи қора холи бор, сийнадор, сулув сухандон қиз ингичка кошларини кериб.

– Кетганим сабаби, – деди қуюқ сочи кумушдай ок, чакмок тошдай кичик, озгин гавдали, карчиғайдай чапдаст академик кўрсаткич бармоғининг уни билан бурни устидан кўзойнагини босиб қўйгач, – университетда йўл қўйилаётган конунсизликлар билан келишолмадим.

– Айнан қандай конунсизликларга йўл қўйилмоқда?

– Уларнинг барчасини санаб ўтиrmай, энг асосийсини айтайин. Бошка ўкув юртларида ахвол қандайлигини билмадим-у, бизнинг университетда талабалар ўкишмайди, дипломни сотиб олишади.

– Ҳаммасими?

– Деярли ҳаммаси.

– Буни батафсилроқ изоҳлаб ўтсангиз.

– Ҳозирда барча олий ўкув юртларида, жумладан, бизнинг Тиббиёт университетида ҳам талабалар пул тўлаб ўкишади. Бўлажак шифокорлар ўкишга тўланадиган пулни топиш учун кундузлари ишлашади. Шу боисдан, улар кундузги маърузаларга келолмайди.

– Унда зачётларни қандай олишади, имтиҳонларни қандай топширишади? – деди ҳайратини яширолмаган муҳбир киз кафтини ёйиб.

– Домлаларга пул беришади.

– Домлалар пулни олишадими?

– Олганда қандоқ!

– Ҳаммаси олишадими?

– Порадан ҳазар килганларни кўрмадим.

– Сиз ҳам талабалардан пора олганмисиз?

– Худо асрасин! – сесканиб тушди академик. – Инсон хаётига зомин бўладиган ҳаром акчани олиб, Яратганинг олдида гунохга ботишни истамайман.

– Кўпдан ажраб, кўзга ёмон кўринмайсизми?

– Ёмон кўринганда қандоқ, мендай ёпишмаган ямокни ким ҳам ёқтиради, дейсиз. Афсуски, мендай ўйловчилар жуда оз, бармок билан санарли дарражада кам...

– Бундай қонунсизликка чек кўйса бўладими? – деб сўради аҳволдан мутаассир бўлган сұхандон қиз.

– Бўлади!

Боядан бери охиста галириб ўтирган академик-нинг овози тоғ киронининг қийқириғидай жаранг-лаб эшитилди.

– Бўлади! – яна такрорлади академик.

– Қандай килиб? – кўзлари чақнаб сўради мухбир қиз.

– Эл корига керакли бўлган мутахассисларни тайёрловчи олий ўкув юртларида, албатта, биринчи галда, тиббиёт олийгоҳларида таълим бепул бўлиши ҳамда улар хусусийлаштирилмаслиги шарт!

– Бозор иктисади буни кўтарармикан?

– Иктисад, иктисад деб, энди одамларни ажалидан олдин ўлдиришимиз керакми?! – дея академик мухбир қизга қарши кескин савол берди.

– Нега ундей дейсиз?

– Мана шу хусусийлаштиришнинг оқибатида рўй берган, тепа сочни тикка киладиган бир во-кеани айтаман.

– Айтинг.

– Манави Олатов ёнбағридаги «Олма-ота» санаторийсининг якинида «Приват» номли клиника бор. Ўша клиника давлат тасарруфидаги энг яхши шифохоналардан бири эди. Курукбоев деган кимса уни хусусийлаштириб олгач, адойи тамом қилди. Адойи тамом бўлиши шундан бошландики, у ерда

ишилаётган малакали шифокорлар билан билимли мутахассислар ҳар томонга таркалиб кетишиди.

– Сабаб?

– Сабаби, клиниканинг янги эгаси штатларни қисқартириб, меҳнат ҳакини икки баравар камайтирди. Ишдан кетган малакали шифокорлар ўрнини, сұхбатимиз бошида айтганим, дипломни сотиб олган, табобат илмидан бехабар кимсалар эгаллашди.

– Чиндан даҳшат-ку, бу!

– Даҳшатнинг кўкаси шундаки, гап – бу ердаги кардиограммани ўқий олмайдиган оқ халатли дўхтирсимокларнинг қанчалаб одамларни ажалидан бурун нариги дунёга равона қилаётганларида! Улар нечта одамнинг бошига етгани Яратгангагина аён!

– Табобат соҳасида яна қандай ҳал қилинмаса бўлмайдиган муаммолар бор?

– Ў, муаммо деганлари бошдаги сочингиздан кўп, бижғиб ётибди!

– Ўшаларнинг энг асосийсини саралаб, айтиб ўтсангиз.

– Саралабайтиш керак бўлса, – академикасабий-лашганиданми кўзойнагини ёчиб, қайта кийди, – манов «тендер» деганлари ҳалқ бошига битган бало бўлди.

– Нега?

– Ўзингизга маълум, Қозогистонда дори-дармон деярли ишлаб чиқарилмайди. Ўзимизда йўқни ўзгалардан тендер орқали сотиб оламиз. Тендер-

нинг коидаси – энг арzonни олиш. Энди, дорининг энг арzonи секин портловчи минанинг ўзи. Эртами, кечми, бу мина, албатта, портлайди. Тендер орқали арzonга олинаётган сифатсиз, аксарият холларда, муддати ўтган дорилар қанчалаб инсонларнинг умрига зомин бўляпти! Бунга қўшимча килиб, табобатдан бехабар, дипломни сотиб олувчи кимсалардан озурда бўлган, жабр кўрганларчи! Кейинги пайтларда фуқароларнинг шифокорлар билан судлашишлари бежиз бўлмаётган бўлса керак. Шунингдек, дорининг рецептсиз сотилишидан ҳам халқ кўп жабр чекмокда. Ривожланган мамлакатларда дори-дармонни рецептсиз сотиш деган тушунчанинг ўзи йўк. Бу ҳолат факат Африка ҳамда МДХ давлатларида сакланиб қолмоқда.

– Сиз академик, профессор унвонларига эга, халқ орасида ҳурмат-эътиборга сазовор таникли арбобсиз. Ушбу муаммоларни айтиб, юкоридагиларни огоҳлантирмадингизми?

– Сиз огоҳлантиришни айтасиз, менинг бу борада ноғора қокканим қачон эди. Юкоридагиларда буларни эшитишга кулоқ ҳам, хоҳиш ҳам йўк!

– Афсус, – деб бош чайқади мухбир қиз.

– Афсус дейишдан бошқа чорамиз йўк. Айтишдан бошқа, ёзишдан бошқа нимаям келарди менинг кўлимдан? – деб кафтларини ёйди академик.

– Бугунги кундаги энг мухим, энг долзарб бир қанча муаммолар ҳакидаги кўпчиликни ўйлан-

тирадиган мазмунли сұхбатингиз учун сизга катта рахмат! Шу билан бизга ажратилған вакт нихоясига етди...

Сұхбатни тинглаб ўтирган Жазилбекнинг юраги ортга торғиб, ваҳимадан ранги ўчди: «Тиббиётимиз шунчалик танг ҳолатга тушиб қолдими?! Соғлиғимиз посбонлари – шифокорларнинг савияси шу бўлса, биз қандай яшаймиз энди?! Бу гаплар даҳшат-ку, даҳшат!...»

XV

Дониёр болалигидан буён зикнафас касалидан озор чекарди. Аммо, кейинги йилларда анча соғайиб, дарддан аригандай ҳам бўлувди: онда сонда нафас сиқишини айтмаганда, умуман, хавотирга асос йўқ эди. Шундай бўлса-да, «сақлангани сақларман» деганларидай, у bemорлар «пишиш» дейдиган аппарат – ингаляторни доим ёнида олиб юрарди. Бугун шошилинчда ингалятори уйда колган экан, йўлда биринчи учраган дорихонадан янгисини сотиб олди. «Майбах» бошчилигидаги ўн чоғли автомобиль «Олатов» санаторийсининг олдига келиб тўхтаган онда, у лоҳаслана бошлади.

– Данчик, рангинг ўчиб боряпти, бетобланниб қолмадингми? – хавотирланиб сўради ёнида ўтирган қайлиги.

- Бироз, – деди Дониёр.
- «Тез ёрдам» чакирайми?
- Кераги йўқ, хозир ўтиб кетади. Одамларни куттирмайлик.

- Рангинг окариб кетибди...
- Нафасим жиндай сикяпти. Ташқарига чиқай-лик-чи...

Улар машинадан пастта тушишса ҳам, нафас сикиши ўтиб кетмади. Дониёр йўлдан олган ингаляторни оғзига тутиб, тутмачасини босди. Аммо, янги аппарат пишилламади. Дониёр жон ҳолатда тутмачани қайта-қайта босса ҳам ингалятордан нажотбахш буғли дори чиқмади: ингалятор эски эди. Нафаси бўғилиб, жон талвасасига туша бошлаган Дониёрни куёвнавкарлар карвондаги «Жип»лардан бирига ўтказиб, санаторийга яқин шифохонага олиб кетиши.

Автомашиналар тўхтаган майдонга биринчи бўлиб халлослаб етиб келган Ойгул «Майбах»нинг эшигини очиб, унда Дониёр ҳам, Анжелика ҳам йўклигидан ҳайратланиб:

- Келин-куёв қани?! – деб сўради нарироқда ҳурпайишиб турган қиз-йигитлардан.
- Уларни касалхонага олиб кетиши!
- Кимнинг мазаси қочди?! Ким касал?!
- Дониёр!
- Қайси касалхонага кетиши? Ёнларида ким бор?! – бўғилгудай бўлиб сўради Ойгул бир ёмонликни сезганидан юраги оғзига тикилиб.
- Энг яқин касалхонага борамиз, дейишди...
- Энг якини қайси?
- Унисини билмадик.
- Мени касалхонага ким олиб боради?

– Мен оборай, – деди түдадан чеккарокда турған йигит.

– Кетдик унда!

Жойидан охиста қўзғалган оқ «Жип» майдондан катта йўлга чиқа солиб, елдек учиб жўнади.

– Опа, қайга борамиз? – деди рулдаги йигит.

– Тўғрига босавер. Йўлда учраганлардан энг яқин касалхона қаердалигини сўраймиз.

Биринчи учраган икки киши сўровга жўнли жавоб беришолмади. Учинчи киши хайдовчига йўналишни батафсил тушунтирди:

– Мана шу кўчадан тўғрига юриб, икки кварталдан кейин ўнгга бурил. Кейин уч квартал юргин-да, сўнг икки светофордан ўтиб, учинчисида тўхтайсан. Бу атрофда энг яқин шифохона ўша ерда, йўлнинг ўнг тарафида. Икки қаватли кулранг бино.

– Амбулаториями, касалхонами у?

– Поликлиника бўлса керак.

– Номи нима унинг?

– Номини ит билибдими?

Ойгул поликлиникага етиб келганида Дониёр кафель полда кип-яланғоч ётарди. Эшикдан кираётганида хушидан кетиб йиқилиб, конга беланибди. Келинлик оқ кўйлагига қон сачраган Анжелика Дониёрнинг бўйнидан қучганича, уввос солиб йиғлар, уларнинг тепасида бетига бўжама тошган оқ халатли ёш аёл икки қўли халатининг чўнтагида, бўзрайиб туради.

– Дүхтир сенмисан? – сўради Ойгул титрогини аранг босиб.

– Ҳа.

– Бу бола астма-ку, укол қилмайсанми?

– Қилдим.

– Қилсанг нега ўрнидан туриб кетмай ётибди?

– Откуда мне знать?

– Нима укол қилувдинг?

– Адреналин.

– Адреналин?! Эуфиллин қилмадингми?

– Не учите меня, я сама знаю нима қилиш кераклигини!

Бўжамабет аёл саркашлиқ қилиб, гапга кўнмай турганида Эрасил билан Равшаной ҳансираф кириб келишди.

– Анжела, сен Дониёрни қучоклаб, бўйнидан кисма, нафас олиши баттар кийинлашади. Нарироқ тур, қани, нарироқ, – деб Равшаной уларни ажратишга киришди.

– Дониёрни зудлик билан шаҳар касалхонасига етказиш керак! – деди Ойгул.

– Бунга рухсат бермайман! – деди бўжамабет аёл кошларини кериб.

– Сендан рухсат сўраб ўтиришга фурсат йўқ! Мана бу эшик олдидаги «Тез ёрдам» машинасида болани зудлик билан шаҳар касалхонасига етказишимиз керак. Қани, Куттибек, Жонпўлат, кўтаринглар Дониёрни! – қатъият билан буюрди Ойгул...

XVI

«Тез ёрдам» машинасида шаҳар касалхонасига зудлик билан етказилган Дониёрни тўрт нафар шифокор кутиб олди. Ҳалигина Малик йўлда келаётуб, бош шифокорга қўл телефонидан кўнғирок килган эди:

- Кудамни боласининг ҳаёти қил устида. Уни «Тез ёрдам»да шифохонангизга олиб кетяпти. Ўзингиз бош бўлиб, унга энг тажрибали шифокорлар ёрдам кўрсатишсин. Ёрдам беринг, ўтинаман!
- Кудангиз Эрасил Жақсибековми?
- Ҳа.
- Ҳавотирланманг, барча чораларни кўраман.

Мана шу кўнғироқдан кейин шошилинч етиб келган бош шифокор ташқарида турган Дониёрнинг якинлари билан саломлашмасдан, ҳаллослаганча ичкарига кириб кетди. Жони тирногининг учига келган Ойгул у ёқдан-бу ёққа юриб, «Дониёrimнинг ҳаётини асрагин-да!» деб тинмай Худога ёлвормоқда эди...

Дониёрга омонлик тилаб ташқарида тургандарнинг ичида ёши етмишдан ошган Олтин исмли кампир ҳам бўлиб, унга бу дунёда Дониёрдан якинрок, Дониёрдан азизроқ инсон йўқ эди. Шу дамларда сўнгги тўрт йил мобайнида бошидан кечганлари кампирнинг кўз ўнгидан ипга тизилган маржондай бир-бир ўтарди...

У новча бўй, юзи фариштали йигитни «дом» нинг оркасидаги ҳовлида узокдан кўриб юарди.

Бир куни кампир бозордан ҳориб келиб, ҳовлидаги ўриндикда ўтирганида, Дониёр унинг ёнига келиб:

– Аже,¹ соғлик қалай? – деб худди туғишганидай сўрашди.

– Шукур.

– Сиз шу уйда турасиз-а?

– Ҳув аnavи энг четки йўлакнинг тўққизинчи каватида тураман, болам.

– Лифт ишляяптими?

– Ҳозирча ишлаб турибди. Ўтган ойда бир хафта ишламай қолувди, ташқарига чиқолмадим. Бозорга боришга ҳам ҳолим кемай, оч қолдим. Ке, ўтирсанг-чи, ўтир, болам, – деб ўриндикда сурлиб, унга жой бўшатди.

– Бозорга нега сиз борасиз, бошқа борадиган одам йўкми? – деб сўради Дониёр кампирнинг ёнига чўкаётиб.

– Йўқ бўлгандан кейин ҳаммасига ўзим югураман-да. Яқинларимнинг барчаси вафот этган, сўкқабош кампирман. Бироз дам олдим, коронги тушмасидан уйимга чиқиб олай, – деди кампир ергаги қопчикни ушлаб ўрнидан аранг турар экан. – Кўз тўйса-да, кўнгил тўймайди, деганлари шу-да, бир хафтага етадиган нарсани олиб, энди буни кўтарам молга ўхшаб кўтаролмаяпман. Уҳ, белим-эй, белим ҳам оғриб турганди бугун.

– Нега дўконга эмас, бозорга борасиз? Бозордан кўра, дўкон якин-ку.

¹ А же – момо, буви деган маъноларда

– Бозор дўконга қараганда анча арzon.

– Буви, халтани менга беринг, мен кўтарай.

Дониёр шундай деди-да, кичкина хитой копчикни сўл қўлига олиб, ўнг қўли билан кампирни кўлтиқлаб, тўқсон олти хонадонли бинонинг энг охирги йўлаги томон юрди.

– Буви, калитни беринг, эшикни очаман, – деди у тўққизинчи қаватга кўтарилгач.

– Калит йўқ, болам, йўқотиб қўйганман.

– Унда калит ясатиб берай.

– Кераги йўқ.

– Нега?

– Ўғрилардан қўркмайман. Бу уйда уларнинг қўлига илинадиган ҳеч вақо йўқ... Болам, ўтири, чой қўяман, – деди кампир уйга киришгач.

– Раҳмат, аже! Келаси сафар ичарман.

– Бир хонали бошпанам мана шу. Қурқилтойнинг уясидайгина ўзи. Вақтинг бўлганида келиб тур. Мен таомни жуда мазали қилиб пишираман. Кўлимдан шундан бошка ҳеч нима келмайди. Сенга сомса пишириб бераман.

– Раҳмат, аже! Мен мана шу уйнинг биринчи йўлагида тураман. Учинчи қаватга кўтарилганда, ўнг томондаги эшик.

– Биламан, сиртингдан кўриб юрибман. Академикларнинг ўғлисан-да.

– Бу менинг координатларим, – деб карточкасини кампирга берди. – Керак бўлсам, телефон киларсиз. Ўзим ҳам келиб тураман.

– Раҳмат, болам! Барака топгин!

Шундан сўнг Дониёр Дўстлик шоҳкўчасидаги киркинчи уйнинг тўксон олтинчи хонадонидан ҳафтасига икки марта хабар олишни одат килиб олди. Ҳар сафар қурук келмайди. Бирда қаҳвахонадан иссик таом, бирда мева-чева дегандай кўтаришиб...

– Болам-ов, ҳар гал бир нима кўтариб келмасанг бўлмайдими? – дерди унга кампир.

– Сиз дўконга югураверманг, керакли нарсаларни ўзим етказиб тураман, – дейди унга Дониёр.

– Кўп овора бўлаверма, болам. Ҳозирча юришга яраб турибман...

...Ишклиб, шу бола ҳафта сайин иссик овкат, мева кўтариб келарди. 2011 йили, бир келганида каттиқ бетоб эдим.

– Буви, нега ётибсиз? – деб сўради Дониёр.

– Бетобланиб колдим, – дедим мен.

– «Тез ёрдам» чакирмадингизми?

– Йўқ.

– Нега?

– Телефонга етишга ҳол йўқ.

Шу гапдан кейин Дониёр мени кўтариб олди-да, машинасига ўтказиб, Жондўсов кўчасидаги шаҳар касалхонасига обориб ёткизди. Касалхонада ўн кун даволандим. Дониёр кун сайин дори-дармон, ичимликлар, мева-чева кўтариб келиб, холимдан хабар оларди. Касалхонадан чиққанимдан кейин ҳам, оёқка туриб кетгунимча йўқлаб турди.

Ҳар ким – сийлаганнинг қули. Бу болага совға ҳозирлагим келди. Аммо, бунга менда пул ҳам йўқ.

Нафакам квартира ҳаки билан нон-чойгагина аранг етади. Энди нима қилмок керак? Нари ўйлаб, бери ўйлаб, бунинг ҳам йўлини топдим. Аввал солдирган тилла тишларимни олдириб сотдим-да, Дониёрга тилла билагузук совға қилдим. У совғани кўнглимдан ўтолмай, қийнала-қийнала олди.

Дониёр келган сайин унга атаб пиширган ширин тўқоч¹ни оғзига тутаман. Чой дамлаб бераман. Қўлимдан бундан бошқа нимаям келарди? У мен билан бирга чой ичиб ўтириб, кўнглимни кўтарадиган ҳангомалар айтади. «Аже, қалайсиз?» деб Дониёр уйга кириб келганида, назаримда туғилган юртим, бутун Атирау кўчиб келгандай бўларди.

Хозир одамларнинг кўнгли кирлаб, замон бузилган пайт. Айрим имонсизлар имконияти бўла туриб, ўзининг тукқан онасини қариялар уйига топшираётган бир пайтда Дониёрнинг мендай бир бегона ғарибни кафтида кўтариб, эъзозлаши одамгарчиликнинг юксак намунаси эмасми?! Афсус, бундай асл йигитлар оз-да, аттанг! Икки дунёда ҳам розиман сендан, Дониёр!

Манов касалхонадан соғайиб чиқишингни бор ихлос билан юрагимдан тилайман. Яратган эгам, сенга ёлвораман, Дониёрни ўзинг асррагайсан. Жон керак бўлса, менинг жонимни ол!

* * *

– Бош шифокор ҳаяллаб колди, нега бирор хабар айтмайди? – деди Ойгул токатсизланиб.

¹ Тўқоч – катта бўғирсок

– «Йўловчи кечикса – кут, тез келса – ют», демаганмиди қариялар, – деди Малик. – Сабр, Ойгул Акжоновна. Суюнчи хабар айтиб қолар, сал кутайлик. Сал кутайлик.

Шу пайт Равшаной:

– Бундан ортиқ кутишга чидаб бўлмайди, – деди. – Юр, бош шифокорга ўзимиз кирайлик. У билан сенгина гаплаша оласан. Юр, Малик, юр.

У шундай деб турмуш ўртоғини етаклаб ичкарига киришганида, бош шифокор йўлакда уларга юзма-юз келди.

– Дониёрнинг аҳволи қалай? – деди Равшаной.

– «Приват»га борганинглар хато бўлибди.

Унда... – деб бош шифокор гапидан тўхтаб қолди.

– У ердаги шароитни ўз кўзимиз билан кўрдик. Дониёрнинг аҳволи қалай? Худо ҳаки, тўғрисини айтинг! – деди Равшаной йиғламсираб.

– Бизга кеч келдинглар, ке-е-ч... Сал эртарок етганда... кечир...инглар, – деди бош шифокор кўзлари ёшга тўлиб.

Бош шифокорни кўргандаёқ, афтига қараб, бир ёмонликни кўнгли сезган Равшаной бу гапдан кейин ўзини тутолмай ҳўнграб юборди. У бўзлаган кўйи ташқарига отилиб чиқиб, Ойгулни кучоклаб олди. Равшанойнинг изидан чиқкан Малик одамлар тўдаси ўртасида турган Эрасилга яқинлашаётганида, у:

– Нима бўлди, боврим¹, гапирсанг-чи?! – деди овози титраб.

¹ Боврим – азизим, кадрдоним деган маъноларда

– Бардошли бўл, боврим, бардошли бўл! – дёлди Малик.

– Нима, нима дединг? Данчигим... наҳотки... – деганича гавдаси бир томонга оғаётган Эрасилни Малик маҳкам кучоклаб олди.

– Эй Худо, Худойим-эй... Дониёrimда ниманг бор эди?! Уни олгунча мени жонимни олсанг бўлмасмиди?! – деб Олтин кампир фарёд уриб юборди.

Савле бошлаб, бошка аёллар жўр бўлган йигидан, «жигарим»лаган йўқловлардан, эркакларнинг йигисидан касалхона ҳовлиси бир зумда кий-чувга тўлди.

Ойгул билан Эрасил ҳушсиз эди...

Дониёр ербешикка беланганд куни, айни пешин чоғи кўкда қуёш тутилди...

XVII

Дониёр вафот этган куннинг эртасига ҳамдардлик билдиргани келган одамлар уйга сигмай, кўп қаватли бинонинг ҳовлисида тўп-тўп бўлиб туришарди. Ўша куни яқин-йироқдаги барча қариндош-уруғлару ёр-биродарлар ҳам Олма-отага зудлик билан етиб келишди. Биринчилардан бўлиб Остонадан етиб келган Қозоғистоннинг тўнғич фазогири Тўхтар Аубакиров Эрасил билан Ойгулга ҳамдардлик билдириб, бироз ўтириб нафас ростлаган бўлди. Гап Дониёрни сўнгги сафарга кузатиш масаласига кўчди.

– Зилиха Юнусовна, Дониёrimning мангу масканига яхшироқ ер беринглар, – деди Эрасил ўнг тарафида ўтирган шаҳар ҳокимининг муовинига мурожаат қилиб. – Шунингдек, ўша хилхонага учта қабр сиғадиган бўлсин. Оллоҳдан амр бўлган куни онаси иккаламиз Дониёrimизнинг икки томонига бориб ётамиз.

– Ўзингларга маълум, «Кенгсой-1» қабристони анча илгари ёпилган. «Кенгсой-2»ни ҳам ёпдик, энди яқинда «Кенгсой-3»ни очдик, Эрасил оға, сиз довруғи олисларга етган, юртимизга меҳнати синган ардоқли арбобсиз. Дониёringизга «Кенгсой-2» дан бир кишилик жой топамиз, аммо уч кишилик оиласвий хилхонага ер топишимиз қийин, – деди Зилиха Юнусовна.

– Биз, Абен икковимиз бугун тонгда туриб, «Кенгсой-2»ни бошдан охиригача кезиб чиқдик. Шундай жой бор экан, – деб гапга аралашди Ҳамид.

– У жой шаҳар ҳокимлиги ихтиёрида эканмикин? – деди Зилиха Юнусовна.

– Шаҳар ҳокимлиги ихтиёридан ташкари ҳам ер бўладими? – деб ажабланди фазогир Тўхтар Аубакиров.

– Бор, – деди Абен. – Баъзи устомонлар қабристондаги машинада етиб борса бўладиган қулай ерларни аввалдан сотиб олишган. Вактида сувтекинга олинган ерларни бугун ўн баробар қимматига ҳам сотишмоқда.

– Үндай сотиб олинган хусусий хилхоналарга ҳокимиятнинг ҳукми ўтмайди, – деди Зилиха.

– Эй Худо, бу қандай шармандалик?! – деди Анварбек алам билан.

– Олма-ота ҳокими қайда? – сўради Тўхтар Зилихадан.

– Ансар Сарсеновичга хабар бердик. Ҳозир у киши шаҳарда эмаслар. «Эртага ўзим кириб чиқарман. Бугун сен бориб, нимаики зарур бўлган ёрдамни кўрсат», деб менга топшириқ берганлар, – деди Зилиха.

– Энг катта ёрдам, ер эмасми? Ўшани ҳал қилиб беринг. Бошка ишларни ўзимиз улдалаймиз, – деди Ҳамид.

– Зилиха, Тўхтар, юринглар, Кенгсойга бориб, хилхона масаласини ўша ерда ҳал қилайлик, – деди Эрасил. – Ҳамид, сен олдинги машинага ўтириб йўл бошла.

Ҳамид бошлаган гурухни «Кенгсой-2»да кабристон директори Максуд кутиб олди. Ҳамид уйдан чиқаётганларида Эрасилга «Абен икковимиз танлаган ерга олиб бораман. Ўша ерни талаб қил. Бошка гапларга рози бўлма!» – деб тайинланган эди.

– Биз танлаган ер мана шу, – деди Ҳамид Кўктепа адирининг юксакдаги бир майдонига келиб тўхташганида.

– Учта қабр бемалол сиғар экан. Менга шу ер маъкул, – деди Эрасил теварак-атрофга назар ташлаб. – Манави тепаликнинг ён томони ясси экан. Бу ерга олиб келувчи йўл ҳам яхши. Қишида ҳам сирғанмай келса бўлади.

– Сен нима дейсан? – дея Зилиха Максудга ияк қоқди.

– Бу ерга туташ жойда яна икки ер бор. Ўшани кўринглар, – деди у кўкиш кўзлари йилтиллаб. – У ер ҳам қулай.

– Унда бошла ўша ерга, – деди Зилиха.

– Менга шу ер маъкул! – деди Эрасил эътирозга ўрин қўймайдиган оҳангда.

– Бу ер бизнинг тасарруфдами? – деб сўради Зилиха Максуддан. – Эртага сотиб олган бирортаси бу менинг хусусий хилхонам, деб даъво қилиб келмайдими?

– Бошка ернинг кераги йўқ. Фақат мана шу ер, – деб оёқ тираб туриб олди Эрасил уйдан чикишда Ҳамид тайинлаган гап ёдига тушиб.

– Бу нимаси?! – деб гапни чўрт кесди Тўхтар Аубакиров. – Шаҳар ҳокимлиги бу масалани ечолмаса мен ҳозироқ Президентга қўнғироқ қиласман. Эрасил оғага берилмаган ерни кимга берасанлар?!

– Сен нега довдираб, бир ечимга келолмаяпсан?! – Максуддан зарда билан сўради Зилиха. – Бўпти, шу ерни берамиз! Барча масъулиятни ўз зиммамга оламан.

– Ўзингиз биласиз. Сиз нима десангиз шу, – деб бош силкиди Максуд.

– Ундей бўлса, кетдик, – деди Эрасил.

Улар қабристондан қайтиб келганларида кўп қаватли бинонинг ҳовлиси одам билан янада гавжумлашган эди. Эрасил машинадан тушиши биланоқ, Ёзувчилар уюшмасининг бошчилари

Нуржон Ўймаут билан Салим Жондўсов икковла-
ри уни бағирларига босиб, «Бардам бўл, бардам
бўл!» дейишиди

Одамлар довулли кундаги денгиздай чайқалиб,
бўронли кундай гувуллашарди...

XVIII

Авваллари эрталаб соат ўнгача ухлайди-
ган Эрасил бугун саҳарда уйғониб кетди. Кеча
оқшом кеч ётса-да, анча вақтгача кўзи илинма-
ди. Каравот қаршисидаги соат мили тонгги олти-
ни кўрсатмокда. Кийиниб, айвонга чиқкан онда,
зувиллаб етиб келган бир гуруҳ полициячилар
ховлида турган енгил машиналар-у, уларнинг эга-
ларини гапиргани ҳам кўймасдан, хаш-паш дегун-
ча ташқарига қувиб чиқаришиди. Полициячиларни
погони йирик кўш юлдузли подполковник бошлаб
келибди. Юзи таниш ҳокимият ходимлари, шаҳар
ҳокимининг муовини Зилиха Юнусовна атрофида
чир айланишади. Яна бир гуруҳ хизматчилар кенг
ховлига сув сепиб, бирпасда ойнадай яркиратиб,
супуриб чикишиди.

– Мен Ансар Сарсеновични кутиб оламан. У
киши келганида ҳаммаларинг дарвоза ташқарисига
чикиб туринглар, – деди Зилиха машинаси томон
юрар экан. Зилиханинг ёрдамчиси изидан пилди-
раб бораётган олакўз, пакана йигитча уларни айла-
ниб ўтди-да, бориб машина эшигини очди.

– Ансар Сарсенович соат тўққизда келади. Ун-
гача ховлига киравериш йўлни, йўлакни тозалаб

кўйинглар, – деди Зилиха изидан соядай эргашиб, хар бир сўзни бош ликиллатиб тинглаб бораётган узуноёқ, жингалаксоч йигитга.

– Бундан ташвишланманг, Зилиха Юнусовна. Ҳаммасини қотирамиз, – деди жингалаксоч йигитча сўна қўнган йилқидай бошини қайта-қайта ирғаб.

Эрасил йигитни энди таниди: бу йигит Зилиха Юнусовнанинг ёрдамчиси Жапалок Жонпейисов эди. Тунов куни ҳокимиятда кўрганди. Зилиха Юнусовнанинг қабулига келган отаси тенгти одамларни бир жойга қўйдай тўплаб, тўрда турганича манмансираб сўзлаганди. Бугун мулла минган эшакдай ювошланиб қолибди. Буларми, булар... Бундайлар ҳали бундан-да олисга боришиди. Бошликларнинг товонини ялаб, кетига пахта қўйиб кун кўрувчи ювинидхўр малайларни бошқа ривожланган мамлакатларда кундуз куни чирок ёкиб ҳам тополмайсан...

Ёрдамчи билан ёнма-ён югурган олакўз йигитча Зилихага машина эшигини очиб, тавозеланиб турди. «Бирорга бирорвонинг кунини қаратиб қўйган алдамчи, бёвафо, ёлғон дунё-ей! Шу йўсин шошилиб, талвасага тушиб юрганимизда умр деганлари кўз очиб юмгунча бўлмай ўтади-кетади экан. Бизнинг авлод конга сингган мутеликдан кутулолмади. Бу сурункали касаллик, ишқилиб менинг Донишимиининг тенгдошларига ҳам юқмасинда. Агар уйкудан уйғонган баҳайбат аждаҳо – Хитой бизни комига тортиб юбормаса ёки турли

башораттгўйлар айтиб юрган охирзамон бўлмаса, яна йигирма-ўттиз йил дунё омон турса, бугун йигирманинг у ёқ-бу ёғидаги Дониёrimning тенгдошлари козокнинг кўксини кўтариб, юртни жаннатга айлантиришларига ишонаман. Тарихнинг довуллари билан ёғинларида, сели билан елида, дарди билан ўтида йўкотганларимизнинг ўринини тўлдиришади улар. Халқда йўкни йўклайдиган ҳам, элнинг вактида кўлдан кетган ҳакини қайта ундирадиганлар ҳам ўшалар. Биз уддалай олмаган буюк ишларни мана шу авлод – Дониёrimning тенгдошлари – Мустакиллик фарзандлари уддалашади. Бугун қашқалдокнинг қонидай камёб, миллатни жонидан ортиқ кўрадиган элсевар, халқпарвар давлат арбоблари ҳам мана шу авлоддан етишиб чиқади. Бунга ишончим комил. Эй кудрати чексиз Оллоҳ, козоғимни ана шу бахтга мушарраф қилгайсан. Эй бевафо ёлғон дунё-ей, ушалмаган армонлар-эй! Дониёrim омон бўлганида, ўша шункор қанотлиларнинг тулпор тўпини бошлаб юрмасмиди?! Илм ўкиб билгунича тиниб-тинчимаган, дунё кезиб кўргунича роҳат излаб ётмаган Донишимиnинг орзулари ҳам кўп эди, келажаги ҳам ёруғ эди. Одамзоднинг душмани – ажал отли разил кулунимни қирчинидан кийди-я...»

Эрасилнинг оч ичакдай чувалашган ғуссоли ўйларини: «Вой жигарим-эй! Дониёrim-эй, кулуним-эй, юлуним-эй, бўтам-эй!..» – деб эшикдан бўзлаб кирган аёлнинг овози бўлди.

Бу касалхонада бўлиб, тўйга келолмаган Жумагул эди.

У йўклов айта туриб, аввал Ойгул билан кучоқлашиб кўришди:

*Дониёрим, жон бўтам!
Йиқилдингми, қулуним,
Бўйнимдаги юлуним,
Мингдан ўзган чаққоним,
Суюклигим, армоним,
Бўзлатдинг-ку, полвоним,
Бул қайгуни кўргунча,
Чиқсин эди бул жоним...*

— Бас энди. Йиғлайверма, Ойгулни толиктирма,— деб Малик уни юпатмокчи бўлди. Аммо Жумагул уни тинглайдиган ҳолатда эмасди. Бўзлаганда эта-ги ёшга тўлиб, фарёд чекиб, йўклов айтарди:

*Дониёрим, жигарим!
Фариштадай пок эдинг,
Халқингга бўлган меҳринг
Қайноқ эди, чўғ эди.
Комил эдинг, чўнг эдинг,
Ёш донишманд сен эдинг,
Халқнинг гамин ер эдинг,
Подшо билан тенг эдинг,
Озод қозоқ элининг
Келажаги дер эдим.*

— Бу энди тўхтамайди, муллака, тиловат килинг,— деди Сейилхон.

Калта ғўладай йўғон, чехраси оқ-сариқдан кел-ган Шаштой гавдасини тик тутганича, оқ аралаган

соқолини йўғон, калта бармоклари билан силаб, фотиха сурасини ўқигач, дуога қўл очди:

– Эй карами кенг Оллоҳим, мана шу ўқиган Куръон сурасидан ҳосил бўлган савобни пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга, жамики пайғамбарларга, саҳобаларга, авлиёю анбиёларга, шаҳидларга, шайхларга, дунёдан ўтган барча мусулмонларга... – деб мулла тўхтади-да, ёнидагилардан:

– Бандалик қилган боламизнинг исми нимайди? – деб сўради.

– Дониёр, – деди Ҳамид.

– Ҳа, Дониёрнинг руҳига бағишладик. Оллоҳ таоло унинг орқасида қолган ота-онасига, тукқантуғишиларига, жамики мўминларга саодатли узок умр ато этгай. Фонийдан бақога эрта кетган Дониёрнинг жони жаннатда бўлғай. Барчамизга Оллоҳдан раҳм, пайғамбаримиздан шафоат бўлғай.

Дипломатик корпуснинг кўзга кўринган раҳбарларидан бири – Куттибек Малик ўғли ўта билимдон йигит. Ўттизида қанча мартаба довонларидан ошган Куттибек ҳозирда камолга эришган, киркка тўлган кези. Куръон сураларини яхши билгани боис, Шаштой муллани ичдан синаб ўтирибди.

– Бу Куръони каримнинг фотиха сураси, – деб ўйлади Куттибек суранинг қозокча таржимасини ўзича қайтарар экан.

«...Мехрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Ҳамду сано бутун оламлар хожа-

си, меҳрибон ва раҳмли, қиёмат кунининг эгаси, Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз. Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳак йўлдан тоймаган зотларга инъом этган йўлинг бўлмиш – тўғри йўлга йўллагайсан! Омин.

...Сенинг қудрати чексиз Раббинг улар берган сифатларидан ҳам покроқдир. Пайғамбарларга салом. Барча мактovлар оламларнинг Роббиси – Оллоҳга тегишлидир.

...Оллоҳ таоло барчамизга имон бойлигини берсин!»

Куръон ўкила бошлагач йўклов айтган Жумагул ҳам, овоз чиқариб йиглаётган аёлларнинг овози ҳам такка босилди. Исломда қадимдан келаётган удум бу: Оллоҳ таоло осмондан туширган муқаддас китоб – Куръоннинг муқаддас қаломларига жўр бўлиб йўклов айтиш мумкин эмас. Тиловат тугагач, Жумагул бошдан-оёқ қора кийиб, кон ютиб, бўзлаб ўтирган Савле билан кўришди. Шу он Савле Жумагулнинг йўкловини ўзи тўқиган марсия билан давом эттириди:

*Дониёrim, бўтам-эй,
Никоҳ тўйи бошинда,
Йигирма бир ёшинда,
Суйган ёрнинг қошинда,
Бахт қуши бор бошинда,
Қалбинг куилаб турганда,
Кўкдан Ҳудой урганда,
Юрагинг сенинг тўхтади,
Бундан ўзга йўқ қайгу.*

*Тулпор эдинг – туёқли,
Шунқор эдинг – қиёқли¹,
Сен дунёдан ўтганда
Кўкдан юлдузлар оқди.
Кўзимнинг оқ-қораси,
Кўнглида йўқ оласи,
Шунча қисқа бўларми
Бахт билан қайгу ораси?!
Бунга чидаб бўларми?!
Ўрнинг сенинг тўларми?!
Эзгуликка хумор эдинг,
Ота-онанг бўйнидаги
Хислатли бир тумор эдинг.
Кўздан ёшлар тўкилди,
Юрак-бағрим сўкилди!..*

Савленинг овози ўта мунгли, йўқлови кўз ёшидан талхроқ, тобутдан зилроқ эди. У қўлларини биқинига тираганча бўзлар, бўзлашдан тўхтайдиган эмасди. Улжон Жумагулнинг қўлини Савленинг бўйнидан олиб, уни юпатмоқчи бўлганида ҳам тўхтамагач, Шаштой мула чийиллоқ овозда яна Куръон тиловатини бошлаб юборди.

Тиловат тугаши биланоқ, Нозгул зорлай кетди:

*Оллоҳнинг нури қуйилган,
Сон турли хислат буюрган,
Зукко эдинг, денгиз эдинг,
Эзгуликка эгиз эдинг,
Муштдайгина юрагингга,
Шунчасин қандай сиғдирдинг?!*

¹ Қиёқ – кескир, учкур канот деган маъноларда

*Озодлик олган элингнинг
Умиди сенда кўп эди.
Изингдан юрган қанча ёш,
«Сардоримиз шу!» дерди.
Сен кетгач, куйди бор умид,
Қон қусиб, йўқлаб турибман
Тамуг ўтида куйиб.
Эрта кетдинг, бул қайгу –
Оз қайгумас, мўл қайгу.
Йўлинг равон, очик эди,
Хатқинг сенга ошиқ эди,
Бахтимиз ногоҳ кесилди,
Бу қандайин ҳасрат энди?..*

Тўнкарилган осмон гумбазини қуюқ кора бу-
лут қоплаган кузнинг ғира-шира кунида шовуллаб
ёккан жаладай қуюлиб келаётган бундай йўқлов-
жирлар бу тўрт хонани тўлдириб ўтирган одамлар-
нинг баданини жимирлатиб, тепа соchlарини тик
турғазди. Усиз ҳам ўзини ўта ёмон ҳис қилаётган
Ойгулнинг юраги йўқлов айтилгани сайин бирор
игна санчаётгандай зирқираб оғирдди. Аёллар
айтаётган йўқлов-жирлар Эрасилнинг ҳам юра-
гини тешиб бормоқда. Бошқаларнинг ҳам аҳволи
оғирлашаётган эди. Буни сезиб ўтирган Анварбек
йўқлов айтаётган аёлларга қаратади:

– Савле, Нозгул, Жумагул, бас энди! Овоз
чиқариб йўқлашни тўхтатиб, жиндай дам олинг-
лар, Ойгулни толиктириб кўйдиларинг! – деди.

Нозгул йўқловни тўхтатиб, чукур нафас олди.
Тўрт хонадаги одамлар нафасларини ичга ютиб,

руҳан эзилиб, унсиз қолиши. Ҳоналарга чўккан юракни сикувчи ўлик сукунатни ташқаридан йўл бошловчи машинанинг товуши бузди.

– Аңсар Сарсенович келяпти, – деди Бойбўта. Зум ўтмай остонаяда бир нечта шериклари билан шаҳар ҳокими Аңсар Сарсенович кўринди. У меҳмонхонани тўлдириб ўтирган кишиларга бош ирғаб, ён томондаги Эрасилнинг кабинети томон юрди. Ҳоким кабинетда узок-якиндан кўнгил сўрагани келган бир тўп кишилар билан бош ирғаб саломлашган бўлди-да, ёзув столининг ёнидаги юмшоқкурсида ўтирган Эрасилга юзланди. У бўшашиб ўрнидан кўзғалган Эрасилни кучиб, кафти билан елкасини силаб, кресло ёнидаги ўриндиққа чўкиб, бир зумги унсизликдан сўнг:

– Қазонинг кети ёруғ бўлсин. Бардам бўлинг, – деди. Кейин хонанинг бурчагида букчайганича окиш чехраси оғир касалдан тургандай бўзарган Ойгулга қараб:

– Сизга сабр тилайман, Ойгул Ақлжоновна. Соғлиғингизни эҳтиёт қилинг, – деди.

«Сиз соғлиқни асрашни айтасиз, энди менга яшашнинг ҳам қизиги қолмади», – деди Ойгул ичида.

Бир зумлик сукунатдан сўнг ҳоким яна Эрасилга қараб:

– Биздан қандай ёрдам керак? – деб сўради.

– Раҳмат, ҳеч қандай ёрдам керак эмас, – деди Эрасил.

Анвар Сарсенович «ҳозирча» деди-да, ўрнидан туриб, хайрлашиб чикиб кетди.

– Ҳокимнинг ёнидаги оқ-сариқдан келган аёл, кеча келган ўринбосари Зилиха Юнусовнани танидим, – деди Анварбек. – Унинг икки ёнида тош хайкалдай қотиб ўтирган икки йигит ким бўлди экан?

– Улар ҳам ҳокимнинг ўринбосарлари, – деди Бойбўта.

– Улардан ҳам пастда ўтирган новча, мўйловли йигит-чи?

– У мана шу Медев туманинг ҳокими Болғабек Акежанов эди.

Үйга олис-яқиндан тўп-тўп бўлиб келганлар бирлари кириб, бирлари чикиб турибди. Эрасил кўнгил сўрашга келганларнинг бирини таниса, бирини танимайди. Ўнг билан тушининг, борлик билан йўкликнинг оралиғида, муз кўчкисида қолиб кетган балиқдай сирковланиб ўтиради. Унсиз йиғлайвериб, ичидан эзилган Ойгул кунда кўриб юрган кўшниларнинг ҳам кўпини танимай колган. Йиғлай-йиғлай кўзлари кизариб, бетлари шишиб кетган Анжелика билан Суюнчбеканинг ҳам эслари киравли-чиқарли. Уйда зич бўлиб ўтирганлар ҳам, майдони футбол ўйингоҳидан ҳам кенгрок ховлини тўлдириб турганлар ҳам рухан эзилишган. Кирчинидан кийилган навқирон йигитнинг казоси барчани қайғута солган эди. Эрталаб, шаҳар ҳокими билан бир пайтда уйга бош имом Саттор

хожи кириб келди. Кема келганда йўл бўшатган кайик сингари Шаштой мулла уйдан сирғалиб чикиб, жўнаб қолди.

– Суякка кирган кишилар майитни яхшилаб ювсин, – деди Саттор ҳожи. – Энди Дониёр билан видолашиб мумкин. Кўп одам кирмасин. Ота-онаси билан энг яқинларинигина киритинглар, – деб у ёнма-ён турган Ҳамид билан Абенга ияқ қоқди.

Полда узала тушиб ётган ўғлини кўрганда Ойгул унга ўзини отиб, жонсиз танани қучиб, юзига юзини қўйди, аммо нафаси бўғзига тикилиб, йиғлай олмай ҳикиллаб қолди. Эрасил тиз чўкиб ўғлининг юзидан ўпди. Лаблари тортилганидан Дониёрнинг ўттиз икки тиши окариб, аник кўриниб турарди. Оппок, кенг манглайи, қалин қоши, коп-кора куюқ соchlари, қалқайган қулоклари – бари-бари куни кечаги, уйланиш тўйидагидай. Биргина ўзгариш – нур ёғилиб турадиган чехраси сал қорайгандай эди.

«Кулуним-ай, худди олис йўлдан ҳориб келиб ухлаётгандайсан-а! Кеча никоҳ тўйинг бошланишида сени ўрнингга мен ўлсам ҳеч ким бунчалар куйинмасди. Жонимдан азиз асилим-эй, сенга қандай қилиб алвидо дейман?! Қора ергина кўтара оладиган бу гуссани мен энди қандай кўтараман?!» – дея Эрасил унсиз йиғларди...

Дониёрнинг кафланган жасадини Анварбек, Ҳамид, Абен, Муса – тўртовлон кўтариб, ховлига олиб чиқишиди. Майит тобутга ётқизилиб, жаноза

ўқилди. Шундан сўнг Дониёрнинг яқинлари билан дўстлари кўзларида ёш, эзилиб, тўлғаниб видолашув сўзларини айтишди.

Қабристонга йўл олган автомашиналар карвонининг боши «Кенгсой-2»га етганида, кети шаҳардан узокламасдан тўхташга мажбур бўлди.

Дониёрни она ер бағрига кўяётганларида Ойгул ўғлиниң оёкларига ёпишиб, фарёд чекканича анчагача кўйиб юбормади. Жонидан азиз, суюкли фарзанди қучоғидан олиниб, лаҳадга жойланаётганда ҳушидан кетди. Бир-бирларини қучиб, бўтадай бўзлаётган Анжелика билан Суюнчбеканинг фарёдлари қабр тепасидагиларнинг суяқ-суякларигача зирқиратди. Оқ халатли «Тез ёрдам» шифокорлари Ойгул, Анжелика, Суюнчбека атрофига парвона бўлиб питирлашарди. Кучли укол дори ҳам таъсир қилмагач, Ойгулни «Тез ёрдам» касалхонага олиб жўнади. Ойгулнинг ёнида кетган Эрасил билан Кулаш «Юлдуз» ресторанидаги эҳсон ошига кечикиб келишди.

– Ойгулнинг ахволи қалай? – деб сўраганларга Кулаш:

– Реанимацияда, – дерди, холос...

«Эй Яратган эгам, Ойгулимни ўз паноҳингда асррагайсан. Балодан ҳазар, агар у уйга соғ-омон қайтмаса, мен ҳам тирик қолмайман», – деб ичдан бўзларди оловдан чикқандай бети корайиб, кисмат зарбаларидан адойи тамом бўлган Эрасил.

Ойгул билан Эрасилнинг кора кийиб, қон йиғлаб ўтирган яқинлари энди Ойгулга Яратгандан соғлик тилаш билан бўлишди...

Жонлантириш бўлимида ётган Ойгулнинг ахволи ҳақиқатан ҳам жуда оғир бўлиб, эртага нима бўлиши бир Оллоҳгагина аён эди...

XIX

Дониёр она ер бағрига топширилганининг иккинчи куни Эрасилдан кўнгил сўрагани уйга туркий оламда кўзга кўринган арбобларидан бири, Осиё кенгаши котибиятининг Бош директори, фавкулодда топшириклар бўйича муҳтор элчи Чинор Алдемир мирза келди. Ёнида таранг чандир ипдай озғин, ўрта ёшлардаги йигит ҳам бор эди. «Бу хиндий – менинг ёрдамчим», – деб Алдемир мирза уни ўтирганларга таништириди.

– Ўғлингиз Дониёрни кўрмаганман, – деб сўз бошлади Чинор Алдемир. – Жаноб Жаксибеков, сизни сиртдан биламан. Чет эл матбуотларидағи сухбатларингизни ўқиганман. Туркияда ҳам китобингиз чиққанидан хабардорман. Сиз билан яқинлигимиз фақат шулардангина иборат. Лекин сизга бегона эмасман. Турк бўлганимдан кейин, бошингизга тушган қайғули хабарни эшиштгач, чидаб ўтиrolмадим. Қайғуларингиз қанчалик оғир эканлигини сездим, билдим. Сизлар билан, қозоклар билан бирга қайғурдим. Қайғуларингизни бўлишгани келдим. Кеча, фарзандингиз вафот этган ўн еттинчи август, бизнинг Туркия учун ҳам омадсиз кун эди, омадсиз дейиш ҳам камлик қиласи – энг кора, мусибатли кун эди: 1999 йилнинг ўн еттинчи августида Туркияда энг кучли зилзила содир бўлиб,

күплаб асил фукароларимиздан жудо бўлиб, аз тутганмиз. Козокда бир доно сўз бор: «Қайғуни бўлишсанг – озаяди». Оллоҳнинг иродасига кўнмоқдан бошқа чора йўқ. Йиғлайверсанглар – емириласиз, сабрли бўлинглар!

– Оллоҳ таоло бўйни ҳам, ақлни ҳам аямай берган ҳалиги турк жўн одам эмас, чамаси. «Эр киши бурундор, от жонивор елкадор бўлса, бенуксон бўлади» дейишарди қариялар. Ялпок бётга жойлашган бурни ҳам каттагина экан, – деди Анварбек.

– Тўғри пайқабсан, – деди Куттибек. – Бу Чинор Алдемир дипломатлар орасидагина эмас, бутун туркий оламдаги атоқли арбоблардан бири. Ўзи Туркия Президенти Ражаб Эрдўғоннинг дўсти. Бир неча тилларни биладиган олим. Ўзига ҳам, элига ҳам доғ туширмайдиган буюк арбоб. Бунга бир мисол бўлгудай мана бундай воқеа бўлган. Чинорнинг халқаро миқёсдаги нуфузли сиёsatчи эканлигини билган Президентимиз Нурсултон Абиш ўғли у кишини Остонага, учрашувга таклиф қиласди. Чинор учрашув белгиланган куни Анқарадан Остонага учиб келади. Бир кун аввал меҳмонхонага буюргма берилган экан, аэропортдан тўппа-тўғри ўша ерга боради. Ўзига биркитилган номерга жойлашайин деса, меҳмонхона хизматчиси:

– Чинор мирза, сиздан кечирим сўраймиз. Жиндай кута турасиз, сиз турадиган номерни ҳозир йиғиширишмокда, – дебди.

– Мен номерни эмас, номер мени кутиши керак эмасми? Бу менга ҳам, халқимга нисба-

тан ҳам ҳурматсизлик-ку! Соғ бўлинглар! – деб меҳмонхонани тарк этибди...

– Эҳ, аттанг, шармандалик бўлган экан-да! – деди Анварбек.

– Тўғри килган, – деди Муса.

– Етти юлдузли меҳмонхонамизда ахвол шундай бўлса, бўларимиз бўлган экан, – деди Тумарбек.

– Меҳмонхонадаги имиллаган, зилтовон аёлларнинг кўрсатган касофати-да, бу! – дея ўқинди Бойбўта.

– Қиммат меҳмонхонадагилар маошнинг катасини олиб, қутуриб кетишган, – деди Сейилхон.

– Хизматчи аёллар бўшашган бўлса, унда уларга бошчилик қилувчи меҳмонхона маъмурияти каёкка қарайпти? Уларда масьулият йўқми, умуман? – деди Малик.

– Уларнинг ҳам кўзини ёғ босган, – аччиғланди Куттибек. – Ҳаммаси учига чиккан бюрократ улар.

– «Демократия, демократия!» деб, бюрократияга кент йўл бериб қўйибмиз-да? – деди Тумарбек.

– Сен молия полициясининг полковниги эмасмидинг? Чакирмайсанми уларни тартибга? – деб чапдан лукма ташлади Сейлхон.

– Биз порахўрликка қарши курашамиз. Тартиб ўрнатиш ҳокимиятдагиларнинг вазифаси, – бобиллади Абен.

– Ҳозир бу гапларни қўйиб, Данчикнинг киркини ўтказиш ҳакида маслаҳатлашайлик, – деди Ҳамид. – Қайси ресторонга, канча ўринга буюртма берамиз?

– «Дўстлик» ресторани дурустмикан? – ўйландұ Сейилхон.

– У ер торлик килади, – деди Ҳамид. – Меним-ча, Қалдаёков күчаси билан Тўлабий чорраҳасидаги «Арайлим» ресторани дуруст. Иккинчи қаватдаги зали анча кенг. Одам мўлжалимиздан кўпроқ келса, кўшимча столлар кўйса ҳам бўлади.

– Ҳамиднинг таклифи маъкул, – деди Эрасил. – Сен, Абен, Ҳамид икковинг эртага у ерга бориб, буюртма беринглар. Шунингдек, аванс тўлаб, квитанциясини ҳам олинглар. Бу ресторан деганларига ишонч йўқ. Эртага бирортаси ортикроқ пул тўласа, буюртмани ўшаларга ўтказворади. «Сакланганни саклайман» деган.

Эрасилнинг фикрини тўрт кўз тугал бўлиб ўтирган дўст-биродарлару туғишганлар бир овоздан маъкулашди.

Бугунги маслаҳат шу билан якун топди.

XX

Қозогистон Президенти бошқармасига карашли касалхонанинг жонлантириш бўлимида ётган Ойгулни бугун иккинчи терапиянинг бир кишилик палатасига ўтказадиган бўлишди. Ойгул у ерда икки марта эмланиб, томирига икки бор томизги дори куйдиргач, ўша куниёқ уйга келди.

– Бунча шошилдинг? Кувватга киргунингча яна бир-икки кун ётсанг бўларди, – деганларга Ойгул:

– Энди уйда даволанаман, – дерди.

Ойгул касалхонадан чикиб, уйга келганинг иккинчи куни Остонадан Тўрағали Ташенов кўнгил сўргани келди. Кўпдан бери ҳокимиятнинг юқори поғоналарида юрган Тўрағали Нуржон ўғли эндиликда нафакат Қозоғистонда, балки чет элларда ҳам кўзга кўринган арбоблардан бири сифатида танилган эди. Ҳам сарвар, ҳам нотик Тўрағали Ташенов халқнинг меҳрини қозонган, машхур арбоб бўлиб, уни зиёли қавм, айникса, ёзувчилар жуда яхши кўришади. Вактида республика ёшларининг етакчиси, кейин Президент Назарбоевнинг ёрдамчisi бўлган.

Элбоши уни доим олисларга учирар экан, ҳар гал зиммасига қийин вазифаларни юклаб юборади. У эл равнаки йўлида ҳар қандай тўсикдан йўлбарс каби шиддат билан ёриб ўтади. Истиқолимизнинг йигирма беш йиллик даврида раҳбарлик поғоналаридаги талай лавозимларни босиб ўтди: давлат котиби, Президент маъмуриятининг раҳбари, вилоят ҳокими, Бош вазир бўлди. У ўзига хос бўлган камтарлик билан «Мен – Президент етиштирган кадрман» деса-да, аслида ўта нуфузли, йирик сиёсий арбоб сифатида Элбoshiга муносиб сафдош эканлиги халққа азалдан аён. Заковати билан билимдонлиги атоқли шоир Олмос Ойтуганов билан ёзишмаларидан ҳамда матбуотда эълон қилинаётган сухбатларидан ҳам аниқ кўриниб туради. Хуллас, у фасоҳати, заковати билан барчани ўзига мафтун этган. Сардорлик истеъдодидан кўнгиллар тўлса, ботинидаги

асил фазилатлар акс этган кўркам сиймосидан кўз кувонади. Нотиқлиги шунчаликки, агар у халқ олдида сўзлайдиган бўлса, нуткининг мантиқий қудрати ва маҳорати билан сомеларни сехрлаб олади. Остонада, чет эллик билимдонлар иштирокидаги ўта муҳим бир анжуманнинг юксак минбарида сўзлаб туриб: «Юртбоши Нурсултон Абиш ўғлининг атиги ўн йил мобайнида мўъжазгина вилоят марказида, олам харитасидан яркираб ўрин олган салобати ва кўркамлиги ўзгача гўзал пойтаксат бунёд этиб, шунча халқни хавфли кечувдан олиб ўтиб, бу ерга қўндиришдек заковатли сиёсати бўлмаганида, бугун биз Эдилни¹ эмас, Есилни² йўқлаб ўтирган бўлардик. Элбошимиз, ўзга жасоратларини айтмаёқ, факат мана шу жасорати учунгина халқимизнинг чин юрақдан изхор этаётган миннатдорчилигига лойикдир!» – деган эди.

Ўша Тўрағали Нуржон ўғли, бошдан ошиб ётган ишларини бир чеккага йигиштириб кўйиб, Эрасил билан Ойгулга ҳамдардлик билдиргани атайлаб Остонадан Олма-отага учиб келибди. У дастурхон бошида уч соат ўтирди. Ана шу уч соат мобайнида чалпакдан жиндай ушатиб, ярим пиёлагина чой ичган бўлди. Оғзи ошдан бўшамайдиган айрим одамлардан бошқача, кўнгилга этиб борувчи сўзларни топиб айтиб ҳам ўзгаларни тинглаб ўтирди.

– Бу қайғунинг ўта оғирлигини халқимиз ҳам сезиб, билиб турибди, – деди Тўрағали Ташенов. –

¹ Эдил – Волга дарёси

² Есил – Урал дарёси

Бунингдек ўта оғир мусибатни Яратган сиздай ул-кан шахсларнинг елкасига юклайди. Суянган тоги – Ҷўкон қайтмас сафарга кетганида, султон Чингиз Валихонов ҳам қайғудан кон ютиб, бошини кўтаролмай колган экан. Суюкли Абдураҳмони фанодан бақога риҳлат қилганида Абай ҳам: «Ичим – ўлик, сиртим – соғ. Мен ичмаган ув¹ борми?» – дея бўзлаган. «Ердаги қалқоним» деб ўзгача суйиб, ўзгача эркалаган суюкли ўғли Жўжини ёввойи кулонлар топтаб ўлдирганида, ҳайбатидан ой яшириниб, қуёш сесканган Чингизхон ҳам: «Ким ўғлимнинг ўлими ҳакида хабар келтирса, бўғзига кўрғошин қуяман!» – деб тескари қараб ётиб олган экан. Шунда моҳир созанда Обил Жўжининг ўлимини хоконга дўмбирада мунгли куй чертиб етказибди-да:

– Эй, кудрати чексиз, теран ўйлари булатли денгиз хоқоним! Суюкли жигарбандинг – Жўжининг ўлими ҳакидаги хабарни мен эмас, манов дўмбира айтди. Хон икки сўзламайди, жазоласанг, дўмбирани жазола! – деган экан.

Натижада кўрғошин куйчининг бўғзига эмас, дўмбиранинг кўкайига қуялибди.

Суюкли фарзандлари вафот этганида Абиш Кекилбоев ҳам, Асанали Ашимов ҳам, Умрзок Айтбой ўғли ҳам, Иран-Ғойиб ҳам, султон Чингиз билан доно Абай, оламни забт этган фотих Чингизхон ютганчалик заҳар ютмаган дейсизми?

¹ Ув – заҳар, оғу

Худди ана шундай оғир қайғу қисматда бор эканки, сизнинг ҳам бошингизга тушди, Эрака! Сизга факат сабр тилаймиз, сабр, сабр! Асарларингиз довруғи Парижгача етиб борган, шұхратингиз әллардан ошган инсонсиз! Бизгагина әмас, халқимизга ҳам кераксиз. Ортингизда қалин ўрмон бўлиб халқ турибди. Ёнингизда биз – елқадош бўлиб турибмиз. «Қайғуни бўлишса – камаяди, кувончни бўлишса – кўпаяди», демаганмиди даштимизнинг донишманд қариялари. Халқимизнинг сизга нисбатан бўлган меҳридан мадад олинг, кўпнинг кўнглига суюнинг. Сизга Худо сабр берсин.

Мана шундай тўлкинланиб, доно гапларни айтган Тўрағали Ташенов бир муддат тўхтаб, дастурхон атрофида ўтирганларнинг ҳам гапларига кулок тутди.

– Дониёрнинг ёш кетиши барча қозокни бўзлатиб кетди, – деди етмиш ёшли машхур ёзувчи, драматург Думан Имонжонов.

– Дониёр фаришта эди, беҳиштга кетди, – деди элликдан ошган таникли шоир Жазилбек Куванишбоев.

– Бир әмас, учта зарбадан эсанкираб ўтирибман, – деб гап бошлади Эрасил. – Биринчидан, Дониёrim ёш, жуда ёш кетди. Худойим-эй, йигирма бир ёш деганлари бир лаҳзадан ҳам қисқа әмасми? Лоқал ўттизга ҳам етмади-я! Иккинчидан, ё уйланиш тўйигача ёки тўйдан кейин әмас, айнан тантанали соатга санокли дақиқалар колганида... Ё Оллоҳим, бундай даҳшатни ким эшишиб, ким кўрибди?! Учинчидан, менинг Донишим хосиятли

эди. У түғилганида Қозоғистонда «Шимол ёғдуси» ҳодисаси рўй берган эди. Кутбдагина содир бўладиган бундай табиий ҳодиса Қозоғистонда ҳам рўй берганлиги ҳайратланарли! Бу астрономик ҳодиса ҳакидаги хабар ўша вактда барча газеталарда бо силган эди. Энди манов мўъжизани қаранг, менинг Дониёrim дунёдан кетган куни, айни ўша соат, ўша дақиқада фазода янги юлдуз – «Дельфин-2» деган сайёра пайдо бўлди. Япон олимлари кашф этган мазкур юлдуз ҳакидаги хабар Интернет сайтлари ҳамда газеталарда эълон қилинди. Менинг қудам Malik билан қудағайим Равшанойнинг қизи, манов ёнимизда ўтирган куёвим Куттибекнинг синглиси, тўнғич фазогиримиз Тўхтарнинг келини Динанинг тўйда тақарман деб сотиб олган билагузуги билан узугидаги асл тошлар Донишмнинг юраги тўхтаган онда ўзидан-ўзи қорайиб кетган. Дониёrimнинг юраги уришдан тўхтаган онда хонасидаги соат ҳам юришдан тўхтаган. Фарзандимиз дунёдан кетган лаҳзаларда мана шундай тушуниб бўлмайдиган сирли, ноёб воқеалар содир бўлди.

– Ҳозирги илм-фан ривожланган даврда, – деб сўз бошлади Тўрағали Ташенов, – олимлар ўта сезгир аппаратда одам жонининг вазнини аниклаб, суратга олишибди. Жоннинг вазни икки юз грамм, ранги кўкиш экан. «Дониёр – фаришта, у беҳиштга кетди» деган сўзларда ҳам жон бор. Айрим диний китобларда айтилишича, фаришталар ҳам тўғридан-тўғри жаннатга киришмас экан.

Улар дастлаб осмонда учиб юриб, Яратгандан ёрлик бўлган кунида беҳиштга киришаркан. Бу гаплар тўғри бўлса, Доңиёр жигарбандимизнинг руҳи биз билан бирга. Унинг руҳи тетик, арвоҳи биздан рози бўлиши учун ҳам йиғлайверишимиз тўғри эмас. Доно Абай сўзи билан айтганда, умрнинг «Ёркин ялови қуламай туриб» бажарган савоб амаллари билан ортида эзгу из қолдирган Доңиёр барча козоқ билан бирга яшашда давом этади. «Оми козоқ кўкига ўрмалаб чиқиб қуёш бўлай, қуёш бўлмай ким бўлай» деб юриб, ўттизга етмай дунёдан ўтган Султонмаҳмуд¹нинг сўзи билан:

*Кўнгилга қайғу ув салиб,
Кўздаги ёшни қўллатган.
Юракка яра дөг салиб,
Жонни ачитиб зорлатган.
Заҳри кучли ажат-эй.
Ёшнинг баҳтини қўрмадик.
Ғафлатмиди, бу тушмиди?!*—

деб қанча қайғурсак-да, минг йилда бир бор туғиладиган Абайнинг ўғли Абдураҳмон ўлганида унинг беваси Мағишга тўқиб берган қўшиғидаги доно сўзларига амал қилсак бўларди:

*Йиглашинги тўхтатиб,
Сабр қилсанг бўлайди.
Қўйиасанг, қайғу оғир бўп
Бор бўйингга тараиди.
Кизил юзинг саргайиб,*

¹ С. Тўрайғиров (1893 – 1920) – атоқли козоқ шоири

*Оппоқ кўнглинг қорайди.
Барча жонни бир қилиб,
Кудратли Худо синайди.
Бир сен эмас йиғлаган
Шеригин олған талайни,
Агар бизни аясанд,
Ёшиңг артсанг бўлайди.
Унутганинг яхшимас
Яратувчи Худойни...*

Тўғри, умр деганлари омонат. Етим-есирга қовурғаси қайишиб, билимдонлиги, ақл-фаросаги билан йигирма бир ёшида шахс бўлиб камолга стишган Дониёрнинг умри кўз очиб юмгандан хам қисқа бўлгани одамнинг ўзагини ўргайди. Аммо узок яшаса-да, дунёга беҳуда келиб, дунёдан беҳуда кетганлардан кўра, қиска бўлса-да, тўлақонли, маъноли умр кечирган жигаримиз Дониёрнинг жўни бўлак, йўли бошқа. Ҳаётга бўлган муҳаббати билан атрофига осмондаги Ой билан Куёшдай унсиз нур сочган, фаришта бўлиб беҳиштга муносиб бўлган Дониёrimizning ҳаёти мангаликка дахлдор! «Яхшининг йикилгани хам яхши», дебди даштнинг доно чоллари. Ўтмас умр бўлмас, синмас темир бўлмас. Дониёр ҳақида ўйлаганимизда, улуғ Абайнинг: «Куйрукли юлдуз сингари, туғилди-ю, кўп турмади, қўрган, билган ўқинди, иллат топар жон бўлмади» деган сатрлари хаёлга келади. Ёш бўлса-да, жигарбандимизнинг окил, доно бўлганлиги ғуссали юрагимизга юпанч бағишлади.

Шошилмай, зикланмай уч соат ўтириб, ўринли, ақлли гапларни топиб айтиб, Эрасил билан Ойгулнинг кўнглини овлаб, мусибатда кон кусиб ўтирган ота-онанинг кўз ёшларини ариттандай бўлган Тўрағали Ташенов ниҳоят кетишга ижозат сўради.

У кетгач, орага чўккан сукунатни дастурхон бошида ўтирган, қалин, дағал соchlарига қиров кўнган, гавдали, кенг манглайдаги темир йўл изидай кўш ажини ўзига ярашиб турган, окиш юзли киши бузди:

– Тўрағали Ташеновни халқ бекорга мактамас экан. Пайқаган бўлсангиз, чехрасидан нур ёғилиб турибди. Уйга кирганидан – уйдан чиккунитача, саломидан-каломигача бенуқсонлигини кўрдингизми?!

– Қалихон, сен остоналик бўлгач, жигаринг ўша томонга тортади. Ҳар ким ўз хокимини мактайди! – деди Эрасил.

– Ёшлигимиздан бирга улғайиб, ҳам туғишганим, ҳам дўстим бўлганинг учун, мени чандиб, атайлаб бураб сўзлаяпсан, бўлмаса, Тўрағали Ташеновни энг кўп мактайдиганларнинг бири сен-масмидинг? – деди Қалихон.

– Нима десангизлар ҳам, Тўрағали Ташеновнинг мана шу келишининг ўзи бошқача бўлди, – деб гапга аралашди Жондўс.

– Бу нима деганинг? – деб сўради ҳар бир нарсани ипидан-игнасигача суриштирадиган Абен.

– Тўрағали Ташенов Олма-отага, рейсли учокларда келишга вакти йўклигидан маҳсус учок

ёллаб кепти, шунингдек, йўл ҳақини ҳам ўз ёнидан тўлабди. Бу ерга келишдан аввал «Кенгсой-2»га ўтиб, Дониёрнинг бошига бориб, тиловат қилибди.

– Буни қайдан билдинг? – деб сўради Абен.

– Мана, Тўрағали Нуржоновични кутиб олиш учун ташқарида турганимизда у кишининг ёрдамчиси Султон Муратов келиб қолди. Ўша айтди: «Шеф барча ишларни бир чеккага суриб қўйиб, Олма-отага фақат Эрасил Жаксибековдан кўнгил сўраш учун учиб келди. Шеф бу ердан чикиши биланоқ, яна Остонага учамиз», деди. Бу гапни мен билан бирга Тўрағали Нуржоновични кутиб олишга чиқсан Куттибек ҳам эшилди. Тўғрими шу гапим, айт-чи, Куттибек? – деб Жондўс ёнида ўтирган новча бўйли, озғин йигитга мурожаат килди.

– Тўғри, тўғри, – деди Куттибек.

– Президент ёрлиғи билан тайинланган судьянинг сўзига гувоҳларсиз ҳам ишонамиз, – деди Қалихон.

– «Қози ёлғон сўзламайди», деганлари бекор гап. Ўзгаларни билмайман-у, аммо манов Жондўснинг айрим пайтлари, қулай келиб қолганида, ёлғонни чинга, чинни Худо урганга ўхшатиб гапирадиган одати ҳам бор, – деди Эрасил.

– Бурила қочмoқ – тулкига яхши, буриб сўзлаган – кулгига яхши, – деб Сейилхон Брежнев ҳакидаги латифалардан бирини бошлаб юборди.

Ҳалитдан бери бир-бирларига гап ташлаб, чимдib ўтирган даврага кулги инди-колди.

«Уйку – беор, корин – беор, кулги – беор деганлари шу-да, – деб ўйлади Эрасил. – Манавилар До-ниёр қабрининг тупроғи совимай туриб вахохолаб кулиб ўтиришибди. Буларни айблаб ҳам бўлмайди. Менга ўхшаб қайғурмайсанларми, деб айтиб бўлармиди? Бошига қайғу тушмаган одам бошқа бироннинг қайғусини на билсин. Улар кулишяпти, мен кулолмайман. Ўзагимда – ўт, юрагимда – дард. «Ичим – ўлган, сиртим – соғ» бўлиб ўтирибман. Бахтсиз, бадбаҳт, шўрлиман. До-ниёрим мен учун баҳт эди, дилбандим ила борса келмасга кетди баҳтим...»

Жонидан азиз фарзанди кирчинидан кийилгандан кейин Эрасил қайғудан кон қусиб, тунлари ғам билан тунаб, кундузлари ғам билан бирга юрди. Келажаги порлок ёш до-нишманднинг умрини хазон қилган одамзоднинг душмани – «Ажал» деб аталмиш ялмоғиз ҳеч нарса бўлмагандай жилмайиб, кўзлаган навбатдаги курбонлигига қўрик¹ ташлаш учун панада шайланиб турибди.

«Ё дариғо!»лаб юриб, кўз очиб-юмгунча бўлмай ўтиб кетадиган «умр» деб аталмиш омонат, ёлғончи тириклиқ давом этмоқда эди...

XXI

Навбатдаги пайшанба чойига таклиф этилган кирк чоғли киши «Кенгсой-2»га бориб, До-ниёрнинг рухига бағищлаб Қуръон тиловат қилингач, Эрасилнинг шанғароғига келишди.

¹ Қўрик – ушлаш учун отнинг бўйнига узоқдан ташланадиган ип, чилвир

— Данчигим вафотидан кейин, ўн кун ўтгач, эсимни йиғиб, унга мактублар ёза бошладим. Шеър аралашган мактубларда уйимизга ҳамдардлик билдиргани кимлар келаётганини ҳам баён килдим, — деб гап бошлади Эрасил, — шунингдек, мамлакатда рўй бераётган муҳим сиёсий воеалар ҳакида ҳам ўғлимга хисобот бериб боряпман. У дунёга йўллаган биринчи мактубим шундай бошланади:

*Ўн кун бўлди, бошдан баҳт учганига,
Ғамдан ота-онанг қон қусганига.
Дониёрим, сени бериб қўйдик-ку,
Ажаг отлиғ одамнинг душманига.*

*Бутун олам менга қараб тургандаӣ,
Ўзинг борда баҳти эдим мен қандай!
Бир лаҳзада содир бўлди фалокат,
Энди мана, отанг сенинг шўрманглай...*

*Дониёрим – жоним менинг, жаннатим!
Юксакларга олиб учган қанотим!
Бор пайтингда ҳаёт туради яшнаб,
Сен экансан – баҳтим, таҳтим, муродим!*

*Гар ўйласам, юрак музлаб кетади,
Кўз олдимдан бутун умринг ўтади.
Суратингга термиламан кўз олмай,
Нетсан, бўтам, қўлим сенга етади?!*

*Бу умрда азоб, дўзах кўрибман,
Ёнган ўтга – тұхматга ҳам кўнибман.
Шунинг бари оғир эмас бул кундан,
Сенсиз энди тирик арвоҳ – ўликман!*

Якинлар хозиргина «Кенгсой»дан уйга қайтган пайтда, эшик олдида уларни икки киши кутиб туришган экан. Уйга кириб Куръон ўқилгач, ана шу икковидан бири – Эрасил билан бир неча бор газеталарда сұхбат курған журналист Йўлбарс Аймағамбетов ёнидаги шеригини, олтмишнинг у ёқ-бу ёғидаги хушбичим, новча, кўй кўзли, корамтири чехрали салобатли кишини АҚШнинг Чикаго университети профессори Султон Сулаймонов деб таништириди.

– Биз олисда бўлсак-да, туғилиб ўсган Қозогистонда бўлаётган муҳим ишларнинг деярли барчасидан хабардормиз. Эрасил Жақсибекович, ўғлингизнинг атиги йигирма бир ёшида, никоҳ тўйи тантанасига санокли дақиқалар колганида вафот этганини эшишиб, сизга ҳамдардлик билдиргани келдик. Сизни биринчи бор кўриб турсам-да, асарларингизни биламан. Ўғлингизнинг имони саломат бўлсин, – деди Султон Сулаймонов.

– Вақт топиб келганингиз учун раҳмат.

– Бу ғоят оғир мусибат, – деб сўзини давом эттириди Султон Сулаймонов. – Фуссага бўй беравермай, ўзингизни асранг. Вақт – табиб, бул ярани ҳам даволайди.

– Ҳа, кўпчилик шундай дейишияпти. Сизнинг мана шу сўзингизга жавобан кеча ёзган шеъримни ўқисам майлими?

– Ўкинг, Эрасил Жақсибекович, ўкинг, – деб бош эгди океан ортидан келган миллатдош.

— Вақтнинг тұзатмайдыған
Йүқ дейдилар яраси.
Бу сүз бизге әмас тан,
Рангимизга қаранг-чи...

Гүрга бирға тушади
Бизлар билан бу фарёд.
Хаётта келар кейин
Гулга ўхшаган авлод.

Йиғламасин шу авлод
Биз каби баҳтсиз бўлиб.
Чайқалиб, яшнаб турсин,
Сўнмас нурга чўмилиб.

Сўлмасин деб шу гуллар,
Кўз ёшим-ла сугорай.
Истиқлол бўлса мангу,
Кабрда ётиб қувонай!

Уфққа ботган кундайин,
Бир кун мен ҳам ботарман.
Эртаси порлоқ ёшларнинг
Бахтин тилаб ётарман.

Ажал мени олса-да,
Дониёrimни ўйларман.
Суягим қуриб қолса-да,
Ёнида ётиб қўлларман..

— Ушбу сатрлардан қалбингиздаги дардларингизни англааб ўтирибмиз, — деди Йўлбарс

Аймағамбетов. – Ўтмайдиган умр бўлмас, синмайдиган темир бўлмас. Бизгагина эмас, халқка ҳам кераксиз, оға! Олдинда ҳам хаёт бор.

– Бу ҳаётдан бездим-ку, мен,
Дониёрисиз, эзилдим.
Бўзлаттирдинг, йиглатдинг-эй.
Худо, сенга не қилдим?! –

деб, мана, бўзлаб ўтирибман, – деди Эрасил. – Кечир мени, Оллоҳим, мени тергади деб ўйлама. Ўзинг бердинг, ўзинг олдинг ўғлимни. «Мен нима килдим?!» деганим сенга эмас, Оллоҳим, ўзимга кўйган саволим бу: «Қаерда хато қилдим? Яраттан эгам нимага мени жазолади экан?» – деб ўйлайманда, мен бечора. Мен-ку, майли, оғир мусибатни орқалаб, тирик ўлик бўлиб юраверарман. Ризким тугаганда эса тобутдай оғир азобдан кутуларман. Бу қайғу якинларимга, туғишганларимга ҳам осон эмас... Аммо, барчамиздан ҳам Дониёринминг волидаси – Ойгулга оғир, ўта оғир бўлди. Бечора уйқуга ётишдан олдин йиглайди: «Хайрли тун, онажон!» дегувчи эди деб. Тонгда, ўрнидан туриб, яна йиглайди: «Хайрли тонг, онажон!» – дерди деб. Ҳар жума чалпак пишириб, яна йиглайди: «Бу чалпакни мен эмас, менинг рухимни шодлантириш учун ўғлим пишириши керак эди!» деб. Данчик яхши кўрадиган таом пиширса-да, ҳатто, кўчада енгил машинасини кўрса-да, «Данчигимминг темир тулпори кетяпти!» – дейди-да, кўзларига ёш тўлади, ўзаги ёниб, кун-тун бўзлайди.

- Бас, йиғлайверма. Күп йиғласанг күзинг күрмай қолади, – дейман.
- Данчигимни күрмайдиган күзнинг нима кераги бор менга! – дейди у.
- Оёк-күлинг ишламай, шол бўп қолсанг, нетасан? – дейман ялиниб.
- Данчигим томонга обормайдиган оёқнинг, дилбандимни кучмайдиган кўлнинг ҳам кераги йўқ менга, – дейди у.
- Йиғлайверсанг ажалингдан аввал ўласан, кўй энди! – дейман илтижо килиб.
- Дониёримсиз кўрган кун – кунми, бундай қон ютиб яшагандан кўра, ўлим ортиқ менга! – деб яна йиғлади.
- Ўлма, сенсиз менинг ҳолим нима кечади? Суюнчбекани, Куттибекни, Олтинойни кўзинг кийиб, қандай кетасан, ажалингдан бурун ўлиб, не муродга етасан? Бу ёлғон дунё билан икковимиз бир вактда хўшлашсак, Дониёримизни ким эслаб, ким унинг хотирасини бизчалик эъзозлайди. Яратганга шукур қилайлик, ўғлимиз баъзи бировларнинг боласидай ўзганинг қўлида нобуд бўлмади, балкондан сакраб, ўз жонига қасд қилмади. Баъзилардай ном-нишонсиз йўқолиб кетмади. Нашаванд ҳам, аракхўр ҳам, безори ҳам бўлмади. Акл, фаросат билан, ўта раҳмдиллиги, билими, зукколиги билан атрофига Ой билан Қуёшдай нур сочиб, умрдан кетди. Абай айтганидай: «Кирлатмай кетди кўнгилни».

Данчигимнинг онаси, жондан азиз умр йўлдош им – Ойгулимни шундай деб юпатаман. Шундан кейин у асосли гапларимга қўнгандай, йиғидан тинади. Жиндай сабр қилган бўлади, аммо, бироздан сўнг яна кўзларига ёш тўлиб, яна йўкловни бошлиди. Айримлар: «Бошига қайғу тушган ёлғиз у эмас, бошқа фарзанди ҳам бор-ку, нега у бунча йиғлайди?» – дейишлари мумкин. Шундай дегувчилар бўлса, уларга ҳам гинамиз йўқ. Ҳар ким ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчайди. Бошига тушмаганлар ўзганинг қайғусини қайдан билсин, қандай англасин? Мен Ойгулимни тушунаман. Жондошим, ёстикдошим бўлганилигидангина эмас, унинг бошига тушган жудоликка ўзим ҳам дучор бўлганимдан, онасига ўхшаб ўзим ҳам Данчигимни қаттиқ суйғанлигимдан. Шундан бўлса керак, менинг қайғули қаламимдан:

*Сени чексиз суйдим, ҳайҳот,
Сени кўп эркалатдим.
Донишим, чин дунёга
Нега шунча эрта кетдинг? –*

каби қайғули сатрлар қуйилмоқда. Эсим киравли-чиқарли бўлиб, ўлпи-сўлпи ўтириб, ўйлайман: «Одамнинг оламдан-да мураккаб ички дунёсини қошу ковоғидан ҳам укиб олгувчи қароғим, қорачигим, донишманд Доношим-эй, айтган сайин соғинтириб, бутун вужудимни қакшатиб, пешанамга сиғмай кетдинг-а! Юрагимни хувиллатиб, бўтаси ўлган арвонадай бўзлатиб қўйган қисмат менга бунча бешафкат бўлмаса?!

– Менинг ўн ёшли неварам Олтиной кечә эрталаб уйкудан уйғонди, – деб гапга аралашди Малик, – тушимда Дониёр тоғамни күрдим. Эгнида оппоқ күйлак. «Олтиной, сен бобонг билан бувингга, яқынларимга айт, улар мени ўйлаб йиғлайвермасинлар. Бу ерда аҳволим яхши. Болалигимда мени эркалатган Алмухан бобом билан Макпал бувимни, аввал күрмаган нариги боболаримни ҳам күрдим. Улар мени ўраб, қўриклаб-қўлтиқлаб юришибди», – деди у, сўнг: «Дониёр тоғамни соғиндим!» – деб йиғлаб юборди.

– Дониёрни тушимда мен ҳам күрдим, – деди Мадина. «Сен Анжеликанинг дугонасисан-ку, унга айт, менинг корним очқади!» – деб мунғайиб турибди. Тушимни Анжеликага айтгандим, у: «Данчик мендан дуо умид қилгандир», – деб чалпак пишириб, муллага Қуръон ўқитибди. Мачитга, черковга бориб садақа улашибди. Кейин болалар уйига совға-салом билан бориб, уларга Дониёр ҳакида гапириб берибди. Шунда кичкина болалар Анжеликага: «Яна келиб, Дониёр ҳакида гапириб беринг», – деб сўраб колишибди.

– Данчигим менинг ҳам тушимга кўп киради, – деди Эрасил. – Ана шу тушларимдан таъсирланиб ёзган шеъримни ўқигим келяпти.

– Ўкинг, – деди океан ортидан келган олим.

*– Сендан ажралиб қолган
Ўн учинчи кун бугун.
Шум ажсал юлиб кетди
Ўрдамнинг олтин туйнугин.*

Сендан ажралиб қолган
Үн учинчи күн бугун.
Күним менинг йүқолган
Қайгули қора түн бугун.

Согиниб сени юрувдим,
Тушимда күрдим мен сени!
Дийдоринг күриб, болам-ов,
Күтардим жиндай энгсани.

Ёттардим беҳол түшакда,
Ранг-рүйим саргайиб.
Жылмайиб қараб түрдинг-у,
Кетгандай бүлдим согайиб.

Тушимда күриб. Дониёрим,
Босилди сал-пал согинчим.
Юрагим сенда экан-ку,
Сен экансан юпанчим.

Тушимда күриб. Дониёрим,
Роҳатлар топдим шу лаҳза,
Қош қоқымдан сүнг кетдинг,
Күнглимга тұлдиріб ғам-ларза!

Эзилиб тұгаган, эй юрак,
Донишшым томон олиб уч.
Қучоқлаб сени суюйин,
Йүк бұлсın жамийки согинч!

«Дониёрни күрдим», дедим,
Онанға – Ойгулимга.
Эзилиб узоқ иигладим,
Дардим айтиб Ой, Күнимга.

Үзини нохуш сезиниб,
У ҳам узоқ йиглади.
Кетгандан юраги эзилиб,
Оллоҳдан ажал сўради.

Кўш мунглиғ икков қўшилиб,
Тагин йигладик, йигладик.
Нонуштани ҳам еёлмай,
Кўз ёш тўкишдан тинмадик.

Сени йўқотиб, Дониёр,
Бўйинга тушди бўғовлик.
Ўзингни тикла, Ойгулим,
Тақдирга қарши турайлик.

Гар бошга солса Оллоҳим,
Тақдирга борми ҳеч чора?!
Оlamда яна бормикин,
Биздайин шўрли, бечора...

Шеърни базўр ўкиб тугатган Эрасил кўзлари ёшланиб, оғир хўрсинди.

– Эрасил Жаксибекович, мана шу шеърингизни, шунингдек, Дониёрга ёзган мактубларингиздан бирини менга берсангиз.

– Уларни нима қиласиз?

– Америкага қайтгач, ўша ердаги қозокларнинг бошини қўшиб, болангизнинг руҳига Куръон ўқитиб, океанинг нариги тарафидаги миллатдошларингизга Дониёр ҳакида гапириб, унга ёзилган мактуб билан шеърни ўкиб берсам дегандим.

- Америкага қачон қайтасиз?
- Бир ҳафтадан кейин.
- Унда буларни компьютерда тергизиб, икки-уч кунда сизга етказиб берайин.
- Яхши, унда биз қайтайлик. Сиз дам олинг, Эрасил Жаксибекович.

Америкалик олим кетгач, пайшанбалик эҳсон ошга тўпланган кишилар Дониёрни хотирлаб озрок ўтиришиди.

– Данчикдан жудоликнинг оғирлигини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Ушбу номукаммал ёлғон дунёда Данчик биз учун умид чироғи эди. У ўзининг фавкулодда камтарлиги, андишалиги, одоби билан калбимизни забт этганди. У киска умрида бажариб улгурган хайрли ишларини санаб саноғига етиш кийин, – деди қуда томондан Андрей.

– Таникли шоира Людмила Шчипахина: «Ўзининг жуда киска умрида билган-кўрган одамларнинг меҳрини қозона олган бу «юлдуздан келган бола»нинг истеъдодли, кўркам, оқил ўсмирнинг орамизда йўклигига ишонгинг келмайди. Усиз оламдан бир даста нур сўнди... Ҳа, ха, мўъжазгина, лекин жуда ёркин шуъла сўнди... Унинг табиатида буюк қозок ҳалкининг жозибали фазилатлари муҷассам эди... Шундай эр ўғлондан жудолик – унуттилмас мусибат, унугтилмас гусса. Уни унутмаймиз! Унинг ёркин рухини ҳамиша ҳис қилиб яшаймиз! Уни хеч қачон унутмаймиз! Унинг хотираси олдида доимо бош эгамиз!» деб ёзганида минг бор ҳақ эди, – деди Оксана.

– Унда одамларни бир-бирлари билан дўстлаштириш хислати бор эди, – деди Мадина. – У ҳамиша ва ҳар доим ўзгаларга кўмак беришга интиларди. У, шахсан менга, юз минг бор ёрдам қўлини чўзган. Кечасими, тонгдами, қачон керак бўлса, ёрдамга етиб келарди. Унга: «Данчик, мушкул ахволдаман!» – дейиш кифоя эди. У ҳеч нарсани сўрамас, унга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. У фақат: «Ҳозир қаердасан?» – деб сўрарди, холос.

Кечкуунга бориб, пайшанба чойига йигилганларнинг барчаси кетиб, уйда Ойгул билан Эрасилгина қолишиди.

– Чарчадинг, ётиб дам ол, – деди Эрасил Ойгулга.

– Майли, ётсам ёта қолай. Сен нима қиласан? – сўради Ойгул.

– Мен Данчикка навбатдаги мактубни ёзаман.

– Сен ҳам чарчадинг, кўп ўтирма, азизим.

Шундай деб Ойгул хобхонага кетди. Эрасил иш столига ўтириб, ўғлига мактуб ёзишга тутинди.

*– Айланиб қоляпман мурдага,
Ўҳшайман қангабошга-да,
Томоқдан таам ўтмайди,
Кўнгил йўқ тонгги ошга-да.*

*Ойгулим сўлиб боради,
Юрагин кемириб ваҳим.
Бизларни энди ҳеч шўрлатма,
Асрагин бизни, сен, Илоҳим! –*

дэя бугунги кун хақида Дониёрга хисобот берди. Йигирма сатр шеърни юрак кони билан ёзган Эрасил у дунёга мўлжалланган мактубини:

*Кора ергина кўтарар
Гамларни қандоқ кўтардим?
Сенимас, ажал мени олса,
Армонсиз дунёдан ўтардим, –*

дэя якунлади.

Навбатдаги мактубни йиғлаб ёзган Эрасилнинг юрагида қаттиқ санчик пайдо бўлди. Кўз олди корайиб, боши айланавериб, аранг гандираклаб хобхонага етди.

– Рангинг бўзариб кетибди, нима бўлди? – деди Ойгул хавотирланиб.

– Мазам қочди.
– Кўзинг кизариб кетибди, яна йиғладингми?
– Ҳа... Жиндай...
– «Тез ёрдам» чақирайми?
– Чакирмай тур. Чарчадим, чамамда. Дам олсанм ўтиб кетар. Сув бер-чи, сув, – деди Эрасил тўшакка кийшаяр экан. – Кабинетимдан кон босимнинг дорисини ҳам ола келсанг...

Ойгул дориларни келтиргач, Эрасил тилининг тагига нитроглицерин ташлади. Авваллари бу дори тез таъсир киларди, бу сафар фойдаси бўлмади. Кейин конкор ичди. Ҳар доим тез таъсир килувчи бу доридан ҳам наф бўлмагач, Ойгул аппаратда унинг кон босимини ўлчади.

– Қанча? – деб сўради Эрасил.
– Тепаси – юз саксон, пасти – бир юз эллик.

– Томир уриши-чи?

– Ҳозир кўрамиз.

Билакдан ушлаб, томир урушини соатга қараб санаган Ойгул:

– Юз ўттиз. «Тез ёрдам» чақирмасак бўлмайди, – деди.

«Тез ёрдам» кўп куттирмади. Қорачадан келган, барзангি шифокор қозоқ йигит, оппоқ тиббий жомадон кўтарган, кийик боласидай истарали рус ҳамшира киз кириб келишди. Шифокор ҳамширага bemордан кардиограмма олишни айтди-да, касалхонадан ола келган Эрасилнинг даволаниш карточкасини вараклаб, унинг касаллик тарихи билан танишди. Шу аснода тайёр бўлган кардиограмма лентасини ҳам дикқат билан кўриб чиқди, ҳамширага нималардир деди. Ҳамшира Эрасилга бир эмас, икки эмас, еттига укол килди. Икки соат мобайнида бўксага, билак томирига, коринга қилинган уколлардан кейин ҳам bemорнинг аҳволидан қониқиш ҳосил қилмаган шифокор энди ҳукумат касалхонасининг иккинчи терапия бўлими мудирига қўнғирок килди:

– Уйқунгни бузганим учун узр, Сергей, – деб бошлаган гапини bemorga эшитилмайдиган паст овозда давом эттириб, сўнг гўшакни кўйиб:

– Эрасил Жақсибекович, сизни ҳозироқ касалхонага етказмасак бўлмайди, – деди.

– Эрталаб ўзим борсам-чи? – сўради Эрасил.

– Бўлмайди! Мен сизни бу аҳволда уйда колдиролмайман.

– Нега?

– Тұғрисини айтсам, ҳозир зудлик билан сизни касалхонага етказмасак, инсульт бўп қолишингиз хеч гап эмас. Сизни фақат касалхонадагина оёкка турғазиш мумкин.

– Худо хоҳласа, де. Худонинг хоҳишисиз ҳас ҳам синмайди.

– Ҳа, Худо хоҳласа.

Касалхонага Эрасил билан Ойгул ҳам бирга келди. Уларни йўлакда кутиб олган навбатчи шифокор Эрасилни бир кишилик палатага жойлаштириди-да, ҳамширага укол килишни, зудлик билан томирга томизги дори юборишни буюрди.

Эрасилнинг кистови билан уйга қайтган Ойгул хавотирдан тунни бедор ўтказиб, тонг ёришиши биланок, яна касалхонага отланди. У Эрасилни кеча колдирган палатага кирди-ю, каравотнинг бўш турганини кўриб, юраги шувиллаб, кўз олди коронғилашиб кетди, гандираклаб йиқилаётганида орқадан кирган навбатчи ҳамшира уни суюб:

– Хавотирланманг, Эрасил Жақсибековични ҳозиргина реанимация бўлимига олдик, – деди.

Ойгул жонини ҳовучлаганича, реанимация бўлими томон югорди. Аммо уни бўлимга киритишмади. У эшик олдида туриб-туриб, ҳолдан тойгач, судралиб уйга қайтди. Эшикдан кириши билан тўхтовсиз жиринглаётган телефон гўшагини шошиб кўтарди.

– Эшитаман.

– Хайрли тонг, Ойгул!

- Кулашмисан?
- Ҳа, мен. Яхши ётиб турдингми?
- Қанака ётиб-туриш? Туни билан мижжа қокмадим.
- Мазанг қочдими?
- Ундан баттар...
- Нима бўлди?
- Эрасилнинг мазаси кочиб қолди.
- Кечагина, пайшанба чойида соппа-соғ эди-ку.
- Сизлар кетиб, мазаси қочди. «Тез ёрдам» чакиртирдим. Касалхонага ётқизмасак бўлмади. Эрталаб борсам, реанимацияга ўтказишибди.

Кулаш билан гаплашиб бўлгач, Ойгул уйда ўтиrolмай, яна касалхонага шошилди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

|

Бу Дониёр олти ёшлигига бўлган воқеа.

Ойгул кеч ётса-да, эрта уйғонди. Олис йўлдан чарчаб келиб, каттиқ ухлаганидан уйқуси қониб, тиникиб уйғонди. Ўрнидан турганида ёнидаги Дониёрнинг тўшаги бўш экан. «Бу тинчимас бола тонг отмасдан қайга кетди экан?» – деган хаёлда ташқарига чиқаётib, ўғлига дуч келди.

- Тонгда ухлаш ўрнига қаерларда юрибсан? – деди Ойгул.
- Бойғабил бўйига бордим.
- Чўмилдингми?

- Йўқ.
- Унда нима қилдинг?
- Дарё бўйида ўтириб, куёш чиқишини томоша килдим.
- Куёш чиқишини ўтган йили «Олма-ота» санаторийсида дам олганимизда томоша килгандингку.
- Даладаги куёшнинг чиқиши шаҳардагига ухшамас экан.
- Нимаси ухшамас экан?
- Шаҳар қуёши уйқудан турганида тумандан аниқ кўринмайди. Бу ердаги қуёш уйқудан уйғонганида бошқача, тип-тиник юзи кулиб тураркан. Унинг кулиб уйғонишидан осмон ҳам, Бойғабилнинг суви ҳам жимиirlаб, кулиб, кўзимни камаштириб юборди. Эртага ҳам тонгда Бойғабил бўйига бориб, куёшнинг уйғонишини томоша киласман. Ойижон, сиз ҳам мен билан борасиз-а?
- Йўқ, мен боролмайман, бувингга қарашаман.
- Унда дадам икковимиз борамиз.
- Шундай кил, бўтам.

«Отасининг киндик кони тўкилган Тўрғайни Дониёр яхши кўрганидан у ерга кўп борарди» – хаёлидан ўтказди Ойгул.

Боласининг ота юртга биринчи сафари ҳамон ёдида. Олма-отадан учган учок ушоқцина Аркалик аэропортига қўнган онда Дониёр кувончи ичига сиғмасдан: «Ура, мана менинг Тўрғайим!» деб кичкирган, унинг бу хитоби салон тўла йўловчиларни ўзига каратган. Ўшанда у эндиғи-

на уч ёшда эди. Ҳа, боланинг ота юртига меҳри ўзгача эди. Дониёр тўрт ёшлигида айтган бир гапини Ойгул ҳамон кулиб эслайди. Ўшанда улар Иссиқкўлда дам олаётган эди. Бир куни уларни олисроқдаги дам олиш уйига меҳмонга таклиф этишди. Меҳмондорчиликдан ётөк жойларига пиёда кайтишди. Кун иссик, қуёш тигидан кўл соҳилидаги тошлар товадай кизиб ётар, нафас олиш қийин эди. Ярим йўлга келганларида Дониёр онасига: «Чарчадим, кўтар!» – деди.

– Отанг кўтарсин!

– Йўқ, сиз кўтаринг! – деди Дониёр ўжарлик билан.

– Нега мен кўтарар эканман?

– Дадамнинг оёғи оқсок, тез чарчайди, – деди Дониёр бир томонга шох ташлаб, оқсокланиб, аранг кетаётган отасига бир қараб.

– Менам чарчаб келяпман, пиёда юрақолсанг бўлмайдими?

– Кўтармасангиз Тўрғайга кетиб қоламан, – деди Дониёр қовоғини уйиб.

– Йўқ-йўқ, ундей килма, болам, кетма! Қе, келақол, – деб онаси Дониёрни дам олиш уйигача кўтариб келувди.

Шу йили улар Иссиқкўлдан қайтишгач, яна Эрасилнинг ота юрти, «Қозогистон – 40 йиллиги» давлат хўжалигининг маркази – Бойғабил овулига келишди. Эртаси куни меҳмонлар билан саломлашгани хўжалик директори Бахитжон келди. Сухбат жараёнида Эрасил директордан:

– Совхозда канча қүй бор? – деб сүради.

– Саксон минг, – деди хұжалик раҳбари, – йигирма минг гектар еримиз, унча күп бўлмаса-да, йилқи билан йирик қорамолимиз ҳам бор.

– Манов Қизбөл тоғида Оқбош бургут бормиш, шу гап ростми?

– Рост. Бир гал Жонкелдин туманига бораётиб, кўл ёқасида уймалашиб турган йилқилар тепасида чарх уриб учиб юрган Оқбош бургутни ўзим кўрганман.

– Наҳотки?

– Оқбош бургут деганлари биз кўриб юрган бургутлардан анча йирик бўларкан.

Дониёр катталарнинг ёнида ўтириб, расм чишиш билан банд эди. Директор хўшлашиб, кетишга чоғланганида Дониёр «Оға, бу сизга» деб унга ҳозиргина чизган икки варак қоғозни узатди. Бахитжон қоғозларни қўлига олиб, биринчи варакдаги ўзининг қиёфасига тикилиб қолди. Қоғоздан унга кенг яғринли, тепакал киши илжайиб караб туради. Эгнида йўл-йўл кизил чизикли, енги калта кўк кўйлак. Бахитжон портретини ўхшатиб чизган Дониёрга ажабланиб қаради. Иккинчи варакда камишли кўл сохилида уймалашиб турган йилқилар, кўлда сузаётган бир жуфт оккуш, кўкда, йилқилар тепасида айланиб учайдиган Оқбош бургут тасвирланган эди.

– Бу расмларни қачон чиздинг? – хайрон бўлиб сўради Бахитжон.

– Ҳозир, сизлар гаплашиб ўтирганда.

- Неча ёшдасан?
- Түрт ёш...
- Туф-туф, күз тегмасин! Мана күрасиз, манов болангиз катта бўлса, улуғ рассом бўладиган сиёқи бор, – деди Бахитжон уни кузатишга чиккан Эрасилга.
- Буни вақт кўрсатар, ким бўлса ҳам омон бўлсин, одам бўлсин, – деди Эрасил.

Эртаси куни тонгда Дониёр отасини уйғотиб, Бойғабил соҳилига бошлаб борди. Энди кўтарилаётган қуёш Шарқда уфкни шафаклантириб, жилмайганча охиста кўкка ўрлайди. Ўзан соҳилидаги кўм-кўк ўт-ўланлар, майда қамишлар ва пастак бутазорлар орасидан киялаб қуюлган нур тонг сабосида мавжланган сувни жимирлатиб, охиста титрайди. Нариги соҳилдаги қамишли кўлдан қанотларини тапиллатганча кўтарилган бир жуфт оккуш сибизға товушда зорланиб учиб, Қумкечув томонга ўтиб кетгач, ўзан яна оромбахш сукунатга чулғанди. Уфкларга туташ дашт эндиғина кўзи ёриган онадай енгил тин олиб, сархуш бир баҳт кучоғида сеҳрлангандай ястаниб ётибди. Ҳув нарироқдан, қалин қамишзордан бир-бирлаб чиқиб келган бир тўп қўнғир ўрдаклар ғақиллашиб, соҳил бўйлаб суза бошлашди. Сув каъридан юзага сапчиб чиқкан олабугани қамиш орасида пойлаб ётган, узунлиги икки қарич келадиган чўргтан қува кетди...

Орадан бир эт пиширим вакт ўтгач, елкасида қўш челакли обкаш, бўйнига қизғиши кийик рўмол

боғлаб олган киз кўк кўйлагининг этаги шамолда хилпираганча, ўзан томон шошилиб кела бошлади. У соҳилга яқинлашгач, ота-бала билан бош ирғаб саломлашди-да, улардан анча нарига бориб, елкасидаги обкаш билан чеълакларни ерга кўйиб, шиппагини ечди. Эрасил билан Дониёр ўтирган томонга кўз қирини ташлаб, кўк кўйлагининг этагини тиззадан юкорироқ кўтарди. Қизнинг оппок болдирлари қуёш нурларидан яркираб кўзга ташланди. Сувга эгилганча, қандайдир ёқимли бир кўшиқни хиргойи қилиб ўтирган киздан кўз узолмай қолган Дониёр:

– Дада, қаранг, анави киз жуда сулув экан! – деди завқланиб .

– У кимнидир кутяпти, – деди Эрасил. – Кўрдингми, овул томонга тез-тез караб кўйяпти.

– Кимни кутади? – ажабланди Дониёр.

– Кимни бўларди, йигитини-да.

Дониёр ўзандаги ўрдакларга қараб хўрсинди.

Шу пайт кўкиш жинси шим, қизғишиш калтаенг кўйлак кийган, қора соч, хушбичим йигит оқ аргумоқни етаклаганча, ўзан томон юриб кела бошлади. У соҳилга етиб келиши билан киз ўрнидан туриб, йигитнинг кучогига сингиб кетди...

Ота-бала уйга қайтиб келишганида ҳовлида катта сариқ самовар шигиллаб турарди. Ерўчоқдаги қозонда қайнаётган гўштнинг кўпигини олаётган Мақпал кампир ота-болани кўриб:

– Болаларим, келдингларми, тонг отмай қаерга бордиларинг? – деди ўғли билан неварасига меҳр билан тикилиб.

– Мана шу тантиқ неварангиз ўзан бўйида қуёш чиқишини томоша қиласиз, деб ухлагани кўймади мени. Бунингиз доим шунаقا, мен боёкишни бир ёқларга етаклагани-етаклаган! Тантиқлиги етмагандай, яна тентаклиги ҳам бор бунингизнинг, ҳозир бурчакка турғазиб қўйсаммикан? – деб Эрасил онасиға кўз қисиб қўйди.

– Тегма неварамга! Тентак бўлсаям, ақлли тентак бу! Ке, бўтам, бери ке!

Кампир этагига ёпишган неварасининг бошидан ҳузурланиб ҳидлаб, пешанасидан ўпди. Дониёр бувисидай ишончли ҳимоячи топилгач, «Энди менга тегиб кўр-чи!» дегандай отасига гердайиб қаради.

Шу пайт чеккадаги қўрадан оппок улоқча дикиллаб чикиб келди. Дониёр югуриб бориб, улоқнинг бўйнидан қучиб, кафти билан майин жунини силаб:

– Улоқжон, ке, икковимиз дўст бўламиз, хўпми? – деди. Ок улоқ «майли» дегандай бош силкиди.

– Мен сени Олма-отага олиб кетаман, борасанми?

«Ме-ме» деб овоз берди улоқча.

Дониёр ҳар нарсани бир айтиб, улоқ билан анча ўйнади. Кейин улоқ боланинг қучоғидан бошини тортиб олди-да, «ме-ме»лаб, қўра ортига қараб юрди. Дониёр: «Улоқжон, кайга кетяпсан? Тўхта-чи! Мен билан Олма-отага кетгинг келмаса, кетмаёқ қўй. Ке, иккаламиз бекинмачоқ ўйнайлик!» – деб унга эргашди. Улоқча унинг га-

пига эътибор килмасдан, бошини қайқайтирганча кетиб борарди.

– Ўйнамасанг, ўйнама! Мени хафа килдинг, – деди Дониёр лаб-лунжи осилиб.

– Ким сени хафа қилди? – деди ўша пайт ховлига чиқсан Ойгул.

– Аnavи оқ улок-да, – деди Дониёр тумшайиб. – Мен билан ўйнагиси келмаяпти.

– Ўйнамаса ўйнамасин. Бор, аnavи қашқа бузокча билан ўйна.

– У билан ўйнамайман.

– Нега?

– У оқ улоқдай ёқимтоймас.

– Унда ювиниб, овқатлан, кейин оқ улоқ билан ўйнайсан, – деди Ойгул ўғлининг бетидан суйиб...

Ўша куни кечаси Мақпал буви неварасини ёнида олиб ётди.

– Буви, эртак айтиб беринг, – деди Дониёр.

– Майли, бўтам, унда тоғни елкасида кўтарган пахлавон йигит ҳакида эртак айтаман, эшиш.

– Одам тоғни кўтара оладими?

– Кўтарганда қандок! Зарур бўлса, эли учун эр йигит тоғниям кўтаради.

– Қандай қилиб экан-а?

– У бундай бўлган, – деб кампир бир йўталиб олиб, эртагини бошлади:

* * *

– Эрта, эрта, эрта экан, эчки жуни калта экан. Жийдалибойнинг ерида, Жағалбойнинг элида

ёз бўйи кўқдан бир томчи ҳам ёмғир томмабди. Экинлар сарғайиб, буғдой бошоқлари қовжираб, қурий бошлабди. Экин унмаган элда халқ очликдан кирилиб кетиши аниқ.

– Энди нима қиласиз? – деб халқ бош қўшиб, маслаҳат қилибди.

– Бу мушкул аҳволдан чиқишининг факат бир чораси бор, – дебди элнинг кўп яшаб, кўпни кўрган бир донишманд қарияси. – Бунинг учун қўшни юрт чегараси томондаги баланд тоғни буғдойзор, экинзор даламиз яқинига кўчириб келиш керак. Тоғ бор жойда ёғингарчилик бўлади. Ёгин бўлса, курғоқчиликни енгиш осон, экин, ғалла яхши ўсади.

– Тоғни кўтариб бўлмайди-ку, – дебди кимдир.

– Эл билан ерга муҳаббати кучли бўлган эр йигитлар учун ошиб бўлмас довон, енгиб бўлмас тўсик йўқ. Халкини қаттиқ севадиган эр йигит бўлса, йўлда учрайдиган тасодифий хатарлардан кўрқмасдан, ҳаётини таваккалга тикади, – дебди қария.

– Йўлда қандай хатар учраши мумкин? – сўрашибди одамлар.

– Ақли тўлган, шижаотли бўлган эр йигит Оллоҳнинг инояти билан баланд тоғниям елкасида кўтара олади. Тасодифу хатар, деганим, йўллар равон эмас, ўйдим-чукур жойлари, ўнкир-чўнкир сойлари, паст-баланд тепалари бор. Ўшандай ерлардан туртиниб-суртингмай, коқилмай ўтолса бас. Орангларда борми шундай элини жонидан ортиқ кўрадиган эр йигит?!

– Бор! – деб тоғ киронидай кескир овозда хитоб килибди оломон орасидан йигирма беш ёшлардаги бир йигит.

– Исминг нима? – сўрабди қария.

– Тўлағай.

– Омон бўл, Тўлағай болам! – деб қария кафтини очиб, кўзларидан ўт чақнаган эр йигитга меҳр ила тикилибди. – Эй халойик, кўлларингни очинглар, ботир боламизни дуо қилайлик. Эй элим деб юраги ёнган ўғлон! Юрганда йўлинг бўлсин, йўлдошинг Хизр бўлсин! Баланд тоғни елканга олиб, элингга эсон-омон қайтгайсан. Эй Яратган эгам, юраги йўлбарсдай, ғайрати арслондай Тўлағай ботирнинг йўлини бергайсан!

Элининг дуосини олган арслон йигит Тўлағай кун-тун тўхтовсиз йўл юриб, қўшни мамлакатнинг чегарасига етибди. Сўнг манглайини кунга, товонини тошга теккизиб: «Эй Яратган эгам, ўзинг мадад бер!» – деб наъра тортиб, тоғни заминдан узиб олибди-да, тик кўтарганча юриб кетибди. Тун бўйи юриб, кун пешиндан оқканда, юргига эсон-омон етиб келибди. Маррага етдим деганида, бир чўнқирда оёғи сирпаниб, мукасидан йиқилганида тоғ елкасидан босиб тушибди. Бутун эл кора кийиб, қайғу ютиб, ботирига мотам тутибди. Орадан бир хафта ўтгач, нихоят, ҳаммани орзиктириб ёқкан ёмғир қовжираган экинзорларга жон бахшида этибди. Ўшандан бошлаб, олтинранг буғдойдан тоғдай хирмон кўтарган халқ очарчилик деган балони унутиб, тўқчиликда фаровон умр кечира-

диган бўлибди. Ўша йигит кўтариб келган тоғни хозир ҳам халқ унинг хурматига «Тўлағай» деб аташар экан.

* * *

- Дониёржон, ухлаб қолдингми?
- Йўқ, ухламадим, буви.
- Нега индамай қолдинг?
- Тўлағай ҳакида ўйлаяпман. Мен ҳам Тўлағай бўлгим келади.
- Элингни суй. Элни сўйсанг Тўлағай ҳам бўласан, ундан ҳам зўр бўласан. Йигит кишига юрти, Ватани куч бағишлайди!
- Яна эртак айтинг-чи, буви.
- Айт десанг, майли, айтайин.

* * *

– Эрта, эрта, эрта экан, эчки жуни калта экан. Бир кучи тошган, акли ошган, тепса темирни узадиган пахлавон йигит бор экан. Дунёнинг адолатсизлигини кўргинки, ўша ҳам бўйдан, ҳам ўйдан, ҳам қувватдан бекаму кўст йигит ўта камбағалликдан тўйиб овқат емай, чалакурсоқ бўлиб юраркан. Шу йўксил йигит бир куни эрталабдан туз тотмаганидан силласи қуриб, киссаларини коқишитириб, сўнгги тийинларини санаб, корнини бир тўйдиришни ният қилиб келаётса, олисдан ўтган-кетганга қўл чўзиб, садака сўраб турган тиланчига кўзи тушибди. Кўчада у ёқдан-бу ёкка ўтаётган одамлар орасида чиройли кийи-

ниб, кимматбаҳо зеб-зийнатга беланган аёллар-у, кийган кийимининг ўзи бир туюнинг хунига тенг, камалакдек товланган бойвачча йигитлар ҳам бор эди. Бироқ, уларнинг ҳеч қайсиси тиланчининг калтираган кафтига, лоақал сариқ чақа ҳам ташламай, ёнидан гердайиб ўтишарди. Аммо, тиланчига садақа бермай ўтишга камбағал йигитнинг виждони йўл қўймабди. У ёнидаги бор чақасини очликдан тиззалири қалт-қалт титраб, йикилай деб турган тиланчининг дағал кафтига солибди. Ана шунда кутилмаган мўъжиза рўй берибди. Йигит йўқчиликдан сиқилиб, эзилган онларида, тушларида кўрган Худонинг жамоли кўз ўнгида намоён бўлибди. Бир зум атроф-теварак ёришиб, кўқдан юлдуздай оқиб тушган Худо тиланчининг елкаси оша йигитга қўл чўзибди. Шу лаҳзада осмонда ой билан қуёш бирлашиб, думли юлдузга ўхшаш кизғиш-сариқ нурлар йигитнинг кўз ўнгида шувиллаб кўкка кўтарилибди. Шу билан Худонинг жамоли ҳам ўша нурлар билан бирга ғойиб бўлибди. Шу қуннинг эртасига камбағал йигит оёқ остидан отнинг калласидай келадиган тилла ёмби топиб олиб, бой-бадавлат бўлиб кетган экан.

* * *

– Тиланчига сўнгги тийинларини берган йигитнинг исми нима экан? – деб сўради Дониёр.

– Унинг исми **Хайржон** экан. Ота-онаси хайрли бўлсин деб, исмини «Хайржон» қўйишган бўлса керак. Инсон бўлиб туғилган билан инсон бўлиб

колиш қиин. Инсон бўлиб қолишнинг бир шарти – Тўлағай сингари элни сўймок, иккинчи шарти – бева-бечора, йўксилларга раҳмдил бўлмок керак. Шунингдек, ростгўй хамда адолатли бўлиш керак... Хуллас, инсонийлик ана шундай давом этаверади. Ёдингда бўлсин, Донишим, дунёда мардликдан аъло баҳт, мушфикаликдан аъло фазилат йўқ!

- Яна бир эртак... – деявергач, бувиси:
- Мен сенга энди эртак эмас, хаётда бўлган бир гаройиб, ўрнакли воеани айтиб берайин, – деди.
- Айтинг!

Дониёр бувисининг ҳикоясини жон қулоғи билан эшитишга шайланди.

– Овулимиизда Шарифа исмли бева аёл бор эди. Жуда оқила эди раҳматли, вафот этди. Имони саломат, ётган жойи ёруғ бўлсин.

– Вафот этган бўлса, касалмиди?

– Йўқ, соппа-соғ эди...

– Машина уриб кетдими?

– Йўқ.

– Унда нега ўлади?..

– Ўз ихтиёри билан ўлди, боёқиши.

– Кандай килиб?! – деб ҳайратланди Дониёр.

– Эри аварияда ўлганди. Кўзининг оку қораси – ёлғиз ўғли бор эди. Бола касалманд бўлиб туғилганди. Юрак оғриқни нима дейишарди, парахми, прохми?

– Порок сердца.

– Ха, ха, худди ўшандай. Йигирма ёшли йигит бир куни кечкурун, ишдан қайтаётиб, күчада йикилиб қолибди. Уни касалхонага ётқизишибди. Даволовчи шифокорлар онасига: «Болангиз бу ахволда узок яшай олмайди. Иложи борича, тезроқ юрак алмаштирилмаса, бола нобуд бўлади, шунинг чорасини топинг», – дейишибди.

Боланинг умрини асраб қолиш учун бошқа юрак топиб, сотиб олиш керак, бунга эса жуда кўп пул керак. Бева аёлда ундаи пул кайдан бўлсин. Эски, тўкилиб турган кулбасидан бошқа сотадиган хеч вақоси бўлмаса. Мушфик она боёкиш ўйлаб-ўйлаб, чорасиз колгач, хеч ким кутмаган қарорга келибди...

– Қандай карорга келибди?

– Боласига ўз юрагини берадиган бўлибди.

– Қандай қилиб юрагини беради?

– Шифокорлар операция қилиб, онанинг юрагини болага кўйишибди. Мана, ўша йигит ҳеч нарса кўрмагандай, бутунлай соғайиб, қулундай чопқиллаб юрибди.

– Онаси-чи?

– Она боёкиш ўлган...

– Нега ўлади?

– Одам юраксиз яшай олмайди-да, – деб бувиси невараага сездирмай, кўз ёшини артди.

– Буви...

– Нима дейсан, қулуним?

– Яна эргак айтинг-чи.

– Чарчадинг, бўтам, мен ҳам чарчадим.

- Мен чарчамадим. Сиз айттан эртакларни тинглашни яхши күраман.
- Ота-онанг эртак айтишадими, сенга?
- Мамам айтади, папам айтмайди.
- Нега айтмайди?
- У... у доим ишда, командировкада юради.
- Дам олиш кунлари-чи? Дам олиш, байрам кунлари бор-ку.
- Үндай кунларда папам кабинетда ўтириб, кундуз газет, китоб ўқииди, тунда ёзади.
- Үнда қандай, сенга карамайдими?
- Карайди. Икковимиз шахмат ўйнаймиз. Мен папамни доим ютиб қўяман. «Сен яхши шахматчисан, математик бўласан», – дейди папам.
- Кулуним-эй, ишқилиб сенга кўз тегмасин! – деб бувиси уни бағрига тортиб, юзидан ўпди.
- Папамнинг шоир дўсти бор-у...
- Олмос Ойтуғановми?
- Ҳа, ўша киши шахматни зўр ўйнайди. Бир марта мен Олмос оғага ҳам «мот» кўйганман. У киши: «Ўҳ, бу нима килди?!» – деди. Кейин: «Бу зумрашанг бало экан!» – деб папамга мени мақтади.
- Бўталоғим менинг, кўзичоғим менинг. Энди ухла, майлими?
- Майли. Раҳмат сизга, бувижон.

Бувисининг бағрига тиқилиб ухлаб колган До-ниёр тушида Тўлағай билан Хайржонни кўрди. Хайржон Сейилхон поччасига ўхшаган, чақмоктошдай кичкина жуссали, қарчиғайдай коратўридан келган киши экан. У Дониёрнинг қўлидан етак-лаб бораётганмиш.

- Каёкка борамиз? – деб сўрабди ундан Дониёр.
- Мактабга, – дебди Хайржон.

Тўлағай, бувиси айтган эртакдагидек, пахлавон экан. Мактабга кетишаётганларида уларни Тўлағай пахлавон бўз отда қувиб етибди-да, Дониёрни шартта ердан кўтариб олиб, олдига ўтқазибди.

- Оға, қайга борамиз? – деб сўрабди Дониёр.
- Токка, – дебди Тўлағай.

Улар Медев муз саройидан ўтгач, бўз от Олатовнинг юксак чўқкисига учиб чиқа бошлабди. Бир пайт от суриниб, Дониёр унинг бошидан ошибб, ерга қулабди. Шу онда, отаси кўп айтадиган Оқбош бургут ерда йикилиб ётган Дониёрнинг тепасида чарх уриб учганмиш...

Шу ерга келганида Дониёр уйғониб кетди. Кечаси бирга ётган бувиси ёнида йўқ, барвакт туриб кетган бўлса керак. Ётоғидан яrim қаричгина кўтарилган куёш хонани нурга кўмиб, Дониёрнинг юзини эркалаб силарди...

Шу куни Дониёр ота-онаси билан туман марказидаги Маданият уйида бўлди. Бу ерда ёзувчи Эрасил Жақсибеков билан учрашув бўлиб ўтди. Отчопардай улкан залнинг тўрида, ота-онасининг ўртасида ўтирган Дониёр сўзга чикувчиларнинг бир хилдаги гапларидан зерика бошлади. У кўпчилик қаршисида турган отасига кўз кирини солиб қарап, атрофга аланглаб, бошидаги такясини бир кийиб, бир ечади. Узундан-узоқ чўзилган йиғилиш қачон тугар экан, деб типирчилайди. Бир пайт Бойғабил ўзани бўйида кўрган кўк кўйлакли сулув қиз ўрнидан туриб:

- Мен Дониёрга савол берсам майлими? – деди.
- Майли, Дониёрга саволинг бўлса, бер, – деди учрашувни олиб бораётган шу ерлик шоир.
- Рухсатни Дониёрнинг ўзидан сўрайлик, – деди кўк кўйлакли қиз. – Дониёр, сендан бир нарса сўрасам майлими?
- Майли, – деди ҳозиргина болалигига бориб, ичи пишиб, типирчилаб ўтирган Дониёр дарров жиддийлашиб.
- Дониёржон, айт-чи, катта бўлганингда ким бўласан, отанг сингари ёзувчи бўлмоқчимисан ёки онанг каби олим бўласанми?

Дониёр саволга жавоб бериш учун ўрнидан туриб, минбарга келди. Ингичка бўйинини чўзгани билан минбарга кўйилган микрофонга бўйи етмади. Залдан бирор югуриб чиқиб, минбар орқасига курси кўйиб берди. Дониёр курси устига чикқач, бўйи минбардан баландлаб, кўзи билан залдагилар орасидан савол берган қизни ахтарди. У олд қаторда тўлин ойдай балкиб, тик турган қизнинг оккушники сингари оппок бўйнидаги тариқдай холни кўрди. Қизнинг тим қора, куюқ соchlари болдирини ўпган, оқ чехра, оласи оз, кораси кўп хумор кўзларга узун киприклар талашиб уйғунлашган. Яшил япроқ тусли кўйлаги тўпикқача тўкилиб, новча бўйига ўзгача кўрк бағишлиаган.

Дониёр катталардай микрофонни бармоғи билан чертиб, сўнг кўк кўйлакли қизга тикилганча:

- Мен отам сингари ёзувчи ҳам, онам каби олим ҳам бўлмайман, – деди, сўнг жиндай ўйланиб

туриб, катталар сингари салмоклаб, давом этди, – мен Тўхтар Аубакировдай космонавт бўламан!

Кейин у залдагиларга бош эгиб, енгил таъзим килганча, гулдурос карсаклар остида жойига келиб ўтирди.

Ўша куни тунда Дониёр кўк кўйлакли қизни тушида кўриб чиқди.

||

У ётишга энди ҳозирланаётганида телефон жиринглаб колди.

– Данчик, бугунги футболни кўрдингми? – сўради Анжелика.

– Кўрганда қандай!

– Табриклайман! Севикли «Манчестер» жамоанг «Челси»ни боплаб мағлубиятга учратди! – деди Анжелика.

– Биринчи таймда Рональду тепган тўп дарвозага жуда аломат бўлиб киргани-чи! Рональду ўта чакқон хужумчи-да, иккинчи таймда ҳам зўр маҳорат намойиш этди, – деди Дониёр завкланиб.

– Хайрли тун, Данчик!

– Хайрли тун, Анжелика!

Чирокни ўчириб, ухлагани ётган Дониёрнинг кўз ўнгиди Анжеликанинг сиймоси гавдаланди. У билан качон, қандай танишганини эслади.

Дониёр меваси сероб сахий олтин кузда туғилган эди. Шу сабаблими, табиати туғилган фаслидай вазмин, килган меҳнати ҳам куздай самарали бўларди. Унинг болдан тотли болалик йил-

лари оқбош чўққиларини куёш эркалаган Олатов ёнбағридаги орзулар шахри – Олма-отанинг бир ихчам ҳовлисида ўтди. Эх-ҳей, у пайтларда шаҳар ҳовлилари қандай сўлим эди! Тамшантириб, танглайни тақиллатадиган, эсласанг кўнглинг ёришадиган файзли эди у ҳовлилар!

Дониёрнинг ўйинқароқ болалик йилларида Олма-ота ҳовлиларида ўзгача бир сеҳрли тароват хукм сурарди. Тонг шабнамидай покиза, озода ҳовли болаларни бир-бирлари билан иноклаштириб, бир-бирларига пўлатдай жисплаштирганди. Ҳовлидаги болалар гўё бир отанинг фарзандларидаин инок бўлишарди. Улар бошқа ҳовлидагилар билан беллашувда ўз ҳовлиларининг шарафи учун жон куйдиришар, ҳовли номуси уларнинг шахсий номусига айланиб, бу туйғу уларнинг гўр болалик чоғларидаёқ конларига сингтан эди.

Ана шундай ҳовлида бирга ўйнаб, бирга улгайган Володя Дониёрни бир гал тоғда дам олишга таклиф этди. Бу болалик дўстларнинг Олатов кўйнида биринчи дам олишлари эмасди. Шундай бўлса-да, ўша сафарги дам олишнинг Дониёр учун эсдан чикмас ўзгачалиги – Анжелика билан танишгани. Новча бўй, юриш-туришию сўзлари ўзига ярашган бу хушкомат, сулув кизни Дониёр бир кўришдаёқ ёқтириб қолди. Оқкушникидай узун бўйни, қумой кўзлари, толма бели, ўқловдай тўғри-текис болдиrlари, куёшда тилладай товланган малларанг соchlари, оппок, ўнг елкадаги куш тумшуғидай қоп-кора бежирим холи – ҳамма-ҳаммаси қизга бетакрор жозиба бағишлаган эди.

- Танишайлик, менинг исмим Дониёр, сеникичи? – деди у нотаниш қизнинг қархисига келиб.
- Анжелика.
- Исминг ҳам хуснингдай чиройли экан.
- Хушомад учун раҳмат.
- Бу хушомад эмас, ҳакиқат! – деди Дониёр Аңжеликанинг илик кафтини кафтига олиб. Қиз уялганидан қизариб, бошини эгди. Бу қизилликдан унинг чехраси йигитга янада жозибалироқ кўринди.

Кечкурун Володя дўстларини тоғдаги ресторанга бошлаб борди. Зиёфат сўнггида Володя: «Дастурхон ҳақини мезбон тўлайди, сизларни мен таклиф килганман!» – деган эътирозига қарамай, Дониёр:

- Ким тўлашининг нима фарки бор? – деб ёнидан бир даста пул чиқариб, официантнинг қўлига тутқазди.

Тоғдан қайтишларида Дониёр Аңжеликани уйигача кузатиб қўйди.

- Хўш, қалай? – деди эртасига Володя Аңжеликага қўнғирок килиб.
- Нима қалай? – деди қиз аввалига саволни тушунмасдан.
- Янги танишинг Дониёрни сўраяпман?
- У менга ёқмади, – деди Аңжелика.
- Нега?
- Тагида «Лексус». Эгнида қиммат кийим. Киссаси тўла пул. Ўзи мағрур. Жуда тантиқми дейман?

– Отаси атоқли ёзувчи, онаси атоқли олма. Иккалови кафтига солиб эркалатгач, у тантиқ бўлмай, ким бўларди? Аммо у сен ўйлагандай эмас, бекорга ошиб-тошмайди, қийинчиликлардан қочмайдиган, ақлли йигит. Дониёрга кўз тиккан қизлар кўп. Хушёр бўл, уни қўлдан чиқарма. Сенинг юлдузингни ёндирадиган ўша йигит! Юлдузи ёнадиган лаҳзаларда одам анграймаслиги керак!

- Жуда мактовни ошириб юбормадингми?
- Мактов эмас, ҳакиқатни айтдим.
- Омон бўлсак кўрармиз.

Шу зайлда Дониёр Анжелика билан учрашиб юрди. Ҳар учрашган сайин киз унинг янги бир фазилатини кашф эта бошлади. Володянинг айтганлари ҳакиқат бўлиб чиқди! Ҳакиқатан ҳам, Дониёр эртаклардагидай ноёб-нодир йигит экан. Вакт ўтгани сайин у ўзининг акл-фаросати билан кизнинг кўз ўнгига юксалаверди.

Анжеликани эсласа, Дониёрнинг уйкуси қочарди. Бир куни қанча тиришса ҳам киприклари илинмагач, гитарани қўлга олиб, оҳиста куйлай бошлади:

*Яrim тун, эл уйқуда, мен уйгоқман,
Эзилганга, тўқилганга тиргакман.
«Севги йўқ» деганларни эшиштсан,
Кўзимга кўринасан фариштам! –*

*Оқ булутлар мен-ла бирла йиглайдир,
Юрагимни қайгу-ҳасрат тиглайдир.
Гўзалинам, қайга борсам, олдимда
Сиймонг сенинг кулумсираб тургайдир.*

*Гар узилсам, күзларимда қотар мунг,
Қайгуарман,
Ғамғин ўйга ботарман.
Холим етса сұнғғи сұзни айтмоққа,
Гүзалгинам, сенинг исминг айттарман... –*

деб мунгли күшикни тугатди. Бу бастакор Илья Жағановнинг шоир Қосимхон Бегманов сўзига ёзилган «Гўзалгинам» романси эди. Кўнгли боладай, феъли даладай кенг Дониёр тонгни ана шу янги кўшиқ билан каршилади.

III

Қисқа вакт ичида чанғида маҳорат ила учадиган бўлган Дониёр қишки дам олиш кунларида дўстлари билан Табоғангага қатнади. Эрталабдан пешингача чанғи учиб чарчаган йигит йиғма тўшакка ёнбошлаб, ўзи билан ола келган кўнғир муқовали калин китобни кўлига олди. Бу отасининг «Ер тақдири» деб аталувчи хикоялар тўплами эди. Муқованинг ички сахифасидаги отасининг суратига тикилганча, ўйга чўмди. «Абай йўли» эпопеясидан кейин битта ҳам китоб ўқимабман, уят-э! Уч ойдан бери вакт етмаслигини баҳона қилиб, кўлга китоб олмаганлигимни нима билан оқласа бўлади? Жан Жак Руссонинг: «Китоб ўқилмаса, инсоннинг акл-идроқи тушовланади», – деган хикматли сўзида жон бор. Тўғри, ўтган ойда отам яхши кўрадиган Қосим Омонжўлов билан онамнинг севикли шоираси Анна Ахматовани, ўзим яхши кўрган Сергей Есенинни қайтадан вараклаб

чиқдим, аммо улардан бошқа янги хеч нима ўқимадим. Бугун кабоб пишириб, чой кайнатиш Малика билан Диманинг зиммасида. Анжелика иккаламиз учун бугун дам. Шундан фойдаланиб, мана бу китобни ўқиши бошлай».

Китоб ўқишига қизиқиб кетган Дониёрнинг хаёлини ташқаридан гапириб кирган Анжелика бўлди:

- Нимани ўқияпсан?
- Отамнинг китобини.
- Янги романими?
- Йўқ, ҳикоялари.
- Нима ҳакда?
- Киндик қон тўкилган она заминнинг сеҳрли хислати ҳакида.
- Ҳикоя нима деб аталади?
- «Ёвшан ҳиди».
- Номи чиройли экан.
- Номигина эмас, мазмуни ҳам чиройли.
- Унда мазмунини айтиб бер-чи.
- Айтолмайман.
- Нега?
- Яхши асарнинг мазмунини чала-чулпа айтиб, асарга хиёнат қилмокчи эмасман. Сен унинг русча таржимасини ўқиганинг маъқул.
- Русча таржимаси борми? – деб қувониб кетди Анжелика.
- Йўқ.
- Йўқ бўлса қандай ўқийман?
- Яқинда бўлади. Русчага таржима қилиняпти.

- Ким таржима киляпти?
- Юрий Бондарёв.
- Ў, у классик ёзувчилардан бири-ку!
- Менинг отам ҳам классик! Мен ҳам классикман – чанғида учишдан. Буни билиб қўйинг, Анжелика Андреевна.
- Мақтандек!
- Дам олмай қайда юрувдинг?
- Малика билан гаплашиб ўтириб қолдим.
- Нима ҳақда гаплашинглар?
- Мен билан танишмасингдан олдин сен билан бирга ўсган дўстларинг энди сендан хафа эмиш. Ўшаларни ҳам эсдан чиқармаслик керак, дейди Малика. Майли, дам олишингга халакит бермайман, мен уларнинг ёнига бора қолай.

- Қайга борасан?
- Малика билан Димага кўмаклашаман. Саксовул тутаб, ёнмаяпти, улар кабоб пиширолмаяпти. Тезлаштирмасак, қорин очди...
- Меникиям очди. Унда тезлаштиринглар.

Анжелика хонадан чикиб кетгач, Дониёр: «Маликанинг гапи тўғри, – деб ўйлади. – Болаликдан кадрдон бўлган дўстлар билан алокам узилиб қолди. Улардан хабар ололмаяпман. Айб менда. «Семизликни қўй кўтаради» деб, боболаримиз бежиз айтишмаган. Ота-онамнинг менга кўрсатган чексиз меҳрибонликлари-ю, менга жами шароитларни яратиб, эркалатишларидан, дўстларимнинг: «Дониёр биздан бир калла юкори, у бизга сардор» – деган мактовларидан мағурланиб, худбинлаша

бошладим. Бу хатони тузатиб, дўстлардан кечирим сўрашим керак. Ўйлан, Дониёр, ўйлайдиган жиҳатларинг оз эмас. Вактнинг кўпини иш билан Анжеликанинг яқинларига бағишлиб, ота-онамга ҳам деярли кўнгил бўлмай қўйдим. Онам мени безовта қилмаслик учун бозор-ўчарга ўзи қатнаб юрибди. Менинг кундан-кунга ортиб бораётган эҳтиёжларимни қондириш учун отам китобларини сотиб, кераксиз ишлар билан машғул бўлмоқда. Бунингдек майда, арзимас ишларга алаҳсимасдан, ижод билан шуғулланса, ўзига ҳам, халқка ҳам фойдаси кўпроқ тегмасми? Ота-онам менга нима керак бўлса, барини муҳайё қилди, нима истасам, барини топиб берди. Эркалигим шунчалик ошиб кетганидан, беш йилда машинамни уч марта янгиладим. Боёқишилар, менга сўнгти чақаларигача беришади. Кексайган ота-онага суюнч бўлиш фарзанднинг бурчи эмасми? Ҳа, шунчаликка бордим. Дўстларимнинг гапларини ҳам машинада кетаётиб тинглайдиган бўлдим. Бундан ўзга камчиликлар ҳам менда бисёр. Бугундан эътиборан, ўзимга сиртдан қарашим шарт! Ҳа, шарт! Бундай шартлар эса жуда кўп. Ўйлан, Дониёр, ўйлан!..»

Куни бўйи чанғида учиб, кечкурун тоғ ёнбағрида, тоза ҳавода тиниккан дамларда До-ниёрнинг кайфияти ўзгача, кўтаринки бўларди. Турли хил қизик воқеаларни эслаб, латифа айтиб, жўралари билан бирга кулишиб, ора-ора-да гитара чертиб, қўшиқ айтарди. Унинг табиат ато этган ажойиб овози тоғ бағрида ўзгача жил-

валаниб, ўзгача жарагларди. Ижрони қозок халк ўланларидан бошлаб, унга кирғизларнинг «Соғинганда бир келарсан, сарғайганда бир келарсан...» деган хушоҳанг, майин термасини улаб, кетидан русларнинг жўшқин, кувнок частушкала-рини айтиб, ҳамманинг кўнглини хушнуд киларди. Бугун у бошқача бўлиб, кўшик ҳам, кувнок латифа ҳам айтмасдан, чурк этмай ўтирибди. Кейинги уч йил мобайнида доим у билан бирга юрган-турган Анжелика бугун Дониёрини таниёлмай қолди. Уни шу пайтгача, бугунгидай мунғайиб, ўйга чўмиб ўтирганини кўрмаганди.

Одатда, у дўстлари танг ахволга тушиб, довди-раб қолган чоғларида, вазминлик билан:

«Шошмаслик керак! Ақлни ишлатиб, хар қандай чигалликдан халос бўлиш мумкин», – дер ва чиндан ҳам ақлинни пешлаб, дўстларини не-не боши берк кўчалардан олиб чиқарди. Бугун До-ниёрға нима бўлганини атрофидагилар тушунмай, хайрон бўлишди.

– Сенга нима бўлди? – деб сўради Анжелика уйга келаётганларида. – Нимадан сиқилдинг? Ҳалиги, Маликанинг сўзиданми?

- Факат ундан эмас, – деди Дониёр.
- Яна нимадан?
- Мендаги камчилик жуда кўпайиб кетиби.
- Қандай камчилик?
- Ҳозир чарчаганман, кейин айтаман.
- Маъкул. Унда яхшилаб дам ол.

Үйга келгач, Дониёр ўтириб анча ўйланди. Сүнг Анжелика билан танишгунга қадар бирга юрган дўстларига хат ёза бошлади: «Азизим Володя» деб тагини бир чизди-да, кўнглидаги гапларни көғозга очик-оидин тўка бошлади. «Аввало, мазкур дил изхоримни бетга айтмасдан, көғозда баён этганим учун сендан узр сўрайман. Чунки, юзинга қарашибга уяламан. Бу гапларни бетга айтганимдан кўра, мен учун ёзиш осонрок. Шунингдек, бу мактубни чин юракдан, ҳеч қандай гидирсиз, кинсиз ёзмоқдаман.

Қилган барча хатоларим учун, сенга ва бошка дўстларимга етказган озорим учун узр сўрайман. Бундан аввал ҳам менга сўнгги имконият беришларингни сўрагандим, аммо мен ундан фойдалана олмадим. Малика айтган гапларни ўзимча мушоҳада қилиб кўрдим.

Мен ҳар доим окибат ҳакида ўйламай, ўзимга қандай қулай бўлса, ўшандай иш тутишимни айтганингда, юз фоиз ҳак эдиларинг. Шу чокқача, ёлғизликдан ҳозиргидай изтироб чекмагандим. Мана, окибатда энг яхши, содик дўстларимдан айриладигандай бўлиб ўтирибман. Шу ҳолатда йўл қўйган барча хатоларимни бирма-бир таҳлил қилиб, ўзгаларга доим озор бериб келганимни англаб етдим. Неча бор сизларга сўз бериб, сўзимнинг устидан чикмаганман. Ҳар сафар оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрмоқчи бўлганман. Энди билсам, одам йиллар давомида мисқоллаб йиккан ишончни бир лаҳзада йўқотар экан...

Демокчиманки, энди сизлар самимий, янги Данчикни кўрасизлар ва у ўзи айтган ҳар бир сўз учун жавоб бера олади. Мен, албатта, шунча алдовларимдан кейин ҳам ваъдаларимга ишонишларингга ва мен ҳакимдаги фикрларинг ўзгаришига умид килолмайман.

Иложи бўлса, мени кечиринглар. Биламан, шунча гапдан кейин мени кечиришларинг осон эмас. Менга сўнгги бор имконият беришларингни ва яна бир бор кечиришларингни ўтиниб сўрайман. Энди сизлар билан муомала-муносабатда софдил бўлишга ва сохталик қиласликка сўз бераман.

Хатни ўқишга вакт ажратганинг учун сендан миннатдорман. Балки бу гапларни ёзиб, яна хато килаётгандирман. Ўтинаман, кечир мени!

Сенга хурмат билан Данчик».

Компьютерда ёзилган бу хат Володягагина эмас, куни кечагача қадрдон бўлган бир гурӯҳ дўстларига ҳам аталган эди. Шу боис, Дониёр бир матндаги мактубни «Серёжа, Лора, Юра, Павел, Женя, Эмиль, Андрей» деб кўпайтириб, принтердан чиқаргач, чарчаб, диванга чўзилганча, ухлаб колди.

Эртасига Ойгул ўғлининг хонасини йиғиширар экан, столда ётган хатларни кўриб, уларни ўқиб чиқди. «Хатони бўйинга олиш ҳам мардлик. Тўғри килибсан, Донишим», – деган гап Ойгулнинг кўнглидан ўтди.

IV

Дониёр вафот этган йили киш жуда эрта тушди. Октябрь ойининг бошида ёққан қор эримай, ерда узок туриб колди. Кунлар совиб, ерни муз коплаб, даштдаги ахолига қийин бўлди. Одамлар қарамоғидаги бир нечта молни қаҳрли кишнинг кутурган бўронлари-ю, улардай улиган оч бўрилардан омон саклаб қолиш ташвишига тушиб колишиди. Ана шундай хавотирли киш кунларининг бирида Сейилхон туғишган опасини сўнгги йўлга кузатиш учун Амангелди шаҳрига борган эди. Бойғабил қишлоғидан туман марказигача, ундан Арқаликка эсон-омон ётиб келди. Эрталаб осмон булатсиз, ҳаво очик эди. Сейилхон Арқалиқдан чикиши билан об-ҳаво бирданига ўзгарди-колди. Сейилхоннинг шериги, туғишган жияни, эски «Мазда»нинг рулини маҳкам ушлаб, йўлдан кўз узмай келаётган қуштумшук, йириқоғиз, сарик сочли тўрғайлик йигит – Турсунжон эди. Тонгда улар йўлга чиқишиганида ер бағирлаб эсаётган изғирин сут пиширим фурсатдан сўнг кимсасиз даштда шиддатли бўронга айланди. Орқада – юз, олдинда – олти юз чақирим йўл бор. Нима қилмоқ керак? Икковлон: «Таваккал!» деб, нима бўлса ҳам олдинга, факат олдинга юриш керак, деган карорга келишиди.

Кўксини кериб, ястаниб ётган бепоён дашт ок кўрпага бурканиб, унсиз мудрайди. Борлиқ хавотирли сукунат оғушида. Вакт-вакти билан сабий-

нинг йигисидай заиф овоз узилиб-узилиб эшитилади. Тумансимон оқиши буғга чулғанган даштда узоқдагини кўриш у ёқда турсин, ияқ остидаги йўлни ҳам кўриб бўлмайди. Қарға одимича масофани кўролмаган қўш йўловчи эски «Мазда»нинг омонлигини тилаб, секин силжишмоқда.

Ердаги корни буралатиб, кўкка шопираётган шамол лахза сайин кучга кириб, худди оппок куюн оғушида сон мингта ўқилон заҳарли бошларини қайқайтириб, тўхтовсиз вишиллаётгандай ваҳимали изиллайди. Сабийнинг йигиси сингари узилиб-узилиб эшитилаётган заиф овоз, шамол куҷайганидан кўркинчли гувуллашга айланди...

Орадан бироз вакт ўтгач, машинани тўхтатиб, икки мунглиғ ташкарига чикиб, атрофга кўз юғуртиришли. Чираниб, авжига чиккан шиддатли бўрон кўз очиргани қўймайди. Йўлни кўриш у ёқда турсин, бир қадам нарида нима борлигини кўриш-англаш амримаҳол.

– Биз адашдик, – деди Турсунжон.

– Нега ундан дейсан? – сўради Сейилхон.

– Йўлдан чикиб, даштга кириб кетгандаймиз.

Хали бир ўнкир-чўнкирдан ўтганимизда, иккаلامиз сакраб, машина томини тешиб юборишимизга оз қолувди.

– Юкхонадан куракни ол-чи.

– Куракни нима киласан?

– Ҳозир кўрасан!

Сейилхон машинанинг олд-орқасидаги йўлни, сўнгра йўлнинг икки ёнини курак билан тапил-

латиб уриб чикқач, машинани паналаб, дилдираб турган Турсунжонга:

- Ҳечам адашмабмиз, йўлдан тўғри кетяпмиз, – деди.
- Нима дединг?! Нима?! – деб қичқирди Турсунжон.
- Нега қичкирасан, кар эмасман, – деди Сейилхон.
- Манов шамол овозингни эшигтирмаляпти, – минғиллади Турсунжон.
- Сен эшигтмасанг, мен эшиятман.
- Шунча камчилигинг сезилмасин учун Худо сенга супрадай қалқийган кулок берган-да.
- Худо мени сендай кар қилмаганига шукур!
- Манов кутурган бўронда дийдираб, гап сотиб турганимиз нимаси? Энди нима қиласиз, шуни айт?
- Нима килардик, Остонага етказгайсан, деб юраверамиз. Оллоҳ ўзи ёр бўлсин. Бир амаллаб Отбосарга етиб олсак, у ёғи осон. Бўрон тинмаса, ўша ерда тунаймиз, тинса, Тумарбекнинг уйига етиб йиқилармиз. Ёнилғи масаласи қалай?
- Бензин Остонагача етади. Канистрга ҳам куйиб олганман.
- Шунга ақлинг етганига ҳам шукур. Бўйинг бир қарич бўлгач, ақлинг ҳам калта-да. Яхшиям бир отим носвойча келадиган, киарали-чикарли ақлинг бор экан. Шунисига ҳам шукур.
- Шукур, шукур, деб лақиллайвермай, ўтири машинага, – деди гандираклаб йиқилиб бораётган Турсунжон Сейилхонни қучоқлаб.

– Нима бўлди сенга, мастмисан?

– Э, манов шамолнинг шиддатини кара! Оёқда турғазмасдан, нақ учирив кетаман дейди.

– Жа, зорлайверма. Кетдик.

Эски «Мазда» соатига кирқ чақиримлик тезлик билан юриб келади. Қуюнли бўроннинг тинадиган тузи йўқ. Тентак шамол забтига олиб, гувуллаб турибди.

Машинада ёнма-ён ўтирган икки мунглиғ бирбирига хавотирланиб караб қўйишади.

Орадан бир чой қайнатим вакт ўтди. Ҳали тўхтаган ердан унча олисламасдан «Мазда» олдинда корайган аллақандай нарсага бориб тумшуғи билан урилди. Иккови ташқарига икки томондан отилиб чиқишиди.

– Кўзингга қарамайсанми, ё сўкирмисан?! – деб бўкирди кор қуюни орасидан айиқдай лапанглаб чиқиб келган тулкитумоқли, девдай киши.

– Кечиринг, кўрмай колдим, – минғирлади Турсунжон.

– Ҳечқиси йўқ, менинг мўйим ҳам эгилмади, сенинг сўнг томон фаранг синди-ёв, дейман? – бу сафар дев кишининг овози мулойимроқ эшитилди. – Хўш, йигитлар, йўл бўлсин?

– Остонага боряпмиз, – деди Сейилхон.

– Йўлимиз бир экан.

– Нега тўхтаб турибсиз?

– Шабадалагани тўхтади дейсанми? Яхши юриб келаётгандим, манов бир қадам ердан ўтолмай, ушланиб колдим.

– Нега?

– Мана, күринглар, йўл бўйи кор йўғ-у, бир таёқча ерда қалин кор уюми чиқиб, «Уазик» ўтолмай, тинкани куритди.

– Турсунжон, бери кел! – деди Сейилхон. – Мана бу кор уюмини кўрдингми? Йўл шу ергача топ-тоза. Бу ёғида, икки одим ерда, кор нега уюлган?

– Э, бу ерда дальнобойшиклар тўхтаб, дам олишган чоғи. Бу қор улкан юк кўлиги орқасида тўпланган.

– Йигитлар, сизларда курак борми? – деб уларнинг гапини бўлди тулкитумокли дев киши.

– Бор.

– Унда бу нима туриш? Опке куракни. Учовлашиб қорни тозалаб ташлайлик.

Асфальт йўл устидаги, атиги бир неча қадамдаги кор уюмини учовлашиб бирпасда тозалаб ташлашди.

– Йигитлар, энди, сизларда баданни киздирадиган аччик сув йўқми? – деди тулкитумокли.

– Менда бир шиша арак бор, – деди Сейилхон.

– Унда, қани, опке, тезроқ баданни киздирайлик.

Шошилинч очилган «Медведев»ни Сейилхон учта киррали стаканга teng бўлиб куйди.

– Остонага эсон-омон етишимиз учун.

– Манов қутурган бўроннинг тезроқ тиниши учун!

– Йўлимиз очик бўлсин!

– Манов менинг жиянимга қари хотинлар ошик бўлсин!

– Ҳей, нағаши¹, «қари хотин» демасдан, «қиз» деган сўзга тилинг келмадими? – ўпкаланди Турсунжон.

– Сендаи сарик айғир, куштумшук, йирикка қизлар қаармиди?

Оч қоринга тушган аччик арак бўғинларга етиб бориб, бўшашибган тоға-жиян, ким билсин, гап талашиб, талай ерга боришармиди, аммо тулкитумоқ киши:

– Ҳой, йигитлар! Бекорчи сўз нима керак? Йўл ҳаки юрса битар. Юрамиз энди, – деб уларни хайхайлади.

– Ҳайда, кетдик, – деди Сейилхон.

– Эсимиз борида элимизни топайлик, – деди Турсунжон.

Олдинда «Уазик», ортда «Мазда» Отбосарга етишни орзулааб, яна юриб кетишиди.

Куюқ корли бўрон тобора авжига чикмокда. Кучаниб эсаётган тентак шамолнинг шиддати сусяяр эмас.

Секин юриб келаётган «Мазда», бир пайт, «пак» этиб ўчди-колди.

– Нима бўлди? – деди Сейилхон.

– Ҳозир биламиз. – Турсунжон машинадан тушди. Сейилхон ҳам ташқарига чиқди. У Турсунжон очган капотни қўш қўллаб ушлаб турди. Турсунжон моторнинг у ёғини чукалаб, бу ёғини чукалаб,

¹Нағаши – тоға

анча урингач, рулга ўтириб, машинани ўт олдириб кўрди. Жонсиз мотордан қилт этган овоз чикмади.

– Шўримиз қуриди! – деди Турсунжон тарвузи қўлтиғидан тушиб.

– «Ўлмаганга ўлик балиқ йўлиқади», деганлар. Бирорта мард келиб қолар. Элдан бурун ваҳима килмай тур, – деди Сейилхон.

– Мана бу кутурган бўронда бизга ўхшаган жинни-санғи бўлмаса, ким ҳам йўлга чиқарди дейсан?

– Таваккал дегани – елқайик, сузуб ўтасан-у, кетасан, қўркув дегани – ўпкон дарё, чўкасан-у, кетасан.

– Тўхташим билан ҳалиги тулкитумоқли девга сигнал беришим керак эди, узоклаб кетди, энди ундан умид йўқ.

– Сигнал бермаганингга ўкинмаёқ кўй.

– Нега?

– Манов изиллаган бўронда, гувуллаган шамолда у, барибир, сигналингни эшитмасди.

Олис йўлнинг устида икки мунглиғ дилдираганча қолди.

Осмоннинг очиладиган, кор бўроннинг босиладиган турки йўқ.

Олдинда буларни нима кутяпти, баҳтга етказувчи оқ йўлми, боқийликка олиб кетадиган ажалми? Ким билсин? Балки... Ҳар нарса бўлиши мумкин.

Энди олдинда нима бўлиши бир Яратган эгамгагина аён.

Ёлғизнинг бу ёлғондаги ёри – хаёл. Икки кўзинг тўрт бўлиб, юрагингга дард тўлиб, бир уйда бир ўзинг азият чекиб ўтирганда ўйланмай ҳам кўр-чи. Кун узок, тўрт девор ичида, қайғуга чўмиб ўтирган Ойгул, одатдагича, бугун ҳам ўйга чўмиб кетди.

«Худойим-эй, бир айлантирганни чир айлантиради, деганлари рост экан. Куни кечагина жонимдан азиз Дониёrimдан жудо бўлганим камлик килгандай, тақдирнинг шафқатсиз зарбасидан ақлдан озай деб ўтирганимда, ёнимдаги ёлғиз йўлдошим – Эрасилимни жонлантириш бўлимига ётқизадиган зарба бергудай нима гуноҳ килувдим, нимада янглишдим, қай ерда, қачон хотога йўл кўйдим, мен баҳти каро? Қурдати чексиз Худойимга қай гуноҳим, қай ҳаракатим ёқмади?! Тўғри, фаришта эмасман. Ҳатоларим ҳам кўпdir? Аммо ҳеч кимга, ҳеч қандай хиёнат қилмаганман. Бироннинг ола ипидан сакраб ўтмаганман. Тўғри, ёмонликка қарши курашдим. Яхшиликка ёндашиб, тенгдошларим билан тенглашдим. Мен ҳам, Эрасил ҳам кун-тун тинмай меҳнат килган, одил, мўмин жонлармиз. Оллоҳ таоло бизни нима учун жазолади экан? Пул учун онасини сотган маҳлуклар, тўрт-беш ёшдаги сабийларни зўрлаган хайвонлар ҳеч нарса бўлмагандай яйраб юрганда, сўйилингни бизнинг бошда силтаб, шўримизни шўрлатганинг – нетганинг, Яратган эгам?! Дониёrimдан айрилиб, қон ютиб, жонлантириш

бўлимида ётган Эрасилимни ўйлаб, қон кусиб, дўзах оловида ўртаниб ўтиргандан ўлганим афзал. Мен ўлимдан қўрқмайман. Нимасидан қўрқаман, мен қиймайдиган нима бор, бу бевафо дунёда? Бор баҳтим, бор қувончим Дониёrim билан бирга кетмадими? Ўлим менга умрдан минг хисса ортиқ. Ўламан, деб эмас, Эрасилнинг ҳоли менсиз нима кечаркин, деб ўйлайман. Мен ўлсам, Эрасил ҳам бул фанода кўп тура олмас. Унда мана бу тўрт девор тўрт томонга қийшайиб, чайқалиб турган чанғарок чилпарчин бўлиб ерга куламайдими? Бундан ортиқ қайғу, ҳасрат бўларми? Донишимидан чиркираган бир сабий қолганида эди. Унда мен боламнинг кўзи, айтишга улгурмаган сўзи, тулпоримнинг туёғи, шунқоримнинг қиёғи, олтинимнинг синиғи, армонимнинг тиниғи, деб ўша неварам учун яшамасмидим? Уфкка ботган қуёш каби бир кун мен ҳам ботарман, ёруғ дунё деган ёлгонга кўлни бир силтаб, Дониёrimнинг ёнига бориб ётарман...»

Ойгул бир дам оғир ўйлардан халос бўлиб, ўрнидан туриб, аввал Дониёрининг хонасига борди. Сўнг ётокхона, меҳмонхонага, кейин Эрасилнинг кабинетига бош сукди. Тўрт хонали уйда у ёқдан-бу ёкка, худди муз кўчкисида колган балиқдай эсанкираб юрди. Барча хоналарда Дониёрининг катталаштирилган сурати деворнинг кўринарли ерига илинганди. Қай хонага борса-да, қаршисида юзидан нур ёғилган Дониёри турибди. Ҳар бир хонада би-

роз хаяллаб, Дониёри билан сўзлашади. «Болагинам, олтиним, Доник. Донюша, куёшим, жоним, куним, нуридийдам менинг! Бисмиллахир роҳманир роҳим. Доношим, тинч ухла! Бехиштнинг тўрида бўл, фариштам. Оллоҳдан раҳм, пайғамбардан шафоат бўлсин. Оллоҳга илтижо қиласман!» – дейди кўнгли бўшаб.

Бир лаҳза Эрасилнинг ёзув столига келиб ўтириди-да, каршида турган Дониёрнинг суратини олиб, жонсиз қоғозни ўпди. Сўнг ўзи учун азиз киёфани кўксига босиб, йиғлаб, йўқлашга тушди: «Кулум-эй, юлум-эй, бўтам-эй, Дониёрим-эй, жоним-эй, соғиндим-ку, сени! Сен йўқсан, мен халигача ер босиб юрибман. Овқат ейман, ухлайман. ишга бораман. Қандай ожиз жонман, орсиз онаман, жонидан ортиқ кўрадиган, бир ўлмай, калт-култ қилиб ер босиб юрган кимсаман. Шу ҳам хаёт бўлдими? Ҳаёт эмас, дўзах бу. Дўзахнинг нима эканлигини мендан сўранглар, у дунёга бормаёк, кунда кўриб юрибман уни мен...»

Дахлиздаги кора телефон безгак тутган одамдай узок безиллади. Ойгул қилт этмади. Кўл телефони қақшаб турибди. Унга ҳам қулоқ тутмади. Салдан сўнг эшик қўнғироги тинимсиз, кўярда-кўймай какшади. Ниначидай тиришган Ойгул судралиб бориб эшикни очди. Қархисида ранги ўчган Кулаш турарди.

– Нега бунча кўрқитдинг? – деди у на омонликни, на соғликни сўрамасдан, ҳовликиб сўзлаб.

– Нега, нимадан қўрқдинг? – сўради ажабланган Ойгул.

– Нега қўрқмайин, на уй телефонинг, на қўл телефонинг жавоб бермайди. Бир нима бўп колдимикан деб қушдай учиб келдим-да, ташқарила туриб, квартирангнинг кодини қайта-қайта тераман, унга ҳам жавоб бермадинг. Нима килишни билмай, анграйиб турганимда қўшнинг келиб қолиб етдим-да эшигингга.

– Кечир, Кулаш, эшитмадим.

– Йиғлабсан-да, кўзларинг кип-кизил... Йиғлай-верма. Кўз ёшингни куриш. Эрасилнинг ахволи қандай, шуни айт-чи.

– Бир қолипда, ўзгариш йўқ.

– Палатага кўчирдими?

– Йўқ, ҳали ўша жонлантириш бўлимида ётибди.

– Шифокорлар нима дейди?

– Нима дейишарди? «Кутайлик. Умид узмайлик». Айтадиганлари ўша бир сўз.

Ойгулни қандай юпатишни билмаган Кулаш уни ошхонага етаклади. Одатдагидай унга тўртбеш кошиқ шўрва, икки финжон чой ичкизди... Сўнг яна келарман, деб қайтиб кетди.

Кулаш кетгач Ойгул газеталарни вараклай бошлади. Қанча газетани кўздан кечирди, аммо кўнгилни тинчитар ҳеч нима топмади. Ҳукумат газеталари ҳам, муҳолифат нашрлари ҳам муайян бир мавзуни олиб, ўз қарашларига мослаштириб,

бир-бирларини такрорлаган. Кўнгилни тортадиган бир нима беришармикан, деб телевизорни қўйди. Ҳар доимги концерт, ҳар доимги, ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайиб кетган ёш «юлдузлар», тинглай-тинглай кулоқни битирадиган, кўра-кўра кўзингни толдирадиган ёши ўтган қўшиқчилар, таниқли шахслар билан нотаниш журналистларнинг сухбати, «Юлдузлар мусобакаси» деган охирни йўқ беллашув, бир-бирини такрорловчи токшоулар... Жуда бўлмаса, кўнгилга ёқадиган ҳаётий кино беришса экан. Буёги, ўша, азалдан бери кўрсатиб келинаётган кинолар, нарёғи чет элликларнинг ўзлари учун «пуф сассик» бўлиб қолган, биз учун тансик бўлган сериаллар... Худойим-эй, Қозоғистонда қанча телеканал бор, аммо кўрадиган ҳеч нима йўқ! «Сони бор, салмоғи йўқ теледастурларни ёпиб ташлаб, уларнинг ўрнига кўрадиган битта канал очса-ку»... – дея ўйлади Ойгул.

Газета материаллари, радио билан теледастурлар кўнглига ўтиришмагач, Ойгул компьютерда оламтўрини кўздан кечира бошлади. Турли сайтлардаги фиск-фасодларга тўхтамасдан, оламнинг юрак садосига қулок тутди. Улар ҳам йиртиқ кўнгилга ямок бўлолмади. Дунёда оғатга учрамаган бирорта ҳам эл йўқ экан: бир эмас, бир неча мамлакатни саросимага солган сув тошқини... Бир халқдан кейин яна бир халқни қон қакшатган зилзила... Ҳеч қачон киш бўлмаган қитъаларда кор ёғиб, совук минтақалар исиб, иссиқ минтақалар совимоқда. Уйқусидан уйғонган вулконларбиридан

сўнг бири отилиб, минглаган учокларни қантариб, миллионлаган йўловчиларни кўналғаларда ипсиз боғлаб қўйган... Уч юзга яқин йўловчиси бўлган Малайзиянинг улкан уchoғи ном-нишонсиз йўқолибди... Эй Яратган эгам, бу хақда ўйлашнинг ўзи ҳам қўрқинчли! Хуллас, мунтазам содир бўлаётган ҳар турли табиий офатлар, тўхтовсиз давом этаётган турли қуролли тўқнашувлар дунё юзидаги барча эл, барча халқларни саросимага солиб, тинкасини қуритмоқда...

«Худонинг қудрати билан бўлаётган шунча хатарли бу воқеалар, олдинда тубсиз ўпкон бор, эсингни йиғ, одамзод!» деган аломат бўлса керак», деб ўйлади Ойгул. Беш кунлик дунёда бунча олатасир воқеа...

VI

Қўш мунглиғ Сейилхон билан Турсунжон корли бўрон қуршовида дилдираб қолган куннинг эртасига Савле Эрасилнинг ёнига шошилинч етиб келди.

- Оға, ёрдам бер! – деди у йиғламсираб.
- Нима бўлди, бўтам? – сўради Эрасил.
- Сейилхон даштда, кор қуршовида қолиб кетди.
- Буни сенга ким айтди?
- Кеча тонгда Турсунжон иккови Арқалиқдан йўлга чиқкан экан, Остонага етиб боришмабди. Арқалиқда кучли бўрон бошланган дейишялти.

– Бўрон бўлгач, Отбосарда тўхтагандирлар-да?
– Отбосарга етиб борган бўлса хабарлашарди.
– Арқалиқдан кандай машинада йўлга чикибди?
– Турсунжоннинг «Мазда»си экан. Худонинг яркираган ёзида шалдир-шулдур килиб, тўкилиб кетай деб юрган машина эмасми? Худо тош тепасидан уриб, йўлда тўхтаб қолган чикар. Юрагим сезяпти, улар бир балога дучор бўлди.

– Кўй, бўтам, кўй! Билмасдан ваҳима қилма.

Уларнинг сухбатини ишдан келган Ойгул бўлди:

– Ҳозир оғанг ҳамма ёкка қўнғирок килиб аниклади. Юр, чой ичамиз, – деб Савлени ошхонага бошлаб кетди.

Эрасил Арқалиқ билан Остона ўрталиғидаги эл яшайдиган маконларнинг барчасига телефон килиб, алоқа йўқ овулларга маҳаллий раҳбарлар орқали кидиувчилар гурухини юборишни илтимос килди. Бу иш билан Эрасил икки соат шуғулланди. Сўнг об-ҳавони аникловчи марказга қўнғирок килган эди, улар бўроннинг яқин кунларда тинмаслигини айтишди.

Энди Яратганга ёлворишдан ўзга йўл йўқ эди...

VII

Эрасил кеча ўриндикда Дониёрни ўйлаб ётган эди. Кеч ётса ҳам анчагача ухлай олмади. «Доношимни, баҳтимизни комига тортган ялмоғиз илон, кетдингми? Коранг ўчсин, сур илон. Сен қачон

халққа яхшилик олиб келувдинг, келган сайин элни тамуққа етаклаб юрасан. Сен келган йилда доим ё улат, ё офат бўлади. Эсанкиратишларинг камлик килгандай, энди мени қон қакшатдинг-а, сен ёвуз. Энди, мана, ўғлимни, баҳтимни йўқлаб, юрак сизиллаб, тана музлаб, кора ёпиниб, қон қусиб, қайғу билан бирга тунаб ётибман...» Яна нималарни дир пичирлаб, ўзи билан ўзи сўзлашиб, тонгга яқин толикиб ухлаб, яна Дониёрни ўйлаб тўшакдан турди. «Буюк Даشتнинг улуғ чоллари топиб айтган экан: «Одам баҳт қуши бошига қўнганини сезмайди, учиб кетганидагина сезади». Рост-да, доим беҳуда ғимир-ғимир килиб, арзимаган нарсаларга юлкиниб юриб, «ёруғ дунё» деган ёлғоннинг ўткинчи эканини ҳам унутиб қўямиз. Кундалик ишлар билан ғимирсиб юрганимизда бошимизга қўнган баҳтнинг ҳам керакли онларда қадрига етмасдан, кейин бармоқни тишлиб, ўкиниб, ўқсиб ўтирамиз. Ўзгаларни айтиб нетайин, ўзим ўйламаган жойда дучор бўлган оғир қайғу даштимиз донишмандларининг сўзини яна бир марта тасдиқлади. Ғоят суюкли, ғоят иқтидорли ўғлим Дониёrimдан айрилиб колган 2013 илон йилининг ўн еттинчи августигача мен баҳтли эдим. Менинг энг улкан, бош баҳтим – Дониёrim эди. Дониёrim борида бутун олам менга караб тургандай, баҳтли эдим мен қандай! Юксакларга олиб учган қанотим, ўғлим эди – бор баҳтим, муродим. Дониёrim, баҳт қушим учиб кетган ўша қарғиши теккур кора кун –

ўн еттинчи август оқшомида, бир лаҳзадаёқ бебаҳт бўлдим-да, колдим...

«Ҳеч ким мангу яшамайди. Аммо, қанийди, бари навбати билан бўлса», дебди Олмос Ойтуганов жонимдан азиз фарзандим дунёдан бевакът кетганида Париждан йўллаган жадал хатида. Мен «ажал» деб аталмиш бешафқат ёвузни бутун одамзоднинг душмани деб биламан. Одамзоднинг ана шу душмани кимларни қулатиб, кимларни йиғлатмади... Аммо қулашнинг ҳам қулаши, қайғунинг ҳам қайғуси бор...

Шундай фарзанддан кўз очиб юмгунча жудо бўлиш қанчалар қайғули экан. Ўзинг тугул душманнингта ҳам тиламайдиган оғир мусибат-ку! Менинг Дониёрим ақли, шижоатли, юракли ўғлон эди. Ўн саккиз ёшида Абайни ўқиган, Мағжон, Шокарим, Есенин шеърларини кўнглига жойлаган, атиги йигирма ёшида шахс бўлиб етишган шаҳбоз эди-я, Доношим! Тенги йўқ аслзода ўғлидан жудо бўлган Абайдай «юрагим менинг кирқ ямоқ», «ярқираган туғинг йиғилмай, яхши ўлибсан» десам-да, қалбим менинг ярали. Унча-мунча яра эмас, қизил кони шовуллаган, умр бўйи тузалмайдиган, қабрга бирга кетадиган тузалмас, оғир яра бу!..

Эрасил тобутдай оғир ўйлардан эзилиб, ошхонага чиқди. У ерда Ойгул йиғлаб ўтирган экан.

- Нега йиғляяпсан? – деди Эрасил.
- Дониёрни ўйлаб ўтирибман.
- Ўйла, бироқ йиғлама.

– Эрталаб уйғонишим билан: «Ойижон, хайрли тонг» деювчи эди-я. Шу эсимга тушиб, юрагим эзилиб кетди.

– Қўй энди, йиғлама, – деди Эрасил Ойгулга жони ачиб...

Кўш мунглиғ бир-бирларини юпатиб ўтириб нонушта қилган бўлишди. Нонуштадан сўнг Эрасил кабинетига келиб, ёзув столига ўтирди. Қалам бор бўлгур юрмади. Шундан сўнг у қаршисидаги Дониёрнинг суратига қараб ўйга чўмди. Русларнинг хозирда барҳаёт мутафаккирларидан бири, академик Феликс Кузнецов Дониёр хақидаги эсдалигида: Яқинлари вафот этса «у ифлос дунёдан покиза, яхши ҳаётга барчамиздан эрта кетди» деб қувонадиган ҳам ҳалқ, эл бор эканлигини айтиб, «улар биздан кўра баҳтли», дебди. Ким билсин, бу гапда ҳам жон бордир. Бизнинг қайғумизни бўлишгани келган кирғизларнинг улкан шоири, ҳамқалам дўстим Нурлан Қалибеков: «Дониёр фаришта эди, ифлос дунёдан кирланмай, топ-тоза фаришта кўйида ҳаётдан кетди. У ҳозир беҳиштнинг тўрида», деган эди. Чинакам шоир ўзга бандалардан кўра Оллоҳга бир товон якин туради. Ким билсин, бу гапни ҳам шоирнинг дилига Оллоҳнинг ўзи солгандир.

Бу менга коронғу. Биз каби бандалар билмайдиган сирларнинг бари ёлғиз Оллоҳгагина аён.

Ёшу қари биладиган аччиқ ҳақиқат шуки, инсон юз, жуда нари борса, юз йигирма йилгина

яшайди. Ҳатто юз йил яшаса ҳам, умр дегани кўз очиб юмгунчалик ўтар-кетар экан.

Йигирма бир ёшида кўз юмган Дониёrimning умри ўшандақа кўз очиб юмгандан ҳам қисқа бўлди!

Бироқ, Оллоҳнинг ишига чора йўқ. Оллоҳ шу ғамни бошга солди – мен кўндиним. Илож борми кўнмасликка, дўзах азобига тўзмасликка? Озми, кўпми, колган умрда Дониёrimни йўқлаб ўтаман энди. Кеча ҳам, бугун ҳам янги йил билан табрикловчилар кўп бўлди. Раҳмат уларга! Бироқ бизнинг қора ёпинган мотамсаро кўнгил, кон йиғлаган ярали юрак кувонмади. Дониёrimсиз байрам, баҳт йўқ экан бизга...»

Бутун эл янги йилни нишонлаб, кувониб байрам қилаётганда кўш мунглиғ бир уйда – икковлон икки хонада йиғлаб ўтиришарди...

Ўша куни, хафта давомида очик бўлган осмон бир лаҳзада булутга бурканиб, тундай қорайди-колди. Бехосдан кўпдан кутилган қор ёғди пағалаб. Қалин қор кучли шамолга улашди... Янги йил байрамини нишонлаётган Олма-ота бир лаҳзада шиддат билан эсган бўрон оғушида колди.

VIII

Бугун – январь ойининг ўн иккинчиси – Эрасилнинг туғилган куни. Ўтган йили, айни шу куни Эрасил кувонч оғушида эди. Азалий одатига кўра, кеча, тунги соат ўн иккиси Дониёри, тонгда уйкудан турсолиб, Ойгули табриклаган эди.

Нонушта килар-қилмасдан бошланган телефон күнғироклари кечгадайин ҳеч тинмади. Остонадан Тумарбек, Анварбекдан бошлаб, Маржон күшилиб, Кўстоной билан Аркалиқдаги ҳамюртлари, Москва-дан, Тошкентдан, Бишкекдан, Душанбедан, Ашхободдан қаламдошлари, Париждан Альберт Фишлер... биридан сўнг бири күнғирок килиб, туғилган куни билан табриклишмоқда. Уйдаги иккита шаҳар телефони билан иккита қўл телефонидан күнғирок килганларнинг ҳар бирига жавоб килиб, толиккан Эрасилнинг тушлик қилишга ҳам холи бўлмади.

Ойгул билан Суюнчбека эт пишириб, турли хил салатлар тайёрлаб, дастурхонни таомларга тўлдириб ташлашди. Таомилга кўра, кечки соат олтида уйга туғишиган, дўст-ёронлар тўпланишди. Эрасилнинг кучоғи гулга, чанғароғи кувончга тўлди. Одатдагидай туғилган кунга бағишлиланган дастурхон бошидаги ўтириш жиловини Ҳамид қўлга олди.

– Ўзларинг биласизлар, Эрасил кўкемиз бугун етмиш учда, – деди Ҳамид. – Энди, икки йилдан сўнг кўкам етмиш бешга тўлади. Етмишини опера театрида ўн мамлакатдан келган оламга таниш, атоқли арбоблар билан бирга тўйладик. Чет эл газеталари ёппасига ёзиб, ўзимизнинг телеканаллар ёппасига кўрсатган етмиш йиллик юбилей тўйи ривоятга айланди. Худо хоҳласа, кўкамнинг етмиш бешга тўлган қувончили тўйи ундан ҳам зўр бўлади. Кудасини Худодай сийлаган халқмиз. Дастрлаб-

ки сўзни Малик кудага бераман. Ол, Маке, кечки салқинда яйраб бир сўзла-чи.

– Дониёрдай баркамол ўғил ўстирган Эрасил билан Ойгулнинг соғлиғи учун олиб қўяйлик! – деди Малик.

– Ҳам киска, ҳам нуска¹ – ажойиб сўз бўлди, – деди Ҳамид. Эр хотинни Худо айирмаса, инсон айирмайди. Эндиги сўз Равшанойга.

– Хоним десанг-да, жоним десанг-да ярашади Равшанойга, – деди Бойбўта.

– Мен тўйган қўзидаи тўмпайиб ўтирган, қўш оккушдай бир-бирларига мос тушган икки ёш – Дониёр билан Анжеликага бағишиланган шеъримни ўқийман, – деди Равшаной. Сўнг каршидаги деворга илинган расмдаги Олатовга тикилганча, жарангдор, ёқимли овозда шеърини ўқий бошлади:

*Йигирма бирда ёши бор,
Ақлга тўлган боши бор,
Дониёрни севган Анжеликанинг,
Қийилган қийгоч қоши бор.
Келин бўп келар у эртан
Ойгул билан Эрасил,
Бахтингни тошиб, кутиб ол!
Ўткизмай бекор вақтни,
Қўшиайлик қўша ёқутни,
Дониёр билан Анжела,
Бўлсин мангу баҳти!*

¹Нуска – ибратли деган маънода

– Браво, браво! Қарсаклар! Олқишла, халким, олқишла! – деди Ҳамид. Дастурхон атрофидагилар дувиллатиб қарсак чалишди. Анжеликанинг оппок чехраси оловланиб қизарди, Дониёр унга қараб жилмайди.

– Дониёр билан Анжелика турмуш куришадими, тўй қачон? – деб сўради Ҳалима Ойгулдан.

– Худо хоҳлаган куни, – деб жавоб қилди Ойгул.

Яхши тилаклар, ҳазил-мутойибалар билан бошланган таваллуд куннинг зиёфати ярим кечадан ошганда қўшиқ билан якунланди.

«Ўтган йилдаги ўн иккинчи январда қандай баҳтли эдим! – деб ўйлади Эрасил. – Энди, бу йил... бу йилги январда кайғу ютиб, кора кийиб ўтирибман. Бу одамлар қизик. Бултур шу пайтда табриклаганлар бу йил ҳам кўнғироқ килиб, туғилган куним билан кутлашмокда. Бу йил Ойгул ўтган йилгидай дастурхон тузамади. Ўтган йилдагидай бугун ҳеч кимни кутмаймиз, тўйламаймиз туғилган кунни. Эрталаб қўнғироқ қилганларга: «Кечга келиб овора бўлманглар» дедик...

Эрасил Дониёрнинг хонасига бориб ўғлининг суратига тикилиб, йиғлаб ўтирган Ойгулни узок юпатди. Сўнг кабинетидаги ёзув столига ўтириб, Дониёрга хат ёза бошлади:

Ўн иккинчи январда
Дўстлар уйга йигилиб,
Дастурхон ёйиб Ойгулим,
Ароқ-шароб қўйилиб.

*Дўкирлатиб тўйшардик,
Менинг тугилган кунимни,
Қучоқлаб, суйиб сен мени,
Тутардинг совга – гулингни.*

*Ўтган йили сен мени,
Дипломат билан сийладинг.
Бахтимсан, сени қучоқлаб,
Ерга-кўкка мен сизмадичи.*

*Тебраниб сўйлаб ўшал кун,
Отанга баҳт тигладинг.
Сен айтган ширин тигакдан,
Шодликка тўлди юрагим.*

*Яйрагандим ўша дам,
Қучоқлаб сени – ёқутни.
Энди йўқотиб ийглайман,
Сен каби фарзанд – баҳтни.*

*2013 нинг 17 августи.
Бошимдан баҳт кетган кун.
Сендан эрта айрилиб,
Қучогин ҳасрат ёйган кун.*

*Шундан бери биз бебаҳт,
Календарда чизилган
Байрамни гамда ўтказдик.
Кўз ёшишим кўл бўлиб,
Қайгумиз элга етказдик.*

1940 нинг 12 қантари¹ –
Шүрлік отанғ түгілған кун,
2014 нинг 12 қантари,
Түйни ёш-ла ювған кун.

Дониёрим – юрагим!
Үзингни жуда согиниб
Биринчи бор умрда
Түйланмади түгілған кун.

Үтирибман мен бугун,
Қайғудан чакион ёпиниб,
Үзингни, болам, согиниб...

Эрасил Дониёрға навбатдаги хатни ёзиб бўлганда Остонадан шоир Серали Туйғунбоев кўнғирок килиб, туғилған кун билан табриклади, Эрасил унга ҳали сиёхи қуримаган шеърни ўқиб берди.

– Ажойиб! – деди оккўнгил Серали тўлкинланиб. – Сиз, Эроға, насрнинггина устаси эмас, оқиб турған шоир ҳамсиз. Мана бу шеърингиз бунга далил. Айникса, «Қайғудан чакмон ёпиниб» деган ўхшатишиңгиз ажойиб. Бу аввал ўзга шоирлар айтмаган, айта олмаган янги сўз!

– Кўнгил учун айтган сўзингга раҳмат, Серали! – деди Эрасил, – мен шоир эмасман, насрнависман. Бу шеър эса, азадор қалбдан чиққан кофиялашган кўз ёшлари.

¹ Қантари – январь

— Йўқ, сиз насрнавис эмас, шоирсиз, шоирсиз! – деб такрорларди Серали.

— Яхши, сенинг айттанинг бўлсин, – деди Эрасил. – Одам шеър ёзгани билан шоир бўлавермайди. Шоирлик – Оллоҳ таолонинг меҳри тушган бандасига берадиган ўзгача мукофоти. Ўта кучли муҳаббат билан ўта оғир қайғу ҳам инсонни шоир килиши мумкин-ку.

Эрасил телефон гўшагини жойига кўйди-да, қаршисида турган Дониёрнинг суратига қараб: «Кечир, ўғлим, кечир мени, сени асрай олмадим. Тўй карвони ресторан қаршисига келиб тўхтаганида, нега югуриб чикмадим қаршингга. Ўша дамда сени қарши олганимда, кўл чўзим ерда турган санаторийнинг шифокорига олиб бормасмидим? Битта укол билан сен қулундай сакраб, отдай чопиб кетар эдинг, кулуним! Энди, мана, сени йўқлаб ўтирибман кўкка қараб улиган Кўкбўрига ўхшаб!..» деди ўзича. Ўзагини ўкинч олови ёнлирган Эрасил ярали юрагини яна кўз ёшлари билан ювди. Йиғлаганини Ойгулга сездирмаслик учун ётоқхонага келиб, тўшакка ётиб олди. Боласини ўйлаб ётиб, кўзи илинган экан: «Ойгул, оғам кайда» деган овоздан уйғониб кетди. Ҳамидинг овозини танигач, ўрнидан бўشاшиб, аранг турди. Бугун, умуман, ҳеч нарса қилмаса-да, қаттиқ чарчаганини сезди. «Йиғлаганники бўлса керак. Йиғласам мана шундай чарчаб қоламан. Бирор пиёла чой ичиб, куч йиғиб, ёзувимни ёзайин».

У шу хаёл билан ошхонага йўл олди.

Савле козонга гўшт солиб, Кулаш идиштоворокларни ювиб, ишга киришиб кетган экан, бир лаҳза ишни тўхтатиб, уни туғилган кун билан табриклишди. Ошхонадан чикиб, меҳмонхонага бош сукиши билан ўринларидан учиб турган Малик, Бойбўта, Муса, Сейилхонлар «Туғилган кунингиз кутлуғ бўлсин!» деб табриклишди.

Биринчи бўлиб сўз олган Сейилхон гапни яқинларигагина эмас, бутун қозоқ халқига ғамхўр бўлган Эрасилнинг ўта инсонийлигидан бошлаб, ўзининг ҳам қайноғасидан кўп яхшилик кўрганини, энг муҳими – қор қуршовида қолганида унинг кўмаги билан омонлик топганини айтиб, унга тан соғлик, узок умр тилади.

Кудағайи Равшаной кирғиз рассоми Талай Усеновнинг канопга мойбўёқда чизилган «Иссиккўл» картинасини совға қиласар экан, шундай деди:

– Йиғлайверманлар, Дониёр тирик! У мана бу картинада тасвирланган оппоқ кигиз ўтовда ухлаб ётибди. Бироз дам олиб, куч тўплагач, эшик олдида турган оқ арғумоққа минади-да, олами кезиб кетади, бизга ҳам бир куни етади!

Равшанойдан кейин сўз олган Абен Абайнинг «Инсон ўлган куни ўлмайди, унутилган куни ўлади» деган сўзини таъкидлаб ўтди.

– Дониёр, сен мен учун тириксан! Ер босиб юрган, қалқайиб тирик юргани билан ўзининг ишлари ила ўлик жон кўринганлардан минг бора сен тириксан! – деди Муса.

– Ойгул билан Эрасилнинг юраклари уриб турар экан, Дониёр тирик! – олқишилади Бойбўта.

– Ёш бўлса-да, мазмунли умр суриб, ўта мушфиклиги билан ортида эзгу из колдирган Дониёр козок халқи билан бирга яшайверади, – деди Куттибек.

– Дониёрнинг онаси Ойгул Ақлжоновна ва отаси Эрасил Жаксибекович билан танишгач, фақат мана шу меҳр ва эзгуликка макон бўлган ажойиб оиласагина шундай олижаноб, покиза қалбли, меҳрибон, зоҳиран гўзал, ботинан зиёли инсон туғилиб, тарбия топганлигини англадим, – тан олди кудағайи Тамара Рюмина.

Бу сафар Дониёр бор пайтдагидай арак, шароб ичилмади. Кўшиқ хам айтилмади.

Дониёрнинг рухи ўша куни мутаваллид отаси, онаси, севикли ёри, шунингдек, жигарлари билан бирга бўлди.

«Дониёр тириклардан тирик» деганлари шу бўлса керак...

IX

Эрасил, «Дониёрим йўқ. Туғилган кунни нишонлаш менга нимага керак», деб ўтирганида жоначир якинларининг елиб-югуришлари билан етмиш тўртни хам сакраб ўтди. У келажакни башорат қилувчи мунахжимларга ишонмасди. Ҳозирда Нострадамус, Вангага ўхшаган башоратчилар йўқ. «Келажакда нималар бўлиши фақат Оллоҳгагина аён. Озмиди, кўпмиди, колган умрим Дониёрим-

га бағишиланади. Уч тилда: козокча, русча, инглизча чиккан Данчик ҳакидаги биринчи китоб кисқа вакт ичиде республика чегарасидан ошиб ўтиб, боламнинг қисмати чет эллардаги зиёлиларни ҳам қайғуга солди. Энди Доношим ҳакида иккинчи китобни нашрга тайёрламоқдаман. Худо хоҳласа, боламнинг йилигача уни ҳам нашрдан чикариб, халққа текин тарқатаман. Ундан сўнг Дониёр ҳакида пьеса ёзаман. Ҳужжатли фильм олдириш ҳам режада бор. Ҳужжатли фильмнинг сценарийсини ёзаман-у, аммо унга кетадиган маблағни кайдан топаман? Бизда сотадиган энди ҳеч нима колмади. Мана бу, Дониёримсиз ҳувиллаб колган тўрт хонани сотиб, икки хонали уйга кўчсакмикан? Унда «Данчикнинг хонасини ўзи бордагидай саклайман», деган ниятим нима бўлади? Сотишга яроқли ёлғиз мулк – Данчикнинг «Лексус»и эди. Уни Анжеликага бердик. Кино деяпман-у, Данчикнинг йил ошини ўтказишга, навбатдаги китобни чикаришга маблағ тополмай ўтирибман. Унга, албатта, раҳбарлар билан бошқалар ҳам кўмаклашар. Энди кино олдирадиган бўлсам, етмишдан ошганимда, шунга кўмаклаш, деб кимга қўл чўзаман? Шундай бўлса-да, қанча маблағ кераклигини олдиндан билайнин-чи. Тўрағали Ташеновга ўхшаган жоначирлар ўзлари: «Биздан нима ёрдам керак?» деб сўраб колишса, айтарман...»

Эрасил шу ўйда ҳужжатли кино санъатининг дулдули Саржон Эржоновга қўнғироқ қилди.

– Саржон, саломатмисан?

- Овозингиздан танидим. Қалайсиз, Эроға?
 - Шукур.
 - Сизни Нобель мукофотига тавсия этишибди, деб эшилдим, қутлуғ бўлсин.
 - Бандамиз-у, бундай хабарга аввал қувонадиган эдим, энди қувонмайман. Дониёримсиз энди менга ҳеч нарса қизик эмас. Нобель мукофотини тилла товоқда келтириб берса-да, керак эмас. Шуларнинг баридан қиммат бир нарса бор. Сендан ўша ҳақда сўрайин дегандим.
 - Нима экан?
 - Шу, ўттиз дақиқалик ҳужжатли фильм тушириш учун қанча маблағ керак?
 - Тенгеда беш миллион.
 - Жуда кўп экан. Дониёрим ҳакида ҳужжатли фильм бўлса деб орзу киляпман, мен боёкиш. Топишмок айтиб, тақиллаб турган бегуноҳ гўдак пайти, бўзбала пайтида чет эл сафарига боргани роликда бор. Уни сифатли лентага кўчирсак, Дониёримнинг ёркин киёфаси ўчмас эди. Агар мен маблағ топсан фильмни туширасанми?
 - Тушираман.
 - Унда бундай келишамиз, мен сценарийни ёзайин. Сен кам-кўстини тўғирла. Балки иккавимиз сценарийга ҳаммуаллиф бўлармиз? Кўлда тайёр сценарий бўлса, бирорга айтишга ҳам осон бўлади. Розимисан шунга?
 - Розиман.
 - Раҳмат!
- «Ҳужжатли фильмга керакли материал етарли, – деб ўйлади Эрасил. – Доношим биринчи синф-

ни битирган йили «Мен түрғайман, түрғайман, совукда ҳам түнгмайман, қурт-күмурсқа, чивиндан боғ-бокчани күрғайман», – деб, кулоғи қалкайиб, шеър айтиб турғани, менинг Бишкек, Москва, Парижда ўтган ижодий кечаларимда бирга бўлгани, никоҳ тўйи бўладиган кунги баҳтли онлардаги жонли тасвиirlари роликда бор. Шулардан фойдаланамиз. Дўстлардан бирини, Олмос Ойтұғановни сўзлатармиз, у чизган расмлар, турли йилларда тушган фотосуратларидан фойдаланаармиз...»

Эрасиленинг хаёlinи:

- Янгиликни эшилдингми? – деб ташқаридан гапириб кирган Ойгулнинг овози бўлди.
- Нима янгилик?
- Девальвация бўпти.
- Уни ким айтди?
- Ахборотдан эшилдим.
- Тенга қанчага тушибди?
- Тенга долларга нисбатан аввалги баҳоси юз кирқ етти, юз эллик эди, энди юз саксон, юз саксон иккига бир дегандаёқ, кулабди.
- Кўк қоғозни қоплаган, кўпини чет эл банкларида саклаган олигархлар билан ҳокимиятдагилар янада бойиб, топгани томогидан ортмайдиган коратовон халқ аввалгидан баттар қийналадиган бўпти-да, – деб ковок уйди Эрасил.
- Оч бола тўқ бола билан ўйнамайди, тўқ бола оч бўларман, деб ўйламайдиган иш-ку, бу. Мухолифат бошлаб, зиёли қавм унга бирлашиб, ҳукуматни жамиятнинг ночор катламини қўллайдиган, уларга

енгилликлар берадиган чоралар кўришга мажбуралиши керак, – деди Ойгул.

– Бундай бўлмаса керак.

– Нега?

– Биздаги мухолифат кучсиз. Бошлари бирикмаган, ҳаммаси бирдай бий бўлгиси келади.

– Зиёлилар-чи? Бош-бошига бий бўлган муҳолифатни бирлаштирмайдими? Тик туриб, қарши сўзлаб, ҳалкнинг дардини етказмайдими ҳукуматга? Ҳалқнинг «йўғимизни йўқласа, бир шу йўқлар» деб умид қилган азаматининг бири сен эдинг. Сўнгти кезларда сенинг ҳам фаоллигинг сусайиб кетди.

– Ўзингга маълум, Ойгул, зиёли қавм айтадиганини айтиб, ёзадиганини ёзиб юрибди. Бирок уни тинглаб, маъкуллайдиган ким бор? Мен, «Ширин ёлғондан аччик ҳакиқат афзал» деб кўрдим, «Бизда инсондан бошқа ҳамма нарса киммат», – деб ёзиб ҳам кўрдим-ку, ахир. Фойдаси бўлмади.

– Пайғамбар сиёқли йигитлар бор,

Минарга эшаги йўқ.

Эшак сиёқли йигитлар бор.

Молининг ҳисоби йўқ, –

деган сўзинг менгагина эмас, ҳалқка ҳам ёқканди. Бу гал энди ундан ҳам ўткиррок гап айтишинг керак!

– Агар ҳукумат ҳалқнинг ижтимоий начор қисмини қўлловчи зарур чораларни кўзда тутмаса, айтадиган сўзимни айтаман. Суюкли боламдан жудо бўлган қайғули бошга қўшимча бўлиб тушган

миллат қайғусини, албатта, айтаман! Айтаман-у, тарс ёриламан!

— Мен ёнмасам ловуллаб,
Сен ёнмасанг ловуллаб,
У ёнмаса ловуллаб,
Осмон қандай ёришар. —

демаганмиди буюк турк шоири Нозим Ҳикмат. «Эҳтиёт бўл, ёниб турган чўғни кўл билан ушлаб, куйиб қолма», дейди бир ўйим. Яна бир ўйим: «Қозокнинг зиёлиси ёлғиз менинг Эрасилимми?» дейди. Аслида ижоддан улуғ иш борми? Қаламдан кучли курол борми? Балки, ижодингни қилиб, тинчгина ўтирганинг маъқулдир. Иктидорни Тангри беради. Ҳаммага бирдай юқмайдиган баҳт бу. Оллоҳ таолонинг алоҳида меҳри тушган бандасига бериладиган сийлов бу. Ана шу сийловни ҳар синовга бир солиб, сочиб-тўқмасдан, битта йўлдан кетганинг тўғридир? Адабиётни сен кабилар асрарасана, ким асрайди? — деди Ойгул.

— Адабиёт ривожланиб, юксалмоғи учун ҳам аввал ҳалкни асраш керак, — деди Эрасил. — Ҳалқ бўлмаса сенинг иқтидоринг кимга ҳам керак? Бозорда коп орқалаб юрган аёл, арава судраган эркак сенинг ёзганингни ўқирмиди? Уззукун кун кўриш ғамида юрган одамни китоб ўқимайсан, деб айблай оласанми? Рўза, намоз дегани ҳам тўклиқда бўлади...

Эрасил билан Ойгулнинг қизгин сухбатини эшикнинг «зинг-зинг»лаган қўнғироғи бўлди. Дониёрнинг тенгдош жўралари Жонпўлат билан

Рустам буларни кўргани келишибди. Икковиям Дониёр билан Анжелика орқали танишган, кейинги икки йил мобайнида Дониёр билан яқин қадрдан бўлиб қолишган эди.

– Бу сизга, – деб Жонпўлат Ойгулга катта қоғоз пакет узатди.

– Бу нима?

– Дониёр «Онам хинд чойи билан Бразилия қаҳвасини яхши кўради», дерди. Чой билан қаҳва.

– Раҳмат!

– Сизлар билан кўришиб, аҳволингизни билайлик деб келдик, – деди Рустам. – Қалайсизлар?

– Шукур, – деди Эрасил.

– Соғликни асранглар, – деб сўзга аралашди Жонпўлат.

– Дониёrsиз соғликнинг энди нима қадри бор бизга, – деди Ойгул дастурхон ёзаётib.

– Дониёр ҳақидаги китобингизни ўқидик, – деди Рустам.

– Ўқиб ўтириб, йиғлаб ҳам олдик, – деди Жонпўлат.

Дастурхон бошидаги сухбатнинг бари Дониёр ҳақида бўлди.

– Дониёرنинг болалиги ҳақида гапириб берингчи, – деди Рустам.

– Дониёр бола пайтида, ҳали мактабга бормасиданок, қушларни яхши кўради, – деб хикоясини бошлади Эрасил. – Тўрт ёшидан бошлаб, ҳовлимизга учиб келадиган қаптарлар оч қолмасин, деб Худонинг берган куни уларга дон сепарди.

Яхшиликни күш ҳам билади. Ёзда, дам олишда бўлиб, ўн-ўн беш кундан кейин уйга қайтишимиз билан бир тўп капитар Дониёрнинг атрофида чарх уриб, ғуғулашиб, қувониб қолишарди. Ўзгалардан кўркиб, яқин келганлардан ҳуркиб учадиган ўша капитарлар Дониёрнинг елкасига, сўнг кафтига кўниб, чўчимай туришарди. Доношим иккинчи синфни битирган йили тўтикуш сотиб олиб, унга «Кеша» деб исм қўйди. Бизни тан олмайдиган ўша Кеша Дониёрни кўрганида қанотларини коқиб, бизга тушунарсиз овозда унга нималарнидир чулдирарди. Дониёр уни кафасдан чиқариб, кўлига кўндирарди. Учириб юборса, хонани айланиб келиб, кафасига кирмасдан яна Дониёрнинг елкасига кўнарди.

– Нимасини айтамиз, болам қушларнинг ҳам тилини билувчи эди, – гапга аралашди Ойгул. – Бир куни Кеша касалланиб қолди. Унинг касалланганини биз билмадик, Доношим сезиб қолди. Икковимиз қүш шифокорига олиб бориб даволатиб келдик. Кеша касал бўлганидан қаттиқ ташвишланган болам у тузалганида жуда қувонган эди.

– Кеша ўлганида Данчикнинг қайғурганини айтсанг-чи, – деб қолди Эрасил.

– Бир куни ҳаммамиз кинога, сўнг кафега бориб, уйга кеч қайтдик, – деб ҳангомасини давом эттирди Ойгул. – Келсак, Кеша ўлиб колибди. Кешани бағрига босиб йиғлаган ўғлимни аранг юпатдик. Эртасига Дониёрнинг хоҳишига кўра ҳаммамиз Кўктепага чиқдик. Дониёр атроф-те-

варакни айланиб кўргач, бизларни одам оёғи етавермайдиган бир баланд тепаликка бошлади. Ўзи чуқур қазиган ўша ерга Кешани кўмди...

Жонпўлат билан Рустам кетиш тараддудига тушганларида, Анжелика билан Малика кириб келишиди.

– Дониёр одамларни бир-бирлари билан дўстлаштиришни яхши кўрарди, – деди Малика.

– Кулуним кўл телефонини кечалари ўчирамасди, – деди Ойгул. – «Ўчириб қўйсанг-чи», десам, «Дўстларимнинг бирортасига керак бўлиб колишим мумкин», – дерди. Кечасиям, тонгдаям уйдан шошилганча чиқиб кетарди. «Қайга кетдинг?» десам, «Ойижон, хавотирланманг. Кутилмаган иш чиқиб колди. Тезда қайтаман», дерди. Кундалигини ўкиб кўрсам, бўтамнинг бир куни, бир соати ҳам бўш бўлмаган экан. Унда жами кариндошларнинг, дўстларининг туғилган кунлари рўйхатини кўрдим. Кўплаб исмларнинг қарисига «Табриклиш им керак, яхши совға олишим керак, эртага футболга боришимиз керак, Жонпўлатнинг машинасини таъмирлаб беришим керак...» деб ёзиб қўйилган. Хуллас, «керак-керак»лар давом этаверган. Киш келди дегунча, ҳар якшанба чанги учади, ёзда футбол ўйнайди, шунда ҳам бирорта дўстининг иши чиқиб қолмаса. Ўзига вакти бўлмабди, бўтамнинг!

– Данчикнинг қирқи ўтганидан кейин бири Семипалатинскдан, бири Туркистондан икки йигит келди, – деб эслади Эрасил. – Булар Данчик-

нинг коллежда бирга ўқиган жўралари экан. Иккови Данчикнинг суратини ўпиб, бир-бирларини қучоклаб йиғлашди-ей, кейин. «Данчик бизнинг энг қимматли дўстимиз эди, йўлбошчимиз эди, ундан дўст йўқ энди. Унинг ўрни тўлмайди», дейишиди.

– Ўзи Дониёр ўта кўнгилчан эди. Доим бирорларга ёрдамга шай турарди. Ўзганинг қайғусини ўзининг қайғусидай қабул киларди, – деди Туркистандан келган йигит.

– Бир гал Бишкекдан келаётганимда, Каскеленга етиб қолган жойда машинам учиб қолди. Тунги соат уч эди. Машинамни колдириб кетайин десам, бирор ўғирлаб кетиши мумкин. Юрай десам, ҳол йўқ, жуда чарчаганман. Ўн чоғли танишларга қўнғирок қилиб, ёрдам сўрадим. Бир нечтаси телефон гўшагини ҳам кўтартмади. Айримлари, бемахалда уйқимни буздинг, деб ранжиди ҳам. Юрагимнинг тўрида Дониёр турибди. Бирок, менсиз ҳам ундан ёрдам сўрайдиганлар кўп эканлигини билганикдан уни аяб, телефон килмагандим. Ўзгалардан хайр чиқмагач, Дониёрдан ёрдам сўрадим. У тезда етиб келди, – деди Семейдан келган ўғлон.

Улар Дониёр ҳакида сухбатлашиб ўтирганида оқшом тушиб қолган эди.

– Мана бу бизнинг манзилимиз. Қандай иш бўлса-да, кўмак беришга тайёрмиз, – деб Жонпўлат билан Рустам таклиф қоғозларини бериб, ўринларидан туришди. Улар билан Анжелика ва Малика ҳам бирга кетишли.

Улар кеттак, Ойгул ёток бўлмасига бориб, кийимини ечмасдан тўшакка ёнбошлиди. Эрасил хонасига келиб, Дониёрга навбатдаги мактубни ёзиш билан машғул бўлди. У мактубни тугатиб, ёток бўлмага келиб, чирокни ёқди. Тун алламаҳал бўлсада, Ойгул ухламай, тўхтовсиз йиғлаганидан ёстиғи хўл бўлиб кетибди.

– Йиғлайверма, Худо бандамга мусибат бериб синайман, ўшанга сабр қилса, баҳт ато қиласан, сабр қилмаса, бу кўрган кунига ҳам зор бўлади, деган. Худонинг қаҳрига учрамасингдан йигини бас қилсанг-чи. Марҳум Макпал онамизнинг сўзи эсингдами?

– Қайси сўзи?

– Вафотидан бир йил аввал: «Эй Эрасил, сен осмонга учиб кетдинг-ку. Ерга тушсанг-чи. Чет элларнинг гоҳ мукофотини, гоҳ орденини оласан. Йилда тўй қиласан. Дўстинг – Олмос, хотининг – Ойгул. Ўғлинг – Дониёр. Бир-бирларингдан ўтган асилсанлар! Тўрт қибланг тугал бўлиб атрофингда турибди. Бу ҳам яхши эмас. Бизга тил, кўз ёқмайди!» демаганмиди?

– Ҳа, деганди...

– Шу айтгани бўлди. Бизга кўз тегди. Оллоҳ таоло бизларни ўта баҳтли бўлиб кетди, дедими, бир лахзада шўрладик-қолдик...

Ойгул ортиқ гапиришга ҳоли келмай, сув ичиб, томоғини хўллади-да, тўшакка ётиб олди. Уйқуси қочган Эрасил ўз хонасига кирди. Дониёр ҳакидаги романнинг янги бобини ёзмоқчи эди, бор бўлгур қалами юрмай қолди.

«Қайғу Ойгулимнинг қалбини емиряпти, – деб ўйлади Эрасил. – Ҳозир унинг жонини иш саклаб турибди. Ҳафтанинг беш кунида, кундуз соат бирдан бешгача чет эллик талабаларга маъруза ўқийди. Кечкурун уйга чарчаб, ҳолсизланиб етиб келади. Ўйлайдиган ўйи ҳам, айтадиган сўзи ҳам – Дониёр. Шанба, якшанбада жуда қийналади. Тунлари йиглаб чикади... Кун-тун қайғуришга жон чидайдими? Агар Ойгулимга бир нима бўлса, усиз мен яшай олмайман. Ҳеч қаерга бормайди, ҳеч нимага кўнгли бўлмайди. Ойгулимни қандай килсам асраб қоламан? Эй Яратган эгам, ўзинг раҳм қилгайсан, Ойгулимни асрагайсан. Биз шўрликларни шўрлатаверма!...»

Қайғули ўйлар билан бедор ўтган бу кечадан Эрасилнинг юрагида яна бир чукур чандик қолди...

X

Макон билан Какимбек кенжә ўғли Асқарнинг никоҳ тўйига олти ойдан бери тайёргарлик кўришарди. Улар кудаларникидан хурсанд бўлиб кайтаётib, тўппа-тўғри Эрасилниги келишди.

– Ўзингиз биладиган Асқар болангизни уйлантироқчимиз, – деди Какимбек.

– Кутлуғ бўлсин! – табриклиди Эрасил.

– Қувонч давоми билан бўлсин, – деди Ойгул.

– Тўй қачон? – деган Эрасилнинг саволига Какимбек:

– Наврўз байрами кунларида ўтказсак дегандик. Қайси кунлигини, Эроға, ўзингиз айтсангиз.

– Нега мен айтишим керак?

– Сабаби, сиз бизнинг тутинган оғамизсиз. Тўйнинг бош қўноғи ҳам ўзингиз бўласиз. Тез-тез чет элларга кетиб қоласиз. Ана шундай сафарларингизга, учрашув кечаларингизга халакит бермайдиган кунни ўзингиз белгиласангиз.

– Унда бўлса, таквимга кара-чи, Наврўз байрами пайтида шанба, якшанба қай кунга тўғри келар экан?

– Мартнинг йигирмаси якшанба экан.

– Унда мартнинг йигирма бири маъқул бўлар?

– Яхши, унда мартнинг йигирма бирида тўхтадик. Яна хабарлашармиз. Раҳмат, Эроға, раҳмат.

Орадан ўн кун ўтгач, Какимбек билан Макон тўйга таклифнома билан келишди.

– Таклифномада тўй бўладиган ресторон «Эсперанс» деб ёзилибди. Қай ерда у ресторан? – деб сўради Эрасил.

– Ресторани излаб овора бўлманг, Эроға, – деди Какимбек, – сизларни ўзимиз келиб олиб кетиб, ўзимиз олиб келиб қўямиз.

Кечки соат бешга белгиланган никоҳ кечаси бир соатга кеч бошланди. Ресторанинг оп-пок деворлари, қўнғир паркет поли, биллур кандилларнинг шуъласидан товланиб, яркирайди. Оқ шим, оқ кўйлак, кўкиш пиджак кийиб, бўйнига қизил шарф ўраган, пакана, лўппи юзли, ўттизлардаги йигит икки юз чоғли меҳмонларни икки томонга қатор турғазиб, «ёр-ёр»латиб, зорла-

тиб күйди. Бироздан сўнг, от чоптиргудай узун залнинг остонасидан тўригача оппок мато йўлакдай килиб тўшалди. Шундан сўнг оқ йўлдан ёш келинкуёв қўл ушлашиб, сувдай тошиб, юриб кела бошлишди. Мана шу тантанали лаҳзаларда Эрасилнинг юраги эзилиб: «Менинг Доношим шу бахтли ёшларга ўхшаб оқ йўлдан юриб ўта олмади. Бахтига етолмай, кирчинидан қийилди. Дониёrimни, бахтимни йўқотган мендай шўрпешанага тўйда нима бор?», дея унсиз йиғлади.

– Кўз ёшингни тий. Йиғласанг, кўзларинг кизаради, тўй эгалари, меҳмонлардан нокулай, – деб шивирлади Ойгул.

– Меҳмонларни ўйлайдиган аҳволда эмасман, – деди Эрасил.

– Эҳтиёт бўл, йиғлаганингни ҳеч кимга сездирма.

– Ўзинг ҳам йиғляяпсан-ку, сен ҳам сир берма.

Эр-хотин бир-бирларини шундай юпатиб турганда Сиддик Муҳаммаджоновнинг «Шодлик ватани» куйи янграб, «Тўйбошлар» куйига уланиб кетди. Оқкушдай силкинган оқ канотли қизлар ўртани тўлдириб рақсга тушмокда. Биринчи сўз, одатдагидай, Эрасил билан Ойгулга берилди. Оғзига Оллоҳ соглан сўзни айтиб, ёшларга бахт тилаган Эрасил билан Ойгул тўйда ўтиришга холлари келмади. Эрасил тўй эгаларига қон босими қўтарилганини айтиб, ўзидан кейин айтилган бир тилак, бир қўшиқдан кейин уйга қайтишди.

- Шу тўйга бекор бордик, – деди Эрасил.
- Кўпдан сийлашиб юрган одамларинг ялиниб турганда, қандай бормайсан?
- Кора кийиб, қайғуриб ўтирганда тўй кўнгилга сиғармиди?
- Майли, бўлари бўлди. Дорингни ич-да, дам ол.

Ойгул шуни айтди-да, хобхонага йўл олди. Эрасил кабинетига келиб, ёзув столига ўтирди.

Дониёрга навбатдаги мактубини:

– Тўпни ёриб икки ёш келар, деган,
Сўзига ўртакашнинг қулоқ тутдим.
Келин-куёв юрган оқ йўл билан,
Болам, сени эсга олиб, ииғлаб турдим, –

деб якунлади...

XI

«Саломнинг ҳам пайти бор», деганлари рост экан. Мавзуси 1986 йилги декабрь кўтарилишига бағишлиланган «Дўзах чамбараги» номли пьеса ёзилганидан кейин чорак аср ўтгач, спектакль бўлиб сахнага чиқди, унда ҳам Қозоғистонда эмас, чет элда. Бу фожиавий драмани Эрасил Олма-отадаги ёшларнинг декабрь кўтарилишидан сўнг кўп ўтмай ёзган эди. «Бизнинг ёшларда ҳурликка интилиш, жасорат бор, уларда бизлардагидай катта авлодга хос бўлган мустамлакачилар олдидағи иродасизлик, кўркоқлик, қуллик туйғулари йўқ. Янги авлод ўзгача яралган, кўнгли тоза, ўзини эмас,

халқини, қозоғини ўйлайдиган курдатли түлкин. Декабрь күтарилишида жасорат кўрсатган ёшлар «Йилқининг ҳам йилкиси бор, хоназоти бир бўлак, йигитнинг ҳам йигити бор, азамати бир бўлак», – деб даштнинг доно қариялари айтган сўзга муносаб авлод. «Истеъдодли ёшнинг олдига тушмаёқ, орқасидан юриш ҳам баҳт», демаганмиди Владимир Короленко. «Ҳуррият!» – деб бошини кундага кўйишдан қўрқмаган ёшларга йўлбошли бўлолмадик, энди, лоакал шуларнинг жасоратини куйлайлик-да», деган ўй билан Эрасил «Дўзах чамбараги» драмасини ёзган эди.

«Саке, энди бундан кейин ҳеч нима ёзмасангда, мана шу асаринг билан ҳам тарихда қоласан, – деган эди ўшанда Олмос Ойтуғанов.

Асарнинг ҳам инсон каби ўз йўли, ўз қисмати бор. «Дўзах чамбараги»нинг йўли машакқатли, тақдирни тойғок бўлди. Аввалрок бу пьесани Олма-отадаги икки театр бирдай сўраб олиб, тезрок саҳналаштириш учун жон талашиб, мусобақа-лашиб ишлашган эди. Театрларнинг иккаласи ҳам бир кунда репетицияни таққа тўхтатди-да, пьеса саҳнага чиқмай қолди. Муаллифга сабабини ҳеч ким айтиб беролмади.

– Нимасидан хафа бўласан? – деди Ойгул Эрасилга. – Сен, бугун саҳнага чиқмагани билан кун келиб, қўйиладиган умрбокий асар ёздинг. Арzon унвон учун эмас, декабрь курбонлари олдиаги фукаролик, қаламкашлик бурчингни адо этдинг.

Асарнинг мақсади аниқ. Сен халқ томондасан. Бундай асар халққа ёқкани билан, ҳокимиятга ёқмайди.

– Тўғри, – деди Эрасил. – Бунга пьесадаги ниқобли шахс сабабчи бўлса керак. Мен режиссёрга «бу қаҳрамонга ниқоб тақдирасан. Ниқобнинг бир томони оқ, иккинчи томони қора бўлиши керак», деганман. Ўша ниқобли шахснинг тимсоли – Президент деб ўйлаб, ё атайин ўзлари гапни чуvalаштириб, асарга тўсик қўйишган бўлса керак?

– Кимлар улар?

– Ким бўларди, ваҳимачилар билан ҳасадгўйлар-да!

Шу гапдан кейин орадан бироз вакт ўтгач, Эрасилнинг тахмини тўғри эканлиги маълум бўлди.

«Дўзах чамбараги»нинг йўлини кесганлар ўша – соясидан ҳуркадиган қуёнюраклар, сувюқмас валдирвасар ичиқоралар экан. «Йиртиқ ўтовнинг эгаси итнинг худойи бўлса, бўрининг тангрисидан асрасин», деганлари тўғри экан. Ойгул айтганидай кун келиб, «Дўзах чамбараги» саҳнага яркираб чиқди. Қирғизистоннинг Маданият ва ахборот вазири, истеъододли драматург ва билимдон театршунос Султон Раев:

«Қирғиз ёшлари мустакилликнинг қадрига етсин, тинчликни қадрласин!» деган эзгу ниятда Эрасилнинг декабрь кўтарилиши ҳакидаги пьесасини танлаган эди. Пьесадаги бош персонаж – халқ қаҳрамони Ғайрат Рискулбековнинг образи ёшларга намуна бўлсин деган мақсад-муддаосини

ижодий гурух түлик оқлади. Қирғизистоннинг улкан санъат маркази – Мўлдабоев номидаги давлат драма театри саҳналаштирган «Дўзах чамбараги» спектаклини бишкеклик томошабинлар юксак баҳолади.

«Дўзах чамбараги» премьерасига Қозогистондан шоир Жазилбек Куанишбоев раҳбарлигидаги ўттиз чоғли одам борадиган бўлди. Уларни чегарада кирғиз зиёли қавми нон-туз, гулдасталар билан қарши олди. Элга қайтишдан аввал Эрасил Қозогистон делегациясини Бишкекдаги Чингиз Айтматов даҳмасига бошлаб келди. Буюк сўз санъаткорининг тош шоҳсупадаги улкан ҳайкали пойига гулдасталар қўйиш билан делегациянинг Бишкек сафари якунланди.

«Буюк шахсларнинг яқинлиги, ижодий ҳамкорлиги халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат килиб келган, – деб ўйлади Эрасил кирғиз-қозок чегарасидан ўтиб Олма-отага йўл олар экан. – Икки халқни – қозок билан қирғизни яқинлаштирган қанча адабиёт арбоблари оламдан ўтиб кетишиди. Шу билан дўстлигимиз, ижодий алоқаларимиз, ҳамкорлигимиз узилиб қолмасин экан. Бишкекдаги санъат тадбири қозок билан кирғизнигина эмас, бутун туркий оламни бирлаштиришга, тотувликка ундаса нур устига нур бўлмасмиди?

Бишкекдаги Мўлдабоев номидаги академик опера-балет театрининг сахнасида икки кун мобайнида «Дўзах чамбараги» премьераси пайти-

да залда игна сиғар жой бўлмади. Атокли ёзувчи, Кирғизистон Қаҳрамони Бекбўлат Алматов бошчилигидаги зиёли қавм, талаба ва ишчи-ёшлар, турли жамоалар билан жамоат ташкилотларининг вакиллари эди улар.

Олатовнинг нариги бетида айри қалпокли кардошларнинг таниқли фукаролари спектаклдан сўнг пьеса муаллифи – Эрасил Жаксибековни тўрга ўтқазиб, ўзларининг кирғиз билан қозоқдаги умумий дастурларини ўтказиши. Кирғизистон давлатининг иккинчи раҳбари, Кирғиз Республикаси Жўкорғи Кенгашининг раиси Аслибек Жээнбеков Эрасилга табрик хати топширди. Эрасил саҳна тўрида икки кун мобайнида халқнинг гулдурос қарсакли олқишлирига сазовор бўлди... Кондош кирғиз эли Эрасилни бошга кўтариб шарафлади...

Ана шундай кувончли онларда ҳам Эрасил ўзини аввалгидай баҳтли сезолмади. Уни айтасан, саҳна тўрида туриб: «Шу кувончли лаҳзаларни Дониёрим кўролмади-ёв!», – деб кўзларига куйилиб келаётган ёшни аранг тутиб қолди...

XII

Эрасил Дониёр ҳакида роман устида ишлаёттанида Ҳамид телефон килди:

- Кўке, «Хабар»дан янгиликларни тингладингми?
- Йўқ, тинглаёлмадим.
- «Хабар»да яхши янгилик айтишиди.
- Хўш, – деб ҳушёр тортди Эрасил.

– Күш палатали Парламент Олмос Ойтуғановнинг Дониёр хакидаги мақоласида кўтарилиган муаммоларга асосланган ҳолда қонун қабул килишибди.

– Дори-дармон бозорини тартибга солиш хакидами?

– Ҳа, ҳозир янгиликларнинг русчасини тингла.

– Яхши, тинглайман.

Ҳамиднинг айтгани тўғри бўлиб чиқди. Қозоғистон Парламенти Олмос Ойтуғановнинг мақоласида кўтарилиган муаммоларга асосланиб, жамоатчилик анчадан бери кутаётган қонунни кабуллабди. Ойгул: «Данчигим абадий уйкуда ётганида ҳам ҳалққа кўмаклашмоқда», – деб кўзига ёш олди.

Ушбу сув билан ҳаводай зарур қонуннинг дунёга келишида Дониёрнинг бевосита иштироки бор. Дониёр дунёдан кетган йили (2013 йил) – 27 декабрда «Казахстанская правда» газетасида Олмос Ойтуғановнинг «Дониёрнинг хотирасига» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Мазкур мақолани бир эмас, бир нечта газеталар қозоқ тилига таржима қилиб, «Четдан келтирилган ингалатор Дониёрнинг умрига зомин бўлди» сарлавҳаси билан чоп этишди. Ҳатто, Оқурдага ҳам қўнғирок қилувчилар кўп бўлган.

«Мен шахсан Дониёрни мактабга бормаган сабийлик пайтида кўриб, манглайидан ўпганман. Оиласи билан борди-келди қилиб юриб, унинг ўсиб, улғайганини кўз олдимдан ўтказдим. Ўғлига

караганида Ойгулнинг қувончдан ёнган кўзларини, Эрасилнинг қувончга тўла кўнглини кўришнинг ўзи бир ғанимат эди», – дея бошланган Олмос Ойтуғановнинг маколасида ўта долзарб, муҳим бир масала кўтарилган эди.

Оlamга машҳур шоир Дониёр ҳақидаги эсдалигида Қозогистон тиббиётининг терисини шилиб, хокимият эътиборини соғликни саклаш соҳасининг оғрикли бир нуктасига қаратди. Фавкулодда чора кўрилмаса, ҳали яна қанча Дониёрларнинг кирчинидан қийилиши ҳеч гап эмаслиги маколада ургу бериб айтилган эди.

Шундан бери Парламентга, Олмос Ойтуғановга, Эрасилга кўнғироқ қилаётганларнинг кети узилмайди. Жамоатчиликда улкан шов-шув уйғотган мақола Президентгача етиб борибди.

Бунгача ҳам Дониёр ҳақида ёзмаган газета йўқ эди. Олмос Ойтуғановнинг эсдалигидан кейин бундай мақолалар аввалгидан ҳам кўпайди. Ана шундай мақолаларнинг бирида шоир Жумағали Жунусов: «Балки Дониёр туғилганида унинг танасига фариштанинг рухи билан юраги ҳам солингандир. Бунга унинг сўнгги дакиқаларигача фариштадай покиза, ҳалол умр сургани далил бўладигандай. Оллоҳ Дониёрни уйланиб, тирикчиликнинг сергуноҳ икир-чикирларига булғамай, покиза ҳолатида олиб кетиб, туғилган янги юлдузнинг корига ярасин учун у ерга фаришта килиб юборгандир? Никоҳ тўйини ўтказмай, ўшанга бир неча лаҳза қолганида Оллоҳ уни олиб кетишининг сири шунда бўлса керак», – деб ёзибди.

Иккинчи бир мақолада таникли журналист Ойжон Аканова: «Йигирма бир ёшида думли юлдуздай ярк этиб сўнган Дониёри кетганидан бери кўзининг ёшини кўл қилиб ўтириб, орқасидан кун ўтказмай мактуб ёзишни одатга айлантирган Эрасил Жаксибековнинг ботмондай қайғусини энди ерда дунёнинг ҳеч бир кувончи енгиллата олмайди. Йиглаб юриб еттисини берди, қовурғаси қайишиб, сўкилиб юриб киркини ўтказди, ернинг бетини оқ кор босди, кўклам уйғонди, ҳаётнинг давом этаверишига ишонди, бирок шум ажал суюкли ўғлини кўлидан юлиб кетганига саккиз ой бўлса-да, бу жудоликни тан олмай келади. Қандай ўлим бўлмасин, бари ўқинтириб кетади, лекин энг даҳшати – ажалнинг ёш инсонни аямаганида. Яна қандай инсон денг? Бўзболаликдан йигитликка энди оёқ қўйган Дониёрнинг охир-оқибатда козокнинг азамат фуқароси бўлиб етишишига барча шарт-шароитлар бор эди: отаси – Эрасил Жаксибеков бир ёзувчи эриша оладиган жамийки баҳтнинг мазасини тотган қаламкаш, онаси – Ойгул Ақлжоновна профессор, Ал-Форобий номидаги Миллий университетнинг кафедра мудири, бобоси – Ақлжон Ахмедов собиқ шўролар давлатида Ташқи ишлар вазирлигининг Олий Дипломатия мактабини битирган, республикада юкори лавозимларда ишлаган арбоб, бувиси – Хоншойим Тўлибоева Шарқ аёллари орасидан чиккан тўнғич геология-минералогия фанлари доктори, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси эди. Аслзода мухитда тарбияланган бўзбала ҳукукшунослик

бўйича олий таълим олди, яхши вазифада ишлай бошлади, болаликдан баҳтли бўлиши учун унга барча шароит мавжуд эди, фақат тирикликнинг ҳар лаҳзасидан лаззатланиб, завқланиб умр сурса бўлди эди! Ҳукукшунослик факультетининг танланиши ҳам бежиз эмас, Дониёр жамиятда рўй берадиган турли хил адолатсизликлар, нопокликларга карши курашиш учун шу соҳани танлаган эди. Бойси, ўзи ҳакиқатгўй, ёлғонни ҳазм қиломайдиган, ўзгаларга яхшилик қилишга шошиладиган, эзгу қалбли, тарбияли инсон бўлиб вояга етган эди», –деб таърифлабди.

Телаканаллар ҳам фаоллик кўрсатиб, Дониёр ҳакида бир нечта хабарлар берди. Дониёрнинг ўзи бор пайтдагидай саранжом-саришта турган хонасини миллионлаб телетомошибинлар кўришди. Ўша пайтда Дониёр ҳакида Эрасил билан Ойгул тайёрлаган китоб нашрдан чиқди. «Бу китобни ниҳоятда қайғуриб, кўзимга ёш олиб ўқидим», дебди атоқли бир академик. Бир вилоят ҳокими эса китоб ҳакида шундай фикр билдирибди: «Сиз, Эрасил оға, қайғуриб туриб ҳам «Дониёрим, ёлғиз сенгина эмас, сенинг мен кўриб, билган дўст, жўраларинг ҳам бошқалардан фарқли яратилган ўзгача ёшлар. Уларнинг онгида, бизлардаги – катта авлоддаги мустамлакачилик асоратидан қолган иродасизлик, кўрқоклик, мутелик йўқ, эркинликка интилиш, жасорат бор. Ўйлайманки, йигирма биринчи асрнинг иккинчи ярмида тарихнинг довуллари билан ёғинларида топганини йўқотган қозок ҳалқининг довруғли даври – энг баҳтли боскичи

бошланади. Боиси, ўшанда давлат бошига ўзгача яралган, ўзгача истеъодли, кўнгли тоза, ўзини эмас, элини ўйлайдиган кучли тўлқин – истиқлол тенгдошлари келади. Булар «Йилқининг ҳам йилқиси бор, хоназоти бир бўлак, йигитнинг ҳам йигити бор, азамати бир бўлак», деган даштнинг доно қариялари айтган оталик сўзга муносиб авлод», деб ёзибсиз Эрасил оға. Қайғуриб туриб ёзган бу сўзларингиздан сизнинг ўғлингизнигина эмас, миллатни ҳам севадиган юксак тоғдай шахсингизни кўрдик».

Уч тилда – қозоқ, рус, шунингдек, инглизча чиққан Дониёр ҳакидаги китобга чет эл зиёлилари ҳам бефарқ қарашмабди. Франузларнинг ҳозирда таникли адабиётшуноси Альберт Фишлер, атоқли ёзувчи Жак Иммер йўллаган хатнинг қозоқчаси мана бу, деб Суюнчбека менга бир варак қоғозни берди: «Жаноб Эрасил, сизнинг Парижда ўтган ижодий кечангизда ўғлингиз Дониёрни биринчи бор кўриб, кейин сизнинг етмиш ёшга тўлган юбилей тантанангизда яқиндан танишиб, ёлқинлаб турган ёшнинг ақллилигини ўйчан кўзидан, тузилиши бўлак оксаяклигини сўзлаган сўзидан, юриш-туришидан билиб, танг қолган эдик. Мана шундай юлдузли бола дунёдан кетганида ер юзидаги нур бир томчига камайди. Сизлар Дониёрга – янги авлод вакилига ушбу китоб оркали ўчмас-тўзмас хайкал ўрнатибсизлар», – дейилибди.

Тошкентдан келган факс:

«Кимматли Эрасил Жақсибекович, Ойгул Ақлжоновна!

Дониёр ҳакида эсдаликлар китобини олиб, ушбу энг қайғули китобда акс этган икки улуғ юракнинг қалбларни тешиб юборадиган ғамгин достонини ўкиб, сизлар билан яна бир бор ғуссага ботдик. Китобни ўқир эканмиз, Дониёrsиз бу номукаммал олам бир нурли сиймодан жудо бўлганлигини хис килдик... Фарзандлар бизни эрта тарқ этганида умид устунлари емирилиб, гўё оёқ остимиздаги замин чўкиб кетаётгандай, дунё ғоят омонат, ишончсиз ваҳимали масканга айланади. Мана шундай, ақл бовар қилмайдиган руҳий кувват ва жасорат талаб килувчи ушбу хотиралар китобини яратиб, Дониёрга иккинчи ҳаёт бағишлагансизлар, зеро, у энди тарихга дохил: китоб муковасидан чиройли ўсмир худди бу ҳаётнинг омонатлигини, хотирада фақат яхшилигу эзгу ишларгина колажагини эслатгандай бизга ўйчан тикилмоқда.

Қадрли Эроға, қадрли Ойгул Ақлжоновна, сизлар ҳакиқатан ҳам жасоратли ва иқтидорлисизлар! «Она истиғфори»ни мотамсаро она қалбидан изтироб ила қуюлган ғамгин қўшиқ дейиш мумкин. Адабий танқидчи Жунусов ҳак: балки Ойгул Ақлжоновна Дониёрнинг болалик йиллари ҳакида ўз китобини ёзар, негаки ҳаётда сунъийлик, сохталик ва шафқатсизлик кучайган бугунги пайтда донишманд онанинг эзгулик нурига йўғрилган Дониёр ҳакидаги китоби кўпларга маънавий кувват бағишлаган бўларди. Илтимос, ўзларингни асранглар, негаки, сизлар бизга кераксиз, Дониёрга, унинг ёрқин хотирасига кераксиз!

Сизларни севувчи Муборак, Дилфуз, Носир Фозилов, Мехмон Исломқулов».

Дониёр ҳақидаги мақолалар билан мактублар тошқини мана шундай давом этмоқда. Шеър билан ёзилғанлари қанча. Барчасида юпанирувчи акли сўзлар айтилган. Бироқ мотамсаро юракнинг қайғу ёши тинмайди, тинадиган тури ҳам йўқ...

Бишкекнинг бош театри Эрасилнинг пьесасини саҳналаштириб, энди премьерага таклиф этаёттир. Инглизлар унинг китобини чиқаришибди. Энди улар ҳам тақдимотга таклиф қилишмоқда. Ойгулга кўрсатилаётган ҳурмат ҳам оз эмас. Аммо, ўткинчи умрнинг ҳеч бир қувончи суюкли фарзанддан айрилган ота-онанинг кўз ёшларини куритолмас экан...

XIII

Президент Эрасилни келишилган вактда Олмадатадаги кароргоҳида қабул қилди.

– Нурсултон Абиш ўғли, сизнинг вактингиз оз, ишингиз кўп эканини биламиз. Шунга қарамасдан, вакт топиб, мени қабул қилганингиз учун раҳмат, – деди Эрасил қизғиш-кўнғир чарм қопланган улкан оромкурсига ўтираётиб.

– Вактнинг жуда такчил эканлиги рост, – деди Президент Эрасилга кулумсираб караб, – аммо халқ билан, айникса, ёзувчи билан сўзлашмаганда ким билан сўзлашамиз? Бемалол ўтириб, сиқилмай, эркин сўзлайвер.

– Сиз буюк давлатларнинг биринчи раҳбарлари билан музокара олиб борганингизда уларни

ўзингизга жалб қилиб олишингиздан қувониб кетаман. Ана шундай юлдузли онда Андрей Белийнинг: «Доно инсонлар жозиба сехрига эга», деган сўзини эслайман. АҚШ собиқ Президенти Барак Обама билан теппа-тeng туриб сўзлашганингизда сиздан жуда рози бўлганман.

– Булар бари элнинг ғами билан бўлган ишларку.

– Халқимизнинг жонфидо меҳнати, сизнинг оқилона сиёсатингиз орқасида элимиз ажойиб ғалабаларга эришди, – деб сўзини давом эттириди Эрасил. – Олдинда, сизнинг ташаббусга кўра, оламдаги юксак ривожланган ўттиз мамлакатнинг сафига кўшилиш вазифаси турибди. Шу борада зиёли қавмга, унинг олдинги сафидаги қаламкашлар зиммасига ҳам улкан вазифалар юкланди. Шунга тааллукли тил учida турган ўйларимни кенгроқ баёнласам бўладими?

– Бўлганда қандай! Шошилмай, навбати билан айтавер, – деб Президент Эрасилни рухлантириди.

– Энг аввало, кўнгилни хижил килаётган бир саволга жавоб беришингизни истардим.

– Бу қандай савол экан? – дея Президент хушёр тортди.

– Ғарбда ўрмондай зич рус билан Шарқда ҳамма ёкни босиб кетган хитойнинг бирда елкасига йиқилиб, керак бўлган ерда пўписа килиб, халқимизни кояларга уринтиrmай-суринтиrmай, омон олиб келяпсиз. Чегарадош дарёлар деган ма-

сала мени қаттиқ ташвишлантиради. Наполеон: «Хитой – ухлаб ётган дев, даҳшатли жин. Унинг уйғониб кетиши дунё учун хатарли», деган экан. Уйқусидан уйғонган қудратли Хитой кунларнинг бир кунида ўз худудида бошланадиган чегарадош дарёни тўсиб ё бошқа йўналишга буриб юборса, бир эмас, бир нечта вилоятимиз сувсиз қолиб, шўримиз куrimайдими?

– Хавотиринг ўринли, Эрасил. Шундай бўлсада, ваҳимага берилма. «Яхшининг бошига иш тушса, бўйлай билади, ёмоннинг бошига иш тушса, ўйлайверади», – демаганмиди даштнинг доно чоллари. Сиз билан биз буни ўйлашни ҳам, бўйлашни ҳам билишимиз керак. АҚШ, Россия, Хитой каби қудратли давлатлар билан низолашиб, учмоҳга чиколмаслигимиз аниқ. Қозоқ иёкли оз сонли халқка ақл-устомонлик керак. Биз куролнинг эмас, ақл-ўйнинг қудратига, сўзнинг кучига суюнамиз. Қудратли элларнинг раҳбарлари ҳийлакор тулки бўлса, биз този бўлишимиз керак. Улар билан дўстлашаман, бағримга тортаман, бироқ эгилиб қўлтиғига кирмайман. Девнинг ҳам заиф томонлари бўлади. Заифликдан Хитой ҳам курук колмаган. Ўзинг айтгандай, Хитой кунларнинг кунида чегарадош дарёлар воситасида бизга муаммо туғдирадиган бўлса, унга карши қўлладиган чоралар бизда бор...

– Нураке, энди, умумий ишга фойдаси тегиши мумкин, деган муайян таклифларимни айтиб ўтсам бўладими?

– Бўлганда қандай!

– Президент хузурида маданият бўйича Миллий комиссия тузилса. Ўзингиз биласиз, «маданият» деган улуғ сўзниңг кўлами жуда кенг. Бу сўз – билим, илм, санъат, адабиёт билан бирга, ўзингиз такрор-такрор, ургулаб айтиб юрган ризқ боши – бирдамлик, миллатлараро тотувлик билан битими ни ҳам ўз ичига олади. Маданият ҳукм сурган ерда бирлик, бирлик бор ерда – тириклик бор. «Маданият бўйича Президент хузуридаги Миллий Комиссия» Россияда ҳам, бир катор Европа мамлакатларида ҳам бор. Жамоатчилик асосида фаолият юритадиган бўлгач, мамлакат унга тийин ҳам сарфламайди. Унга алоҳида офиснинг ҳам кераги йўқ. Турли соҳанинг элга таникли, ҳалқка сўзи ўтимли арбобларидан тузилган мазкур комиссияга ўзингиз раис бўлсангиз янада яхши. Ўзингиз танлаган ишchan биринчи муовинингиз сизнинг вазифангизни бироз енгиллатармиди? Бу – биринчидан. Иккинчидан – энг улкан муаммолардан бири – тиббиёт соҳаси. Давлат ҳалқ соғлиғи учун йил сайин беҳисоб маблағ ажратмоқда. Бироқ, самара оз бўлаётир. Телеканалларнинг тутмасини босиб колсанг, газеталарни очиб ўқисанг, шифокорларни судларга судраётган ҳалқни кўрасиз. Нега?

– Хўш, нега? Аввал шуни айт-чи, – деди Президент.

– Айтсам, – деди Эрасил, – Қозогистонда инсон ўлимига кенг йўл очиб бераётган икки муаммо бор. Унинг бири – тендер оркали чет элдан

сотиб олинадиган сифатсиз дори. Бундай дориларнинг салмоғи Қозоғистонда саксон етти фоизни ташкил этади. Ўзимизда ўн уч фоизгина дори ишлаб чиқарилади, шунда ҳам бу микдорга биз Ҳиндистондан келтирилган куқунни таблеткага айлантириш билан эришганмиз. Иккинчи муаммо – сўнгги йилларда Тиббиёт институтини битирган мутахассислар ажалга қарши курашиш ўрнига соғ одамни ўз қўллари билан ўлдирмоқдалар.

– Қандай килиб?

– Боиси Тиббиёт институтида ўқийдиганлар дарсларда ҳам, амалий машғулотларда ҳам бўлишмайди. Шу туфайли улар тиббиёт илмининг яқинига ҳам боришмайди.

– Шунда улар дипломни қандай олади?

– Ўқитувчиларга пора беришади. Дарсга бормасликларининг сабаби – ўкиш пуллик. Ўшани тўлаш учун талабалар кундузлари ишлашади.

– Буни сенга ким айтди?! – деди Президент сергакланиб.

– Бундан бир ой бурун Тиббиёт университетида ишловчи бир профессорнинг ойнаи жаҳон орқали берган сухбатини тингладим. Ўша профессор ана шундай бемаънилик туфайли ишдан кетдим, деди. Менинг йигирма бир ёшли ўғлим – Дониёrimни ана шундай билимсиз, бефаҳм докторсимоклар ўз қўллари билан ўлдирдилар.

– Қандай килиб?

– Дониёrim чекмаган, арак ичмаган, спорт билан шугулланадиган ақлли фарзанд эди. Тепса

темирни узадиган йигирма бир ёшдаги бўзбola. Тўғри, астмаси бор эди. Кейинги йилларда бундан тузалгандай бўлувди. Уйланиш тўйи бўладиган куни ўғлим ингаляторни уйда колдириб кетган бўлса керак. Тўй бўладиган ресторонга келаётib, йўл бўйидаги дориҳонадан ингалятор олибди. Айни тўй бошланар пайтда нафас олиши кийинлашгач, ингаляторни оғзига такаб, тугмасини босмайдими? Шундай килса, у эски экан. Аҳволи оғирлашгач, боламни жўралари яқин ердаги хусусий бир клиникага етказишади. У ердаги навбатчи шифокор эуфиллин деган уколнинг ўрнига адреналин деган укол килиб, нафас йўлини бутунлай ёпиб ташлаган. Ўшандан ўғлим вафот этиб кетди.

– Бу даҳшат-ку! – деди Президент қовогини уйиб. – Судга бердингми ўша шифокорни?

– Беролмадик.

– Нега?

– Дастребки икки ойда эсанкираб ўтириб, бундай иш билан шуғулана олмадик. Икки ойдан сўнг келиним шуғулланиб кўрган эди, бундан натижа чикмади. Боиси, ана шу икки ой ичida медэкспертиза билан оғиз бириктирган клиника раҳбарлари ажалнинг сабабини бошқа нарсага буриб юборибди.

Эрасил шуларни айтар экан, қўлидаги соатига тез-тез кўз ташлаб кўярди. Буни сезган Президент:

– Нега соатга қарайверасан, шошиляпсанми? – деди.

– Шошилаётганим рост, – деди Эрасил.

– Қайга шошиласан?

– Ҳеч қайга... Сизнинг вактингизни оляпманми, деб... – ийманди Эрасил.

– Кунда учрашяпмизми? Безовта бўлмай, эркин гапиравер.

– Яна бир муҳим масала – ижтимоий жамғармалар ҳакида, – деб гапини давом эттириди Эрасил. – Бизда нима кўп, турли жамғармалар кўп. Бугунда уларнинг сони йигирма уч мингта экан! Ўша беҳисоб жамғармалардан жамиятга келадиган фойда йўқ. Улар тендерга қатнашиб, давлатдан жуда катта маблағ олади. Кейин ўша маблағдан ўзлари учун бош фойдани яратишади. Нодавлат ўюшмаларининг фойдасидан ҳам зарари кўп.

– Ҳа, ўйлатадиган масала, – деди Президент.

– Яна бир ўткир муаммо, – деди Эрасил, – бизнинг юртда телеканаллар, айникса, ҳар хил газеталар урчиб кетган. Биргина Чимкентнинг ўзида уч юздан ортиқ газета чиқар экан. Шуларнинг аксарияти «сарик нашр» деб аталувчи, ҳеч нарсага арзимайдиган хусусий газеталар. Ўша олабезак нашрларнинг сахифаларини турли хил ёлғон башоратлар, миш-мишлару реклама, беҳаё ҳангомалар, яланғоч аёлларнинг суратлари эгаллаган. Бу нашр эгаларининг кўзлагани арzon сўз билан чалғитиб, анқов қозокнинг чўнтагини қокиширишдан иборат. Элимиздаги телеканалларнинг ҳам сони кўп, салмоғи йўқ. «Хабар»дан бошлаб «Остона» телеканалигача бир-бирларини такрорлаш билан машғул бўлишади. Айрим пайтда, барча телевидение

каналларни сузиб чикиб, кўрадиган ҳеч нима то-
полмайсан. Қайси канални очсанг, кисқа кунда
кирк бора такрорланадиган арzon концерт. Қўлда
ясалган сохта «юлдузлар». Ўзларида овоз йўқ.
Жонсиз, сохта, йиғлоқи, ёқимсиз нолишни ба-
ланд мусиқага буркаб, экрандан тушмайдилар.
Рост, «Қозоғистон» телеканалида яхши дастурлар
бор. Бу канал тайёрлаган миллий сериалларнинг
анчасини кисқартириб, айримларини «Мадани-
ят» билан «Билим» каналларида бирлаштирилса,
томушабинларнинг савияси ҳам ўсади, давлат
маблағи ҳам тежаларди.

– Айтган гапларингда жон бор. Таклифларинг-
ни ўрганиб, тегишли чоралар кўрилади, – деб Пре-
зидент сухбатни якунлади.

Бир соату ўн дакиқага чўзилган сухбатда
сўзини бўлмай, айтган таклифларини, тилаклари-
ни дикқат, ихлос билан тинглаган Президентдан
мамнун бўлган Эрасил қабулхонадан канот боғлаб
чикди.

XIV

Олма-отадаги мухташам санъат маркази ўша
куни Дониёрнинг хотира кечасига келган одам би-
лан лик тўлди.

Хотира кечани Эрасил уни ташкил этган жамо-
ат уюшмаларига, ўғлининг дўстларига миннатдор-
чилик сўзи билан якунлади.

– Ушбу кеча тасвирга туширилдими? – деб
сўради Сунғат Салим ўғли.

— «Қозоғистон» телеканали туширди. Бутун оқшомда мен гапирдим, — деди Олмос.

— Жуда яхши бўлибди, — деди Сунғат Салим ўғли, — буни ўйлаган телеканал раҳбарларига ҳам, журналистларга ҳам раҳмат. Бу кечани зангори экранда кўрган одамнинг ўйига ўй кўшилади.

— Бу Дониёрнинг руҳини шодлантирган ажойиб кеча бўлди, — деди Сонсизбой Ақтаев.

— Фақат шунинг ўзигина эмас, — деди Серғази Киличбоев.

— Яна нима?

— Бундай тадбирлар қарияларни ҳаёт мазмuni ҳакидаги теран ўйларга етаклайди, ёшларни эзгуликка ундейди, хуллас, ўта ўйли, ўта фаросатли кеча бўлди.

Бу факат академикнинггина эмас, Дониёрнинг хотира кечасида иштирок этган кўпчиликнинг фикри эди.

XV

Ўша йил ҳалқ учун жуда нокулай келди. Иримчил қозокнинг хосиятли йилки йилидан кутган яхши умидлари оқланмади. Йил бошланмасдан туриб тенге¹ қадрсизланди. Оддий ҳалкнинг тириқчилик манбаи – бозор касодга учради. Қишида қозоқ билан қирғиз ерини мисли кўрилмаган қалин кор қоплади. Кеч келган кўклам элга кирғийдай тегди. Ойлар давомида қовоғидан кор ёғиб, тумтайиб турган осмон бир лаҳзада очилиб, ҳаво бир

¹ Тенге – Қозогистон пул бирлиги

кундаёк исиб кетди. Тез эриган кор суви шиддатли тошқинга айланди. Қирғоғидан ошган дарё, күлларнинг сувлари жунбишга келган денгиздай соҳилларни ўпириб, у ерларни офат минтақасига айлантирди. Кутурган тошқин одамлар ва чорва молларни кўплаб нобуд қилди. Кўксарой сув омборидан тошиб чикқан жуда катта ҳажмдаги сув Сирдарёни ҳам ўзанидан тошириб юборди. Қизилўрда вилоятида бир нечта аҳоли масканлари сув остида қолди. Жануб ўз ҳолича, ҳатто шарқий, ғарбий вилоятларда ҳам кўплаб аҳоли тошқиндан шикаст олди. Караганда вилоятининг Кўкпекти масканида уч юз уйни тошқин сув ювиб кетди. Бахтга қарши, у ерда қазо топганлар ҳам бўлди.

Халкнинг эндиғи умиди ёздан эди. Халк «Ёруғ ёз келиб, ер кўклаб, яйрармиз, киш билан кўкламдаги сикилиб-жунжикишларимиз ёзилиб, оёқ-кўлимиз чўзилиб, елкамизга офтоб тегар», деб ўйлаганди. Бу умид ҳам ушалмайдиганга ўхшайди. Ёз ҳам унча яхши бўлмай турибди. Кўкламдан бери осмондан бир томчи ёмғир томмади. Офтоб «тириклиқ» деб аталган жону жониворларнинг ҳолини танг қилиб, ковурдоқдай ковурди. Ер-Онанинг тўши тилим-тилим бўлиб, кора-қизғиш тупрок бўзариб, оёқ ости тўзонга айланди. Куз келмай туриб сарғайган яшил япроқларнинг юраги тешик, юзи тақдирдан кўп машаққат чекиб, эрта қариган кайвони аёлдай заъфарон бўлиб қолди. Бошқасини қўйиб туринг, ҳатто асфальт ҳам қаттиқ жазирамага дош беролмай, сабий-

нинг ликилдоғидай билқиллаб, кун қизиган са-йин балқиб туради. Ҳаммадан қийини – экин ҳам, пичан ҳам куриб қолди. Шундай бўлгач, очлик бўлмай, нима килсин?..

Ойгулни куёш эмас, сабил хижрон куйдиради. Юраги ёниб, вужудини қўрқинчли бир ўт-ёлин мунтазам ўртайди. Бугун уйда у ёлғиз. Эрасил бир ҳамюртининг маъракасига кетган эди. У тўрт хонани навбати билан айланиб, Дониёрнинг суратига қараб, нималарнидир пичирлаб, ўзи билан ўзи сўзлашиб юрибди:

*– Вужудим менинг қийнаған!
Эй муҳаббат, эй согинч,
Семурғ бўлиб кўтариб,
Дониёрима қарай уч! –*

Ойгул шу сатрларни такрорлаб, уйдан ошиғич чиқди-да, таксига ўтириб Кенгсойга етди. Дониёрининг мангу масканига кела солиб, юрагига сиғмаган фарзанд доғи, соғинчи сирқираб, алам бўлиб, қўшиқ бўлиб, кўз ёшларига қўшилиб окди.

Ойгул юрагида тош қотган қайғусини тўкиб, қўзларидан шашқатор ёшлар оқиб, тинмай сўзлаб ўтиради. Бир пайт, қайдан келгани номаълум, бир тўп қарға Дониёрнинг қабри тепасида пайдо бўлиб, Ойгулнинг бошида айланиб учди. Шу онда, Олатовнинг юксак чўккисидан кўтарилган Оқбош бургут ҳам қора қарғалар қоплаган Кенгсойга бир лаҳзада шувиллаб етиб келди. Оқбош бургутни кўрган қарғалар «қар-кар» килиб, Кўктепани кўклаб, пастга қараб учиб, кўздан ғойиб бўлди...

Орадан бироз вакт ўтгач, осмонни коп-кора булут қоллади. Атроф-теваракни коронғилик босди. Шу онда ярк-юрк этган чақмок осмон күксини аёвсиз тилкалай бошлади. Унинг изидан каттиқ шамол күтарилди. Чақмок ёруғига илашган момакалдирокдан тоғу тош гумбурлаб, янграб кетди. Шувиллаб ёға бошлаган ёмғир салдан сўнг челаклаб куя бошлади. Ўнг томондан эсаётган шамол шиддатли тус олди. Куёшда куйган бўздай сарғайган бетини кўз ёши билан ёмғир ювган Ойгул тиззалаб ўтирганича, икки қўлини ёйиб, осмонга қараб хитоб килди:

– Эй кудратли Худо! Дониёrimни олдинг, мендан баҳтни кизгандинг! Мен баҳтсиз, шурпешана, кенг дунёга сиғмадим! Сен юборган азобдан кун-тун куйиб адойи тамом бўлдим! Эй Худо! Борлиғинг рост бўлса, менинг жонимни ол, ёнган ўтда кайдирмай! Ол, ҳозир ол, вактни ўтказмай! Мана шу ўткинчи умрга, бевафо ёлғонга лаънатлар айтиб кетайин! Тезлатақол ўлимимни! Худо, тезлатсанг-чи! Дониёrimга тезроқ етайн!..

Ойгул шундай деди-да, кора, ипак кўйлагининг чап чўнтағидан кичкина чинни қутичани олиб, ўнг қўли билан тикинини очди-да, чайқалиб туриб кути ичидаги суюқликнинг бир томчисини ҳам қолдирмай ютиб юборди. Шундан сўнг Дониёrimнинг қабрига ҳам етмасдан ерга қулади...

Ўша куни Олма-отада ер силкинди...

XVI

Ойгулни Дониёрнинг ёнига дағн этишди. Эрасил ўша куни туни бўйи ухломади. Тўшакда у ёқдан-бу ёкка ағдарилиб ётганида: «Дада, мен келдим!» деган овозни аниқ эшилди. Таниди – бу Дониёрнинг овози!

У бу овозни минг, миллион овозлар орасидан адашмай танийди. Кўзларини катта очиб, овоз чикқан томонга каради. Во ажабо! Тўшагининг тепасида жонидан азиз Дониёри унга мунғайиб караб турарди! Эрасил нимадир айтгиси келган эди, тили боғланиб, гапиролмай қолди. Кўзлари бакрайганча, унсиз ётган отасига Дониёр қўлини чўзди. Ўғлининг қўлидан каттиқ ушлаган ота қалтираб, тўшакдан аранг турди. Тиззалири қалт-калт титрай бошлади. Юган, қўриқ тегмаган асов отдай гурсиллаган юракни аранг босди. Кўзларини уқалаб, Дониёрига тикилиб каради. Ўнг билан тушнинг, борлик билан йўкликнинг орасида эсан-кираб туриб, олдинга интилганида кўзлари Дониёрнинг ярқ этган ўткир нигоҳи билан тўқнашди. Эрасилнинг танаси жимиirlаб кетди.

«Дониёртирик экан! Дониёрим ўлмабди! Дониёртирик! Кел-чи, болажоним, кел-чи, қучоғимга, соғинлим-ку, мен сени!» – деб қўлларини күшнинг кўш қанотидай ёйиб, ўғлини кучмоқчи бўлганида, муқкасидан йикилди. Ўрнидан отилиб туриб, боласини излади. Уй жихозларини, ҳатто, девордаги соатгача аниқ кўряпти. Туш эмас экан. Унда бу нима,

шарпами? Йўқ! Шарпа эмас, ҳали кўрганларининг бари чинакам кўриниш.

– Қалайсан, Доношим, қалайсан?! Кўрин-чи, кулуним, кўзимга! – деб кичкирди Эрасил. Тонгда янграган қайғули нола хобхонадан чикиб, атроф-теваракда садо берди. Шу он:

– Кўзингизни юминг-да, қайта очинг, – деган Дониёрнинг овози қулоғига чалинди.

Киприк коқиб юмгунчалик онда кўзлари ярқ эта қолган Эрасил Дониёрни кўрди. У ўзи «Машаккатли мұхаббат» романида тасвирлаган мотамсаро Қор-Она – Ойгул билан бирга Олатовнинг оқбош чўкқиларида юрган экан. У чўкки бошига чиқиб, отасини чорларди:

– Одамлар қизик. Кўзларини оча солиб, тура югуришади. Нимагадир ошикиб, нимагадир интилишади. Биревлар бойлик ортидан қувиб, биревлар мансаб орзусида ёнади. Кулиб кириб, йиғлаб чиқади. Шуни деб итдай ириллашиб, ёка йиртишади. Панада туриб бир-бирларига тош отишади. Шу холда юриб, ўзи тўрга тушганини, булғанганини сезмайди. Мана шу итча умрни бу ёлғонда «ёруғ дунё» дейишади. Ундей эмас, бу дунёни «ёлғон дунё», деган маъкул. Инсон умрида маъно-мазмун йўқ. Ундан кўра, мана бу бевафо, ёлғончи, алдамчи ҳаётга қўлни бир силтаб, исқирт дунёда булғанмасдан, покиза ҳолингда фанодан бақога тезроқ кетган маъкул. Ке, ота, тоғлар кучоғига ке! Сени кутаман!

Дониёр шуни айтди-да, оппок корли туманга сингиб кетди.

Эрасилнинг кулоғига мотамсаро сулув Кор-Онанинг қўшиғи эшитилди:

– *Фарзандим ўлиб, гам қучган,
Кайгу ютиб, қон қусган.
Мотамсаро Қор-Онаман,
Бола ўрнига тош қучган.*

«Бу ёлғон дунёда мен қиймайдиган нима қолди? Кетаман бу ёлғон дунёдан. Ўғлимга, қулунимга – Дониёrimга етаман. Кетиш керак. Тезроқ Дониёрга етиш керак. Кетиш керак. Кетиш керак!...»

Шу сўзлар акл-ўйини эгаллаган Эрасил ўтириб, васиятнома битди:

«Айланайин оқ бўтам – Суюнчбека! Мени Дониёrim чакиряпти. У менинг «Машақкатли муҳаббат» романимдаги мотамсаро, сулув Кор-Она – Ойгулим билан бирга қорли тоғлар оғушида экан. Уни сулув Кор-Она билан Ойгулим қўриқлаб юрибди. Мен уларга тезроқ етишим керак. Сенга айтар омонатим, манов тўрт хонали уйни ўзингдаги иккинчи калит билан оч. Сўнг уни уйсиз, жойсиз юрган кўп қозокнинг бирига ҳақсиз, пулсиз бер. Уларга: «Дониёрнинг хонасини шу ҳолатда сакланглар, қолган уч хонада ўзларинг яшанглар», деган шарт қўй. Мени ахтариб овора бўлманглар. Барибир тополмайсизлар. Мен Олатовга кетдим, корли тоғлар қўйнидаги мотамсаро Кор-Она – Ойгулим билан оқ қанотли фариштам – Дониёrimга.

Алвидо, алвидо, соғ бўл, бўтам, Суюнчекам менинг. Бахтсиз отанг – Эрасил».

Эрасил хатни эшикнинг ичкарисига елим тасма билан ёпиштириди-да, Олатов томон юриб кетди.

Суюнчека билан Куттибек Эрасилнинг уйига келиб, хатни ўкишганида у мотамсаро сулув Кор-Она – Ойгул билан оқ қанотли фаришта – Дониёрини ахтариб, Олатовнинг корли чўққиларини кезиб юрган эди...

Ўша куни кундуз осмондан ерга улкан метеорит тушди... Ўша куни тунда тоғда қалин қор ёғди, шаҳар челаклаб қўйган ёмғирга чўмилди...



ЮРАК ҚОНИ БИЛАН ЁЗИЛГАН АСАР

2013 йил, 17 август. Бунақанги даҳшатли фожиани кўриши у ёқда турсин, ҳечам эшиитмаганмиз ва бунақа ҳодисани ҳеч кимнинг бошига тушишини истамаймиз! Гап шундаки, ўша куни қозоқ адабиётининг таниқли адаби, Давлат мукофотининг лауреати, санъат арбоби, яқин дўстимиз Собит Дўсанов севикли кенжатойи, кўзининг оқу қораси, жигарбанди Дониёрбекдан ажралиб қолди.

Мен бу оштани яхши билардим, борди-келдимиз бор эди. Олма-отада бўлган адабий анжуманларда, адабиёт ва маданиятга оид турли тадбирларда тез-тез учрашиб, мулоқотда бўлиб турар эдик. Мен Дониёрбекни 2000 йили, отасининг 60 йиллик юбилейига борганимда кўрган эдим.

Собитнинг бир одати бор. Олма-отада Ёзувчилар уюшмасида биронта тадбир бўлиб қолса, ўша тадбирга келган барча қардош халқларнинг ёзувчиларини хонадонига таклиф қилиб, зиёфат беради. Ана шу зиёфатда Дониёрни биринчи бор кўргандим. Эгнида калтаенг кўйлак, шортик кийиб олган 11–12 ёшлардаги ўсмир, қўлида японларнинг катталиги ўзи билан баравар камерасини зўрга кўтариб, меҳмонларни тасвирга тушириб юради. Мен ичимда: «Бу бола ким ўзи? Унинг қўлига бундай қимматбаҳо камерани ким бериб қўйибди?» деб ўйлардим. Ахир, ўша пайтда бунақа камера учун

бир енгил автомашина олиш мүмкін зди-да. Кейин, зиёфат тарқаб, холи қалғаниңизда бу бола Собиттинг севикли кенжатойи эканини биліб олған здим.

Собит дүстүрининг 70 йылдың түйіда эса, ўша, мен күрган 11-12 ёшты Дониёр 21 га түріб, анча миқти, тұлишган, ғап-сүзларига маза кирған, чиройли үйгит бўлибди. Бу 2010 йили, феврал ойида зди. Олма-ота шаҳри жуда гавжум бўлиб кетган, күчалари тор, бунинг устига, машиналар серқатнов. Дониёрбек машинани шундай ҳайдардики, биз – рафиқам Муборак икковимиз юракларимизни ҳовучлаб ўтирадик: у олдинги машинага машинасининг түмшугини тақаб, жуда тез, чандастлик билан ҳайдарди...

Дониёрбек жуда ақылы, меҳрибон, дилбар үйгит бўлиб вояга етибди. Биз, яъни турмуш ўртогим Муборакхон билан, нима десак, құлдарини күксига қўйиб, «Хўп бўлади, ога!» деб югургилаб хизмат қиларди. Шаҳарнинг гўзал масканларини, Олатовнинг хушиманзара жойларини томоша қилдирап зди. Ёзмишдан бўлиб, каминабетоб бўлиб қолдим-у, ўша юбилей кечаси (юбилей 2010 йили 1 февралда Олма-отадаги муҳташам Абай номидаги опера ва балет театрида бўлаётган зди) табриклиш ғалим келганида саҳнага кўтарилиб. Собитни муборакбод этдим-у, пастга тушдим. Собиттинг аёли Қурагайхоним ҳушёр аёл эмасми, мендан келиб ҳол сўради. Борган сари нафасим сиқилиб, безовта бўла бошлаган здим. Буни пайқаган Қурагай шошилинч «Тез ёрдам» машинасини чақирди ва мени

тўғри Президентнинг стационарига олиб кетишиди. Ана ўшанда Дониёрга жуда меҳрим тушиб қолган эди. У кеч демай, кундуз демай мендан тез-тез хабар олар, Муборакхонимни, Қурагайни, отаси Собитни мен ётган касалхонага олиб келиб турарди. Унинг муомаласини айтмайсизми! Кейинчалик эшитишимга қараганда, у қўни-қўшиниларга ҳам, боқувчиси йўқ ёлгиз қўшни кампирга ҳам меҳрибонлик кўрсатиб, уларга ёрдам беришга шошилар, Тўргай вилоятидаги амакиси Бўтайдга пул жўнатиб турар экан. Шундай ақлли-фаросатли болани яхши кўрмай бўладими?

Биз, Муборакхоним билан стационарда ўн олти кун ётиб, даволаниб чиққанимизда ҳам бизни ўзининг «Жип» машинасида вокзалга олиб чиқиб, купега жойлаштириб, қайтган ҳам ўша Дониёр бўлади. «Ота-онам, амакиларим, янгаларим ҳам Носир огани кузатиш учун вокзалга чиқшишди-ку, мен қола қолай», – демади. Ўшанда унинг «Хайр!» деб қўл силкиши, илиқ ва меҳрибон табассуми ҳанузгача кўз олдимдан кетнайди...

2013 йилнинг 5 августида Олма-отадан Собит қўнгироқ қилиб қолди.

– Наке, анови Дониёр болангизни уйлантирямиз. Келинглар. Меҳмонқулга ҳам айтинг, келин билан бирга келсин! Ҳа, айтгандаи, тўйимиз 17 август куни «Олма-ота» ресторанида бўладиган бўлди, – деди.

Мен қийин аҳволга тушиб қолдим, нега деганингизда, Олма-отада бошланган юрак хуру-

жидан ҳалиям қутулолмай юрган эдим. Дарҳол Мөхмонқулга қўнгироқ қилиб, воқеани батофсил түшунтирдим. Минг афсустар бўлсинким, ўша кунлари Мөхмонқулнинг ҳам ошлавий тадбирлари бор экан. Биз тўйга боролмаслигимизни айтиб, жадалхат орқали Собитдан узр сўрадик, яхши ниятлар билдириб, тўй билан табрикладик. Кейин, боролмаганимиз тұфайли афсусланиб, 17 августр кунини күтдик. Ўша куни Мөхмонқул иккаламизнинг калламиизда фақат: «Тўй қандай ўтди экан?» деган гап айланарди. Кейин эшилсак...

Бир тасаввур қилинг-а, тўйга ҳамма нарса ҳозиру нозир. Дастурхонлар бадастир. Ҳамма меҳмонларнинг юзларида байрамона кайфият. Фақат ҳозир келин билан куёв кириб келади-ю, ҳамма уларни «Ёр-ёр!» билан қарши олади. Шу билан висол тўйи бошланади. Ҳамманинг қулоги динг. Ҳамманинг кўзи йўлда. Шу аснода башанг кийинган, капалакнусха галстук таққан икки йигит ресторанга шошилиб кириб келди-ю, эшик олдида турган Дониёрнинг ота-онасига бир нималарни шипшигандай бўлди. Собитнинг тили камлагага келмай қолди, онаизори Куралай ҳушидан кетиб йиқилди...

Маълум бўлишича, келин билан куёв келаётган машина ва уларни кузатаётган машиналар карвони йўлда тўхтабди. Сабаби, Дониёрнинг мазаси қочиб қолибди. Уни дарров яқиндаги шифохонага олиб кириб, укол қилдиришган. Шу жойнинг ўзида Дониёрнинг... жони узилган.

Ресторандаги меҳмонлар бу гапларни эшитиб, турган жойларида қотиб қолишади. Шундан кейин улар аста-секин тарқалиб, икки юз кишилик ресторан ҳувшилаб қолади. Мана, бор гап шу.

Ҳурматли ўқувчим, сиз юз берган фожианни кўз олдингизга келтирган бўлсангиз керак. Бунга қандай чидаш мумкин?! Мана, бир йилдирки, ота-она ўғли Дониёрнинг куйигида ўртанаади. Қозогистонда нечта газета бўлса, ҳаммаси Дониёрнинг фожиали ўлими ҳақида ёзишиди. Улар ҳам отаси билан онасига таскин бермади. Собит «Умр сурин осонмас» деган затворли, каттагина китоб чоп эттириди. Бу ҳам таскин бермади. Ота юз берган фожиа ҳақида ўзини овутиш учун юрак қони билан қўлингиздаги ушбу романни ёзди. Роман дарҳол қирғиз тишига таржима қилиниб, китоб ҳолида нашр этилди. Асарни Қозогистондаги «Юлдуз» журнали чоп этди. Эшишишимизга қараганда, руслар ва инглизлар ҳам асарни ўз тишиларига таржима қилиб, чоп этишган.

Романнинг ўзбек тилидаги таржимаси бизнинг дўстимизга бўлган тасаллимиздир. Асарни моҳир мутаржим дўстимиз Меҳмон Исломқул ўғли таржимасида Сизга ҳавола этаётирмиз. Асада муболагали ўринлар мавжуд. Масалан, муалиф Дониёр дафи этталанида кун туттилди. дейди. Дониёрнинг онаси – асар қаҳрамони Ойгул ўлганида шаҳарда зилзила бўлди, деган сифатлар бор. уни тўғри тушуниш керак. Аслида зилзила ҳаётнинг бешафқат зарбаларидан озурда бўлган муалиф-

нинг кўнглида бўлган, кун туттишиши кўзларида бўлган, деб тушунмоқ керак.

Фарзанди аржумандига ота муҳаббати, она меҳри шундоқ бўлиши керак. Биз бу сатьй-ҳаракатимиз орқали ўқувчиларимизни хабардор қилиш билан бирга, Дониёрнинг падари бузрукворию муҳтарама онасига жиндек тасалли беролсак, ақалли бир дастрўмлча бўлиб, кўз ёшини арта олсак, дўстлик бурчимизни ўтаган бўлар эдик.

Ҳеч кимнинг бошига бундай мусибат тушмасин!

**Носир Фозилов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъят арбоби**

МУНДАРИЖА

Одил Ёкубов. Забардаст адиб.....	3
Арвона. <i>Насрий достон.</i>	
Носир Фозилов таржимаси.....	5
Дилдаги оҳим менинг. <i>Қисса.</i>	
Носир Фозилов таржимаси.....	30
Ёвшан иси. <i>Ҳикоя.</i>	
Носир Фозилов таржимаси.....	105
Оқбош бургут ҳақида ривоят. <i>Ҳикоя.</i>	
Мехмон Исломкул ўғли таржимаси.....	115
Учрашув. <i>Ҳикоя.</i>	
Мехмон Исломкул ўғли таржимаси.....	130
Кашкир улиган тун. <i>Раман.</i>	
Мехмон Исломкул ўғли таржимаси.....	161
Носир Фозилов. Юрак қони билан ёзилган асар.....	375

Адаый-бадий наир

СОБИТ ДҮСАНОВ

ҚАШҚИР УЛИГАН ТУН

(Роман, қисса, ҳикоялар)

Мухаррир *T. Мирзаев*

Бадий мухаррир *Ш. Қурбонов*

Техник мухаррир *Л. Ҳижсова*

Мусаххиҳ *С. Салоҳутдинова*

Кичик мухаррир *Г. Ералиева*

Компьютерда сахифаловчи *С. Азизтоева*

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08.2009.
Босишига 2017 йил 13 февралда рухсат этилди.
Бичими 80x100 $\frac{1}{12}$. «Газетная пухлая» көғози.
«Times New Roman» гарнитурасида, оффсет босма
усулида босилди. Шартли босма табоги 17,76.
Нашр табоги 13,17. Адади 3000 нусха.
Буюртма №17-23.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Дўсанов, Собит.

Д 99 Қашқир улиган тун [Матн]/ С. Дўсанов.
Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 384 б.

ISBN 978-9943-28-762-4

**УЎК 821.512.122-3
КБК 84(5Каз)**



Собит Дұсанов

Собит Дұсанов 1940 йилда Қозғистоннинг Түргай вилояти Амангелди туманида туғипган. Ҳозирги қозоқ адабиётининг етук намояндапаридан бири, жамоат арбоби. Қозғистон Дағлат мұкофоти сохиби.

Унинг ўнлаб роман, қисса, ҳикоя ва публицистик мақолалари турлы халқлар тилларига таржима қилинген. Адіб 2000 йилда М.Шолохов номидаги халқаро мұкофотта сазовор бўлган. Шунинг билан бир қаторда у Россия педагогика ва ижтимоий фанлар академиясининг академиги саналади.

Собит Дұсановнинг «Төғ йўли», «Иккинчи ҳёт» романлари, «Арвона» номли қиссаси муаллифга катта шуҳрат олиб келиш билан бирга, унинг номини чет элларга ёйишга хизмат қилди.

Собит Дұсанов ўзининг туркй халқлар олдидаги хизматлари учун М. Кошғарий номидаги халқаро мұкофот билан тақдирланган.

ISBN 978-9943-28-762-4

9 789943 287624

«O'ZBEKISTON»